

56

ТАФАККУР



ИЖТИМОЙ - ФАЛСАФИЙ,
МАЪНАВИЙ - МАЪРИФИЙ
ЖУРНАЛ

ТАФАККУР 2/2017





Абдулла Қаҳҳор

R 586

ИҚТИБОС

J

Alisher Navoiy
nomidagi
O'zbekiston MK

...MEN AYTMASAM, KIM AYTADI?!

Энг
№ 3

- ❖ **Ҳақиқат қанча кўп қаршиликка учраса, кишиларнинг қалбидан шунча чуқурроқ ўрин олади.**
- ❖ **Юртдан чиқиш тириклай гўрга кириш деган сўз.**
- ❖ **Кишан олтин бўлса ҳам ҳарқалай кишан!**
- ❖ **Эс-хуши жойида ҳар бир одам кўриб-билиб турган ҳақиқатни мен айтмасам, сиз айтмасангиз, бошқа биров айтмаса, ким айтади?!**
- ❖ **Энг яхши ҳийла – тўғрилиқ.**
- ❖ **Одам боласи циркнинг оти эмаски, қамчи қарсиллаганда чўккаласа!**
- ❖ **Чиройли лоф-қофдан хунук ҳақиқат яхши.**
- ❖ **Кўп сўз ёлгоннинг юзини пардалаш учун керак. Ҳақиқат шундай жононки, пардоз унинг хусини бузади.**
- ❖ **Талант учун энг хавфли шира офаринчиликдир.**
- ❖ **Уят – жамиятимизни бало-қазодан асрайдиган буюк посбон.**

Алишер



ODDIY INSONIY TUYG'UDAN... OZON QATLAMIGA QADAR

*Ёзувчи ва филолог олим
Хуришид ДЎСТМУҲАММАД
билан суҳбат*

– Президент Шавкат Мирзиёевнинг Фанлар академияси аъзолари, етакчи фан намояндалари билан учрашувида миллий академиямиз фаолияти билан боғлиқ ютуқлар қатори бир талай камчиликлар ҳам тилга олинди. Бутун дунёда академиялар фан соҳасида ҳукуматга маслаҳатчи, муҳим илмий изланишларга йўлбошчи, жамиятда фанни оммалаштириш, фуқаролар дунёқарашини ўстиришга масъул саналади. Академия аъзоларидан, илғор зиёлилар ўлароқ, жамиятда ўзига яраша мавқеи, айтар сўзи бўлиши ҳам талаб қилинади. Фан ва таълим соҳасидаги муаммоларни баралла айтиш, уларга жамоатчилик эътиборини қаратиш ҳам академиянинг бурчи, менимча. Шу нуқтаи назардан, бугунги академиямизнинг фан соҳасидаги ҳукумат сиёсатида қанчалик ўрни бор? Бу ташкилот ўз номига чиндан-да муносибми? Нега кўп академикларимизни эл танимайди, уларни матбуот ёки телевидениеда кам кўрамиз? Илгариги Фанлар академияси билан ҳозиргиси ўртасида қандай фарқ бор? Бу соҳада биз қандай камчиликларга йўл қўйдикки, академиямиз шу аҳволга келиб қолди? Вазиятни ўнглаш учун нима қилиш керак, сизнингча?

– 2016 йилнинг 30 декабрида Президент Шавкат Мирзиёев миллий илм-фанимиз фахрийлари бўлмиш академиклар ва атоқли фан арбоблари билан учрашди, давра суҳбати қурди. Ватанимиз мустақиллигининг дастлабки чорак асрида бундай мулоқот илк бор ташкил этилгани учун ҳам уни фавқулудда ажойиб воқеа десак янглишмаймиз.

Учрашувда “миллий академиямиз фаолияти билан боғлиқ ютуқлар қатори бир талай камчиликлар ҳам тилга олинди” деган жумла бор саволингизда. Шахсан мен учрашувни телеэкран орқали кузатиб, Фанлар академияси фаолиятидаги ютуқлар ҳақида сўз борганини пайқамадим, лекин талай камчиликлар тилга олингани ҳаққирост. Академия ва унинг тизимидаги институтларда, мавжуд қийинчиликларга қарамай, баҳолиқудрат илмий тадқиқот ишлари олиб борилганини инкор этиш инсофдан бўлмас, лекин умумлаштириб дангал айтсак, академия ўтган чорак аср мобайнида таназул даврини бошдан кечирди. Қулоққа оғир эшитилади бу сўз, бироқ начора, айтай десангиз – тилингиз, айтмай десангиз – дилингиз қуяди. Оқибати эса жамоатчиликка қундай равшан – академия таркибидаги илмий тадқиқот институтлари олий ўқув юртларига улашиб берила бошлади. Лўнда айтганда, 70 йилдан буён фаолият юритиб келаётган илмий тадқиқот марказларининг баҳридан ўтишга киришилди. Нега? Нима учун? Не сабабдан?

Бу каби саволларга жавоб изламадик, бундай “ислоҳот”нинг оқибати учун жондан кечиб қайғурмадик. Кўча-кўйда “Эх, аттанг! Фанлар академияси йўқ давлат ҳам бўладими?!” қабилдаги ивир-шивирлар айтилгандир, лекин “Ҳой халойиқ, ҳой илмий жамоат, бу қандай гап? Кимдан чиқди бу маслаҳат, академиямизни асраб қолиш чораларини топайлик!” дея бонг урмадик. Ваҳоланки, бонг уришга арзирли воқеа, ҳолат эди.

Фанлар академиясининг жамиятда тутган ўрни, аҳамиятини уч-тўрт оғиз сўз билан тугал баён этиш қийин. Табиий, Фанлар академиясига қарашли илмий муассасаларда муайян йўналишлар бўйича фундаментал изланишлар олиб борилади, тадқиқотлар яратилади, кашфиётлар қилинади. Юқори малакали олимлар сулоласи айни шу даргоҳларда етишиб чиқади. Фанлар академияси мамлакатнинг, таъбир жоиз кўрилса, ақл маркази саналади. Унинг жамият ҳаётида тутган ўрнини инсоннинг ақли-шуурига қиёслаш мумкин.

Муболағага йўйманг, академия мамлакатда олиб борилаётган барча ислоҳотлар, қабул қилинаётган қарорлар учун илмий-назарий жиҳатдан масъул. Бугун жамият ҳаётида, қайси бир соҳада камчилик, янглишмовчилик юз бердими, билингки, бу ишга илм, олим аралашмаган, назариячи билан амалиётчи бош қўшмаган. Истаганча такрорлашдан чарчамайлик: илм-фан, илмий муассаса

жамиятда юз бераётган бирон бир (!) жараёндан ўзини четда ёки ўзини ундан холи тутишга ҳаққи йўқ. У – жамиятнинг, халқнинг бош мияси, ақли, тафаккури, ахир!

Фундаментал фанлар, одатда, узоқ ва яқин истиқболдаги лойиҳаларга доир тадқиқотлар ўтказади, шуниси билан улар сиёсатдан, одат ва анъаналардан, ҳукмрон қарашлардан бирмунча олдинда юради, бироқ бу улар бугун ва бугуннинг ташвишлари билан шуғулланмайди дегани эмас. Жамият миқёсида олиб борилаётган ишларнинг нечоғли тўғри-нотўғрилиги, ўринли-ўринсизлигини илмий нуқтаи назардан баҳоловчи маслаҳатчи ҳам, масъул ҳам, йўл кўрсатувчи ҳам – академия. Чунки академиянинг бош курили – илм-фан! Ақл, интеллект!

“Илмийлик” деганда маълум бир масала юзасидан тизимли-системали мулоҳаза, мушоҳада юритиш тушунилади. Тажрибалар, фаразлар, тасодифлар, ҳатто бой берилган имкониятлар бўлиши ҳам мумкин, бунингсиз илм-фан ривожланмайди, аммо-лекин асосан олганда, академик илм-фаннинг ўзак-ўзагини пухта ўйланган, тажриба-синовлардан келиб чиқувчи хулосалар, таклифлар, тавсиялар ташкил этади.

Ҳамонки Фанлар академияси мамлакатда кечаётган барча жараёнлар учун масъул экан, нега энди у ўз “томорқа”сидаги сурункали парокандалик борасида сукут сақламоғи керак? Ўз тақдирига ўзи бепарво-лоқайд бўлмоғи керак? Тақрор таъкидлайдиган бўлсак, академия тақдирига қўл силташ мамлакатнинг, жамиятнинг, халқимизнинг – тарихнинг буюк инъоми бўлмиш мустақилликнинг тақдирига қўл силташ билан баробар!

Академия аъзолари, умуман, олимлар жамиятнинг энг сара зиёлилари ҳисобланади. Зиёлилар эса ҳар қандай жамиятнинг ўзагини, умуртқасини ташкил этади. Зиёли қатлами шаклланмаган халқ тўлақонли халқ эмас.

Ердан 20-25 километр баландликда ҳосил бўладиган озон қатлами Қуёшнинг зарарли нурларини ўзига ютиб ихота вазифасини ўтайди, у она заминимизга офтоб ҳароратининг ҳаёт учун фойдали қисминигина ўтказади. Ҳар бир халқнинг зиёлилари ўз юрти, ўз жамияти осмондаги озон қатлами кабидир. Озон қатламидаги “туйнук”лар дунё олимларини нечоғли ташвишга солаётган бўлса, миллий тафаккуримиз осмондаги “қора бўшлиқ”лар ҳам жамиятимизда зиёлилар сўзининг (олиму уламо, ёзувчию журналистларни қўшиб ҳисоблаганда) заифлашиб кетганидан далолатдир, бу ҳол соғлом ақл-идрок эгаларида ташвиш-хавотир туғдирмаслиги асло мумкин эмас.

Олий аттестация комиссияси 2012 йилда бошлаган ислохотлари дунёнинг ҳеч бир диёрида учрамаса керак. Илмий даража олиш

тартиби, низоми ва шартларига қарийб ҳар ойда ўзгартириш, янгилашлар кўшилди. Илмга чанқоқ ёш йигит-қизлар у ёқда турсин, кўпни кўрган устозлар ҳам гангиб қолди. Ислоҳот – ислоҳот учун тусини олди. Оқибатда илмий тадқиқот ишлари пароканда бўлди, илмий салоҳият жаҳон мезонлари тугул, ўзимиз эришган даражалардан-да пасайиб кетди. Академия шундай вазиятда нима каромат кўрсатди?

Шўролар даври республикаимиз Фанлар академиясида қусурлар бўлса бўлгандир, лекин унда ҳаракатдаги жараён бор эди. Салобат, нуфуз баланд эди. Кимё, физика, математика, кибернетика, геология, астрономия, сейсмология, иқтисод йўналишидаги илмий текшириш институтларини оласизми, тарих, фалсафа ва ҳуқуқ, тил ва адабиёт, шарқшунослик сингари институтларни оласизми, уларнинг ҳар бири улкан илмий изланишлар “мамлакат”ига қиёс этгулик мавқега эга эди. Хизмат тақозосига кўра (бир неча йил академия муассислигидаги “Фан ва турмуш” журнали таҳририятида фаолият юритганимдан фахрланаман) ўз даврининг улкан фан дарғалари билан яқиндан танишиш, суҳбатлашиш насиб этган – Обид Содиқов, Ёлқин Тўрақулов, Саъди Сироҷиддинов, Восил Қобулов, Иброҳим Ҳамробоёв, Собир Юнусов, Содиқ Азимов, Обид Акрамхўжаев, Ҳамдам Усмонов, Абдуманнон Раҳимжонов, Иззат Султон, Матёқуб Қўшжонов, Мирҳожии Асқаров, Раҳим Бекжонов, шунингдек, қанчадан-қанча мухбир-аъзолар, фан докторлари... Ҳар бир академик алоҳида бир дунё, шахмат лаҳжасида айтганда, залворли фигура эди. Академикнинг салобати босарди, ҳузурига кириб борганда ёки кўққис рўпара келганда, тасаввур қилайлик, у қандайдир ғаройиб аура – зирх билан муҳофазалангандек туюларди. Фалончи академик билан кўришдим, суҳбатлашдим, мақола-сини журналга тайёрладим, деб фахрланардик. Журналхонлар фалончи академик билан суҳбатлашибсиз-а, деб ҳавас қилишарди биз мухбирларга.

“Фан ва турмуш” журналимизнинг бош муҳаррири, таниқли олим Ёлқин Тўрақулов таҳририят ходимларидан фундаментал изланишлар ҳақида кўпроқ ёзиш, шу орқали фан янгиликларини оммалаштиришни маслаҳат берарди. Бу йўсинда мақола ёзганда эса муайян фан дарғасига мурожаат қилишга тўғри келарди. Яъни олимнинг номи, фаолияти, кашфиётлари, қолаверса, у раҳбарлигидаги илмий жамоа, иқтидорли ёш тадқиқотчилар тилга олинарди. Фан ютуқлари оммалаштириларди. Агар журналимиз ҳар ойда 500 минг ва ундан ортиқроқ нусхада тарқалганини, журналда чоп этилган ҳар бир мақола юзасидан ўнлаб-юзлаб хат-хабар оқиб келганини, муштарийлардан олинандиган бирорта савол-муурожаат жавобсиз қолдирилмаганини назарда тутсак, маърифатга чанқоқ-

лик нечоғли кучли бўлганини, яъни ИЛМИЙ МУҲИТнинг кўлами ва жўшқинлигини осонгина тасаввур қилиш мумкин.

Бир жиҳатга эътибор берайлик, ўшанда олий даражадаги илмий дунё билан ўқувчилик, талабалик давридан илм-фанга ҳавасманд омма ўртасидаги оралиқ масофа у қадар узоқ эмасди. Халқ ўз олимини – АКАДЕМИГИни танирди, хурмат қиларди, уни ўзи учун ибрат деб биларди. Биз яқин ўтган йилларда ана шу илмий муҳитни барча афзалликларига қўшиб-чатиб бой бериб қўйдик: академия тизими молиявий бухронга учради, узлуксиз илмий изланишлар занжири парчаланди, мавжуд илмий салоҳиятнинг аста-секинлик билан тугаб боришига йўл қўйилди, илмий авлодлар ворисийлиги чок-чокидан сўкилди, илм-фан унинг заҳмат-кашларига қўшиб обрўсизлантирилди...

Ҳайратланарли жойи шундаки, халқнинг илм-фанга бўлган азалий муҳаббати, садоқати оғир синовлардан омон ўтди. Илмий жамоатчилигимиздаги бугунги инқироз кечаги билиб-билмай қўйилган янглиш қадамлар оқибати эканлиги аён бўлди-қолди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ишни ҳаёт бўлган илм-фан намояндаларига эътибор кўрсатишдан бошлагани таҳсинга сазовор. Илм-фан, аниқроқ айтганда, академия фаолияти давлат эътиборидан четда қолиши мумкин эмас.

Илм-фан маънавий, молиявий мадад тўғри йўлга қўйилгандагина юқори самара беради. Фан соҳаларида кадрлар узвийлиги-давомийлиги алоҳида аҳамиятга эга. Илмий-тадқиқот муассасаларини замонавий мезонларга мувофиқ жиҳозлаш улкан сарфиётларни тақозо этади. Ўзбекистон Фанлар академияси, умуман, мамлакатимиз фан намояндалари дунёнинг тараққий этган нуфузли илмий марказлари билан эмин-эркин мулоқотга, ҳамкорликка киришишлари зарур. Фан – аввало, назария, назарияга эътиборсизлик, беписандлик эса жаҳолатдан ўзга нарса эмас. Назария бугун оқсадими, унутмайлик, эртага амалиётда оқсаш юз бериши муқаррар. “Олимнинг ўлими – оламнинг ўлими” деган муборак ҳикмат халқимиз энг суйган ва ардоқлайдиган шиорга айланмоғи лозим. Зеро, илмнинг қоқилгани – жамиятнинг, миллий тафаккурнинг қоқилгани демакдир. “Илмий тажриба халқнинг ҳам маънавий, ҳам амалий ўзлигини англашдир” деганида машҳур олмон файласуфи Освальд Шпенглер юз карра ҳақ эди.

– Маърифат улашиш академиянинг муҳим вазифаси экани рост. Шу билан бирга соғлом матбуотсиз ҳам бу вазифа тўқис адо этилмаса керак. Сўз ва матбуот эркинлигини алоҳида қадрият сифатида ардоқлаймиз-у, серандиша шарқона одобимизни рўкач қилиб, уни кўпинча четлаб ўтишга уринамиз. Назаримда, дангал тан олиш

лозим – сўз ва матбуот эркинлиги чинакам қадриятга айланмас экан, на коррупцияга қарши самарали кураша биламиз ва на қонун устуворлигини таъминлай оламиз. Бироқ ушбу қадриятнинг назарий ва амалий жиҳатдан муаммолари борлигини ҳам қайд этмай илож йўқ. Чунончи, у бошқа қадриятлар, дейлик, шахсий дахлсизлик ҳуқуқи билан баъзан терс келиб қолади. Диний эътиқод ва муқаддасотлар билан ҳам гоҳо уйғун келавермайди. (Масалан, диний нақллардан фойдаланиб асар битган ва бунда умумқабул қилинган талқинлардан жиндак четга чиққан ёзувчи бирор диний радикал ўқига нишон бўлиши ҳеч гап эмас.) Ахир, кимдир бир қадриятни устун билса, бошқаси ўзга қадриятни муҳим ҳисоблайди. Ҳақиқатни айтишга қанчалик масъул бўлсак, ёлғонни айтмасликка ҳам шунчалик масъулмиз. Ҳақиқат йўлидаги тўсиқларни бартараф этмоққа чоғланар эканмиз, бирўла ёлғон йўлидаги тўсиқларни ҳам олиб ташламасмиканмиз, деб хавотирга тушамиз. Бу жараённи қонунан тартибга солиш эса нақадар мураккаб. Таъбир жоиз бўлса, мудом зарарлар ичидан зарарсизроғини саралашга, ёмонни энг ёмондан асрашга мажбурмиз. Сиз кўп йиллар матбуот соҳасида фаолият юритган журналист, бу соҳада талай илмий ишлар ҳам қилган олим сифатида мазкур масала назарий жиҳатдан узил-кесил ечилган деб ўйлайсизми? Умуман, уни ҳал этиш мумкинми ўзи? Сўз ва матбуот эркинлигини бошқа қадриятларга зарар етказмай ҳимоя қила оламизми?

– Жамият ҳаётидаги бир қатор муаммоларни санар экансиз, ўзингиз сезмаган ҳолда уларнинг барини матбуотга боғляпсиз. Ва тўғри қиляпсиз. Замонавий маданий жамият матбуотсиз яшай олмайди, матбуот жамиятнинг яшовчанлигини таъмин этиш, тараққий эттириш, фаровон ва айниқса адолатли ҳаёт бунёд этишда сув ва ҳаводек муҳим воситадир. Раҳматли биринчи президенти-миз Ислоҳ Каримов кўп таъкидлаган сўзни эслайлик – одамлар ҳамма нарсага чидайди, лекин адолатсизликка чидай олмайди! Савол туғилади: қандай матбуот адолатни тиклашга кўмак бера олади? Шу қадар бемисл вазибаларни адо этишга бел боғлаган матбуотнинг бирламчи вазибаси нимадан иборат бўлмоғи керак?

Умумлаштириб айтганда, матбуотнинг бурчи ва асосий вазибаси уч ўқтомирда мужассам: халқни мамлакатда ва дунёда бўлаётган воқеа-ҳодисалардан зудлик билан, холисона ва мумкин қадар батафсил бохабар қилиш. (Халқни эзгу амалларга ундаш, саводхон қилиш, маърифатини ошириш, тараққиётга тўсқинлик қилувчи иллатларни фош этиш, кенг омма ўртасида жамоатчилик фикрини шакллантириш сингари бошқа-бошқа вазибалари ҳам шу жумладан.) Ҳўш, савол туғилади: миллий матбуот “Туркистон чор

Русияси томонидан забт этилиб, мустамлака ҳолига тушган” даврдан (1920 йилда Чўлпон шундай таснифлаган) то ҳозирга қадар қайси йилларда мазкур вазифаларни эмин-эркин бажариш имконига эга бўлди?

XX асрнинг биринчи чорагида пайдарпай таъсис этилган газит-журналларнинг фидойи ижодкорлари чор маъмурияти тақдим этган “эркин”ликлардан илҳомланиб, матбуотнинг жамият аҳлига кўрсатажак таъсирига астойдил ишонган. Бу ишонч Октябрь тўнтаришидан кейинги жаҳидлар даврида ҳам давом этган (биргина Абдулла Қодирийнинг 1916-26 йилларда журналистика соҳасида олиб борган жўшқин фаолияти том маънодаги матбуот қандай бўлмоғи керак, деган саволга жонли мисол ва жавоб бўла олади). Ўшандан кейин миллий матбуот ва журналистика... XX аср 80-йиллари ўрталарига келибгина ўзининг асл бурчи ва асосий вазифаларини адо этиш билан машғул бўла олди. Миллий матбуот кимнингдир хоҳиш-иродаси, қайсидир ғоя ёки мафкура эгаларининг буйруқ-кўрсатмаси эмас – ўз стихиясининг, халқнинг, кенг омманинг эҳтиёжи йўлида хизмат қилишга ўтди. Ана энди салкам бир ярим асрлик тарихида, нари борса, 10-12 йилгина ўз ҳолича эмин-эркин яшаган, энгил нафас олган матбуот ва унинг “солдат”ларидан жаҳоннинг илғор демократик мамлакатлари матбуоти мезонларида фаолият юритишни талаб қилиш нечоғли адолатдан бўлади?!

Шу ўринда ҳар қандай истибдоду қатағон шароитида ҳам миллий журналистика ижтимоий адолат учун кураш йўлларини излагани, топгани ва шу орқали чинакам ижодий жасорат намуналарини кўрсатганидан фахрланамиз ҳам. Яхлит олганда эса...

Жамиятда шахснинг, зиёли қатламнинг ўрни ҳақида куюнчаклик билан савол қотмоқдамиз. Маданий жамиятда йирик шахслар кенг омма кўз ўнгида туғилади, вояга етади – ибрат, намуна тимсолига айланади. Бундай ишларда матбуот ўзига хос кўзгуга айланади. ШАХСлари билан матбуот саҳифаларида фахрланмайдиган, уларни миллат кўрки, миллий-маънавий бойлиги сифатида эъзозламайдиган жамият етук ва мустаҳкам бўлолмайди. ШАХСларга, чинакам ЗИЁЛИларга бой давлатгина бадавлатдир, деган машҳур ҳикматнинг амалиётдаги ифодаси матбуотда кўринмаса қаерда кўринади?!

Ватанимиз истиқлолга эришгач, жамиятнинг барча соҳаларида бошланган ислохотлар миллий журналистикамиз қиёфасини, йўналишини жаҳон журналистикасида қиёси кам учрайдиган ўзига хос ва ўзига мос янги ўзанга солиб юборди, чамамда. Матбуотимизнинг анъанавий мақсад-маслаги ўзгарди, унда ҳаёт реаллиги эмас, матбуот реаллиги устунлик қила бошлади. Мавжуд воқелиқдан кўра ҳали-вери рўёбга чиқмаган, орзу осмонидан за-

мин сатҳига тушиб улгурмаган ютуқларни олқишлашга суяги йўқ шоввоз журналистлар авлоди шаклланди. Ижобий ахборотга зўр берилди, таҳлил, танқид, таклиф-мулоҳаза кун тартибидан тушиб қола бошлади. Жаҳон журналистикасида оммалашган журналист текшируви бирйўла иккита қонуниמידа мустаҳкамлаб қўйилгани ҳолда амалда барҳам топди. Бундай йўл тутилишига халқаро муносабатларнинг қалтислашуви, ички ва ташқи муаммоларнинг кескинлашуви, мустақилликни мустаҳкамлаш, жамиятда барқарорликни сақлаш эҳтиёжи ва ҳоказолар рўкач қилиб кўрсатилиши мумкин, лекин сабаблар ўз йўлига, уларнинг қандайлигидан қатъи назар, факт шуки, матбуотимиз зиммасидаги табиий миссияни адо этишдан кўра вазият тақозосига мослаштирилди. Ваҳоланки, ўзбек миллий матбуоти ва журналистлари олдидаги вазифалар тизма тоғ бўлиб ястаниб ётган эди.

Президентимиз Шавкат Миромоновичнинг сайловолди ва сайловдан кейинги маърузаларида таъкидлаб ўтилган беҳисоб муаммолар йиғилиб қолганига қарамай матбуотимиз, журналистикамиз уларни ўз вақтида кенг жамоатчилик эътиборига, муҳокама-сига қўя олмади.

– Жамиятимиздаги икки йирик соҳа – илм-фан ва матбуотдаги муаммоларга, гарчи мухтасар бўлса-да, тўхталдингиз. Ҳар иккала ҳолатда ҳам, кечирасиз-у, муаммонинг илдизи бир нарсага – зиёли, аниқроғи, зиёлинамо юртдошларимиз орасида кенг ёйилган ва аслида ахлоқсизлик бўлган бир иллатга – “аччиқ ҳақиқат”дан кўрқиш ва айни чоқда, “ширин ёлғон”ни қарсақлар билан қаршилаш “одат”ига бориб тақалмоқда. Нима учундир ҳақиқатни доим қоғозга ўраб гапиришни тавсия қиламиз. Аслида, тоталитар давлат ва жамиятларга хос бўлган бу “санъат” кўрқув асорати ўлароқ вужудга келган. Бизнинг ҳам “муҳташам” тоталитар ўтмишимиз бор, унинг онгимизга муҳрланган излари ҳамон ўчмаган. Қизиғи, шароит ўзгарса-да, бу “санъат” давом этмоқда. Уни эгаллаганлар “маданиятли” дея олқишланади ҳам. Қачон “ширин ёлғон”ларимиздан бетимиз қизариб, “аччиқ ҳақиқат”ларимиз билан фахрланадиган бўламиз? Ҳақиқатнинг юзига уна-элик суртмай, қандай бўлса шундай айтиб қўяқолиш қачон фазилатга айланади?

– Жаҳон журналистикасида саволларнинг бу қабилда кўндаланг қўйилиши “ключие вопросы” дея таърифланади. Ҳечқиси йўқ, жамиятимиз ҳар бир соҳа эгаси ўзини ўзи айни “тиконли саволлар” билан ўққа тутадиган паллани бошдан кечирмоқда.

Инсон табиатидаги ҳеч бир туйғу беҳосият-беҳикмат эмас, уларнинг барчаси қандайдир вазифани адо этади. Жумладан, кўрқув – инсон табиатидаги энг мураккаб, энг сирли туйғулардан бири.

Тирик жон борки, қўрқув бор. Чунки тирик жоннинг бирламчи мақсади – қандай бўлмасин жонни сақлаш. Бадандаги оғриқ қайсидир касалликнинг даракчиси бўлганидек, қўрқув – жонга хавф туғилишидан бохабар этувчи сигналдир. Жон талвасаси – жисмоний-биологик қўрқув, бу – алоҳида мавзу. Лекин қўрқувнинг тури-хили шу қадар кўпки, уни заргарона фарқламай туриб у ҳақда ҳукм-хулоса чиқариш тўғри бўлмайди.

Машхур даниялик мутафаккир Сёрен Кьеркегор (1813-55) инсондаги қўрқув туйғусини махсус ўрганган. Ва мулоҳазаларини Одам Ато билан Момо Ҳаввога Парвардигор эълон этган илк тақиқдан бошлаган. Бироқ башарият падари ва волидаси тақиққа кулоқ осмадилар, оқибатда гуноҳга ботдилар. Шу тариқа биринчи гуноҳ, биринчи гуноҳкор ва шу гуноҳ эвазига ҳукм этилган жазо орқали биринчи қўрқув уруғи қадалди инсон қалбига. Бошқа диний эътиқодларни қўятурайлик-да, Қуръони каримга мурожаат қилайлик. “Бақара” сурасининг 6-оятида “қўрқитиш-қўрқитмаслик” ибораси келади. Навбатдаги оятларда гуноҳкорлар учун “улкан азоб”, “аламли азоб” борлиги ваъда қилинади. Шу тариқа Оллоҳ таолодан қўрқишнинг улкан фазилат экани, нариги дунё азобларидан қўрқиш имоннинг салмоғини белгилаб бериши бот-бот такрорланади. Илоҳий каломга тил теккизишдан эҳтиётланамиз, албатта (қўрқамиз ҳам!), илло, мулоҳаза тариқасида айтадиган бўлсак, фикри ожизимизча, улкан ва аламли азоблардан қўрқув туйғуси диний эътиқодимизнинг ўзак ақидаларидан бири сифатида қон-қонимизга сингиб кетган. Яъни жисмоний-биологик қўрқувга эътиқодий қўрқув қўшилган. Бу ёқда ижтимоий, маиший қўрқувлар “кучоқ очиб” кутиб турибди одамни.

Кьеркегор айбсизлик туйғусини алоҳида тадқиқ қилган. Унинг фикрича, ҳар бир одамда ўзини айбсиз ҳисоблашга бўлган иштиёқ кучли кечади. Оила аъзолари олдида, ҳамкасблари, раҳбарият, ёр-биродарлари, қолаверса халқ, миллат, ватан ва ҳоказолар олдида айби бўлмаслигини жуда-жуда истайди киши. Қизиғи, ушбу истак кучайгани сайин у қўрқувга айлана боради. Айбли бўлиб қолишдан, бошқаларга айбдор кўринишдан қўрқиш... Бир мисол келтирайлик: тўрт-бешта болакай кўчада тўп қувалашаётиб беҳосдан дераза ойнасини синдириб қўяди. Уй эгаси югуриб чиқади ва ўзига жавдираб, мўлтираб қараб турган болалар орасидан “айбдор”ни топади. Айбдорнинг аҳволи-ку маълум, аммо қолган болалар ўз айбсизлигидан шу қадар енгил тортадики!..

Бу – жўн гап эмас, балки ҳар қандай одамни умр бўйи таъқиб этадиган, ҳаётнинг жуда кўп вазиятларида тасдиғини топадиган руҳий ҳолат. Ўзини айбсиз ҳис этиш туйғуси, чунончи, кенг омма олдида фариштадек пок қиёфасига доғ тушишидан хавотир куча-

йиб боргани сайин қўрқувнинг кўлагаси қуюқлашади. Агар бундай одам ихтиёрида ҳукмронлик, куч-қудрат чексиз бўлса, худо урди деяверинг – у ўзини бирон лаҳза тарк этмайдиган қўрқувидан қутулиш учун кўз кўриб-қулоқ эшитмаган ёлғонларни ўйлаб топади, келажакда асқатиб қолар деган умидда айбсиз эканини исботлайдиган “тарихий” ҳужжатлар яратади, бу сингари ёлғонлар (ёлғонлигини ўзи билади-да!) зимистон қалбини ёритолмай қолган чоқларда эса таҳдид, таъқибга зўр беради. Жуда оддий тилда айтганда, вос-вос касаллигига йўлиқади, вужудию шуури ваҳимали хаёллар харобазорига айланади, унга даво топиш қаёқда дейсиз?!

Кўряпсизми, ёлғон, қўрқув ва мустабидлик бир-бирига бамисоли қондошу жондош оға-ини. Кечирасиз-у, бундай бедаво дардга йўлиққан одамнинг бетига қараб туриб ёлғончисан, лўттибозсан, беномуссан дея рўй-рост айтишни ҳеч бир соғлом ақл эгаси ўзига раво кўрмайди. Ундан кўра “Шунга зормисан, олақол” деган маънода ўша ёлғонларини олқишлаб қўя қолади.

Унутмайлик, ёлғонга ғоятда ноёб бир “фазилат” ато этилган, у – узоққа бормай ўзини ўзи фош этиш, эл-юрт кўз ўнгида шарманда бўлиш “фазилат”и. Шундай экан, ёлғонга чалинаётган қарсақларни ўша ёлғон учун мукофот эмас, балки ёлғон узоққа бормай, ҳадемай фош бўлишидан дарак берувчи пайғом, деб қабул қилинмоғи тўғри.

Кези келганда айтай, бир неча йил бурун чоп этилган “Куза...” номли қиссам айни шу руҳий ҳолатни очиб бериш нияти ила туғилган эди. Қиссада кўзда тутилган мақсадлардан бири – ҳар бир инсон ўз умри мобайнида ҳам кузатувчи, ҳам кузатилувчи мақомида бўлишини тасвирлаш бўлган. Асар ўқувчини саволга туттади: сиз кўпроқ КУЗАтувчимисиз ёхуд КУЗАтилувчи? Текширувчимисиз ёки текширилувчи? (Айбловчимисиз ёки айбланувчи ва ҳоказо.)

Кузатилувчининг (текширилувчининг) ичида ё англаган, ё англамаган қўрқув, хавотир бўлмай иложи йўқ. Бу – ҳозиргина тилга олинган айбсизлик туйғусининг айнан ўзгинаси.

Энди қўрқоқлик ва маданиятлилик ҳақида. Бир киши билан бир неча йил мобайнида мунтазам мулоқотда бўлишга тўғри келди. Ниҳоятда хушбичим, басавлат. Ёши ўтиб қолганига қарамай қиличдай. Ўзига шу қадар оро берадики, азбаройи никоҳ оқшомига отланган куёв болани эслатади. Муомала ҳам шунга яраша – ғоятда хушфёъл, латиф. Болалиқда Усмон Носир, Амин Умарий билан қувалашиб ўсган. Аянчли қисмати ҳам машҳур шоир дўстиникига ўхшаш – 18 йил умри қамоқда, сургунда ўтган. Ўша инсоннинг фёъл-атвори, юриш-туриши, гап-сўзлари таъсирида “Маданиятли киши” номли ҳикояни ёзгандим. Гап шундаки, қахрамоним ҳеч кимсага товушини кўтармайди, ҳатто чумолига ҳам тик қарамай-

ди, ҳеч қаерда зинҳор ўз сўзини айтмайди, бошқалар нима деса маъқуллайди, маъқуллаб туриб ҳам вужудини лиммо-лим тўлдирган кўрқувдан халос бўлолмайди. Ва аянчли жойи шундаки, шуларнинг барини маданиятлилик пардаси ортига яширади.

Охирати обод бўлсин, ўша танишимнинг феъл-атворидан мутаассир бўлиб юрган кезларимда буюк Достоевскийнинг “Хилватдан мактублар”идаги қуйидаги гапни ўқиб қолдим: “Бизнинг даврда ҳар қандай батартиб одам кўрқоқ ва муте бўлмоғи керак, аслида ҳам шундай. Унинг оддий нормал ҳолати – шу”.

Бу ўринда аҳволнинг нозиклиги кўрқоқлик билан маданиятлилик ўртасидаги деворнинг ғоят юқалигида.

Бундай қиёс келтираётган бўлсам-да, шахсан мен маданиятга тил теккизиш, унинг устидан кулиш тарафдори эмасман. Инсоният бу ёруғ очунга келиб орттирган бебаҳо бойлиги ҳам маданият. Дид, фаросат, назокат ва нафосат. Ёлғоннинг бетига қараб туриб – ёлғон, ёмоннинг кўзига ўқрайиб – ёмон деб ўзимизда шаклланган маданият, лутф, дид-фаросату назокатнинг ҳақоратланишини, булғанишини ҳам унутмайлик. Бу – кўрқоқлик эмас. Рост гапни айтиш жасорат саналишининг ўзи аслида уят, иснод. Чунки нотўғри қилинаётган ишнинг нотўғрилигини, ёлғоннинг ёлғонлигини очиқ-ошкора айтиш... тўғри гап тўғри ва холис қабул қилинмайдиган, боз устига, шафқатсиз жазоланадиган, таъқиб этиладиган муҳитдагина жасорат саналади (аксаран ақлсизликка йўйилади). Мен зинҳор жамият, эл-юрт манфаати кўндаланг турган жойда кўрқоқликни, ҳақиқатни очиқ-ошкора айтишдан қочишни оқламоқчи, хаспўшламоқчи эмасман. Аксинча, ҳар қандай танқидий мулоҳазани маданият билан, мулойимлик билан ҳам изҳор этиш йўлини топиш мумкин деб ҳисоблайман. Афсуслар бўлсинки, бизда ёши улуғлар – ўздан кичиклардан, эркаклар – аёллардан, ота-оналар – фарзандлардан, раҳбарлар – ўз қўли остидагилардан, бадавлатлар – ночорлардан, димоғдорлар – камсуқумлардан кўра ўзини ақллироқ, ростгўйроқ, устунроқ сезади. Улар аслида устун эмаслигини сезмайдилар ёки сезмасликка оладилар, илло дунёга ўт кетса кетадики, ўзларининг ноҳақ эканини тан олмайдилар.

Муаммонинг энг нозик жойи – жамиятда (ҳар қандай жамоада) энг қуйидан тортиб то олий мақомга қадар очиқ-ошкора фикр-мулоҳаза билдириш ва унга тоқат қила билиш муҳитини, маданиятини шакллантиришда. Ушбу маданият шакллантирилмас экан, порлоқ келажакни барпо этиш орзулигича қолаверади.

– Жамоанинг бизни кимга ўхшаш шахсга босими кучли жамиятларда одамлар керагидан ортиқ серандиша бўлади. Элдан бурун гапириб, таъна-дашномга қолиш кимга керак дейсиз? Кимдир биринчи бўлиб

журъат билан гапиришини кутамиз. Шундагина ҳақиқат овозидан мудроқ омма уйғонадию барча ўша ҳақиқатни баралла айта бошлайди. Мудроқликни бузган одамга эса “провокадор” деган тамға босилади. Ижобий маънодаги “провокадор”лик биз учун балки керакдир? Нега доим давлат раҳбари ташаббускор бўлиши керак?

– Бизнинг шароитда матбуот саҳифаларида бу мавзу муҳокама қилинганини мен эслолмайман. Сабаби битта – мулоҳазалар давлат раҳбари шахсига бориб тақалади. Шарқ мамлакатларида, жумладан, ватанимиз ҳудудларида юрт эгалари шаънига танқидий мулоҳаза айтиш азалу абад олқишланмаган. Амалдор олдида неки банд бор, оми ҳисобланган. Ундан мутелик, сомелик талаб қилинган, холос. Амир Темурдек соҳибқирон авлодлари орасида бўлган биродаркушликларни эслайлик, ўсмирларнинг биргина нигоҳи – оёқ олиши ўзгаргани замон боши танидан жудо этилган. Мирзо Улуғбекдек қиёси йўқ мутафаккир жияни Абубақр (янглишмасам, 20 ёшли) ҳавасга ёзган тўрт мисра туюқ мазмунини тушуниб-тушунмай уни қатл эттирган.

Бир иқтибоснинг ўрни келиб қолди: “Тарихдан маълумки, – деб ёзади тарихчи олим Қахрамон Ражабов, – ҳокимият тепасига келган ҳар қандай ҳукмдор ўз мавқеини сақлаб қолиш учун ўзига рақиб ҳисобланган барча сиёсий кучларни маҳв этишга интилади. Бу йўлда у ҳатто ўзининг яқин қариндош-уруғлари... дўстлари ва васийларини ҳам аяб ўтирмайди. Бу – ҳокимиятнинг азалий темир қонуни. Ким бу қонунга амал қилмаса, унинг ўзини нобуд қилишган... Ҳозир ҳам бу соҳадаги аҳвол деярли ўша ҳолатда сақланиб турибди”.

*Хирадманд улдурким, ялғон демас,
Аммо борча чин ҳам дегулик эмас.*

“Маҳбуб ул-қулуб”да келадиган бу доно ҳикмат “Садди Искандарий”да ҳазрат Навоий иниси Дарवेशалига қилган насиҳатда давом этади. Валинеъматнинг ҳукмини фарз бил, агар шубҳанг бўлса арз қил, лекин:

*Вале арзида асра шарти адаб
Ки, тарки адаб баҳра берур тааб.*

Ёдингда тут, дейди Навоий ва насиҳатига қуйидагича илова қилади:

*Манга сўз ёзардек анга ёзмағил,
Нишотинг биносин тубин қозмағил.*

Икки дostonдан келтирилган олти мисрада кўҳна Шарқ тарихининг ўта нозик нуқтаси – шоҳ ва фуқаро ўртасидаги мулоқот

одоби мезонлари мужассам дейишимиз мумкин. Мазкур мезонларга риоя қилмаслик ўз бахт-иқбол биноси тубини қазишга тенг кўрилган.

“Нега доим давлат раҳбари ташаббускор бўлиши керак?” деган савол жиддий мулоҳазага ундайди. Шаклланган миллий ва маҳаллий менталитетимизда давлат ва давлат раҳбарига алоҳида эҳтиром кўрсатилади. Ана шу эҳтиром, кези келганда, давлат ва давлат раҳбарини тенг кўришга айланиб кетади. Бир қарашда бунинг зиёни йўқдек гўё, лекин алоҳида ҳолатларда қаердадир ёки кимдадир туғилган ташаббус давлат раҳбари ва давлатга нисбатан хурматсизлик, ўзбошимчалик, билағонлик дея талқин этилади. Қарабсизки, серандишалик шахсий ташаббусдан зўр чиқади.

Ана шундай нозик ҳолатларда матбуотнинг сеҳрли ва қудратли имконияти қўл келади. Мазкур миссияни адо эта олса – чин матбуот, адо эта олмаса – сонидан, ададидан қатъи назар, бундай миллат “ғазетасиз миллат тилсиздир” (Абдулла Авлоний таърифи) дейилмоққа лойиқдир.

1990 йили “Ёшлик” журнали “Ўзбекистон мустақил бўла оладими?” деган савол билан мурожаат этди. Мухтасаргина жавобимда куйидаги мулоҳаза бор эди: “Жумҳуриятимиздаги ҳозирги вазиятда кишиларда ботиний мустақиллик сари қадам ташлаш йўлида яна бир хавф сезилмоқда. Бу шахс ва ҳокимият ўртасидаги муносабатларда кўринмоқда.

Жумҳурият Президенти, ҳукумати кейинги пайтларда амалга ошираётган – халқ фаровонлигини яхшилашга қаратилган – тадбирларнинг нечоғли таҳсинга лойиқлигини эътироф этган ҳолда шуни ҳам унутмаслик керакки, ўтказилаётган тадбирлар Президент ёки ҳукумат фаолиятини халқ назарида илоҳийлаштириб юбормаслиги лозим. Бунга йўл қўйиш, биринчидан, воқеаларни ҳали теран идрок этолмайдиган фуқаролар орасида сиғиниш касаллигини уйғотса, иккинчидан, одамлар қалбида ўзимиз истаётган мустақиллик туйғусини яна бўғишга олиб келади. Бошқача айтганда, “сен ҳозирги марказдан (Москва назарда тутилган эди) бошқаришдаги адолатсизликлардан холисан, эркинсан, бу ёғига сен бизлар туфайли мустақилсан, ўзимизга бўйсунавер” деган мазмун келиб чиқадики, бу ҳам тўлақонли эрка олиб бормади” (9-сон).

Президент Шавкат Мирзиёев пойтахт сайловчилари билан учрашувдаги маърузасида (2016 йил 24 ноябрь) жамиятда ўзаро ишонч муҳити яратилишининг аҳамиятини алоҳида таъкидлади. Назаримда, халқимиз ҳаётининг ҳар бир жабҳаси учун ғоятда долзарб муаммони ўртага қўйди раҳбаримиз. Америкалик машҳур олим Френсис Фукуяма жамиятнинг мустаҳкамлиги, барқарорлиги учун ишонч муҳити ҳар қандай молиявий тараққиётдан-да

муҳимроқ ва зарурроқ, деган ғояни илгари сура экан, иморатнинг пишиқ-пухталигига цемент, жамиятнинг жипслигига эса ишонч муҳити билан эришиш мумкин деб ҳисоблайди.

Замон замзамалари шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларга тинимсиз ўзгаришлар киритмоқда, бундай янгилашнилар яқин келажакда нечоғли жадаллашиб кетиши ва қанақанги фавқулудда жараёнларни келтириб чиқаришини келажак кўрсатади, албатта. Аммо бизнинг мамлакатимиз шиддатли эврилишлар синовидан эсон-омон ўтажагига ишонамиз.

– Халққа бунни ўқи, унисини ўқима, бунни кўр, унисини кўрма, деб кўрсатма бериб бўлмайди. Ахборотга тўсиқ қўйиш ҳам ахборот тарқатувчи, ҳам уни қабул қилувчи ҳуқуқини бузади. Шундай экан, оммани ахборот қандай пайдо бўлиши, қандай қайта ишланиши ва қандай тарқатилиши, ахборот манипуляцияси ва унинг техникасидан хабардор қилиш, бошқача айтганда, медиасаводхонлигини ошириш жуда муҳим. Миллий ОАВмиз тарқатаётган ҳар бир ахборот тўғри-ю, хорижники ҳаммаси ғаразли, деган қарашдан халос бўлишимиз, ҳар бир ахборотга индивидуал ёндашишимиз лозим. Ҳатто энг холис журналисту муҳаррирнинг ҳам ўз мафкураси, стереотиплари бўлади. Табиийки, улар ахборот мазмунига таъсир этмай қолмайди. Баъзи давлатлар тажрибасини қўллаб, балки мактаб таълим дастурига ахборотни қандай таҳлил қилишни ўргатувчи медиасаводхонлик предметини киритиш ва шу асно “ёвуз кучларнинг ахборот хуружи” ҳақидаги умумий гаплардан воз кечиш керакдир балки. Шу ҳақда ҳам фикрингизни билмоқчи эдик...

– Ёзув пайдо бўлган замонларда уни ҳар кимга ўргатавериш хавfli ҳисобланган. Ўқотар қуроолларни дуч келган одамга ишониб бўлмаганидек, ёзув ҳам хатарли қурооллар қаторига қўйилган. “Айтилган сўз – отилган ўқ” каби нақллар ўша замонлардан қолгандек, назаримда. Шўро даврининг саводсизликни тугатиш кампаниясини катта ёшдагилар эслайди. Ёши бир жойга бориб қолган бобо-момоларнинг қўлига қоғоз-қалам тутқазиб ҳарф ҳижжалаштирилган, фалон қишлоқ ё шаҳарда ҳарф танимайдиган саводсизлар қолмади, дея ҳисоботлар берилган.

Энди эса кенг оммани дуч келган нарсани ўқийвермасликка ўргатиш муаммо бўлмоқда. Ўқиш деганда ахборот олиш назарда тутилади. Бу ёруғ дунё – бохабарники. Бунга эришмоқ учун эса ўқимоқ керак. “Ахборот хуружи”, “оммавий маданият” деганлари шу қадар хатарли экан, уларга қарши кураш маркази ҳар бир инсоннинг ботинида, шуурида бўлмоғи, шаклланмоғи керак. Энг оддий ва жўн ахборот моҳиятида, ҳатто шунчаки қизиқиш-қизиқтиришда ҳам манипуляция унсури бор-да! Нима бўлган тақдирда ҳам

медиагаълим зарур, фақат у ниҳоятда чуқур ўйланган, самарадор бўлмоғи керак, акс ҳолда қош қўяман деб кўз чиқариш ҳеч гап эмас.

Ахборот майдонлари ҳарбий полигонлардан-да хавфли бўлиб бораётган замонда махсус ахборот хуружлари уюштирилиши бор гап. Бу борада четдан, аллақайси мавҳум хориждан душман қидиравергандан кўра кишиларимизнинг маънавий ботинини мустақамлаш чораларини излаган маъқул. Нормал барқарор турмуш тарзи йўлга қўйилгани сайин маънавият, савия, дид, садоқат туйғулари миллатпарварлик, ватанпарварлик туйғулари-ла туташади ва орзу қилинаётган самараларга эришилади, албатта.

– Республикамиз Президентининг аҳоли орасида китобхонликни тарғиб қилиш, унинг ривожланиши учун зарур шарт-шароит яратиш юзасидан махсус фармойиши эълон қилинди. Жамиятимизда китобхонлик даражаси пастлиги ҳақида гапирилса, бунинг уч сабаби тилга олинади: китобнинг қимматлигию вилоят-туманларга керагича етиб бормаётгани; ўқишли китобларнинг озлиги, ёзилмаётгани; аҳолининг интернет ва ТВ билан вақт ўтказаяётгани. Биринчи ва иккинчи сабабни (тўғрироғи, баҳонани) янги китоб дўконларини очиш, электрон китобларни оммалаштириш, муаллифларни моддий-маънавий рағбатлантириш, чет тиллардан таржималарни кўпайтириш орқали бирмунча бартараф қилиш мумкин. Аммо учинчи сабаб қаршисида ҳукумат чора-тадбирлари... ожиз. Менимча, китобхонликка эмас, умуман ўқишга рағбат лозим. Ўқиш эса газета-журналлардан тортиб интернетни ҳам қамраб олади. Ўқиш, билим олишга эҳтиёж бўлмаса, тарғиботнинг ўзи билан бунга эришиш имконсиз. Бошқа томондан, одамлар тарғиботсиз ҳам кино кўради, мусиқа эши-тади, футболга ишқибозлик қилади. “Инсон – табиатан билимга иштиёқманд”, дейди Арасту. Агар Арасту ҳақ бўлса, билим олишнинг энг муҳим воситаси – китоб ўқиш ташқи туртки ёки моддий эҳтиёжларсиз ҳам кино ва мусиқа каби оммавий бўлиши лозим эди. Ўқиш, билим олишга эҳтиёж шунчалик сунъиймики, қўлловга муҳтож бўлса? Китобхонлик билим олишнинг сермашаққат йўли бўлгани учун ҳам оммавийлигини йўқотиб, ўрнини бошқа воситалар эгаллаётгандир балки?

– Давлат раҳбарининг халқни, кенг оммани китобхонликка давват этаётгани ҳар жиҳатдан таҳсинга сазовор. Қани эди, китобхонлик халқимизнинг энг фахрли фазилатларидан бирига айланса, ўзбеклар жуда китобхон халқ-да, деган сифат билан ном қозонсак!

Китоб ўқимаган куни уйқуси келмайдиганлар қанчалик кўп бўлса, умрида қўлига китоб олмаганлар (ҳатто ўқувчилик, талабалик йилларида ҳам!) ундан оз эмас. Чунки, аслида, китобхонлик мутлақо ихтиёрий ҳодиса.


Китобхонлик, мутолаа маданияти – кўп қиррали масала. Оммавий китобхонлик алоҳида бир дунё. Кенг оммани китобсевар қавмга айлантириш ғоятда серзавқ ва жиддий муаммо. Лекин, кези келганда мутолаанинг хос йўналиши – профессионал китобхонлик хусусидаги айрим мулоҳазаларни ўртоқлашайлик.

“Профессионал китобхонлик” деганда ҳар бир соҳа эгасининг ўз соҳасига доир адабиётлар дунёсидан атрофлича ва мукамал бохабарлиги назарда тутилмоқда. Бугунги ўзбек мутахассиси ўз касб-корига доир дунёдаги мавжуд ахборотдан максимал даражада бохабар бўлмоқлигини талаб этмоқда замон. Аниқ фанлар борасида изоҳга ҳожат йўқдир, аммо-лекин ижтимоий-сиёсий, тарихий, маънавий-маърифий фанлар йўналишида жаҳон миқёсида фикрлайдиган, дунёга татигулик қарашларини илгари сура биладиган йирик мутахассисларга бўлган эҳтиёж кун сайин орта бориши муқаррар. Мулоқотга киришилаётган узоқ-яқин давлатлар тарихи, тизими, сиёсати, маданиятини чуқур ўрганган мутахассисларга эҳтиёж кўпайгандан кўпаяверади. Ўзбекистон аллақачон мустақил субъект сифатида дунё сахнасига чиқиб улгурди, энди ҳар қандай катта-кичик давлат билан тенгма-тенг муносабат, мулоқот ва ҳамкорликка киришар эканмиз, бу жабҳани залворли олимларимиз, сиёсатчиларимиз ва ҳоказо мутахассисларимиз иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бундай юксак мавқенинг пойдевори эса профессионал мутолаа, профессионал китобхонликдир.


Ҳар қандай фикр-мулоҳаза давр ва шу кун нуқтаи назаридан нечоғли долзарблиги билан аҳамиятлидир. Ватанимизда мустақилликнинг чорак асри мобайнида катта ўзгаришлар, янгиланишлар юз берди. Ўзига хос ўтиш даврини бошдан кечирдик. Аслида ҳар қандай даврни ўтиш даври дейиш мумкин. Лекин халқ, миллат, фан-маданият турмуш фаровонлиги барқарор изга тушган мустаҳкам жамиятда қарор топади.

2017 йилдан халқимиз навбатдаги ўтиш даврига қадам ташлади. Ўтиш даври Юксалиш даврига айланмоғи учун эса муаммонинг катта-кичиги йўқ, зеро инсон табиатидаги энг оддий, кўз илғамас туйғулардан тортиб то мутолаа маданиятигача, жамиятнинг озон қатлами бўлмиш зиёлилар фаоллигини оширишдан тортиб миллий матбуотни жамиятнинг том маънодаги фидойисига айлантиришгача барча-барчаси ғоят долзарб ва муҳим вазифа бўлиб қолаверади.

Хуршид ЙЎЛДОШЕВ суҳбатлашди.



МАЪНАВИЯТНИНГ UCH QONUNI



Биринчи мақола

Муқаддима

Европа илм-фанида маънавиятга яхлит тизим сифатида қаралмай, у тегишли фанлар – фалсафа, диншунослик, этика, эстетика ва маданиятшунослик томонидан алоҳида, бўлиб ўрганилади. Маънавиятга фақат Ўзбекистонда яхлит ижтимоий ҳодиса, бус-бутун тизим сифатида ёндашилади. Мамлакатимизда бугун маънавият таълимнинг барча бўғинларида ўқитилмоқда. Университетлар, педагогика институтларида эса миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими бўйича бакалавр, магистрлар тайёрлаш йўлга қўйилган.

Ҳар қандай янги фан бирданига мукамал ҳолда пайдо бўлмайди. У маълум тадрижий босқичлар, назарий қарашлар ва тасаввурларнинг синовдан ўтиши – апробация даврини талаб қилади. Мустақиллик йиллари “маънавият” тушунчаси, жамият ҳаётининг у билан боғлиқ қирралари, алоқадорлик ва қонуниятларини тадқиқ этишда талай

ишлар қилинди. Бугун маънавият ҳақидаги тасаввурларимиз ўтган аср 90-йиллари бошига нисбатан хийла теран. Маънавиятга бағишланган илк монографияда (1996) у инсон боласи тўлиқ тушунишга ожиз Ҳақ сирасрори сифатида мавҳум ва юзаки талқин қилинган. Баъзи тадқиқотчилар уни ўта тор қамровда – фақат тасаввуфий талқин қилишга уринди. Мутасаввифлар тақво ва имонда, ахлоқ ва нафосатда суфиёна ғояга асосланган қарашларгина асл маънавиятга алоқадор, деб ҳисоблайди. Улар назарида, ҳатто зоҳидлик ҳам суфийликка асосланмаса, таманинг бир кўринишидир.

Мустақиллик йиллари, табиийки, маънавиятга турли илмий ёндашувлар пайдо бўлди. Бу борадаги давлат сиёсати ва биринчи президент Ислом Каримов асарлари туфайли маънавият, асосан, дунёвий-илмий йўналишда тадқиқ этилди, ўрганилди. Ўз навбатида, диннинг маънавий ҳаётда

тутган ўрни ва аҳамияти инкор этилмади. Тўғри, толерантлик айрим тадқиқотчиларнинг илмийлик ва динийликни қориштиришига, эклектик қараш ва усуллар жонланишига йўл очди. Начора, ҳақиқат йўли қачон силлиқ бўлган?!

Ҳар бир фаннинг илмий аппарати – категориялари, асосий ва хусусий тушунчалари, қонунлари бўлади. Улар муайян фаннинг бутун ривожланиш тарихи давомида теранлашиб боради. Маънавиятни ўрганувчи фанлар ҳали ёш, шаклланиши давом этаётгани боис уларнинг илмий аппарати, методологияси масалалари ўта долзарбдир. Бу борада қилиниши лозим бўлган ишлар кўп.

Маънавиятни юксалтириш унинг асосий категория, тушунча ва ривожланиш қонунларини аниқ белгилаб олиб, тадқиқотларни янада теранлаштиришни талаб этади. Шу сабаб биз маънавиятнинг ривожланиш қонунлари ҳақидаги фикрларимизни журнал-хонлар билан ўртоқлашишни лозим топдик. Албатта, бу фикрлар хийла умумий, баҳсли ва камчиликлари кўп. Аммо ҳар қандай иш биринчи қадамдан бошланади.

2009 йили чоп этилган “Маънавият. Асосий тушунчалар изоҳли луғати”даги “Маънавият қонунлари” мақоласида уч қонун: маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги қонуни; маънавиятнинг инсон ва жамият билан узвий алоқадорлиги қонуни; маънавий ҳаётнинг ижтимоий тараққиётга боғлиқлиги қонуни қайд этилган ва қисқача изоҳланган. Қонунларнинг ўзига келсак, биринчи ва иккинчиси умумижтимоий, яъни жамият қонунларидир. Биринчи қонунда бу кўзга яққол кўриниб турибди. Иккинчи қонунда маънавият ўрнига ҳар қандай ижтимоий ҳодисани қўйинг – мантиқ бузилмайди. Масалан, “Иқтисодиётнинг инсон ва жамият билан узвий алоқадорлиги қонуни”. Овқат пишириш, кўрпа-ёстиқ қоplash ёки транспортдан фойдаланиш – буларнинг бари инсон ва жамият билан боғлиқ, улар табиатда, ҳайвонот оламида учрамайди. Иқтисодиёт, моддий ишлаб чиқариш, моддий истеъмол ҳарҳолда маънавиятдан фарқ қилади, ле-

кин улар ҳам маънавият каби ижтимоий ҳодисалардир. Ҳар қандай ижтимоий ҳодиса маънавият бўлавермайди. Луғатда келтирилган қонун умумижтимоий бўлиб, иқтисодиётга ҳам, маънавиятга ҳам, сиёсатга ҳам, маиший турмушга ҳам бирдай тааллуқли.

Жамиятнинг умумий қонунларидан ташқари, маънавиятнинг ўзига оид қонунлари бор. Улар табиат ва жамият қонунлари каби объектив характерга эга, ҳеч кимнинг хоҳиш-иродасига бўйсунмайди. Бироқ, табиат қонунларидан фарқли, жамиятнинг барча қонунлари каби маънавият қонунлари, гарчи одамларга бўйсунмаса-да, уларнинг онгли фаолияти туфайли юзага чиқади. Маънавият юксалишининг хусусиятларини ҳисобга олиб, унинг қуйидаги қонунларини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

1) жамият тараққиёти жараёнида соғлом ижтимоий-маънавий эҳтиёжлар муттасил ўсиб бориши қонуни;

2) маънавият ривожланишининг умумтамаддуний (цивилизацион) тараққиёт даражасига боғлиқлиги қонуни (ёки луғатдаги “маънавий ҳаётнинг ижтимоий ҳаётга боғлиқлиги қонуни”);

3) маънавият ривожланишининг ижтимоий онг ва ижтимоий муносабатлар ривожланиш даражаси билан ўзаро боғлиқлиги қонуни.

Маънавият қонунлари жамият қонунларининг хусусий кўринишидир. Биз фикр юритмоқчи бўлганимиз – маънавиятнинг яхлит тизим сифатидаги юксалиш қонунларидир. Бундан ташқари, маънавият таркибий тузилмаларининг ривожланиши ва фаолият кўрсатишини ифодалайдиган қонунлар бор. Улар маънавиятнинг хусусий қонунларидир. Масалан, ахлоқ, тил, адабиёт, санъат қонунлари каби. Мақолада уларга тўхталмаймиз.



Жамият тараққиёти жараёнида соғлом ижтимоий-маънавий эҳтиёжлар муттасил ўсиб бориши қонуни

Инсон табиати (моҳияти) ҳақида гап кетганда, унинг онгли, ижтимоий мавжудот экани қайд этилиши баробарида моддий ва маънавий эҳтиёжлари узлуксиз ортиб бориши ҳам таъкидланади.

Инсоннинг бирламчи моддий эҳтиёжлари қондирилиши унда руҳоний, маънавий эҳтиёжларни уйғотади. Қорни тўқ, хавф-хатардан холи инсон кўшиқ айтгиси, рақс тушгиси, сурат чизгиси, бирор нарса ясагиси, ўйлаб топгиси келади. Ўз навбатида, бу эҳтиёжларнинг қондирилиши улар янада сифатли, мукамал ва мазмунли бўлишига янги эҳтиёж туғдиради. Инсон эҳтиёжлари ортиши ижтимоий тараққиёт қонуни, маънавий эҳтиёжлар ортиши эса маънавият ривожланиши қонунидир. Аммо инсоннинг барча эҳтиёжлари, жумладан, моддийлари ҳам ўз маънавий жиҳатларига эга. Ҳайвонот оламида эҳтиёжлар юксалмайди, фақат ўзгаради, натижада биологик организм табиатга мослашади, холос. Инсоннинг эса эҳтиёжлари муттасил юксалади: моддийлари ҳам, маънавийлари ҳам. Бир эҳтиёжнинг қондирилиши ундан юксакроқ янги эҳтиёжларни туғдиради. Янги ўсимлик ёки ҳайвонни илк учратганда, инсон у ҳақида кузатув асосида ҳосил қилган билими билан қаноатланиб қолмаган: бу ўсимлик ёки жонивор зарарли эмасми, ундан фойдаланса бўладими қабилдаги саволларга жавоб излаган. Ижобий жавоб топса, уни қандай маданийлаштириш (ўсимликни), хонакилаштириш (ҳайвонни), кўпайтириш, парваришlash устида бош қотирган. Янги эҳтиёжлар пайдо бўлиши инсон билими, дунёқараши ривожланишига, тажрибаси ортишига хизмат қилган.

Инсон эҳтиёжларининг юксалиши, ижтимоий тараққиёт қонуни сифатида, биринчидан, унинг онгли, ақлли мавжудотлиги, эртанги кунни кўра билиши, заруратни англай олиши, яъни маънавиятга эғалиги билан боғлиқ. Иккинчидан, унинг кам куч, кам энергия сарфлаб, кўпроқ самара олиш,

ҳаётини енгиллатишга интилиши натижа-сидир. Учинчидан, ўзлиги, ўз қобилиятини юзага чиқаришга уриниши оқибатидир. Ўзлигини юзага чиқаришга интилиш ҳам маънавий мавжудот сифатида фақат инсонга хос – ҳайвонларда бундай интилиш йўқ. Эришганидан баландроқ марра, яхшироқ натижани кўзлаш, мукамалроқ, гўзалроқ буюм ёки санъат асари яратишга, янги техник асбоб-ускуна, машина, механизм ва технологияларни ихтиро этишга, турмушини эркин ва фаровон қилишга уриниш инсоннинг асл башарий хусусияти, объектив равишда туғиладиган ижтимоий-маънавий эҳтиёжларидир. Ана шу эҳтиёжлар юксалса, жамият ривожланади, акс ҳолда жамиятда турғунлик юз беради. Турғунлик асрлар мобайнида давом этиши мумкин. Инсоннинг моддий эҳтиёжлари қандай ўсиши ҳам унинг ақли, заруратни англай олиши, ўзлигини намоён этишга интилиши билан, яъни унинг маънавий онги билан боғлиқ.

Ҳатто бойлик орттириш, молпарастлик ҳирси маънавиятдаги ноқислик бўлса-да, аслида у ибтидоий одамларнинг эртанги кун ов ўнгидан келмаса ёки қурғоқчилик оқибатида мўлжалдаги ҳосил олинмай қолса, очликдан азоб чекмаслик учун эҳтиёт захира тўплаш керак, деган ишончига бориб тақалади. У аввало инсоният онгости қатламидаги архетипдир, жамоавий онгсизлик унсуридир. Бироқ у фақат жамоавий онгсизлик, ибтидоий архетип кўринишигина эмас. У ижтимоий табақалашган жамиятдаги баъзи бир ахлоқий, маънавий ва зиддиятли синфий-табақавий қоида ва меъёрларга ҳам алоқадор. Иқтисодий-молиявий имконият, бойлик инсоннинг жамиятдаги обрў-эътибори, мавқеини белгилаган, алоқаларини кенгайтирган ва ўзлиги, хоҳиш-иродаси, орзу-истакларини юзага чиқариши учун йўл очган. Хулоса қилиш мумкинки, инсоннинг барча ижтимоий эҳтиёжлари асосида унинг онги, маънавияти туради, бундан физиологик (биологик) эҳтиёжлар қисман мустасно. Аммо уларга ҳам маънавият маълум даражада таъсир кўрсатган. Масалан, овқатланиш, насл қолдириш ва кўплаб физиологик эҳтиёжлар қондирилиши

муайян тартиб-қоида, одоб-ахлоқ доирасида амалга оширилади.

Илм-фанда эҳтиёжлар масаласи доимо баҳсли бўлиб келган. Материализм тараққиётда моддий эҳтиёжлар ўсишини биринчи ўринга қўйса, идеалистлар маънавий-мафкуравий эҳтиёжларни устун билган. Аслида бундай ёндашув ушбу масалада бирёқла-маликка ўхшайди. Агар инсон фақат биологик мавжудот бўлганида, шубҳасиз, моддий эҳтиёжларнинг ўсиши белгиловчи аҳамият касб этар эди. Лекин у биологик табиатидан ташқари, ижтимоий-маънавий табиатга ҳам эгаки, айнан шуниси уни ҳайвонот олами-дан мумтоз этади. Масалага тор онтологик – материя бирламчиси ёки идея (ғоя) деган нуқтаи назардан эмас, кенгрок функционал нуқтаи назардан ёндашилса, жавоб хийла оидинлашади.

Ҳеч қандай ахлоқий, диний-руҳоний тартиб-қоидалар, меъёрлар вужудга келмаган вақтларда одамсимон махлуқлар тўдасининг турмуш тарзи ва хулқи маймунларни-кидан унча фарқ қилмаган. Дастлабки онгли чеклов, тақиқ ва мажбуриятлар (ота-она ва фарзанд ўртасидаги, кейин ака-ука ва опа-сингил ўртасидаги жинсий яқинликнинг тақиқланиши, топилган ёгулик ёки овланган ҳайвон гўштини биргаликда истеъмол қилиш, ёшларга меҳнат ва ов қуроллари ясаш, амалда қўллашни ўргатиш ва шу кабилар) одамсимон махлуқларни одамга, улар тўдасини уруғ-жамоага айлантирди. Ушбу мисоллар эса моддий эҳтиёжларга эмас, ижтимоий-маънавий эҳтиёжлар пайдо бўлиши ва ўсишига оиддир. Улар моддий, ҳатто физиологик эҳтиёжлар қондирилишига ҳам тузатиш киритди, уларни ижтимоийлаштирди. Демак, инсоннинг биологик эмас, ижтимоий мавжудот сифатидаги моҳиятини маънавий эҳтиёжлар вужудга келтирган.

Албатта, иқтисодий тараққиёт қонунлари объектив характерга эга, маънавиятга бўйсунмайди. Тадбиркор, завод эгаси нафси кучли бўлгани ёки одамларга ғамхўрлиги, меҳнатсеварлиги учун эмас, бозор талабларига мос хўжалик юритгани учун бойийди. Аммо бозор талабларини аниқ билиши ёки

тахмин қила олиши, рақобатда ақл-заковати ва иродасига таяниб иш кўриши, технологияни мунтазам такомиллаштириб бориши, ишчи-хизматчилари, давлат солиқ идоралари ва банклар билан муносабатини тўғри йўлга қўйиши, фаоллиги ҳамда шахсий меҳнатсеварлиги унинг онги, билимларига бевосита дахлдордир. Қаллоб, ёлғончи жамият, одамлар ишончидан маҳрум, қонун, ахлоқ талабларига риоя қилмайдиган, ялқов, дангаса киши ҳаётда мувафаққият ва обрў қозона олмайди.

Инсон ҳеч вақт ўз мавжудлик ҳолати – экзистенциясидан қониқмайди (гап бирон бир шахснинг маиший аҳволи, мансаби эмас, инсониятнинг тарихий жараёндаги аҳволи ҳақида кетмоқда), доимо уни ва ўзини такомиллаштиришга ҳаракат қилади. Ҳайвонда такомиллашиш мўлжали йўқ. Зеро, у ўз мавжудлик ҳолатини англай олмайди. Ижтимоий тараққиёт негизида эса мавжуд ҳолатдан қониқмаслик ётади. Вужудга келган қийинчиликларни енгиш, янги куч-ғайрат тўплаб, ривожланиш сари юз тутиш учун инсонга ирода – онгли танлов, бутун куч-ғайратини мақсадга эришишга сафарбар этиш, чидам, сабр-тоқат керак. Сабру тоқатни ўз ижтимоий ҳолатидан қониқиш билан чалкаштирмаслик керак. Сабру тоқат ривожланиш жараёнининг дискрет ва вақтинчалик шакли, мукамалликка интилиш, эҳтиёжлар юксалиши эса унинг доимий ҳолатидир.

Эҳтиёжлар соғлом ёки носоғлом бўлиши мумкин. Барча соғлом ижтимоий эҳтиёжлар, жумладан, соғлом моддий (чунончи, физиологик) эҳтиёжлар ривожланмас экан, маънавий эҳтиёжлар ҳам юксалмайди. Инсоннинг эркин камолотига хизмат қиладиган, ундаги ижобий қобилият, фазилатларни бойитадиган, ривожлантирадиган эҳтиёжлар соғлом, аксинча, нафсга, худбинлик, манманлик, молпарастлик, шахватпарастлик, мансабпарастлик каби салбий майлларга хизмат қиладиган эҳтиёжлар носоғлом эҳтиёжлардир. Улар маънавият қашшоқланишига, инсоннинг ўз нафси ва ҳирси қулига айланиб, шахсининг емирилишига олиб келади. Носоғлом моддий ва физиологик эҳтиёжлар инсонни

турли “касаллик”ларга, масалан, очофатлик, шахвоний зўравонлик, ўта зиқналикка мубтало этади. Баъзан улар маниакал кўриниш олиб, ҳақиқий руҳий хасталикка айланади. Инсоннинг эзгулик, эркинлик, адолат, ҳақиқат, меҳр-муҳаббат, гўзаллик ва камолотга интилиши, ўз қобилиятини юзига чиқариш, ижод қилишга уриниши унинг маънавий эҳтиёждир. Ўз ижтимоий ҳолати, эришган даражасидан қониқмаслик – янги соғлом эҳтиёжлар туғилишининг, маънавий ривожланишнинг омилидир. Ўз ҳолати ва эришган даражасидан қониқиш – янги, юксакроқ эҳтиёжларни уйғотмайди, бильякс маънавиятда турғунлики келтириб чиқаради.

Ҳақиқий маънавият соғлом эҳтиёжлар замирида вужудга келади. Маънавият инсонда соғлом ижтимоий, жумладан, соғлом моддий эҳтиёжлар шаклланишидан, ўз шахси билан ихтилофга бормай, асл инсоний мавжудлигини таъминлашга хизмат қилувчи ақлий ва ҳиссий муҳитдан, фалсафий, ахлоқий, илмий, диний, бадий ва бошқа маданий қадриятлардан ҳамда шахснинг ижодий фаоллигидан ташкил топади. Маънавий эҳтиёжларни социумнинг турли бирликларига оид индивидуал эҳтиёжлар, жамоавий (оилавий, гуруҳий, корпоратив), синфий-табақавий, маҳаллий-минтақавий, умуммиллий эҳтиёжларга бўлиш мумкин.

Шахс маънавиятини юксалтирмоқ учун унинг индивидуал эҳтиёжларини социумнинг бошқа юқорироқ бирликлари эҳтиёжига қурбон қилмай, улар билан уйғунлаштирмоқ лозим. Оила маънавияти, бир томондан, ҳар бир аъзосининг, иккинчи томондан, бутун оиланинг эҳтиёжлари ўсиши ва қондирилишига боғлиқ. Оила эҳтиёжлари унинг аъзолари ва бутун жамият эҳтиёжлари билан уйғунлаштирилиши лозим. Оила манфаатларини унинг бир аъзоси, дейлик, оила бошлиғи ёки эркатой фарзанд инжиқликларига қурбон қилиб бўлмаганидек, умумжамият манфаатларига ҳам қурбон қилиб бўлмайди. Оиланинг янги авлоди – билимлироқ, дунёқараши, мулоқот ва ахборот майдони кенгроқ, ҳаётий мўлжаллари, мақсадлари юксакроқ, қобилиятини юзага чиқариш имконияти кат-

тароқ бўлиши лозим. Шунда оила нафақат моддий-иқтисодий, маънавий жиҳатдан ҳам юксалади.

Манфаатларни уйғунлаштириш миллий-маънавий эҳтиёжлар ўсишига-да таллуқли. Миллий эҳтиёжлар, манфаатлар алоҳида минтақа, вилоят, ҳудуд, корпоратив гуруҳ (молиявий-олигарх гуруҳлар, ҳарбий-саноат комплекси, трансмиллий компаниялар каби), этник ва диний конфессиялар фойдасини кўзлаб чекланмаслиги лозим. Миллатнинг ўзлигини, умумий манфаатларини англаш даражаси ўсмас экан, миллий жипслик мустаҳкамланмайди, маҳаллийчилик, гуруҳбозлик, айирмачилик иллатлари сақланиб қолаверади, миллий ғурур кемтик бўлади. Илм-фан, адабиёт ва санъат, миллий тил ва маданият яхши ривожланмайди. Бундай халқ аста-секин бўлиниб, парокандаликка учраб, оқибатда бошқа халқлар таркибига сингиб кетади.

Миллий тараққиёт эҳтиёжлари бошқа халқлар билан робита боғлаш, уларнинг ютуқларидан ижодий фойдаланиш, ўз ютуқларини дунёга ёйишни тақозо этади. Жаҳон ҳамжамиятига барча соҳада тенг ҳуқуқли интеграция бўлиш эҳтиёжлари ҳар қандай маҳдудлик, миллий манманлик, миллий номукамаллик, нигилизм ва космополитизмни бирдай инкор қилади.

Эҳтиёжлар юксалиши ва маънавият ривожланиши – ўзаро чамбарчас боғлиқ. Эҳтиёжлар юксалса, маънавият ривожланади, ривожланган маънавият эса юксак эҳтиёжларни тақозо этади. Ривожланган маънавият – қондирилган соғлом эҳтиёжларнинг юзага чиқиши ва айна пайтда нисбатан юксакроқ янги эҳтиёжларнинг туғилишидир. Жамият тараққиёти жараёнида маънавият юксалиши ва эҳтиёжлар ўсиши ўртасидаги алоқалар иккинчи даражали, юзаки, тасодифий ва музаққат эмас, муҳим, зарурий, такрорланувчан ва доимий алоқалардир. Шу сабабдан бу алоқалар маънавият юксалиши қонунидир. Лекин эҳтиёжларнинг ўзи бевосита маънавият таркибига кирмайди, балки унинг ривожланиш сабаб ва оқибати, шарт-шароити, ҳаракатлантирувчи кучини

ташкил қилади. Эҳтиёжларнинг юксалиши инсон табиатига, асл мавжудлигига (экзистенциясига) мос. Шу маънода, инсонни “эҳтиёжлари юксаладиган мавжудот” дейиш ўринлидир.

Ижтимоий-маънавий эҳтиёжларни мазмуни, вазифалари, аҳамияти, муайян ижтимоий онг шаклига мансублигига қараб икки гуруҳга бўлиш мумкин.

1. Умуммаънавий, яъни маънавият яхлит тизим, бус-бутунлик сифатида тақозо этадиган ва вужудга келтирадиган эҳтиёжлар.

2. Маънавиятнинг нисбатан мустақил таркибий қисмлари сифатида ижтимоий онг шакллари тақозо этадиган ва вужудга келтирадиган эҳтиёжлар.

Биринчи гуруҳга мансуб эҳтиёжлар қуйидагилардан иборат: а) инсоннинг ўз табиатини (моҳиятини) такомиллаштириш эҳтиёжи; б) ижтимоий яратувчилик имкониятларини (салоҳиятини) ошириш эҳтиёжи; в) шахс сифатида қобилиятларини юзага чиқариш эҳтиёжи; г) эркинлик даражасини орттириб бориш эҳтиёжи.

Уларнинг ҳар бири кўплаб талаб, меъёр, мезон ва кўрсаткичларни қамраб олади. Масалан, инсоннинг ўз табиатини такомиллаштириш эҳтиёжини оладиган бўлсак, у аввало инсоннинг ақлли, онгли биоижтимоий мавжудот эканидан келиб чиқади. Демак, умуммаънавий эҳтиёжлар инсон ақли, тафаккури, билимлари, туйғулари, ижтимоий фаоллиги ва алоқалари бойишига боғлиқ. Инсон биологик табиатига кўра соғлом бўлиши (жамият миқёсида бу соғлиқни сақлаш тизими ва тиббиёт фанлари ривожланишини тақозо этади) лозим. Ижтимоий табиатига кўра, жамоавийлик туйғуси мустаҳкамланиб, ижтимоий алоқалари ва мулоқот майдони муттасил кенгайиб бориши, жамиятдаги мавжуд тартиб-қоидалар, меъёрларни яхши билиши, ўз манфаатларини жамият манфаатлари билан уйғунлаштира олиши керак.

Инсон – ўз олдига онгли мақсад қўйиб меҳнат қиладиган, табиат, жамият ва ўз-ўзини қайта яратадиган мавжудот. Инсон яратувчилик фаолиятини такомиллаштириш учун муттасил амалий ва назарий билим-

лари, меҳнат ва ижод кўникмалари, ҳаётий тажрибасини орттириб бориши лозим. Булар жамиятда таълим-тарбия тизими вужудга келиши ва жамият билан бирга ривожланиб боришини тақозо этган. Ота-она фарзандига болалигидан меҳнат қилиш, яшаш қоидаларини, ака-укаси, кўни-кўшнисини, тенгдош-дўстларини билан аҳил бўлиш, бир-бирини қўллаб-қувватлашни, оила, маҳалла ва жамоат жойларида интизом сақлашни, хушмуомалаликни, урф-одат, анъаналар учун масъул бўлишни, уларга итоат этишни ўргатади. Болада жамоавийлик туйғулари, масъулият, мулоқот, бирга яшаш ва меҳнат қилиш меъёрлари аста-секин қарор топади. Бу – унинг ижтимоийлашувидир.

Меҳнат қилиш ва яратувчиликни, бирор касб-хунарни бола дастлаб оила, уруғ-жамоа, маҳаллада, нисбатан ривожланган жамиятларда эса махсус ташкил этилган таълим, касб ўргатиш муассасаларида ўрганади. Тарбиянинг барча йўналишлари, жумладан, жисмоний ва меҳнат тарбияси маънавиятга дахлдордир. Тарбия, таълим қатори, жамият умуммаънавий эҳтиёжларини юзага чиқаришда ҳал қилувчи институтдир. Инсон ўз ижодий-яратувчилик салоҳиятини ўстириши, шахс сифатида намоён бўлиши учун яхши таълим-тарбия олиши, чуқур билим, касб маҳорати, меҳнат, ижод кўникмасига эга бўлиши керак. Бундан ташқари, ўз иши, фаолиятини танқидий таҳлил этиб, камчиликлардан қутулишга ҳаракат қилиши лозим. Булар эса инсоннинг ўз-ўзини тарбиялаш, билим ва малакасини ошириш (ўқиш) эҳтиёжидир. Демак, эҳтиёж нафақат оила, жамият томонидан тарбияланади, шунингдек, у инсоннинг шахсий онгли фаолияти маҳсулидир. У инсоннинг ички, ўз-ўзини такомиллаштириш ва қайта яратиш омилига айланади.

Жамият ташкил қилган таълим-тарбия тизимида инсон, асосан, объектдир. Ўз-ўзини тарбиялаш тизимида эса у бир вақтда ҳам объект, ҳам субъект ҳисобланади. Меҳнат-севарлик, фаоллик, изланиш, маҳоратга, танлаган соҳасида комилликка интилиб, ўз устида ишлаш инсоннинг шахс сифатида


ўзлигини намоён этиши, салоҳияти, қобилиятини юзага чиқаришининг зарур шартидир. Булар орасида яна бир муҳим шарт борки, бу инсоннинг эркинлик даражасидир. Эркин бўлмаган инсон на ҳаётда, на ижодда ўз имкониятларини тўлиқ юзага чиқара олади. Инсонда эркинлик эҳтиёжларининг ўсиб бориши жамият тараққиёти билан, ижтимоий қадриятлар тизимининг инсонпарварлиги, тафаккур эркинлиги, толерантлик қарор топиши, маънавий муҳит мустаҳкамланиши билан боғлиқ.

Иккинчи гуруҳга ижтимоий онгнинг алоҳида шаклларига оид эҳтиёжлар тизими киради: а) эътиқодий, яъни илмий-фалсафий ва диний эҳтиёжлар – нарса ва ҳодисалар, жамият ва инсон, абадият ва фонийлик моҳиятини англашга интилиш, ҳаёт маънисини, яшашдан мақсадни билиш; б) ахлоқий эҳтиёжлар – эзгулик, инсонпарварлик, ватанпарварликка интилиш, виждон амрига қулоқ тутиб яшаш, бахтли турмуш кечириш (гедонизм); в) эстетик эҳтиёжлар – гўзалликка интилиш, ҳаётни, табиат ва жамиятни гўзаллаштириш (“гўзаллик қонунлари бўйича” қайта яратиш), гўзалликдан завқлашув туйиш, ҳузур-ҳаловат олиш (эвдемонизм), нозиктаъб инсон бўлиш, ижод қилиш; г) ҳуқуқий эҳтиёжлар: адолатни қарор топтириш, инсонни, жамиятни турли адолатсизлик, зўравонлик ва экстремистик таъжовулардан ҳимоя қилиш, инсон ҳуқуқларини, қонун устуворлигини ҳар томонлама таъминлаш; д) сиёсий эҳтиёжлар – ҳуқуқий демократик давлат, очиқ фуқаролик жамияти куриш, демократия ва ижтимоий адолатга асосланган бошқарув тизимини яратиш

ва узлуксиз такомиллаштириб бориш, давлат ва фуқаро, жамият ва шахс манфаатларини уйғунлаштирадиган ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий механизмни ишлаб чиқиш ва доимий равишда такомиллаштириб бориш; е) бошқа ижтимоий-маънавий эҳтиёжлар: оилани мустаҳкамлаш, урф-одатлар, маросим, анъаналарни такомиллаштириш, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спортни ривожлантириш, ахборот олиш, ҳордиқ чиқариш, бўш вақтни мазмунли ўтказиш ва ҳоказо.

Эҳтиёжларнинг туғилиши, ўсиши, қондирилиши, янада юксакроқ эҳтиёжларнинг вужудга келиши, бу жараёнга таъсир кўрсатувчи объектив ва субъектив омиллар, эҳтиёжлар юксалиши билан боғлиқ бошқа кўплаб масалалар алоҳида ва батафсил тадқиқотни тақозо этади. Биз эҳтиёжлар тўғрисида мавзумиз талаб қиладиган умумий эътироф ва мулоҳазалар билан чекланамиз.

Хулоса қиладиган бўлсак, жамият тараққиёти жараёнида соғлом ижтимоий-маънавий эҳтиёжларнинг муттасил ўсиб бориши маънавият юксалиши қонунларидан биридир. Эҳтиёжлар юксалмаса, инсон ҳайвонот оламидан, жамият табиатдан ажралиб чиқа олмас эди. Жамиятнинг гуркираб ривожланиши бевосита ёки билвосита соғлом эҳтиёжлар юксалишига, турғунликка тушиб қолиши, инқирозга учраши, хато ғоялар томон оғиб кетиши (сиёсий ва диний экстремизм таъсирида) эса соғлом эҳтиёжлар ўсмай қолишига ёки носоғлом эҳтиёжлар устунлик қилиб кетишига боғлиқ. Эҳтиёжлар юксалиши ва жамият ривожланиши диалектик бирлиكنи ташкил этади.



Мансур БЕКМУРОДОВ



BUNYODKOR SHAXS VA MEHNAT TARBIYASI

“Яшамоқ – меҳнат қилмоқ демак”

Ривожланган демократик давлатлар қаторидан муносиб ўрин олишдек юксак мақсадимиз биздан ҳар томонлама етук ёш авлодни тарбиялашни талаб этади. Ўғил-қизлар тарбияси эса кўпқиррали бўлиб, бунда меҳнат тарбияси асосий ўрин тутати. Зеро, буюк француз маърифатпарвари Франсуа Вольтер айтганидек, “Яшамоқ – меҳнат қилмоқ демакдир. Меҳнат – инсон ҳаётининг айнан ўзидир”. Меҳнат воситасида одам нафақат оламни, ўзини ҳам бунёд этади.

Мамлакатимизда ҳар бир фуқаронинг меҳнат қилиш ҳуқуқи давлат томонидан кафолатланган. Ўзбекистон Конституциясининг 53-моддасида “Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат

қилиш эркинлигини, барча мулк шакллари-нинг тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди”, деб белгилаб қўйилган.

Биринчи Президент Ислам Каримов “Барча ислохотларнинг – иқтисодий, демократик, сиёсий ислохотларнинг асл мақсади инсонга муносиб турмуш ва фаолият шароитларини вужудга келтиришдан иборат” деган фикри билан бугунги ижтимоий меҳнатнинг маъно-моҳиятини ҳам аниқлаб берган эди (Ислам Каримов. *Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1995. 119-бет*).

XXI асрда меҳнат куйидаги хусусиятларни намоён этаётир: 1) меҳнат жараёнининг интеллектуал потенциали ортапти, бу эса

ақлий меҳнат ролининг кучайиши, ходимнинг онглилиги ва масъуллиги кучайишида намоён бўлмоқда; 2) меҳнат харажатлари моддий қисмининг улуши кўпаймоқда. Бу меҳнат воситалари (машиналар, асбоб-ускуналар, механизмлар ва бошқалар) роли ортиши билан боғлиқ бўлиб, инсон чекланган жисмоний имкониятлар шароитида меҳнат унумдорлиги ва самарадорлиги ошишида ҳал қилувчи омилга айланмоқда; 3) меҳнат жараёнининг ижтимоий аҳамияти ортапти. Ҳозирда меҳнат унумдорлигининг ўсиши фақат ходим малакасини ўстириш ёки меҳнатни юксак механизациялаштириш билангина эмас, балки инсон саломатлиги, унинг кайфияти, оила, жамоа ва умуман жамиятдаги муносабатлари билан ҳам боғлиқдир (*Абдурахмонов Қ. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси. Тошкент, Ўзбекистон Ёзувчилар уюммаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004. 11-бет*).

Мамлакатимизда бундан 20 йил аввал қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, моҳият этиборига кўра, ёш авлодни ҳаётга ҳар томонлама тайёрлаш, ҳар бир йигит-қизда меҳнатга нисбатан эҳтиёж ва иштиёқ шакллантиришни кўзда тутди. Зеро, бугун амал қилаётган “9+3” шаклидаги бепул мажбурий таълим тизими моҳиятида ҳам ҳар ўқувчининг икки ёки уч касбни пухта ўзлаштириши, хорижий тилларни мукамал эгаллаши, замонавий ахборот технологияларидан тўлиқ фойдалана билиши ва шулар асосида ҳаётга комил ишонч билан дадил қадам қўя олишидек эзгу мақсад мужассамдир.

Шахснинг яратувчилик фаолиятига тўсқинлик қиладиган уч иллат – бепарволик, танбаллик ва лоқайдликка қарши беаёв кураш очиш бугун ҳар қачонгидан-да долзарб, десак сира хато эмас. Бепарволик – ўз умри ва жамият ҳаётига эътиборсиз, совуққон қарашдир, бундай феълли киши наинки жамият, ҳатто ўзи учун ҳам бирор арзирли иш қилишга қодир бўлмайди. Лоқайдлик эса – жамиятда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга, улардаги ижобий ва салбий жиҳатларга ақлий-ҳиссий бефарқ ёндашув бўлиб, бу тои-

фа кишилар учун мустақиллик, фаровонлик, эркинлик олий қадрият саналмайди. “Темур тузуқлари”даги “Тажрибамда кўрилганким, азми қатъий, тадбиркор, хушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз кишидан яхшироқдир”, деган фикр буюк Соҳибқироннинг ана шундай бепарвою лоқайд кимсаларга муносабатини ифода этади. Танбаллик ҳам бепарволик ва лоқайдликка ўхшаса-да, бироқ меҳнатдан, яратувчанликдан ўзини онгли равишда четда тутишга интилиши билан фарқланади. Танбал одам ҳамиша оғирнинг устидан, енгилнинг остидан ўтишни маъқул кўради. Бундай кимсани ишەқмас, дангаса деб ҳам атайдилар. Танбалликдан сақланиш мумкин, албатта. Бунинг учун болалиқданоқ жиддий тарбиявий иш олиб бормоқ зарур. Зеро, француз файласуфи Клод Гельвеций айтганидек, “Агар одам болалик давриданоқ меҳнатга одатланса, меҳнат унинг учун чинакам хузурга айланади. Аммо унда бундай одат шаклланмаган бўлса, ялқовлик унга меҳнатни азоб қилиб кўрсатади”.

Ақлий меҳнат таназули даври

Шўролар даврида меҳнат умумдавлат миқёсида кампаниябозликка айлантирилган эди. Меҳнатнинг инсонга келтиражак бевосита манфаати ҳақида гапирилмас, унинг ҳажми, сифати ва иш ҳақи ўртасидаги боғлиқлик инкор этилар, меҳнатга фақат давлат шон-шухрати, сиёсий куч-қудратини оширишга қаратилган фаолият, шундай фаолиятни амалга ошириш эса фуқаролик бурчи деб қараларди (*Макаренко А. Воспитание гражданина. Москва, “Просвещение”, 1988. Стр. 220*).

Айни ёндашув шўро тузумининг асл ниятини ошкор этадиган ақл, билим, тафаккурга асосланувчи интеллектуал меҳнат ролини пасайтиришга олиб келди. Шу боис ҳам мазкур тузумнинг давлат рамзи фақат икки хил меҳнат қуроли – ўроқ ва болға эди.

Коммунистлар ақлий меҳнат вакилларига паст назар билан қарар, педагоглар, олимлар, инженерлар, врачлар ва бошқа зиёли-

ларни бошқарув жараёнидан имкон қадар четда тутар эди. Зиёлилар ҳақида коммунистик давраларда “интеллегенщина” деб беписанд сўзланарди. Айни чоқда, ақлий меҳнат вакиллари ҳар 5-7 йилда бир ўтказиб турилган ялпи қатағонлар нишонига айланарди. Биргина 1937-38 йилларда 100 минг зиёли қатағон қурбони бўлгани даҳшатли ҳолдир, албатта (*Ислом Каримов. Юксак маънавият – энгилмас куч. Тошкент, “Маънавият”, 2008. 98-бет*).

Ақлий меҳнат вакилларига бундай ёндашув замирида тоталитар давлат сиёсатининг манфур моҳиятини зиёлилар бошқа синфларга англатиб қўйишидан қўрқув ва ҳадик мужассам эди. Буни ҳаспўшланинг ҳатто назарий-методологик асослари ҳам ишлаб чиқилган. Шўро даври педагогикаси дарғалари – А.Макаренко, Н.Крупская, А.Сухомлинский ақлий ва сиёсий тарбияни ўзаро қиёслаб, кейингиси олдингисидан мутлақ устун эканини қайта-қайта таъкидлаган. А.Сухомлинский асарларида “ёш ленинчи”ларни мақсадли тарбиялаш учун ўқувчининг билим олиш борасидаги меҳнати иккинчи даражали масала эканини очиқ-ойдин ёзади: “Мен мажлисларда ўқувчининг билим олиш борасидаги меҳнат натижаларини умуман муҳокама этмайман. Мен учун ҳар доим боланинг сиёсий эътиқоди бирламчи аҳамиятга эга” (*Сухомлинский А. Коммунистическое воспитание. Москва, “Просвещение”, 1982. Стр. 56-57*). А. Макаренко эса, меҳнат жараёнида муҳим аҳамиятга эга шахсий масъулият ва жавобгарлик масаласига ҳам коммунистик мафкура нуқтаи назаридан ёндашади: “Ишда шахсий масъулият ва жавобгарлик тайинли натижа бермайди. Биз бор кучимизни коллектив масъулият ва жавобгарликни кучайтиришга қаратмоғимиз зарур” (*Макаренко А. Избранные труды. Москва, “Просвещение”. Стр. 75*).

Хуллас, шўро тузумига фаҳм-фаросатли, ақли теран, билимдон одамлардан кўра ўқиш, ёзиш ва санашни нари-бери биладиган, бироқ давлат топшириқларини сўзсиз бажарадиган ижрочилар керак эди.

Дин ва меҳнат

Қадимги диний манбаларда меҳнат турлича талқин қилинади. Биринчи йўналишга мансуб зардуштийлик динида меҳнат инсоннинг табиат билан уйғунлашуви, унга шукроналик бажо этиш воситаси деб

таърифланади ҳамда шу восита ёрдамида табиатни асраш ва бунёдкорлик қилиш беқиёс ахлоқий қадрият, дея таъкидланади.

Иккинчи йўналишга мансуб яҳудо ва насаро динларида эса меҳнат инсон учун бу дунёдаги дўзахий қийноқ саналиб, унга Тангри надомати ва жазоси деб қаралади. Жаннатдан бадарға этилган Одам Ато ва Момо Ҳавво ерда машаққатли саъй-ҳаракати ва пешона тери эвазига кун кечиршига маҳкум этилгани уқтирилади. Шунингдек, меҳнат қилиш қўйи табақа вакиллари ва қулларга хос, киборлар ва руҳонийлар эса Одам Атою Момо Ҳаввонинг гуноҳи учун тавба-тазарру ва ибодат қилиб яшаши зарурлиги қоидага айлантирилган.

Яҳудо ва насаро динларидан фарқли ўлароқ ислом динида меҳнат инсонга Оллоҳ томонидан берилган жазо деб талқин этилмайди. Исломда онгли равишда қилинган меҳнатнинг ҳосиласи ўлароқ қўлга кирилган бойликни бирга баҳам кўриш – эҳтиёжмандларга кўмаклашиш, хайру саховат кўрсатиш олий қадрият сифатида талқин этилади.

XVI аср ўрталарида Европада кенг ижтимоий ҳаракатга айланган протестантизм оқими тарафдорлари “Меҳнат – ибодатнинг айни ўзидир” деган шиор остида бирлашдилар. Меҳнатнинг илоҳий ҳодиса ўлароқ талқин этилиши одамларни ўз касб-корига масъулият билан ёндашиш, ишни сифатли адо этишга ундади ва меҳнат ризқ-рўз, бойлик келтиришига ишончни кучайтирди. Шу



жиҳатдан, Ғарб Ренессанси даври ва ундан кейинги асрларда эришилган жаҳоншумул ютуқларнинг протестантизм ғоялари билан боғлаб талқин этилишида жиддий асос бор.

IX-XV асрларда юз берган Шарқ Уйғонишида эса диний этиқоднинг меҳнат билан уйғунлашуви, илм-фан орқали дунё сир-синоатини билиш ҳаракати Оллоҳнинг нечоғли буюклиги ва қудратини англаш билан чамбарчас боғланди.

Оллоҳнинг буюклигини фақат илм-фан ва касб-хунар орқали англаш мумкинлиги Баҳовуддин Нақшбанд таълимотида айниқса рўй-рост кўринади. Ушбу таълимотда бола оиладаёқ касб-хунарга йўналтирилиши зарурлиги таъкидланган. Нақшбанд ҳазратлари бирор касбни пухта эгаллаган кишиларнигина мурид қилиб олган. Ул зот хунарга айланмаган билим самарасиз, негаки, у халққа ва Ҳаққа хизмат қилмайди, деб ҳисоблаган. “Агар киши хунарли бўлса, ўз билимини ҳақиқатга бағишлайди... Бордию касби бўлмаса, билимини тирикчиликка сарф этади... Оллоҳни ҳам, одамларни ҳам дилдан сева олмайди”, дея панд-насиҳат қилади ҳазрат (Абдураҳмонов Қ. *Меҳнат иқтисодиёти. Тошкент, “Меҳнат” нашриёти, 2004. 34-бет*).

Меҳнат тарбияси ажодлар талқинида

Шарқ Афлотуни, Муаллими соний дея улуғланган буюк мутафаккир Абу Наср Форобий “Фозил одамлар шаҳри” ва бошқа асарларида меҳнат тарбияси мавзуга алоҳида тўхталган. Форобий фикрича, ҳар бир мавжудот “ўзига хос бўлган мартаба – ...юксак камолотга эришиш учун борлиққа келган” (Абу Наср Форобий. *Фозил одамлар шаҳри. Тошкент, “Янги аср авлоди”, 2016. 285-бет*). Инсон учун бундай камолот олий бахт-саодат ҳисобланади. Даставвал инсон олий бахт-саодат нима эканини аниқ билиб олмоғи жоиз. Сўнгра уни ўзи учун мақсад қилиб белгилаб, шу мақсадга бор вужуди-ла мафтун бўлмоғи лозим. Бундан ҳам кейин мақсадга элтгувчи иш-амалларни аниқлаштириб олмоқ зарур. Энг охирида эса бахт-саодатга эриштирувчи иш-амалларга жидду жаҳд қилмоғи даркор.

Форобий бахт-саодатни мақсад қилиб белгилаш таълим орқали, иш-амал билан унга эришиш эса тарбия воситасида бўлишини уқтиради. Яна мутафаккир таъкидлайдики, жамият аъзолари бахт-саодатга эришишда бир-бирига бажонидил ёрдам бермоғи лозим. “Ҳақиқий бахтга эришиш мақсадида ўзаро ёрдам қилувчи кишиларни бирлаштирган шаҳар – фазилатли шаҳардир, бахтга эришиш мақсадида бирлашган кишилар жамоаси – фазилатли жамоадир” (*ўша асар, 288-бет*) дейди аллома.

Буюк қомусий олим Абу Райҳон Беруний ҳам “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Ҳиндистон” каби асарларида меҳнат тарбияси мавзуга батафсил тўхталган. Айниқса, у ўқитувчи меҳнатига катта эътибор қаратиб, бундай меҳнат ўқувчи онгига узлуксиз таъсир кўрсатиш туфайлигина самара беришини, билим олиш эса мунтазам такрорланувчи меҳнат орқалигина амалга ошишини қайд этади (Абу Райҳон Беруний. *Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Тошкент, “Фан”, 1968. 102-бет*).

Табиблар султони бўлмиш улуғ бобомиз Абу Али ибн Сино эса меҳнатнинг инсон ҳаётида тутган ўрни ва ролини соғлиқ-саломатлик масаласи билан боғлаб тушунтиради. “Бекорчилик ва айш-ишрат нафақат нодонликка олиб келади, айна вақтда касалликнинг туғилишига ҳам сабаб бўлади”. Ибн Сино бу ўринда тан ва руҳнинг ўзаро вобасталиги масаласига урғу беради. Мутафаккир уқтирадики, меҳнатни севиш ва нафсни тийиш донолигу саломатликка, дангасалик ва мечкайлик эса нодонлигу касалликка сабаб бўлади. Шу тариқа, буюк ажодимиз келгуси наслларга бекорчилик ва айш-ишратни тарк этинг, меҳнат орқасидан камтарона умргузаронлик қилинг, дея йўл-йўриқ кўрсатади.

“Алишерий” иборасининг сирини

Ҳазрат Навоий инсон адо этажак ҳар қандай касб ёки юмуш юксак сифатли бўлиши устида жонқуярлик қилган. Улуғ мутафаккирнинг илм-фан ва касб-хунар соҳибларига кўрсатган гамхўрликлари ҳақида

“Бобурнома”да бундай дейилади: “Фазл аҳли ва ҳунар аҳлига Алишербекчалик мураббий ва ҳомийлик қилган одам дунёда топилмаса керак” (233-бем). “Кимки бирор иш билан машғул бўлса, ҳиммат ва мақсади шу ишни камолга етказиш эди” (137-бем). “Алишербек кўп ва яхши нарсалар ихтиро қилган эди. Мабодо бирор киши қайсидир ишда бир янгилик яратса, у нарсанинг ривож ва равнақи учун уни “Алишерий” деб атардилар” (139-бем).

Ҳазрат Навоий меҳнатга меҳр қўйган одамнинг, даставвал, бир соҳада етуклик мақомига эришувига ғамхўрлик қилган. Ул зотнинг бундай талабни ўртага қўйиши сира бежиз эмас экан. Қарангки, ҳозирги педагогика ва психология фанлари инсон руҳиятига доир қизиқ бир фактни аниқлади. Киши бирор соҳада етуклик даражасига эришсаю кенг жамоатчилик унинг бу соҳада биринчилигини эътироф этса, у энди бошқа соҳаларда ҳам пешқадамликни қўлга киритишга табиий равишда интилади. Масалан, математика фанидан аълочи деб эътироф этилган ўқувчи бошқа фанларда ҳам юксак натижаларга эришишни кўзлайди. Шу тариқа, бир йўналишда эришилган юксак натижа энди бошқа йўналишларга ҳам кўчади. Олимлар бу қонуниятни “экстрополитив ўзгариш” деб атайди. Демак, таълим самарадорлигининг кескин ўсишига туртки берувчи бундай омилни амалиётга кенг татбиқ этмоқ зарур.

Экстроплятив ўзгаришларни юзага келтириш, моҳият эътиборига кўра, педагогик жараёнدير. Педагог айна жараённи нечоғли юксак самара билан ташкил этиши ўқувчиларнинг нафақат бугунги таълим-тарбияси, эртанги ҳаёти ва фаолиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатиши аниқ.

Раҳбарлик қандай меҳнат?

Меҳнатнинг энг кўп куч-қувват талаб этувчи шакли ақл билан боғлиқ фаолиятдир. Ўз навбатида, ақлий меҳнат турлари ҳам илм-фан ва фаҳм-фаросатни қанчалик кенг қўллашни талаб этишига кўра ўзаро фарқланади. Раҳбарлик ёхуд бошқарувчилик – ақлий

меҳнатнинг энг сермашаққат тури, десак асло муболаға эмас. У илм-фандан ниҳоятда самарали фойдаланиш баробарида етук фаҳм-фаросатни, яъни аввал тажрибада кузатилмаган ностандарт ҳолатларда тезкорлик билан мақбул ечим топа олиш иқтидорини ҳам талаб этади.

Раҳбар меҳнати, ўз мазмун-моҳиятига кўра, билвосита меҳнат фаолияти ҳисобланади. Чунки унинг вақти асосан бошқалар меҳнатини режалаштириш, ташкил этиш, бошқариш ва назорат қилишга сарфланади. Шу боис раҳбар меҳнатининг натижаси асосан у қабул қиладиган қарорларда намоён бўлади.

Жамоа меҳнатининг самарадорлиги раҳбар бу жараённи қандай режалаштиришига боғлиқ, демакки, раҳбарнинг ўз меҳнатини қандай режалаштириши ҳам ниҳоятда аҳамиятли. Абдулла Авлоний номидаги Ўрта умумий таълим муассасалари раҳбарлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтида ўтказилган социологик тадқиқот натижаларига кўра, мамлакатимиздаги мактаб директорларининг ярми (50,4%) ўз фаолиятини асосан хизмат вазифалари ва юқори идоралар топшириғи асосида режалаштирар экан. Албатта, бундай ёндашув раҳбарнинг ўз лавозимини кўп йиллар сақлаб қолишини таъминласа-да, бироқ бошқарувчи сифатида барқарор ўсиб юксалишига етарли бўлмайди. Зеро, ҳозирги даврда таълим муассасаси раҳбаридан ўз устида узлуксиз ишлаш асосида муттасил инновацион-креатив ривожланиш талаб этилаётир.

Шунингдек, тадқиқотдан аён бўлишича, аксар мактаб директорлари қисқа муддатда ҳал этиш зарур бўлган масалаларга (мажлис ўтказиш, тадбир уюштириш, хатлар билан ишлаш, юқори идора топшириқларини бажариш, қабулга келувчилар билан учрашиш, мактаб ҳудудида тозаликни сақлаш ва ҳоказо) асосланиб, кун, ҳафта, ойлик режаларини белгилар экан. Менежментда бу усул жорий ишлар асосида режалаштириб фаолият юритиш деб номланади ва у раҳбарни истиқболни кўзлаб иш юритишдек фазилатдан мосуво этади. Ҳамонки, бош

тарбиячи бўлган директорнинг ўзида шунча камчилигу нуқсон бўлса, унинг мактабида таҳсил кўраётган ўғил-қизлардан нимани кутиш мумкин?!

Оилада меҳнат тарбияси

Ҳар қандай меҳнат ундан олинажак самарага кўра қадрланади. Шу боис оилада берилажак тарбия энг қадрли меҳнат саналади. Тажрибадан аёнки, бола характерида бирор фазилатни, масалан, тўғрисузлилики ёки иродани шакллантириш нечоғли қийин ва мураккаб иш, у қанча куч, сабр, қатъият ва матонат талаб этади.

Маълумки, бола характерининг асосий хусусиятлари беш ёшгача шаклланади, мактабгача бўлган даврда мустаҳкамланади ва бутун умри давомида такомиллашади. Биринчи президентимиз Ислом Каримов “Юксак маънавият – энгилмас куч” китобида ўғил-қизлар беш ёшгача бўлган даврда бутун умри давомида оладиган барча ахборотнинг 70 фоизини эгаллаб бўлишини қайд этиб, бола шахсига катта масъулият ва эътибор билан ёндашиш зарурлигини таъкидлаган.

Барчага аёнки, бола беш ёшгача оила муҳитида ва асосан она таъсирида бўлади. Педагогика ва психология фанлари бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра, беш ёшгача бўлган даврда бола онги тафаккурнинг фотографик хусусиятини ривожлантиради. Болада тасаввур жараёни фаоллашади, яъни у ўзи кўрган, эшитган нарса-ҳодисаларни ўзига хос тарзда “сурат”га тушириб, такрорлаш негизида хотира захирасини шакллантиради. Оиладаги муҳит – ота-она, ака-ука, опа-сингиллар ўртасидаги муносабат боланинг характер хусусиятлари, чунончи, меҳнатга ёндашуви шаклланишида ҳам муҳим роль ўйнайди.

Бир сўз билан айтганда, оилада қарор топган муҳит боланинг ҳаётга умумий ёндашуви юзага келиши, яъни унинг ҳозирги ва келгуси ҳаётида қандай қарорлар қабул қилиши, у ёки бу масала юзасидан қандай хулосага келиши, хуллас, яхшилик ёки ёмонлик тарафида бўлишида ҳал этувчи омил ҳисобланади.

Оилада меҳнат тарбияси бола оёққа туриб юра бошлаши билан йўлга қўйилиши зарур. Бу даврда боланинг бирор энгилроқ нарсани олиб келиши, буюм ёки кўғирчоқни узатиб юборишини рағбатлантириб бориш асосида иш тутган маъқул. Яъни бола ўз ҳаракати билан катталар қорига яраётганидан завқ ҳис этсин. Гўдакликдан бошланувчи бундай меҳнат тарбияси ростгўй ва хушхулқ бўлиш, анъана ва урф-одатларни ҳурматлаш билан қўшиб олиб борилмоғи даркор.

Инсон табиатида мавжуд таомил ва қоидаларни ўзгартириш майли ва иштиёқи азалдан бор. Ривоятларга кўра, Одам Ато ва Момо Ҳавво ҳам жаннатдан илоҳий амрни бузгани учун қувилган. Бола ақлан ва жисман вояга етгунига қадар уни оиладаги таомил ва қоидаларга риоя қилишга одатлантириш ниҳоятда аҳамиятли. Бу борадаги илк кўникма эса болага уйдаги нарсаларни ҳар доим ўз жойига қўйишни ўргатиш бўлмоғи керак. Зеро, хитой мутафаккири Кунфуций меҳнат тарбияси ростгўйлик билан, ростгўйлик эса нарсаларни ўз жойига қўйишга ўргатиш билан боғлиқ, дея ўгит беради. Демак, бир қарашда унча аҳамиятли кўринмайдиган палапартитишлик, бесаранжомлик, яъни нарса-буюмларнинг ўз жойида турмаслиги болада меҳнат ва ҳаётга лоқайдликни шакллантириши мумкин.

Бола қалбида бирор касб-ҳунарга меҳр уйғотиш оиладаги меҳнат тарбиясининг биринчи йўналишидир. Бола ҳали бошланғич синфларда ўқиб юрган пайтидаёқ бирор касбни эгаллаш унинг аниқ ҳаётий мақсадига айланиши зарур. Бунинг учун эса танланган касб-ҳунарга доир ахборотни босқичма-босқич ўзлаштириб бориш тақозо этилади. Масалан, бола келгусида врач бўлмоқчи. Бу ҳолда унга 7-8 ёшлигиданоқ бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш, энг оддий дориларни фарқлай олиш сингари бошланғич билим ва кўникмаларни сингдириш лозим.

Оиладаги меҳнат тарбиясининг иккинчи йўналиши эса болани ҳаётга умумий тайёрлашдир. Бунинг учун, аввало, ҳар бир юмуш аслида бир ҳунар эканини фарзандларга эринмай тушунтирмоқ зарур. Масалан, гул

ва дарахтларни парваришlash, овқат тайёрлаб, дастурхон тузаш, ўзи ва укаларига кийим-кечаклар тикиш, уйдаги носоз мебелларни таъмирлаш ва бошқа кундалик бирор машғулот келгусида инсон ҳаётини таъминловчи ҳунар бўлиши мумкин. Ҳамма гап уй шароитида ана шу машғулотларни нечоғли ўз вақтида, сифатли адо этишни ўргата билишда. Оилада шундай юксак тарбия олган ўғил ёки қиз ҳаётга бир неча ҳунар эгаси бўлиб киришига шак-шубҳа йўқ.

Фарзандларнинг ўз оила аъзолари ва атрофдаги бошқа кишиларга қанчалик меҳр-оқибатли бўлиб шаклланишида ҳам меҳнат тарбиясининг ўрни ва роли бекиёс. Ота-оналар болаларига тарбия беришида энг кўп кўзга ташланувчи икки ёндашув мавжуд. Биринчиси, болани эркалатиб вояга етказиш бўлиб, бу ёндашув тарафдорлари оилада меҳр ва ардоққа қониб вояга етган фарзанд бутун умри давомида, худди ўзи оиласи бағрида кўрганидек, бошқаларга меҳр ва ардоқ кўрсатиб яшайди деб ҳисоблайди. Иккинчи ёндашув тарафдорлари эса болани қаттиққўллик асосида тарбиялаш, уни тартибот-интизомга қатъий риоя этишга одатлантириш зарур деган фикрни ёқлайди. Бундай қарашдаги кишилар болани ҳаёт қийинчиликларига бардошли қилиб ўстиришни ўта муҳим деб билиб, аксинча, эркалатиб ўстирилган фарзанд қийинчиликларга дош бера олмайди, иродаси суст бўлади, ҳаётда юксак марраларни забт этолмайди, деб ҳисоблайди.

Табиийки, ҳар икки ёндашувда ҳам озми-кўпми мантиқ бор. Аммо, бизнингча, болани эркалатишда ҳам, унга қаттиққўллик қилишда ҳам меъёр бузилмаслиги шарт. Чунки ҳар икки ҳолда ҳам бола характерида айрим жиддий қусурлар пайдо бўлади. Яъни ўта эркалатиб юборилган бола келгусида енгилтак, масъулиятсиз, ўта қаттиққўллик остида улгайган фарзанд эса бемеҳр, шафқатсиз бўлиб қолиши мумкин. Демак, болага меҳрибонлик ва талабчанликни ўзаро уйғунлаштирган ҳолда тарбия бериш мақсадга мувофиқдир.

Болага бирор олижаноб мақсадни кўзлаб яшаш, ҳалол меҳнат қилиб бундан роҳатла-

нишни ўргатиш келгусида унинг қаршисидан чиқиши мумкин бўлган барча муаммоларга ўзи мақбул ечим топишига замин ҳозирлаши аниқ. Шу боис ҳам ёш авлодни меҳнатга оқилона тайёрлаш ривожланган мамлакатлар сафидан муносиб ўрин эгаллашни юксак мақсад қилиб белгиллаган Ўзбекистон учун том маънода ҳал қилувчи вазифадир.

Таълим модели ва “портлаш эффекти”

Мамлакатимизда “Таълим тўғрисида”ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури негизда юзага келган миллий таълим модели давлат, жамият, узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқаришдан иборат беш таркибий қисмга эга бўлиб, бу қисмларнинг уйғун фаолияти ягона мақсад – юксак меҳнат салоҳиятига эга ҳар томонлама етук шахсни тайёрлашга йўналтирилгандир. Зеро, миллий давлатчилигимиз тарихида бундай улғувор мақсад ҳеч қачон умумжамият миқёсида қўйилмаган, бунга имконият ҳам бўлмаган.

Тарихимизнинг энг ривожланган IX–XII, XIV–XV асрларида ноёб истеъдоди ва бетиним меҳнати эвазига бошқалардан ўзиб кетган айрим ёшларни илмий мактаблар ва нуфузли жамоаларга жалб этиб, уларни шахс даражасига етказиш амалиёти кузатилган, албатта. Аммо мамлакатнинг барча фуқароларини миллати, жинси, диний эътиқоди, ижтимоий мавқеидан қатъи назар болалиқдан мақсадли тайёрлаш, ҳар бир ўғил-қизга бепул билим бериш, касб-ҳунар ўргатиш орқали уни шахс даражасига кўтаришга доир давлат сиёсати бўлмаган. Миллий таълим модели, биринчи президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, пировард натижада таълим, фан, маданият ва ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида мисли кўрилмаган тараққиёт суръатларини ва ижобий маънодаги “портлаш эффекти”ни юзага келтиради ва мамлакатимизни ривожланган демократик давлатлар қаторига олиб чиқади. Бунинг учун эса миллий таълим моделининг юқорида зикр этилган беш таркибий қисмида ишни юксак самара билан ташкил этмоғимиз даркор.

Сардор САЛИМ

“KI SEN HAM
HUR
TUG‘ULG‘ONSEN...”

Жунгжанглр ва манкуртлар

Атиги бир аср муқаддам инсоният юксак маданиятли ва ёввойи халқларга таснифланган. Ғарб халқлари гўёки маданият чўққиси бўлган “мукаммал” давлатчиликка эга эди. Маданияти паст ва ёввойилар эса, ғарбликлар назарида, Африка, Осиё ва Лотин Америкаси каби олис минтақаларда яшарди. Мустамлакачиликнинг ҳадди аълоси XIX аср охири ва XX аср бошларига – Ер куррасининг ўндан тўққизи Ғарб империялари қаламравига ўтган даврга тўғри келади. Бунга қонли истилолар орқали эришилгани маълум. Айти дамда, бу ҳукмфармолик “қолоқ” халқлар турмушини яхшилаш, уларни маданийлаштиришда оқтанли инсоннинг “цивилизаторлик миссияси” ва масъулияти (*white man’s burden*) ҳақидаги даъволар билан ҳам дастакланган.

Мустамлака халқлар тарихнинг нофаол объекти, Ғарб эса унинг фаол субъекти – бамисоли лойга ишлов бериб, уни шаклга солувчи кулолдек эди. Мустамлакачи элита колониал сиёсат орқали нафақат бойлик орттирди, идора ва эксплуатация этиш асосида Ғарбнинг ўзи ҳам ўзгарди, илмнинг

антропология ва этнография каби янги йўналишлари пайдо бўлди. Бошқарув ва эксплуатацияни қулайлаштириш мақсадида тобеин халқларга оид катта маълумотлар захираси тўпланди. Ғарбга тегишли бўлмаган сюжетлар ҳам Мағриб адабиёти ва санъатида ўз ифодасини топди. Сирасини айтганда, биз ҳозир “модерн” деб билган дунёқараш, уни шакллантириш ва такомиллаштириш наники Европадаги саноат инқилоби, Уйғониш даври ва Маърифатчилик ҳаракатининг, балки Ғарбдан хориждаги дунё билан мулоқот ва тўқнашувлар оқибати ҳамдир.

Мустамлакачилик ва империял бошқарув турли антропологик назариялар ёрдамида оқланган (легитимлаштирилган). Бу антропологик назарияларда мустамлака халқлар онги ниҳоятда заиф, ҳатто гўдакмижоз, демак, у Ғарбнинг ғамхўрлигига муҳтож дея уқтирилиб, шу боис мустамлакачилик сиёсати ўша халқлар манфаатига хизмат қилади, деб таъкидланган. Ушбу қарашлар ирқлар тўғрисидаги ғайриилмий концепцияларга таянар эди. Ғарбликлар ва ғарблик бўлма-

ганлар орасидаги муносабат "оқтанлилар ва оқтанли бўлмаганлар" (*whites and non-whites*) муносабати ўлароқ тушунилар, оқтанлилар маданияти сиёсат, ҳуқуқ, иқтисодиёт, илм-фан, тил, санъат ва адабиётга дахлдор илғор ғояларнинг манбаи, чинакам тамаддун сифатида қабул қилинар эди. Бугун эса бу ёндашув ривожланаётган халқлар демократиясиз Ғарбдек тараққий эта олмаслиги ҳақидаги иддао (модернизация назарияси) кўринишини олган.

Мустамлака ўлкалар маълум вақт ўтиб Ғарб тарихига "илова" бўлишни истамай қолди. Колониал ва неоколониал ҳукмронликка қарши курашга илҳомлантирган ғоялар турфа хил эди: озодлик, тенглик; рационалист, индивидуалист ва инструменталист Ғарб маданиятига қарши мустамлака миллатларнинг ўз қадриятлари; негритуд ва қоралиқдан ифтихор этиш (негр эканлигидан фахрланиш); миллатчилик, диний мутаассиблик ва ҳоказо.

Миллий суверенитетга эришган давлатлар колониал мақомдан мустақил, постколониал мақомга ўтди. Бироқ XX аср охирига келиб, расман мустақил бўлиш бевосита тобелиқдан неоколониал – билвосита тобеликка ўтишдан бошқа нарса эмаслиги аён бўлди. Ажабланарлиси, деколонизациядан сўнг ҳам буюк давлатларнинг мақоми деярли ўзгармади. Яқин ўтмишда империя бўлган аксар давлатлар собиқ мустамлакаларига ҳали ҳам сўзини ўтказиб келмоқда.

"Постколониализм" (мустамлакадан сўнг) истилоҳи ажнабий давлат бошқаруви тугатилиб, мустақиллик эълон қилингандан кейинги даврни ва шу даврдаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий муҳитни ифодалайди. Ушбу даврга доир қарашлар, ёндашувлар "Постколониал назария" номини олган. Маскур назариянинг вужудга келишига мартиникалик психоаналитик Франс Фанон (*The Wretched of the Earth*, 1961) ва фаластинлик файласуф Эдуард Саид (*Orientalism*, 1978) катта ҳисса қўшди. Постколониал назария ўтмишда – мустамлака даврида ва ҳозирда – постколониал замонда мустамлакачилар ва тобе халқлар муносабатларини тадқиқ этувчи интеллектуал йўналишдир. У мустамлака ва мустақиллик даврида миллий ўзлик масалаларини тадқиқ этади; тобе халқ-

лар ҳақида мустамлакачилар яратган таълимотлар, адабиёт ва санъат асарларида (нео)колониализмни оқлашга уринишларни ҳам ўрганади.

Ёзувчи Чингиз Айтматов таъбири билан айтганда, постколониал назарияни мухтасар қилиб "жунгжанглар ва манқуртлар ўртасидаги муносабатларни ўрганувчи илмий йўналиш", деса ҳам бўлади. Агар манқурт ўзининг манқурт эканини англаसा, у энди буткул манқурт эмас – постколониал назария унга туя терисидан ясалган қалпоқ асоратидан халос бўлишга ёрдам беради. Нафсиламри, ушбу назария куйидаги саволларга жавоб излайди:

– асрда тушган найманлар бошига қалпоқ қандай кийдирилган?

– найманларни "маданиятлаштириш"да жунгжангларнинг "шарафли" миссияси нимадан иборат эди?

– жунгжангга хизмат қилувчи "хожа – қул", "илғор – қолоқ" ва бошқа кўплаб "иккилик"лар (*binaries*) қандай пайдо бўлган? ("Иккилик"ларга таянган европача илм жунгжангларнинг найманлар устидан ҳукмронлигининг асл мақсади ер ва бойликлар эмас, гўёки инсониятнинг гуманистик идеаллари ва тараққиётга хизмат қилиш экани ҳақидаги иддаони илгари суради.)

– манқуртлар ўз тарихини қандай унутди ёки унуттирилди? Улар дунёни, ўз ўтмиши ва бугунини қандай қилиб жунгжанглар кўзи билан кўра бошлади? Бошидан тери қалпоқ олиб ташланса ҳам, манқурт не сабаб манқуртлигича қолди? Жунгжанглар эса қандай қилиб жунгжанглигича қолган?

Мустамлакачиликнинг асл мақсади – тобе халқнинг моддий бойлигини талашдир. Бойликлар яқингача ҳарбий истило ва сиёсий ҳокимият воситасида ўзлаштириллар эди. Постколониал назарийетчилар фикрича, асосий мақсад – мустамлака халқларнинг ўз маданияти, дунёқараши, ўзлигини англашни назо-



рат остига олиш орқали миллий онг устидан ҳукмронликдир. Иқтисодий ва сиёсий назорат миллий онг мустамлакасисиз тўлиқ ва самарали бўлмайди. Миллий онг устидан ҳукмронлик эса халқлар ўзлигини қандай танишини (*self-definition*) белгилаш билан воқе бўлади. Бу мақсадга икки йўл орқали эришилади: тобе халқларнинг дини, тарихи, адабиёти, санъати ва бошқа маданий ўзига хосликларини йўқ қилиш ёки қадрсизлантириш; мустамлакачининг тилини тобе халққа сингдириш.

Шарқликларни... шарқлаштириш

Колониализм европаликларнинг босиб олинган ҳудуд ва аҳоли устидан нафақат сиёсий ва ҳарбий ҳокимияти, балки маданияти, маънавияти, онгу тафаккури устидан ҳам ҳукмронлигини кўзда тутди. Африкалик ёзувчи Жеймс Нгуги (1938 йили туғилган) қайд этганидек, жангҳодаги зўравонлик мустамлакачилар очган мактаблар синфхонасида давом этди. Хўш, тобе халқларнинг онги қандай қилиб уларнинг ўзига қарши қуролга айлантирилди?

Эдуард Саид "Ориентализм" деган китобида ёзишича, истилолар мобайнида бутун рўйи замин ҳукмдорига айлана бошлаган европаликлар онгида дунёнинг "табақавий иккиликлар"дан иборат яхпит образи (шамойили) ҳосил бўлди. Бу иккиликлар яхши-ёмон, ғарбий-шарқий тарзида, вазиятга қараб, оқтанли-қоратанли, илғор-қолоқ, очиқ-ёпиқ, мутараққий-турғун, европача гуманизм-шарқона зулм (ориентал деспотизм) маъноларини англатиши мумкин. Сиёсий ҳокимлик ўрнатилгач, тобе халқлар таълими, тили, адабиёти ва санъати Европа андазаларию тафаккур тарзига мувофиқ шакллана бошлади, мустамлакачиларнинг таълим даргоҳлари, университетларида маҳаллий элита етиштирилди. Европанинг техника соҳасидаги устунлигига маҳлиё бўлган колониал халқлар европалик нима деса шунга чиппа-чин ишонар эди. Ўзини, ўз тарихини европача фан (антропология, сиёсатшунослик, социология) орқали ўрганган шарқ кишиси тобора Ғарбнинг афзаллигига амин бўлаверди. Эдуард Саид бу жараёни "шарқликларни шарқлаштириш" (*orientalizing orientalis*) деб атайди.

Мустамлакачи билан тобе халқлар муносабатида тараққиёт ғояси муҳим ўрин тутар эди. Маҳаллий қадриятлар, анъаналарни қолоқ, бузуқ ва ҳоказо салбий маъноларда талқин этган "илмий" қарашларни мустамлака аҳоли ҳақиқат деб қабул қилди.

Тараққиёт ғоясининг муҳим унсури бўлмиш "гуманизм" тушунчаси бора-бора умуминсоний тамаддун, умуминсоний қадриятлар ҳақидаги қарашларни шакллантирди, эволюционизм ғоялари эса барча халқлар муайян ривожланиш босқичларидан ўтишини, бу йўлда илғорлаб кетганлар (яъни европаликлар) ва орқада қолганлар мавжудлигини асослаб берди. Маҳаллий маданиятнинг барча шакллари эскилик сарқити, Европа маданияти эса замонавий, прогрессив, умуминсоний қадрият деб тушунтирилди. Европача илм-фан, таълим, санъат, либос, таом мустамлака халқлар учун порлоқ келажак сари йўл деб талқин этилди.

Европа маданияти – умуминсоний маданиятнинг бир қисми, холос. У мустамлака халқларнинг "қолоқ" маданиятлари ўрнини эгаллаши зарур бўлган умуминсоний тамаддун сифатида тақдим этилгани хатодир. Тобе халқларнинг анъанавий ижтимоий-сиёсий институтлари ва маданияти вайрон қилинини ҳам ғарбликлар тараққиёт талаби дея талқин этганини ҳеч оқлаб бўлмайди.

Гуманизм ва эволюционизм ғояларининг бу қоршмаси илмий ҳақиқат сифатида барча мустамлакалар, хусусан, чор Русияси ва Совет Иттифоқида аҳоли онига сингдирилган. Шундай "илмий ҳақиқат" билан қуролланган маҳаллий элита мустамлакачиларга қаршилик кўрсатиш ўрнига "эскилик сарқитлари" билан курашиб, ўз халқини "тараққиёт сари" етаклашда ҳукмфармоларга астойдил ёрдам берди.

Маҳаллий элита ва тобе аҳолига колониал мафқурани тиқштиришнинг яна бир усули – инглиз, француз, рус ва ҳоказо империя тилларини уларга сингдириш эди. Шу орқали тобе аҳолини империял дискурсга жалб қилиш осонлашарди. Замбараклар билан жисмоний мутелик ўрнатилган бўлса, империя тили орқали руҳий тобелик қарор топтиради (Нгуги).

(Нео)колониализмнинг таъсир доираси кенг қамровлидир. Тобе халқлар унинг иқтисодий, сиёсий, ҳарбий, маънавий-маданий оқибатларидан ҳамон азият чекмоқда. Тобелар кишанни парчалашга уринмоқда, бироқ (нео)империализмнинг самарали қуроли – маданий “бомба” олдида улар ожиз. Бу “бомба” тобеларнинг ўз тили, жипслиги, курашчанлиги ва ниҳоят, ўзига ишончини синдиarmoқда. Шу тариқа тобеларда ўз илдизидан узилиб “муваффақият” қозониш, бошқа (европача) маданиятларга мансуб бўлиш иштиёқи уйғонади. Бора-бора тобелар аллақачон “маърифатлилик” мақомини олган колониал дунёқарашга қарши курашишга ҳожат йўқлигига ишониб қолади. Ҳозирда мустақил бўлган аксар собиқ мустамлакаларнинг янги сиёсий ва зиёли элитаси ана шу кайфиятда десак, муболаға эмас.

Европача таълим олган, асли “туземец” бўлган тунислик Альбер Мемми, мартиникалик Франс Фаннон ва фаластинлик Эдуард Саид каби постколониал назария асосчиларининг асарлари аксилмустамлакачилик руҳида бўлса ҳам, улар икки томонни – мустамлакачи ва мустамлака аҳолини бирдек ўрганган. Кўҳна қитъада сабоқ олган бу олимлар руҳий зиддиятларни бошдан кечирган, чунки ўзлари ҳавас қилган Ғарб илми уларнинг миллиятини қолақ деб ҳисоблар эди. “Мен ҳабаш бўлиш гуноҳ эканини билдим, ҳабашлардан нафратлана бошладим. Бироқ англадимки, ўзим ҳам шу қавмданман”, дейди қоратанли Франс Фаннон. Постколониализм назарийетчилари европамарказчи (eurocentric) “илм”ни танқид қилиш билан чекланмай, “ёввойи”лар нега ўз насабидан нафратланишини ҳам тадқиқ этди.

Мустақилликка эришган тобеларнинг асосий мақсадларидан бири ўзликка қайтиш эди. Бу мақсад “ўзимизникидан қўямасин” қабилидаги шиорларда акс этди. “Империализм мазлумлари” мақоми бу борада уларга ёрдам берди: “маъсум ёввойилар” ва “маккор оқтанлилар”. Аммо мазкур ёндашув колониал европамарказчилик каби бирёқлама эди. Шу боис, постколониал назария европамарказчилик таҳлилидан этномарказчиликни ўрганишга ўтди. Боз устига, оқтанлилар

нинг собиқ колонияларига таъсири расмий мустақиллик эълон қилингандан сўнг ҳам барҳам топмаслиги аён бўлди.

Постколониал назария жаҳон тарихини голиб Европа тарихига айлантиришга қарши чиқиб, уни мағлуб ва тобелар тарихи (Subaltern Studies) билан ҳам бойитиш зарурлигини таъкидлайди. Ҳукмронлар яратган тарихда тобелар тарихига ўрин берилмаган. Шу боис постколониал назария “буюклар тарихи”нигина битган сарой солномачилари назаридан четда қолган йўқсиллар, қуллар ва ҳоказо ижтимоий тоифалар кечмишини ҳам ўрганади (*Gayatri Spivak, “Can the Subaltern Speak?”*). Бу ёндашувга кўра, тарихнинг мақсади муайян ҳодиса сабабини хослар – озчилик фаолиятини ўрганиш орқали эмас, балки барча ижтимоий гуруҳлар ҳаракати ёки ҳаракатсизлигини тадқиқ этиш орқали очиб беришдир.

Марказий Осиё ҳамон постколониалми?

Постколониал дискурс Марказий Осиёга (МО) ҳам аста-секин кириб келмоқда. Минтақа жамиятларининг постколониал характери ҳали етарлича англалмаган, бу борада узил-кесил тўхтамага келилмаган.

МО постколониал ҳудуд эканига жанубий африкалик тадқиқотчи Дэвид Мур илк бор диққат қаратди. У 2001 йили эълон қилинган мақоласида собиқ совет минтақасидаги жамиятларнинг постколониал мақоми тадқиқотчилар назаридан четда қолиб келаётганини қайд этди (*“Is the Post- in Postcolonial the Post- in Post-Soviet? Toward a Global Postcolonial Critique”*). Унинг фикрича, постколониализм ва у билан боғлиқ тил, иқтисод, сиёсат, қаршилик ҳаракати каби барча ҳодисалар 1947 йилдан кейинги Жанубий Осиё ёки 1958 йилдан кейинги Африкада бўлганидек, 1991 йилда мустақилликка эришган собиқ социалистик давлатларда ҳам кузатилади.

Бугунги МОни постколониал назария асосида ўрганишнинг бир қатор афзалликлари бор. Жумладан, у минтақадаги адабий жараёни изоҳлашда қўл келиши мумкин. Постколониал назария адабий асарнинг сиёсий, этник жиҳатларини изоҳлаб, унда акс топган

миллий орзу-умидни англашга ёрдам беради. Ушбу ёндашув адабиётга инсоннинг ўзлиги, миллий шуури, маданиятини асровчи ва жонлантирувчи, сиёсий курашга чорловчи феномен сифатида қарайди. Дэвид Мур таъкидлаганидек, колониал муносабатлар ҳам синф, irq, табақа, ёш, жинс каби "универсал" категориялардек муҳим бўлгани боис, миллий маданиятга колониал тажриба истилохлари билан ёндашиш унга янги маъно-мазмун бағишлаши, мавзунинг аввал илганмаган қирраларини очиб бериши мумкин.

Минтақа халқларининг миллий уйғониш ва тикланиш жараёнини постколониал назария асосида таҳлил этиш ўзликни англаш борасида ҳам жуда муҳим. Айни дамда, бу назария ечимини кутаётган кўплаб муаммоларни юзага чиқаради. Шундай масалалардан бири собиқ Совет Иттифоқининг сиёсий ва ҳуқуқий тизимига дахлдордир. СССР колониал империя бўлганми? Ўзбек, қozoқ, қирғиз, тожик, туркман халқлари унинг мустамлакалари эди, МОнинг постколониал мақоми худди шу масала ечимига бевосита боғлиқми?

Минтақа Совет Иттифоқи мустамлакаси бўлгани айримлар учун қип-қизил тўхмат, бошқалар учун эса айни ҳақиқат. Лекин МО жамиятларидаги аксар кишилар ўзининг постколониал халқ вакили экани ҳақида ўйлашни истамайди, бугунги кунда уни аҳамиятсиз санаб, ушбу мавзу кўтарилишига қаршилик қилади. (Тобе халқларнинг ўз мустамлака даврини унутишга уриниши – "постколониал амнезия" таҳлил этилаётган назариянинг муҳим масалаларидан биридир.)

СССР империя экани масаласида тарихчилар яқдил эмас. Баъзилар неча-неча халқлар Москвага тобе бўлгани, минтақа марказ томонидан колониал усулларда бошқарилгани СССРнинг айнан империя бўлганига далолат қилишини таъкидлайди. Бошқалар СССР Франция, Буюк Британия каби аънавий империя эмас, балки ноодатий империя (*affirmative empire*) бўлганини иддао қилса, яна бошқалар Иттифоқ жамиятни утопик режаларга асосан қайта қуришга уринган модернизациялашаётган давлат бўлганига ургу беради.

МО жамиятлари совет даврида марказ билан колониал муносабатда бўлганига кўп-

гина асослар бор. "Колониализм" истилоҳини тор маънода талқин қилганимизда ҳам бу асослар ўз аҳамиятини йўқотмайди. Колониализм – бегона юртни босиб олиш орқали вужудга келтирилган устунлик (*domination*) ва ўзаро нотенг муносабатга таянган сиёсатдир. Канадалик олим Стефен Слемоннинг ёзишича, "Колониализм бевосита сиёсий ва иқтисодий назорат орқали зулм ўтказмоқдир". Бундай назорат колониал объектни мафкуравий асосда бошқариш, мамлакатни унинг "ўз розилигига кўра" бўйсундириш тарзида бўлади. "Рози қилиш" турлича кўриниш олиши, таъсирчанлигига кўра фарқланиши мумкин. "Ихтиёрий" ёки "мажбурий розилик", одатда, тил ва таълим каби "мулоим" соҳалар ёрдамида олинади. Шу маънода, Совет Иттифоқи бошқа аънавий империялардан "розиликка мажбурлаш" жараёнининг шиддати, оммавийлиги ва кенг қамровлиги (тоталитарлиги) билан фарқ қилади. Буни, масалан, унинг тил борасидаги сиёсатида ҳам кўриш мумкин. Мустамлакачилик тил соҳасида яққол кўрингани учун постколониал назарияда бу соҳа ўта муҳим ва айни чоқда, мунозарали ҳисобланади. Империя марказининг тил устидан назорат ўрнатиши – у маҳаллий тилларни йўқотишга уринади – ёки ўз тилини миллатлараро ягона мулоқот воситаси деб эълон қилади – бундан қатъи назар, колониал бошқарувнинг энг самарали воситаси бўлиб қолаверади.

Хусусан, совет тузуми тилнинг семантик жиҳатларини қаттиқ назорат қилишга интилган. Чех ёзувчиси ва диссиденти Вацлав Хавел тил орқали назорат қилишни бундай тушунтиради: "Тоталитар тузум одамларнинг кундалик ҳаётини уларнинг ўз қўллари билан шакллантиради, бироқ бу қўлларга мафкуравий қўлқоп кийдирилган. Шу боис, бу тузумда ҳаёт ёлғон ва риёга тўладир: бюрократлар ўзини халқ ҳокимияти деб атайди; ишчилар синфининг озодлиги номи-ла ишчилар қулга айлантиради; шахс таназзули – озодлик, қонунларни четлаб ўтиш – қонунга итоат дея тақдим этилади; маданиятни йўқ қилиш – уни ривожлантириш, мустабидлик – тобеларга мадад деб аталади; сўз эркинлигининг йўқлиги – озодликнинг, сохта сайловлар – демократиянинг асл ифодаси, чет

элларда босқинчилик урушларини олиб бориш эса биродарлик ёрдами дейилади. Тузум ўз ёлғонлари асирга айланиб қолгани боис сохтакорлик билан умрини узайтиришга мажбур. Ўтмишни ҳам, бугунни ҳам, келажакни ҳам сохталаштиради. Ёлғон статистик маълумотлар тарқатади. Хавфсизлик тизими қудратли, бироқ ахлоқан бузук эмаслигига, инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат қилишига, ҳеч кимни таъқиб этмаслигига даъво қилади".

Таъкидлаш жоизки, совет тузуми ҳар доим ҳам "мафкуравий қўлқоп"лар ва "мулоим" методларга суянмаган, баъзан анъанавий колониал усуллардан ҳам фойдаланган. "Рози қилиш" механизмлари иш бермаганда ўжар тоифалар қатагон қилинган, оммавий кўчирилгани бунинг яққол тасдиғидир. Қримтатар, чечен, корейс, Волгабўйи олмонлари каби бутун бошли халқларнинг МОга депортация қилиниши айнан колониал амалиётдир.

МОдаги большевиклар ҳокимияти Яқин Шарқ ёки Африкадаги француз, инглиз мустамлакачилиги билан яна бир соҳада – аёллар масаласида ўхшаш. Анъанавий империялар ҳам, коммунистлар ҳукумати ҳам "эзилган" шарқ аёлини озодликка чиқариш, уни "золим" эркакдан ҳимоя қилишни ўз инсонпарварлик миссияси деб билган. Шарқ аёлини "озод" қилиш, аввало, шарқ эркагини тобе этмоқ учун керак эди. Зеро, бу ҳаракатлар мустамлакачиларга ҳатто оилаларгача кириб бориш учун чексиз ҳокимият ва имконият берар эди. Паранжи ёпиниш ёки келин ўғирлаш одатлари билан курашишга сиёсий тус берилди, чунки шу орқали европаликлар ёки уларнинг маҳаллий гуашталари ўзларини "эскилик сарқитлари" билан курашаётгандек кўрсатиши ва айна дамда, бошқа ёвузликларини пардалаши мумкин эди-да.

Постколониал тажриба шуни кўрсатадики, бир замонлар тобе бўлган халқлар собиқ метрополияси билан яқин алоқаларини сақлаб қолар экан. Шу алоқалар негизда постколониал миллатда собиқ мустамлакачи халққа нисбатан айрича ёндашув шаклланадики, бу миллатнинг ўзига бўлган муносабатига ҳам таъсир қилади. Айни жараён бугун Россия ва МО миллатлари ўртасида ҳам кечмоқда:

– минтақа жамиятларининг, айниқса, Қозғистон ва Қирғизистон ижтимоий-сиёсий

ҳаётида рус тили устунлигининг сақланиб қолиши;

– маҳаллий аҳолининг рус маданиятини ўзиникидан юқорироқ мақомда кўришга мойиллиги;

– сиёсий ва зиёли элита вакилларининг рус адабиёти, санъати, тарихи, фалсафасини ўзиникидан яхшироқ билиши;

– ёш авлодни ҳали ҳам рус тилида ўқитишга интилиши;

– минтақада Россиянинг электрон ва босма ОАВ устунлиги ва бунинг оқибатида ҳудуд аҳолиси, кези келганда, Россиянинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти ҳақида ўз мамлакатиникидан ҳам кўпроқ маълумотга эгалиги;

– миллий ўзликнинг шаклланишида муштарак совет ўтмиши ҳақидаги хотиранинг бошқа тарихий даврларга қараганда кучлироқ таъсирга эгалиги;

– ўрта ва катта ёшли қатламнинг СССРни кўмсаши ва бу ҳол Совет Иттифоқини кўрмаган ёш авлоднинг муайян қисмига таъсир этаётгани.

Рус идентлигининг (ўзлигининг) мустақил МО миллатлари идентлигига таъсири борасида яна кўп гапириш мумкин. Аммо хулоса шуки, XIX аср охирида капитализм минтақага Россия орқали қандай кириб келган бўлса, XX аср охирида глобаллашув ҳам шу тариқа кириб келмоқда. Глобаллашув жараёнида МО давлатларини иқтисодий, маданий ва ҳарбий жиҳатдан Россия ва бошқа янги империяларга тобе қилишга уринишлар кузатилмоқда.

1991 йилдан буён минтақа давлатлари ўз мустақиллиги ва миллий давлатчилигини мустаҳкамлаш соҳасида йирик муваффақиятларга эришди. Айни чоқда, бу давлатлар бошқа (нео)империялар маркаслар билан ноненг муносабатларга киришганидан ҳам кўз юмиб бўлмайд. Жаҳондаги иқтисодий-сиёсий муносабатларни бошқариб турган айрим давлатлар МО билан постколониал ҳудуд сифатида муносабатда бўлмоқда. Шунга кўра, минтақа жамиятларининг сўнгги 25 йиллик тараққиёт йўлини, шу ҳудудда кечаётган бугунги жараёнларни таҳлил этиш учун ижтимоий фанларнинг янги концепциялари, чунончи, постколониал назариядан ҳам кенг фойдаланиш маъқул кўринади.

SHARQNI YUTQAZMASLIGIMIZ KERAK

Ўзбекистон халқ шоири Анвар ОБИДЖОН билан суҳбат

– Яқинда етмишвойлар сафига қўшилганингизни эшитиб, “Йўғ-э, ўзимизнинг Анвар ака-я, ҳали милтиқнинг ўқидек-ку!” деб ҳеч ишонгимиз келмади. Кулги инсонни яшартиради деганлари шудир-да. Кўз тегмасин, қирчиллама йигитдек ғайрат билан қалам тебратяпсиз, адабий хирмонингиз ҳам бойигандан бойиётир. Аммо – мулоҳазамазни минбаъд маломат санамайсиз, азбаройи мухлислик – кейинги йилларда бир вақтлар Сизга зўр олқиш келтирган Гулмат Шоший ва Кулкулийлар “ҳOLIDAN хабар олмай” қўйдингиз. Ростини, тараққиётимизга ғов бўлаётган катта-кичик муаммоларга дуч келганда биз ўша афандифеъл қаҳрамонларингизни қидириб қоламиз. Гулмату Кулкулийни қаерлардан сўраймиз бугун? Жулқунбой бобо омонат қилиб қолдирган ҳажв қаламини “темир сандиқ”қа солиб қўймадингизми ишқилиб?

– Одам кексариш чарчоғини ҳис қила бошладими, ён-веридагиларнинг кайфиятини шунчаки билиб қўйиш учун бўлсаям, нафақага чиқаришларини сўраб бир ариза ёзиб кўргани маъкул. Уста Гулмат билан Кулкул афанди худди шундай йўл тутган эди – қаршилик қилмадим. Аммо, қалам сингари, уларниям “темир сандиқ”қа солиш

менинг қўлимдан келадиган иш эмас, ҳозирча пенсияда юришибди, холос. Янгича жамиятимизга фойдаси тегадиган бирон тузукроқ режани таклиф қилганлари заҳоти икковиниям қайтадан ишга чақириб олишга тахт-тайёрман.

– *Эркин сўз ва озод тафаккур бамисоли тараққиётнинг қўш қаноти, уларсиз юксак парвозни хаёл қилмаса ҳам бўлади. Миллатнинг тақдири ҳам хур фикрли шахслар қўлида. Лекин бугун зеҳниятимизда янгиланиш сустроқ кечаётгандек. Яшириб нима қилдик, гоҳида онгимизга ёпишиб олган мутелик, қўрқоқлик оқни – оқ, қорани қора дейишимизга йўл қўймайди. Баъзан ҳақсизликка йўлиқсак ҳам оғзимизга талқон солиб оламиз: оч қорним – тинч қулоғим! Бу ҳолни ўзбекона андиша атаб, ўзимизни алдашга уринишимиз-чи! Қон-қонимизга сингиб кетган бу вирусдан қандай халос бўлиш мумкин, Сизнингча?*



– Ҳм-м... Болалар шоирига шунақаям оғир савол берадимиз одам...

Ўз жанрим доирасида туриб айтадиган бўлсам, ранглари фарқлашни ёки атрофдагиларнинг айрим қилиқларига, айниқса, ўзига нисбатан муносабатига қараб, яхшини яхшига, ёмонни ёмонга ажратишни ҳатто миттивойлар ҳам уддалай олади. Кимдир боланинг кўзи олдида унинг отасига дағдаға қилиб, бошида мушт ўйнатяпти, дейлик. Бундай вазиятда бола жанжал нимадан келиб чиққани, ким ҳақу ким ноҳақлигини суриштириб ўтирмайди, ўзи учун суюкли бўлган отасига фитратан жон тортишиб, қўлига тош олади. Буни “болаларча юзакичилик” десакмикан, “болаларча хур фикрлилик” десакмикан...

Хур фикрлаш ҳуқуқига эгалик – ҳар бир инсоннинг ўз қадр-қиммати тўлақонли тарзда ҳимояланмоғини талаб қилиши, жамоа, миллат, юрт тақдирига оид масалаларда ўз нуқтаи назарини эркин баён эта олиши билан боғлиқ олий қадрият. Хур фикрлиликка янада кенгроқ шароит яратилишига интилаверишнинг ҳеч қандай чакки томони йўқ. Халқнинг фикрига қизиқиш сусайган жойда тараққиёт заволи топади, адолат лат ейди, жамият бора-бора турғунликка юз тутлади (юртимизда халқ билан мулоқот масаласи ҳукумат сиёсати даражасига кўтарилганини фақат кутлаш керак).

Лекин тарозининг иккинчи палласи ҳам бор. Савиямиз ўша “олий қадрият” мақомига муносибми ё ҳалиям қўлга беихтиёр тош олдиган кепатага яқинроқмизми? Ўзимиз бирон машваратда жўялироқ фикримиз билан, жиллакурса, тўрт-беш кишини бир тўхтамга келтира олганмизми? Лоақал оиламиздаги оддий рўзғорчиликда тош босадиганроқ ўрнимиз борми? Киши ўз ҳаётини тажрибасидан чиқарган хулосаларию турмуш мактабидан олган сабоқлари қўлами,

шунингдек, жамиятдаги, оламдаги воқеаларни мақбулу номақбулга, ҳақу ноҳаққа ажратиб таҳлил эта билиш қобилиятини ҳалол чамалаб, шунга яраша гап айтишни эплай олмаса, жим тура тургани маъқул шекилли. Навоий бобомиз доим тўғри гапириш кераклигини таъкидлаш билан бирга, ҳар қандай тўғри гап ҳам айтгулик эмаслигини шамалаб ўтгани бежиз эмас. Ҳар бир ишнинг ўз вақти-соати бўлганидек, ҳар бир гапнинг ҳам ўз ўрни, шароитга қараб баёнлаш йўсини бор. Бу – “андиша”нинг ижобий кўриниши. “Оч қорним – тинч қулоғим”нинг ҳам ижобий қирраси йўқ эмас. Бугун бориға қаноатланмай, янада тўкинроқ ҳаётни ваъда қилган бегоналарга омиларча эргашган, оқибатда боридан-да айрилиб, боши қирғин ва хўрловлардан чиқмай қолган айрим қавмларни телеэкран орқали кўриб турибмиз. Бундай юртларнинг, ҳеч бўлмаса, олдинги аҳволга қайтиши учун яна икки-уч авлоднинг умри ё етади, ё етмайди.

Биламан, ҳур фикрлиликнинг турли даврда муайян меъёри бўлиши, унга поғонама-поғона кўтарила бориш лозимлиги ҳақидаги фикр Ғарб аҳлига кулгили туюлиши мумкин. Бироқ уларнинг удуми ўзларигагина мос тушади, чунки оиладаги тутумлари ҳам шундай. Биз эса, Шарқ кишиларимиз, бировлардан ўз кўҳна маданиятимиз, бобо-момоларимиз мерос қолдирган ахлоқ-одобимизга раҳна солмайдиган русумларнигина олишимиз қолоқликка кирмайди. Жаноб Киплинг таъбирини сал ўзгартиб айтадиган бўлсак, бундан кейин ҳам Ғарб ғарбчасига, Шарқ шарқчасига юксалавергани яхши. Бундан истамайдиганлар эса дунёда тиқилиб ётибди. Улар ўз урфига мос, ўз дунёқарашига оҳангдош, миллий манфаатларига хизмат қилувчи бадий ёки илмий асарларимиз, кино, спектакль ва куй-қўшиқларимизга мақтовлар ёғдириб, гоҳ ўртамиёнароқ, гоҳ тузукроқ мукофотларга кўмизаверадилар. Бундайларнинг қарсагини эшитишга қанчалик берила борсак, уларга шунчалик ютқазаверамиз. Шарқни ютқазамиз.

Энди саволингизнинг охиридаги гапга тўхталайлик. Нопок муҳит таъсирида юзага келадиган турли-туман вирусларнинг қон-қонимизга сингиб кетгани тўғри. Табобатнинг маълум қилишича, зарарли вирусларга қарши қўлланадиган ўткир дорилар танамиздаги фойдали вирусларни ҳам қириб юборар экан. Демак, ўша зарарли вируслардан аскарона кескин ҳамла ёрдамида эмас, узоқ давом этгучи муаллимона тарбия кўмагида, табиий йўсинда қутулиш чорасини қўллаш ўринлироқ. Зеро, сабрсизлик “маҳсули” бўлган шошқалоқлик вируси келтиражак хатар одамийлик шаънимизни узлуксиз кемиргучи ҳайвонларча қоринпарварлик, Ватан тақдирига бангиёна бефарқлик, қалбан миллатсизлик каби кўрқинчли вирусларникидан кам эмас. Асрлар давомида бегоналар атайлаб юқтириб келган бундай вируслардан халос топишда бирон бир миллатдошимиз бурнини

ноҳақ қонатиб қўйишдан эҳтиёт бўлиш керак демоқчиман-да. Авлонийчасига айтганда, энг умидбахш нажот – тарбия ва яна тарбия.

– Китоб кўрган тарихчи бир танишимиз бор. Тошкентдаги коллежлардан бирида бинойидек ўқитувчилик қилиб юрган йигит, ҳе йўқ-бе йўқ, тижоратга ўтиб кетди. Сабабини кейин ўзидан сўраб билдим. Бойвачча бир ўқувчисига қаттиқроқ танбех берган экан, “жабрдийда” ўсмир муштумзўр акахонларини бошлаб келиб муаллимини калтаклатибди. “Елкамнинг чуқури кўрсин, энди коллежида ишламайман!” дейди боёқиш ҳасратидан чанг чиқиб. Афсуски, тарихчи дўстимиздек бугунги ўсмирлар тарбиясидан шикоят қилаётган замондошларимиз оз эмас. Кенжа авлоднинг таълим-тарбияси издан чиқаётгани ҳақидаги хавотирли гап-сўзлар болалар адиби сифатида Сизни ҳам ўйга толдираётгандир. Бугунги ўсмир нима сабаб муаллимига қўл кўтаришгача борди? Айрим зиёлилар фитна деви шишадан аллақачон чиқиб кетди, дея маҳобат қилмоқда. Шу гап рост бўлса, махлуқни шишага қайтариш йўли борми?

– Сизни анча яқиндан биламан, Собиржон. Ўқимишли, жуда фикрчан йигитсиз. Ишончим комилки, ушбу саволга ётиқадиганроқ жавобнинг айрим вариантларини ўзингизча аллақачон хомчўтлаб қўйгансиз. Шу вариантларингиздан бирини топишга уриниб кўрай.

Ўқитувчи дегани умумий кўрсатма бериб, бу кўрсатмаси қандай бажарилаётганини тепадан назоратлаб турувчи кўмондон эмас, аскарлар орасида бевосита иш олиб бориши, ўз бурчини қойиллатиб бажаришда уларга доимо ўрнак кўрсатиши лозим бўлган ҳарбий бўлинма бошлиғидир. Аскарларга ўхшаб ўқувчилар ҳам ўзидан ҳар томонлама устун етакчини чинакамига ҳурмат қилади, қўл остидагиларнинг ҳар бирига, унинг феъл-атворидан келиб чиқиб, алоҳида муомала юрита олгучи кўнгилдошгагина ихлос билан эргашади. Бу таққословни келтиришдан мақсадим сиз тилга олган ўқитувчини ношудликда айблаш эмас, ҳар қандай яхши одам ҳам бирда эмас бирда ёмонларнинг ноҳақлигига дуч келишини ҳаётда кўп учратганмиз. Асосий гап шундаки, ўз касбини юрак-юракдан севган киши бир жойдан безиса, ўша касбини бўлак ерда давом эттираверади, бошқа соҳадаги ҳеч бир мўмай даромад уни ўзига маҳлиё қилолмайди.

Кенжа авлод вакиллари орасида хулқ-ахлоқи хунуклашаётганларнинг кўпайиб бораётгани тўғрисидаги гап-сўзлар тўнғич авлодни жиддий ташвишга солаётгани кишини қувонтиради – демак, жамиятимиздаги фикрловчилар тоифаси уйғоқ, улар келажагимиз эгалари тақдирига бефарқ эмас. Сиз “фитна деви” деб атаган, ўзбекчилигимизни тепалаб ўтаётгани, ўзгалар ногорасига ўйнаб, ҳамиятсизлик қилаётганига жилла ақли етмаётган майнафеъл қавмнинг шишадан чиқиб кетишига аслида биз катталар айбдормиз. Уларга миллий мен-

талитетимиз шишасининг ичида азалий қадриятларимизга хос, лекин замонавий андазаларда безатилган мафтункор муҳитни яратиб беролмадик, нўноқлик қилдик, кечикдик. Бегоналар бундан устакорона фойдаланиб, шиша теграсини таши ялтироқ безакларга тўлдириб ташляпти. Унга ром бўлган лодонлар, асли сохтадан, тўқини пучидан, фойдалисини зарарлисидан фарқлашни ўргатиши лозим бўлганлар мудраброқ қолгани боис, шишадан бирма-бир чиқиб келяпти.

– *Мундоқ қараганда, истиқлолдан кейин аслида бари бошқача бўлиши керакдек эди...*

– Давлатимиз таълим-тарбияга хорижлик мутахассисларни ҳам хайратга солар миқдорда катта маблағлар ажратаётганига қарамай, турли салбий ҳолатлар қаёқдан пайдо бўляпти ўзи, демоқчисиз-да. Ҳамма бало – яратилган шароитдан унумли фойдалана билмаслигимизда. Аввало, фарзандларимиз мактабу коллежларда ҳар куни дуч келадиган, бошдан-оёқ ўқиб-ўрганиши мажбурий бўлган дарсликларнинг, аynиқса, ўқувчиларда ўз тилига меҳр-муҳаббат, юртимиз табиатига шайдолик, Ватанимиз ўтмиши ва буюк алломаларимизга эҳтиром, кўхна удумларимизга ҳурмат, охир-оқибатда миллий ғурурни шакллантириши лозим бўлган тил, адабиёт, тарих, одобнома, табиатшунослик каби фанларга оид қўлланмаларнинг барчаси ҳам талаб даражасидами? Таълим берувчиларнинг савиясини мунтазам назорат қилиб боришнинг ортиқча қоғозбозликларсиз, янада соддароқ, лекин самаралироқ усуллари жорий этиш устида астойдил бош қотирыпмизми? Шунга қараб, ўз ишига пишиқ ўқитувчиларни етарлича рағбатлантира оляпмизми?

– *Ўқувчилик давримизда ўқитувчиларимизнинг беҳад китобсеварлигига қойил қолардик. Ҳозир бунақаси камроқ деб эшитамиз.*

– Ўқув масканлари кутубхоналарини янги китоблар билан бойита бориш масаласи маълум даврда эътибордан четда қолгани ҳам бунга сабаб бўлиши мумкин. Ўқитувчи ўз пулига сотиб олмоқчи бўлсаям, шаҳардан четроқ жойларда китоб дўконлари деярли йўқ. Қолаверса, ҳозирги китобларнинг нархи чўнтакни чақади.

Шунга ўхшаш сабаблар туфайлими, кейинги йилларда телеканаллар кишиларимизнинг асосий маънавий озиқ манбаига айланиб бормоқда. Балки бу табиий жараёндир. Шунинг учун ҳам телеканаллар сони кўпайтирилиб, аҳоли эҳтиёжини тўқисроқ қондириш чоралари кўриляётгандир...

– *Сифат-чи?*

– Балли! Ишнинг асосий ўзаги айнан мана шунда. “Сифат” – кенг маъноли тушунча. Бунда фақат тасвир тиниқлигини ошириш, кўрсатувларни жимжимадор клиплар билан бойитиш, студияни безаш ва ёритиш маҳоратигина назарда тутилмайди. Сифат, биринчи галда,

мазмуннинг тўқлиги, бошловчиларнинг фикрлаш доираси кенглиги ва сўзларни тўғри талаффуз қила олиш қобилияти, кўрсатувнинг моҳияти, долзарблик даражаси сингари жиҳатлар билан ўлчанади. Айниқса, “Болажон” телеканални бу борада алоҳида назоратга олиш зарур. Чунки болаликда бузилган тилни, болаликда тўмтоқлашган дидни, болаликда мияга муҳрланган урфни кейинчалик академик ҳам, академия ҳам ўзгартиролмайди. Ушбу телеканалда сўзни тўғри талаффуз қилиш, фикрни тиниқ ифодалаш, саҳнавий кўрсатувлар, мультфильмлар таржимасида болаларбоп содда жумлалар тузишга кўпроқ эътибор берилмоғи; барча кўрсатувларни мониторинг қилиб бориш йўлга қўйилиб, бу вазифага педагогика соҳасида бой тажрибага эга бўлган, Миразиз Миртожиев даражасидаги олимларимиз қўлланмаларини ипидан игнасиғача ўзлаштирган юқори малакали тилшунос йирик маош тайинланган тарзда жалб этилмоғи шарт. Бу ишни имкон қадар орқага сурмаган яхши.

Болалар – қўшиққа ниҳоятда ўч тоифа. Шу туфайли бу каналдаги “Доми-соль” кўрсатуви доимо раҳбарият диққат марказида турмоғи муҳим. Тайинли шоирларнинг шеърларини куйга солган тайинли бастакорлар кўрсатувда тез-тез қатнашиб турмагани учунми, шошмашошарликда яратилган баъзи қўшиқларнинг тузи паст. Мана, ўша муаллифи номаълум қўшиқлардан (2017.11.03 даги кўрсатув) бирининг матни:

*Сап-сарик лимон бўлаги,
Солиб кўрдим оғзимга.
Мазасини татиб кўриб,
Қайтиб олдим қўлимга.
Чиполлинонинг ўртоғи
Пиёзни татиб кўрдим.
Ачишиб кетди кўзларим,
Йиғлаб юборай дедим...*

Бу ҳатто шарҳлашга ҳам арзимайдиган сатрлар. Бундай шоирсимонларга зоримиз бор, холос – мунақа чиқиндиларни лоақал болаларимизга тиқиштирмай турсанглар-чи, барака топкурлар!

Агар бу мисралар болаларга қўшиқ ўргатишга мўлжалланган махсус кўрсатувга тааллуқли бўлмаганида, шунчаки бир айтиб ўтилди-да, деб қўяқолардик балки. Сергак торттирадиган томони шундаки, таомилга кўра, бошловчи бу матнларни ёш томошабинларга доналаб айтиб ёздирари ва эртага уни боғчаю мактабларда куйлаш бошланади...

Умуман, канал мутасаддилари кўрсатувлар мундарижасини қайтадан таҳлил қилиб чиқса чакки бўлмасди. Европача қаҳрамонларга тақлидан кийинувчи, енгил-елпи гапларни кўп қўлловчи бошловчиларга талабчанроқ бўлиш, асосан фольклоримиз, миллий адабиётимиз қаҳрамонларини тарғиб этиш ва интеллектуал кўрсатувлар сонини оширишнинг фурсати келди-ёв!

Бу билан айтмоқчиманки, бугун биз ахлоқи ноҳўялигидан, савияси тўмтоқлигидан ёзғираётган ўсмирлару ёшлар кечаги болалардир, уларни ғайри иллатлардан ўз вақтида етарлича ҳимоя қилолмадик. Энг аввало, хусусий нашрларда маънавий қашшоқлашувга олиб борувчи алмак-жалмак асарлар, суюқмижоз таржималар, янгича урфбозликлар, ғарбона дунёқараш, фаҳш, турфа хил жангариликлар тафсилоти урчиб бораётгани; рокчию попчиларнинг ғатти-ғуттилари мумтоз ва фольклор куй-қўшиқларимизни, аёллар пардозчилари, мусобақадод ошпазлар, хориж санъати тарғиботчилари, автоҳалокат даракчилари кабилар китоб шарҳловчилари, кино ва театр танқидчилари, адабиётшунослар, тарихшунослар, табиатшунослар ҳамда диний-маърифий қадриятимиз билимдонларини телеэкранлардан тобора сиқиб чиқараётганига томошабин бўлиб туравердик.

Энди бу хатомизни тузатишимиз керак. Матбуот нашрлари, нашриётларда таҳририят ва жамоатчилик кенгашлари бор, мазмуни ғалатроқ кўринган нарсалар улар назаридан ўтказиб олинади. Шунга ўхшаб, барча телеканалларда таниқли адиблар, бастакорлар, хонандалар, режиссёрлардан иборат жамоатчилик бадий кенгашлари тузилса, қўшиқлар (айниқса, эстрада қўшиқлари), клиплар, мультфильмлар, таъмсиздек туюлган баъзи теленовеллалар, спектакллар, сериаллар шу кенгаш тавсияси билангина эфирга узатилиши йўлга қўйилса, бундан фақат манфаат кўрган бўлардик.

– Даллолу тужжор халқи мақтовга уста келади. Ёқадан кириб енгдан чиқадиган бу учар тоифа кези келганда сувдан ҳалво пишириб беради. Бугун оммавий ахборот воситаларимизни кузатиб, журналисту қаламкашлар мадҳиягўйлик ва ҳайбаракаллачиликда бу икки тоифани ҳам чангида қолдирмаяптимики, деган хаёлга борасиз. Давлатимиз раҳбари жамият ҳаётидаги турфа муаммоларни рўй-рост гапириб барчага намуна бўлаётир. Аммо матбуот пинакка кетгандек – аксар нашрларимиз ҳали-ҳамон “эски қўшиқ”ни хиргойи қилмоқда. Шоир дўстингиз Усмон Азим яқинда “Хуррият” газетасида чоп этилган суҳбатда мукофоту унвон илинжида, ошкора тама билан қоғоз қоралаётган қаламкашларни Алдарқўсага ўхшатди, хушомад ва ялтоқиликни “феодал замон сарқити” деб атаб, ундан тезроқ қутулишга чақирди. (Дарвоқе, ўзингиз ҳам “Эй ёруғ дунё”да шоир Дуторий тимсолида бу тоифа кимсаларнинг пўстагини қоққанингиз ёдимизда.) Сўз хизматида сочи оқарган ижодкор сифатида айтинг-чи, “қалам – ўқлоғи, матбуот – кетмон бозори эмас”лигини қачон тўлиқ англаймиз? Юрт раҳбарлари талаб қилаётганидек, эришилган муваффақиятларга маҳлиё бўлмасдан танқидий мушоҳада юриштиш, тамаю илинжни бир четга суриб фийсабилло қалам тебратишга қачон одатланамиз?

– Очиғи, саволларингиз тобора ваҳимали тус оляпти...

– Нимадандир ҳадиксираётган бўлсангиз, бошқа саволга ўтақолай?

– Мени саволнинг ҳадикли томони бор-йўқлиги эмас, мураккаблиги хуркитяпти. Болалар шоириман дедим-ку боя, наmunча қийна-масангиз... Майли, укувим етганича деб, бир таваккал қипқўрай-чи.

Мен матбуотимизнинг эски замондаги аҳволини кўрган одамман. Турли тиғдор гапларни қўйиб турайлик, бир мақоладаги Беруний, Хоразмий, Навоийларга нисбатан айтилган “доно алломаларимиз” деган сўзлар қора ўтмишни улуғлашга киради, дея ўчирилиб, ўрнига “каби ажодларимиз” деб ёзиб қўйилганига ҳам, “бугунги сиёсатга тўғри келмайди” баҳонаси билан шеърдаги “май” “чай” га айлантирилганига ҳам гувоҳман. “Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил” нақлидан келиб чиқилса, матбуотимизнинг ҳозирги ҳолати жудаям шумшайган тахлитда эмас. Ҳатто кечагина цензурачилардан қаттиққўлликни талаб қилиб турадиганлар бугун ўзлари сира ҳайиқмай ўткир-ўткир мақолалар ёзаётгани – олдинга силжиш борлигидан далолат.

Мақтовларга келсак, мақтовнинг мақтовдан фарқи бўлади, ҳам-масига бир хил кўз билан қараш адолатдан эмас. Микрофон бўлмаса товуши тўрт қадамдан нарига етмайдиган хонандачани “сеҳрли овоз соҳиби”, “давримизнинг энг порлоқ юлдузи” деб, қайсидир бозор паттачисини “деҳқонларнинг мислсиз жонкуяри” деб, ўзига таниш футболчини “янги Месси” деб кўкларга кўтариш ўша қахрамонларни билганларга мазахнамо туюлиши тайин, албатта. Бундай ошнапарвар журналистлар турмушнинг не-не заҳматларига дош бериб, ҳам-мамиз учун миннатсиз хизмат қилиб келаётган чўпонними, деҳқонними, тракторчиними, чилангарними, қурувчиними, ҳечкурс, ўз касбига иззат юзасидан йўқлаб бориб, уларнинг ичини бир яшнатиб қайтса, ичаётган тузини озми-кўп оқлаган бўлармиди! Қолаверса, ўз вазифасини қойилмақом уддалаётган, меҳнатчиларга ҳарёклама елкадошлиги билан ҳурмат қозонган раҳбарларни мақташнинг, уни янги-янги ташаббусларга руҳлантиришнинг нимаси ёмон?

Матбуотда танқиднинг камлиги бор гап. Уни жонлантириш керак. Аммо бу ишни ҳаётнинг иссиқ-совуғини кўрган, шахсий хусуматлардан, чапаки манфаатлардан ўзини юқори тута оладиган табиати тоза қаламкашлар қилгани маъқул. Акс ҳолда, матбуот турли гуруҳлар бир-бирини бўлар-бўлмасга чўқилайверадиган “хўрозбозлар майдончаси” га айланади. Бу нарса охири фуқароларнинг ҳам тарафма-тараф бўла боришига олиб келади. Қудрати беқиёс ёки нуфузи асрлар давомида баланд бўлиб келган пойдевори пухта давлатларни бу ҳол балки ортиқча ташвишлантирмас, бироқ эндигина мустаҳкам оёққа туриб улгурган, унинг қадамма-қадам ривожланаётганидан ғашланувчи турли тўдалар атрофида пинҳона ғижиниб турган мамлакатда бундай тарқоқлик эҳтимолига писандсиз қараб бўлмайди.

Илгариги тузум даври у-бу асарларимда, сиз шамалагандек, бошимизда қамчи ўйнатган келгиндиларнинг “пўстагини қоқиш” га қўлимдан келганича урингандекман. Аммо, сўзимни ким қандай ту-

шунса тушунар-у, ўша даврдаги айрим маънавий зуғумлардан қаттиқроқ хўрлигим тутган чоғда, худойим мўъжиза кўрсатиб юртимиз мустақилликка эришса, эркинликда қандай мушкул аҳволга тушмайин, то халқимиз катта йўлга тинчгина чиқиб олмагунича бари-барига индамай чидаган бўлардим, деб қўярдим ўзимга ўзим. Бошимда ҳалиям шу фикр айланиб туради, халқимизни жипсликка чорлайдиган, қадоққўл меҳнаткашларимизнинг руҳини кўтарадиган, уларга ғамхўрлик қилаётганларни олқишлайдиган гапларни ёзгим келаваради. Лекин буларнинг остида қандайдир тама бўлиши мумкинлиги сира-сира хаёлимга қўнмаган экан.

– Демак, юмшоқлатиб айтганда, ҳозир танқидга унчалар мухлис эмассиз?

– Балки туғма шунақадирман. Туман газетасида олти йил ишлаган бўлсам, қайсидир пахтазорни ўт босгани, қайсидир жамоанинг қолоқликдан чиқолмаётгани каби хашаки черткиларни ҳисобга олмаганда, муҳаррирнинг қистови билан ё битта, ё иккита фельетон ёзганман, холос. Фельетон қилинганлар ишдан олинмасдан қолмасди, шундан безиллаган бўлсам керак.

Бу билан, кимнингдир қалбига озор етказиши, кимнингдир ҳатто ризқини қийиши мумкин бўлган танқиднинг мутлақо кераги йўқ, демоқчи эмасман. Танқид камайган жойда лоқайдлик, ўзбошимчалик, юлғичликка ўхшаш иллатлар авж олади. Фақат, яна қайтариқлаб айтаман, танқид дегани холос, ҳалол, асосли, камситувлардан холи бўлиши шарт.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг арзон уйлар қуришни қўпайтириш, ички йўлларни асфальтлашга улгуржироқ маблағ ажратиш, тиббиёт муассасалари ва дорихоналар ишини тартибга солиш, жойларда халқ қабулхоналарини очиш, китобхонликни оммалаштириш, аҳолини тоза ичимлик суви, газ, электр билан таъминлашга жиддий эътибор қаратиш сингари тиғиз масалалар борасидаги қатор-қатор ташаббуслари оддий кишилар кўнглини тоғдек кўтарди.

Афсуски, бундай савобли мақсадларни амалий ишга айлантириш баъзи жойларда суст кечмоқда. Имкон бўлатуриб, ўзига юкланган юмушларни бажаришга унчалик шошилмаётганларни, у ташкилот ёки муассаса бошлиғи бўладими, туман ёки вилоят раҳбари бўладими, нега энди танқид қилмаслик керак экан? Бу йўлда журналистларга ким тўсқинлик қиляпти? Балки, айтганингиздек, ўзимизнинг шаштимиз пастроқдир?

– Америкада атоқли инглиз арбоби Уинстон Черчиллнинг ўзга сайёраликлар ҳақидаги мақоласи топилбди. Алломалик дейсизми ё анойилик, дунёни сўраган сиёсатчи 1939 йили ёзган мақоласида ўзга сайёраларда ҳам ҳаёт бор, деган тахминни илгари сурган экан. Арбоб Черчиллнинг яхшигина шов-шув бўлган мақоласини эслаганимнинг сабаби бор, албатта. Мўъжиза рўй бериб, Ерга, ўз таъбирингиз билан айтганда, “муаллақ

таревуз"га олис сайёрадан меҳмонлар келиб қолса, инсониятнинг бугунги аҳволини қандай баҳоларкан? Ютуқлар ўз йўлига, "чақирилмаган қўноқлар" Одам фарзандларининг қай кори амалини ютқизиқ санаркан?

– Ўзга сайёраликлар келиб, бизни кўриб-кузатадиган бўлса, Ер кезгичи аҳлини Меҳрсиз Махлуқлар деб баҳолаган бўларди. Чунки бир жойда нонни ахлатхонага ташлаётганлар бошқа жойда одамлар очликдан ўлаётганини билатуриб ҳам пинагини бузмайди. Саволингизга мухтасар жавобим шуки, бошқа сайёраликлар биз билан жанг қилмоқчи бўлишса, ноаҳиллигимизни ютқизиқ санашади; бизга дўстликни таклиф этишса, ўзимиздан кучли бегоналарга ишонганимизни яширинча мазахлаб, соддалигимизни ютқизиққа йўйишади.

– *"Шарқ юлдузи"да босилиб, кейин китоб бўлиб чиққан "Ажинаси бор йўллар" асарингиз қўлма-қўл ўқилди. Одатдаги манзиратга йўйманг-у, унча-мунча қаламкаш ўз умр йўли ҳақида Сиздек – ёлғон аралаштирмай, ҳақ гапни ёзишга журъат қилолмас... Асарда ўзингизни беаёв тафтиш этасиз, "Мен не мақсадда яратилдим? Бунга қандай зарурат бор эди? Бор бўлса, ўша заруратнинг ўрнини тўлдира олдими?" дея саволларга тутасиз. Ҳўш, ортда қолган йилларни сарҳисоб этганда "номаи аъмол"дан қўнглингиз тўладими? Яратган Эгам зимангизга юклаган хос вазифаларни бажара олдингизми?*

– Биргина Яратгучининг ўзи билиши лозим бўлган нарсалар кўп. Тангрим зиммамга, умумга тааллуқлиларидан ташқари яна қандай алоҳида вазифалар юклаганини аниқ билганимда барини тўла-тўқис бажаришга жон-жаҳдим билан тиришган, тирикчиликни рўкачлаб, чойпули топиш учун алламбалоларни ёзишга, ҳавойи нарсаларни ўйлашга вақтимни беҳуда сарфламаган бўлармидим...



– *Анвар ака, яна қанақа саволларни қутган эдингиз?*

– Бу суҳбат учун биздан қанча қалампули сўрамоқчисиз, дейишингизни кутиб турибман, укагинам...

Собиржон ЁҚУБОВ суҳбатлашди.



Виктор АЛИМАСОВ



ARNOLD TOYNBИ: ТАРИХ ВА ТАМАДДУН

Тарихни англаш – ҳаётни англаш. Тарих серэхтирос воқеа-ҳодисалар ва беҳис саналар тўплами эмас, унда ҳаётнинг сабоқларию алдоқлари, сулху нифоқлари мужассам. Инсон ўтмишни англаши билан бошқа жонзотлардан фарқ қилади, аммо унинг ақлу идроки муҳташам тарих олдида ожиз. Фридрих Нитше таасуф-ла дейдики, “Биз тарихга занжирбандмиз; қаерга чопсак тарих занжири ҳам биз билан бирга чопади”. Бироқ “Занжирбанд шер – енгаман дер” (Навоий); инсон ақлу идроки шундай такаббур “шер” ҳамдир...

Айрим давр, миллат, халқ, давлат тарихини ўрганиб ном чиқарган олимлар кўп. Машриқайнда улар истаганча топилади, аммо жаҳон тарихини яхлит воқелик, муаммо сифатида тадқиқ этганлар бармоқ билан

санарли – Ибн Халдун (1332–1406), Иоҳанн Готфрид Хердер (1744–1803), Ҳегель (1770–1831), Освальд Шпенглер (1880–1936) ва Арнольд Тойнби (1889–1975). Ҳарҳолда илм аҳли энг аввал ана шу мутафаккирлар номи ни тилга олади.

Ибн Халдунни араб аълами, мудаққиқи деб аташади, уни Фукидид, Макиавелли ва Кларендонга қиёслашади. Агар Ғарб олимлари “порлоқ даврнинг ёрқин вакиллари” бўлса, Ибн Халдун “зимистон давр ва ўлкада порлаган ягона ёрқин нуқта эди” (Тойнби А. *Постижение истории. Сборник. Москва, “Прогресс”, 1991. Стр.278*). Аслида Ибн Халдун атиги тўрт йил умрини ижодга бағишлаган. Унинг “Китоб ул-ибар” (“Ибратли мисоллар китоби”) ва олти жилдли “Жаҳон тарихи” асарлари машҳур.

Ҳердер жаҳон тарихини ижтимоий-фалсафий ва маданий-тарихий нуқтаи назардан англашга интилади, инсоният тамаддунининг бешиги Осиё эканини ёқлаб чиқди. “Ёввойи Осиё”ни забт этишга киришган ғарбчиларга қарши айтилган фикр эди бу. У инсоният маданияти ва цивилизациясини яхлит тадқиқ этишга ундади. Файласуф фикрича, инсон идроки тарихни бутунлигича қамраб олганидагина унинг сирларини англаши мумкин (*Гердер И.Г. Идеи к философии истории человечества. Москва, “Наука”, 1977*).

Ҳегель жаҳон тарихини спекулятив талқин этади, унинг “Жаҳон тарихи фалсафаси” асари замондоши Ҳердер илгари сурган “изчил маданий ривожланиш” ғоясидан деярли фарқ қилмайди.

Шпенглер маданият ва цивилизацияга туғилиш, ўсиш, юксалиш, кексайиш ва ўлиш хос, деган концепцияни илгари суради. Файласуф Ғарб цивилизациясини таҳлил қилади ва у таназзул босқичида эканини асослашга интилади (*Шпенглер О. Закат Европы. Новосибирск, “Наука”, 1993*).

Тарих ҳам микрокосм, ҳам макрокосмни ўз ичига олади. Оддий нуқта ёки кундалик воқеалардан (микрокосм) тортиб то умуминсоний, глобал воқеалар (макркосм) ўз тарихига эга, ретроспектив таҳлил қилиниши мумкин. Замон ва маконда нимаки мавжуд экан, у тарих объекти бўла олади. Демак, ҳамма нарса, бутун борлиқ тарих қаъридан униб чиқади ва унга айланади. Инглиз тарихчи файласуфи Арнольд Тойнби тарихни бутун борлиқ нуқтаи назаридан англашга интилгани билан ушбу фанни историографик, ретроспектив таҳлил объектига айлантирган мутахассислардан фарқ қилади. У тарихни бутун цивилизациялар, кенг жонли ҳаёт миқёсида англаш тарафдори (*Тойнби А. Цивилизация перед судом истории. Сборник. Москва, “Рольф”, 2002. Стр.265*).

Инглизларга хос жаҳонгашталик, мақсадга бутун борлиғи билан интилиш, мудом ўрганиш иштиёқи, бетакрор умрни улуг ҳаётий маслак йўлида сарфлаш истаги Тойнбида мужассам эди. У Кембриж коллежи ва

Оксфорд университетиде ўқиётганидаёқ келгусида ким бўлиши, нима билан шуғулланишини аниқ тасаввур этган, қизиқишини тарихни англашга қаратган эди. “Қизиқарли юмуш ақлни изланишга ундайди, – деб ёзди у ҳаётий тажрибаларини умумлаштириб. – Ҳар кун, мудом ёзиб бориш даркор, ҳатто қораламаларингиз қоғозда қолиб кетса ҳам. Мунтазам ёзиш изчил мантиқий фикрлашга ўргатади, олим ақлини муттасил пешлаши керак, ахир”.

Юнонистон ва Рим тарихи унинг маънавий уйига айланади. Европани ларзага солган, қанчадан-қанча одамларни ибтидоий “мен”ига қайтарган Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушлари уни “маънавий уй”дан қуволмади, у ён-атрофидаги бедиллик, ёвузлик ва ноҳақликларни мозий идеаллари орқали енгди. Юнон-рим тарихига оид талай масканлар, жанг майдонлари ва кўча-хиёбонларни пиёда кезиб чиқди, папа ва императорлар яшаган саройларда бўлди, Афина демократлари ваъз ўқиган минбарларга чиқди. Унга антик даврга тааллуқли эканини руҳан ва жисмонан ҳис этиш зарур эди. Ўша таассуротлари таъсирида университет талабалари учун махсус курслар тайёрлади, кейинчалик тадқиқотлар ёзди. Юнон-рим тарихидан бутун Европа тарихига ўтди. Жаҳон цивилизация бешикларини ўз кўзи билан кўриш мақсадида Яқин Шарқ, Миср, Жазоир, Исроил, Эрон, кейинроқ эса Россия, Хитой, Ҳиндистонга сафар қилди. “Сочиқ, кийишга яроқли у-бу нарса солинган тўрва халта ва мешда сув бўлса бас”, дейди у саёҳатларидан завқ олиб. У цивилизацияларнинг ўзига хос, маҳаллий жиҳатларини излаб топиш, уларни бошқа тамаддунлар билан қиёслаш, тарихий ҳодисаларнинг муштарак нуқталарини қидириш, умумий қонуниятлар кашф этишдан чарчамайди. У ўзини инглиз барони эмас, балки “тарих илмининг садоқатли қароли” деб билади.

Олимда бир фикр мудом қизиқиш уйғотган. Одам пайдо бўлганидан бери юз минг, миллион йиллар ўтган. Аммо унинг цивилизацияга қадам қўйганига атиги 6 минг йил бўлган. Тамаддунга қадар у сокин, мураф-

фаҳ ҳаёт кечирган. Одамзод бутун ҳаётини, фикру ўйларини алғов-далғов қилиб юборган, ҳаётини серташвиш ва беҳаловат этган цивилизация босқичига қандай ўтди? Бунга нима етаклади уни? Цивилизациялардаги хайратомуз ўзига хосликлар ниманинг, кимнинг турткиси билан пайдо бўлди? Бу саволларга у миф ва диндан жавоб топди.

Олимнинг ёзишича, Илоҳ – Комил, Унинг яратгани ҳам Комил. Агар Илоҳ Комилни яратган бўлса, Комилдан кейин У яратишга эҳтиёж сезмайди. Мантиқан шунақа. Тойнби Гётенинг “Фауст”ига мурожаат этади. Илоҳ олдига Мефистофель (Шайтон) келади. У Илоҳга, яратганинг комил эмас, рухсат бер, мен буни исбот қиламан, дейди. Илоҳ эътироз билдирмайди, бу билан у, Тойнби фикрича, яна яратишга йўл очади. Демак, комиллик эмас, нокомиллик яратиш омили. Илоҳ – яратувчи, Мефистофель – бузғунчи. Тойнби Шайтон сўзларини “Даъват”, Илоҳнинг яратишини “Жавоб” деб атайди. Ушбу талқинини у цивилизацияларга татбиқ этади.

Миллион йиллар кечган сокин ҳаёт Илоҳнинг инсонга туҳфаси эди. У замонлар ҳаёт билан инсон ўртасида зиддият йўқ. Цивилизация босқичига ўтгач эса зиддиятлар юзага чиқади, инсонни мавжуд ҳаёт, маҳдудот қониқтирмай қўяди. Шу даврдан цивилизациялар туғилиш, юксалиш, кексайиш ва емирилиш босқичларини бошидан кечиради. Демак, цивилизацияни яратувчи ҳам, уни ҳалокатга етакловчи ҳам – инсон. Лекин буни инсон билмайди, билишга гоҳо унинг хоҳиши-да йўқ. Шунинг учун “фақат Илоҳ ҳақиқий аҳволни билади. Бизнинг индивидуал мулоҳазаларимиз эса таваккалига отилган ўқдир” (*ўша асар, 275-бет*).


Тойнби цивилизациялар назариясини яратган бўлса-да, ушбу тушунчага илмий таъриф бермайди, унга ҳаракат, деб қарайди. “Цивилизация, – деб ёзади у. – бизнинг тушунишимизча, ҳолат, жараён ёки бошпана эмас, у – ҳаракат. Жамият ҳаёти ифодаси бўлган ҳаракат. Бизга маълум бирорта ҳам цивилизация пировард мақсадига эришган

эмас. Ерда ҳеч қачон Авлиёлар иттифоқи (яъни бекаму кўст, комил жамият – В.А.) бўлмаган. Энг цивилизациялашган жамиятда ҳам унинг аксар аъзолари фақирона, қолоқ ҳаёт кечирган. Ҳеч бир жамиятга у эришган маънавий етуклик поғонасида қолиш насиб этмаган” (*ўша асар, 301-бет*). Цивилизациянинг жамият ҳаётини ифода этувчи ҳаракат экани Даъват ва Жавобга, Илоҳий қонун ва Инсоний қонунга мувофиқдир. Даъват – ижтимоий ҳаёт, тараққиёт талаби, унга жавоб беролган жамиятгина ривожланади. Агар жамият даъватга унамаса, у муқаррар таназзулга учрайди. Афина бошчилигида юнон цивилизацияси аввал иқтисодий даъватларга жавоб излади. Айрим шаҳар-давлатлар (Афина) ташқи иқтисодий алоқаларга эътибор қаратди, иқтисодий ривожланди, аммо баъзи шаҳар-давлатлар (Спарта) куч билан бошқаларни ўзига итоат эттиришни маъқул кўрди, яна бирлари ички муаммолари билан ўралашиб қолди. Улар сиёсий иттифоқ тузиш зарурлигини унутди. Чунки иқтисодий даъватлар ўз навбатида сиёсий жавоблар билан қўллаб-қувватлангандагина жамиятни сақлаб қолиш мумкин эди. Шаҳар-давлатлар ўртасида тузилган Делосс иттифоқи ҳам уларнинг бошини қовуштиролмади. Мил.авв. 31 йилда Август шаҳар-давлатларни сиёсий бирлаштиришга интилиб кўрди, бироқ энди кеч эди. “Рим империяси даҳмасига, – деб қайд этади Тойнби, – “Энди жуда кеч” деб ёзиб қўйилди” (*ўша асар, 304-бет*).

Илм тадқиқотчидан мақсад ва вазифалар, объект ва предмет ҳамда концепцияни аниқ белгилашни талаб этади. Боблар ўртасидаги узвийлик, хулосаларнинг асосланганлиги, амалиётга жорий этиш йўллари ҳам муҳим. Арнольд Тойнби эса бу каби талабларга риоя этмайди, у Шимол ва Жанубни, Ғарб ва Шарқни, даврлар, йиллар, динлар, воқеалар ҳамда цивилизацияларни истаган тарзда қиёслаб, ўз тасаввури чиғиригидан ўтказаверади. Спарта ва XX аср 30-йилларидаги Германияни, Ашшурбанипал ва Авлиё Людовикни, Афина ва Буюк Британия

давлатларини, XIII аср Коҳира мамлуқлари ва VIII асрда Рим империяси шавкатини тиклашга уринган Лев III Исаврни, Буюк Карл империяси ва Амир Темур давлатини, I–IV асрлардаги христианлик ва VII–VIII асрлардаги исломни ўзаро қиёслайди, улардаги умумий қонуниятларни кашф этишни кўзлайди. Шу боис ҳам баъзи Ғарб тарихчилари Тойнбини “халқлар, давлатлар, жамиятларни осонгина қориштириб ташлайдиган тарихчи-ҳикоянавис” (Люсьен Февр) деб атайди. Ҳақиқатан ҳам, Тойнби учун жамиятлар ўртасида “хитой девори” йўқ, у тарих илми талабларига мувофиқ келмайдиган, аммо жонли ҳаёт фалсафасини ифода этадиган фикрларини баён этиш, истаган мисолни келтиришни қанда қилмайди. Унинг усули анализга эмас, фалсафа тақозо этадиган синтезга қурилган. “Фалсафа – билиш, англаш санъати ҳамдир” (Н.Бердяев). У маълум бир тамаддунни босқичма-босқич, йилма-йил, соҳама-соҳа, мураббаъ таҳлил этмайди, уни турфа жамиятлар ҳаёти, кенг маънода, ҳаёт фалсафаси қизиқтиради. Воқеа-ҳодисаларни хронологик тарзда баён этиш осон, аммо уларни умумлаштириб, чўнг фалсафий хулосалар чиқариш мушкул. Шу боис ҳам тарихчилар мудом фалсафий мушоҳада ва умумлашмаларга эҳтиёж сезади. Файласуф ўз муҳолифларига жавобан бундай дейди: “Жонсиз табиатни ўрганувчи илмий методлар нима учун инсонлар ва улар фаолияти билан боғлиқ тарихий тадқиқотларга кўчирилиши лозим?” (*“Постижение истории”, 16-бет*).

Тойнбининг цивилизацияларни гуруҳлаши мубоҳасалар уйғотиб келади. Дастлаб у цивилизацияларни гуллаётган, ривожланишдан тўхтаган ва ривожланмай қолган; кейин эса мустақил ва ривожланмай қолган турларга ажратади. Мазкур таснифлашга нима асос қилиб олингани аниқ эмас. Баъзи гуруҳларда жуғрофий макон (Марказий Америка,



Жануби-шарқий Америка, Шимолий Анд, Жанубий Анд, Жануби-шарқий Осиё), бошқа гуруҳларда дин (православ христианлиги, ислом, несториан христианлиги, монофизит христианлиги, Узоқ Ғарб христианлиги), яна бир гуруҳларда миллий, сиёсий хусусиятлар (Хитой, Урарту, Корея, Вьетнам, Италия) инobatга олинади. Баъзи гуруҳларда эса мезон нима эканини ҳам

аниқлаш амримаҳол. Цивилизацияларнинг умумий сони ҳам чалкаш: баъзан улар 20, гоҳ 32, гоҳ 35 ва ҳатто 13 та деб кўрсатилади. Ҳа, тадқиқотчи адашиши, фикрини ўзгартириши мумкин, аммо у объектларини гуруҳлаш методларини, айниқса, улар сонини аниқ билиши шарт. Бу илмий ишларга қўйиладиган талаб! Илмда “мулла билганини...” қабалида ёзиш кетмайди.

Тарих фалсафаси ва маданият тарихида цивилизация генезисини ирққа ёки ҳудудий-жуғрофий муҳитга боғлаш кенг тарқалган. Айрим тадқиқотчилар цивилизация асосчиси сифатида европоидларни келтиради. Тойнби бу ёндашувларга қўшилмайди. Унинг фикрича, Миср ва Шумер цивилизациялари Нил, Дажла ва Фрот дарёлари этагидаги ҳудудий-жуғрофий муҳитда юзага келган. Аниқки, ушбу муҳитлар ҳам, цивилизациялар ҳам ўхшаш. Лекин негадир муштарак ҳудудий-жуғрофий муҳитга эга Иордания ва Рио-Гранде водийсида бир-бирига ўхшаш цивилизациялар шаклланмади. Анд юқори тоғ тизмаларида пайдо бўлган тамаддун шундай муҳитга эга Кения юқори тоғ тизмаларида юзага келмади. Чунки бу ҳудудий-жуғрофий муҳитда цивилизация яратишга даъват йўқ эди. Демак, цивилизация генезиси даъватга, унинг шаклланиши эса жавобга бориб тақалади. Жавобни кўпинча дин, эътиқод беради. Масалан, Рим империяси давр даъватларига жавоб беролмади, унинг қолдиқлари устида Ғарб цивилизациясини яратган христианлик, Цинь ва Хань им-

периялари қолдиқлари устида эса ҳозирги Хитой цивилизациясини барпо этган буддавийликнинг махаяна оқими пайдо бўлди.

Цивилизацияларнинг емирилиши ва уларнинг қолдиқлари устида янгисининг пайдо бўлиши “инсон ҳаётининг такрорланиши” (Аристотель), “қайта тирилиш” (Будда) ёки “туғилиш, ўсиш, юксалиш, кексайиш ва ўлиш” (О.Шпенглер) каби схемага монандми? Бундай схематик талқин цивилизацияни жонли жамиятга тааллуқли воқелик эканини англашга халақит беради. Цивилизация – жонли ҳаракат, унинг қачон пайдо бўлганини ҳам, қачон емирилишини ҳам ҳеч ким билмайди, уларни фақат тасаввур этиш мумкин. “Тарих чуқур моҳиятга эга, аммо у инсонга тўлиқ тушунарли эмас” (К.Ясперс). Тойнби эса қўшимча қилади: “Бизнинг ғарбона тафаккуримизга хос циклик назария, агар унга жиддий ёндашсак, тарихни телбалар тўқийдиган бемаъни чўпчакка айлантиради” (“*Цивилизация перед судом истории*”, 274-бет). Агар цивилизацияларга туғилиш, емирилиш, ўрнига янгисининг пайдо бўлиши хос экан, улар маълум бир схемаларга эмас, жонли Даъват ва жонли Жавоб талабларига мувофиқ ҳаракат қилади. Ушбу ҳаракат негизида Илоҳнинг режаси ётади. Илоҳий қонун ва Инсоний қонун цивилизацияларга маъно, мағз бағишлайди. Мазкур қонунларга кўра, инсон азобланиб яратади, азобланиб яшайди, азобланиш – унинг қисмати. “Туғилиш – азоб, кексайиш – азоб, хасталик – азоб, ҳаёт азоб-уқубатлардан иборат” (Будда). Бу тушкунлик Тойнбига ҳам бегона эмас, аммо у изланиш ҳамда ҳаракатдан воз кечилмаган тушкунликдир.

Цивилизациялар ҳаракатига баъзан тарихчи-файласуф Чиқиш ва Кириш, Инъ ва Ян диний-мистик ёндашувларини ҳам қўллайди. Янги тамаддунлар асосчилари мудом ёт кимсалар сифатида ўз даврасидан қувилган (Чиқиш). Тойнби Исо ва Муҳаммад алайҳиссаломни мисол қилиб келтиради. Улар янги куч, янги Жавоб билан қувилган даврасига қайтадилар (Кириш), шу тариқа Исо алайҳиссалом христианлик, Муҳаммад

алайҳиссалом эса ислом цивилизациясига асос солади. Тойнби Ибн Халдунга таянади. “Инсон табиатига, – деб ёзади араб тарихчиси, – ўз ҳолатидан қочиш хос ва бир онга бўлса-да, ўзини бегуноҳ сезиш учун унинг тақводор бўлгиси келади. Бу ҳолда руҳ дунё чинқириғидаги кишиларга аталган хабарни илғаб вужуддан кўтарилади” (“*Постигжение истории*”, 267-бет). “Ўз ҳолатидан қочиш” – руҳ талаби, инсон мавжуд ҳолатидан ёки маҳдудотдан қониқмайди, унга мутлақ янги ҳолат, янги муҳит зарур.

Ана шу онда Инъ (ҳаракатсизлик, сокинлик) ва Ян (ҳаракат, ўсиш) ўртасидаги тўқнашув янги жамият ёки тамаддунни шакллантиради. Инсоннинг мавжуд ҳолатдан, маҳдудотдан қониқмаслиги Шайтоннинг даъвати, цивилизация – мазкур даъватга жавоб. Агар инсон жавоб тополмаса, жамиятнинг емирилиши муқаррар. Йигирмадан зиёд жамият ана шу жавобни тополмагани боис тарих саҳнасидан тушиб кетган. Цивилизацияларнинг ўртача умри 1000–1200 йиллар атрофида, кейин улар мутлақ янги босқичга ўтади. Агар Тойнби совет цивилизацияси таназзулини кўрганида эди, юқоридаги рақамларга қўшимча киритган бўларди.

Тойнби цивилизациялар тарихини универсал давлат, универсал дин ва қабила-лар ҳаракати нуқтаи назаридан ўрганади. Бу тарих фанида шаклланган, ҳатто доғмага айлантирилган хронологик ва историографик ёндашувлардан кескин фарқ қилади. Эрон-араб жамиятидаги универсал давлат – аббосийларнинг Бағдод халифалиги, универсал дин – ислом. Қабилалар ҳаракати – Буюк даштдаги турк ва мўғул кўчманчилари, Саҳрои Кабир ва Атлас тоғликларида яшаган барбарлар, Арабистон яриморлидаги араб-бадавийларнинг юришлари дидир. Универсал давлатсиз тамаддун, жамият бўлиши мумкин эмас, дин – эътиқодий уюшиш, маънавий уйғунлик омили, юриш – ҳаракатлар, уларда куч ишлатиш, зўравонлик кўринишлари мавжуд бўлса-да, янги цивилизацияларнинг яшаш, тарқалиш шарти эди. Аммо Тойнби тагин воқеа-ҳоди-


саларни, даврларни аралаштириб юборади. Натихада мантиқ қоидалари бузилади, фикр чалғийди. Юқоридаги эрон-араб тамаддуни мисолдан келиб чиқсак, Буюк даштдаги турк-мўғул қабилалари – салжуқийларнинг юриши 1035–1071, барбарларники 1145–1223, араб бадавийларининг ҳаракати эса 632–1258 йилларга тўғри келади. Албатта, мазкур ҳаракатлар XIII асрда ислом цивилизациясининг шаклланишига улкан ҳисса қўшган, лекин улар моҳиятан айнан воқеликлар эмас эди. Араб бадавийларининг дастлабки юришлари босқинчилик, талончиликдан иборат эди, салжуқийлар ислом байроғи остида ҳаракат қилган, барбарлар ҳаракатида эса сиёсий, моддий ва диний мақсадлар аралаш келади. Умуман, Тойнби ўз қарашлари, ёндашувларини универсаллаштиришга мойил. У қарама-қарши, бир-бирдан йироқ турли воқеа-ҳодисаларни яқинлаштиришга интилганида позитив эклектизмга берилади.


Файласуф ислом цивилизациясини араб ва эрон жамиятларига ажратади. Улар умумий “ота” негиздан келиб чиққан бўлса-да, нафақат ҳудудий-жуғрофий, айна чоқда эътиқодига мувофиқ ҳам фарқланади. Эрон, Озарбойжон, Ироқ, Яман ҳудудларида шиа, Ҳиндистон, Марказий Осиё, Усманийлар империяси ҳудудларида эса сунний мазҳаби қарор топди. Тарихчи-файласуф “Марказий Осиё” атамасини ишлатса ҳам негизда жамият, цивилизацияни гуруҳлашда уни эсламайди.

У ислом тамаддунини ўрганишда уч омилга таянишни тавсия этади: биринчиси, Муҳаммад алайҳиссалом асос солган

ва унинг ажам издошлари шакллантирган ислом дини; иккинчиси, Муҳаммад алайҳиссалом асос солган, қудратли дарахтдек кенг ёйилган ислом давлати; учинчиси, христианлик маданиятидан униб чиққан ислом тамаддуни. “Ислом тамаддуни, – деб ёзади Тойнби, – несториан ва монофизит христианлиги ҳамда эрон зардўштилийи негизда кучга айланди. XIII асргача Эрон, Амударё ва Сирдарё халқлари орасида оммавий тарзда исломга кириш кузатилмайди. Мўғул кўчманчиларининг минтақага бостириб кириши оммани исломдан нажот излашга ундади” (*“Цивилизация перед судом истории”, 149-бет*). Бу аслида мўғуллар босқинига қарши минтақамиз халқларининг жавоби эди.

Тойнби – Ғарб маданияти вакили, қарашларида ғарбона цивилизация таъсири устувор. Унингча, “Ғарб бошқа цивилизацияларни кўзғатиши ва бўлиб юбориши мумкин, аммо у цивилизацияларни барқарорлаштириш ва уюштиришга қодир эмас” (*“Постижение истории”, 597-бет*). Олим вақти келиб Ғарб цивилизацияси ҳам таназзулга учрашини таъкидлайди, бугун рўй бераётган цивилизациялар тўқнашуви бунга далилдир. “Келгусида, – деб башорат қилади Тойнби – Шарқ, айниқса, Хитой цивилизацияларни бирлаштириши, инсониятни халос қилиш учун барча маданиятларни “зарур синтездан ўтказиши мумкин” (*ўша асар, 599-бет*). Чунки инсоният мудом бирлашиб, ҳаётни, цивилизацияни асраб келади. Бугун кечаётган глобаллашув инсонларни бирлаштиришга даъват этмоқда. Бу даъватга Шарқ ҳам жавоб бериши шарт!





АФЛОТУН

KRITON

СУҚРОТ. Бунча барвақт келмасанг, Критон? Ёки кун ёришиб қолдимиз?

КРИТОН. Йўқ, ҳали эрта.

СУҚРОТ. Аниқроқ гапир, қай вақт ҳозир?

КРИТОН. Кун чиқай деб қолди.

СУҚРОТ. Қизиқ, миршаб киришингга қандай рухсат берди?

КРИТОН. Бу ерга тез-тез келиб тураман – мени таниб қолган. Қолаверса, қуруқ қўймадим уни.

СУҚРОТ. Эндигина келдингми?

КРИТОН. Йўқ, келганимга анча бўлди.

СУҚРОТ. Ёнимда кутиб ўтирмай уйғотсанг бўларди-ку?

КРИТОН. Зевсга қасамки, Суқрот, очиги, сенинг бошингга тушган кулфату бунинг устига уйқусизлик балосини ўзимга ҳеч раво кўрмас эдим. Аммо ширингина ухлаб ётганингни кўриб, сени атай уйғотмадим – қайғудан бир оз бўлса-да холи бўлсин дедим. Феъл-атворингдаги сокинлик ва хушнудлик мени ҳайратга солади. Шунча мусибатни сен каби чидам ва қаноат билан қарши олган бошқа бирор кимсани кўрмаганман.

СУҚРОТ. Менинг ёшимда ўлимдан кўрқиб изтироб чекиш ярашмайди, Критон.

КРИТОН. Кексалик чоғида сенинг аҳволингга тушганлар ҳам бўлган, аммо ёши улуглик ҳам уларнинг изтироб чекишига монелик қилмаган.

СУҚРОТ. Эҳтимол шундайдир. Барвақт келганинг сабабини ҳали ҳам айтмадинг?

КРИТОН. Сен ва яқинларинг, айниқса, ўзим учун ниҳоятда қайғули, оғриқли хабар келтирдим.

СУҚРОТ. Қандай хабар экан? Наҳотки, ўлимимдан дарак берувчи кема Делосдан¹ қайтиб келган бўлса?

КРИТОН. Ҳали келгани йўқ, аммо Суний-да² уни кўрганлардан эшитдим – кема бугун етиб келади, эртага эса ҳаётинг якун топади, Суқрот.

СУҚРОТ. Жуда соз, модомики, худонинг иродаси шу экан, мен унга таслимман, Критон! Бироқ кема бугун етиб келмаса керак.


КРИТОН. Нимага асосланиб бундай деяпсан?

СУҚРОТ. Майли, айтай. Кема келган куннинг эртасига ўлишим муқаррар, шундайми?

¹ Ушбу диалогда милоддан аввалги 399 йили – Суқрот суд қилинганидан бир ой кейин, қатл этилишидан эса бир кун олдин бўлиб ўтган баҳс қаламга олинган. “Критон” Афлотуннинг илк диалогларидан бири бўлиб, унда Суқрот адолат, қонун, таълим-тарбия каби азалий муаммолар хусусида фикр юритиши билан бир қаторда, ўлимдан кўрқиб қонунни бузиши мумкинми ёки йўқми деган масалада ҳам баҳс этади.

² Афсонавий юнон қахрамони Тесей ва ҳамроҳларининг Минотавр лабиринтидан эсон-амон қайтиб чиқиши шарафига ҳар йили муқаддас Делос оролига совға-салом юкланган кема жўнатилган. Кема бориб келгунга қадар Афинада қатл ҳукмлари тўхтатиб турилган.

³ Суний – Афина жануби-шарқда жойлашган ҳудуд.



КРИТОН. Ҳарҳолда бу ишга алоқадор кишилар шундай деяпти.

СУҚРОТ. Кема бугун эмас, эртага келади, менимча. Сен келиб уйғотмаган пайтда – дарвоқе, уйғотмаганинг айна муддао бўлди – кўрганим тушдан шу хулосани чиқардим.

КРИТОН. Қандай туш экан?

СУҚРОТ. Тушимда оқ либос кийган, бениҳоя гўзал, хушсурат бир аёл ёнимга келиб, бундай деди: “Суқрот! Учинчи кун Фтия³ тепалигига етасан бешак”.

КРИТОН. Ғайриоддий туш!

СУҚРОТ. Бу тушни таъбирлаб ўтиришга хожат бўлмаса керак, Критон.

Суқротни ҳибсхонадан қочишга ундаб, Критон келтирган далиллар

КРИТОН. Маъноси англашилиб турибдику-я, бироқ, азизим Суқрот, сендан ўтиниб сўрайман, гапларимга қулоқ

сол, қочиш имконини қўлдан бой берма. Ахир, ўлсанг бошимга биргина кулфат ёғилмайди: сендек бемисл қадрдонимдан айрилишим етмагандек, бизни яқиндан билмайдиганлар имкони ва пули бўлатуриб, қиёматли дўстига ёрдам бермади, дея менга таъна қилишлари аниқ. Мол-дунёсини дўстидан афзал билди деб ўйласалар, бундан ортиқ шармандалик борми? Ҳар қанча уринмай, бунга ўзинг кўнмаганинга кўпчилик барибир ишонмайди.

СУҚРОТ. Кўпчиликнинг фикри билан нима ишим бор, азизим Критон? Фикри бамаъни одамлар буни тўғри тушунишади.

КРИТОН. Аммо кўпчиликнинг фикрига беписанд қараб бўлмайди-да, Суқрот. Ўзинг тушган аҳволдан ҳам кўриниб турибдики, кўпчиликнинг олдида ҳурмат-эътиборини йўқотганлар бошига улар мислсиз кулфатлар солиши мумкин.

СУҚРОТ. О, Критон, қанийди сен тилга олган ўша кўпчилик мислсиз ёвузликка қодир бўлса-ю, айна чоғда, чексиз эзгулик ҳам қила олса! Қандоқ соз бўлар эди-я! Аммо ҳақиқат шуки, улар на ёвузликка ва на эзгуликка қодир: улар инсонни на оқилга, на аҳмоққа айлантира олади. Уларнинг қилаётган иши шунчаки тасодиф маҳсули, холос.

КРИТОН. Майли Суқрот, бу борада сен билан тортишмайман. Лекин бир саволимга жавоб бер: ҳойнаҳой, сени қочириб юборгач, мен ва бошқа дўстларинг чақимчилар касрига азоб чекишимиз, анча-мунча мол-мулкимиздан айрилишимиз, эҳтимол, бундан-да оғирроқ жазога дучор бўлишимиздан кўрқиб бу ишни қилмаётгандирсан? Кўрқмай қўяқол, озод бўлишинг учун биз бу тугул баттароқ хатарларга ҳам тайёрмиз. Шундай экан, гапимга қулоқ сол, айтганимдек йўл тут.

СУҚРОТ. Ҳа, Критон, шундан кўрқяпман, лекин бошқа сабаблар ҳам бор.

КРИТОН. Қўрқишга ҳожат йўқ. Бир оз харажат қилсак, сени бу ердан чиқаришга ёрдам берадиганлар топилади. Чақимчиларга келсак, улар пасткаш кимсалар эканини ўзинг яхши биласан, озроқ ақча билан

³ Фтия – юнонча “фтино” (φθίνο) феълининг синоними бўлиб, ўлиш, ҳалок бўлиш маъносини англатади.

оғизларини ёпамиз. Мол-мулким сенинг ихтиёрингда. Бу ишга етса керак. Агар менинг ғамимини еб, мол-мулкимни сарфлашни истамаётган бўлсанг, керакли маблағни беришга шай турган бошқа кишилар ҳам бор; улардан бири – фивалик Саммий⁴, аллақачон анчагина маблағ ҳозирлаб қўйган. Кебет⁵ ва бошқалар ҳам четда тургани йўқ. Яна қайтараман: кўрқишга арзигулик сабаб йўқ. Қочиш имконияти бор экан, иккиланма! Бу ердан кетиб, бегона юртларда нима ҳам қиламан деб судда айтган гапларингни хаёлингдан чиқар: қаерга борсанг ҳам, сени қадрлашади. Мабодо Фессалияга⁶ борсанг, у ерда сени бошига кўтариб, ҳимоя қиладиган дўстларим бор, ҳеч бир фессалиялик сенга зиён етказмайди.

Назаримда, Суқрот, ҳаётингни асраб қолиш имкони бўлатуриб, ўзингга ўзинг хиёнат қилишингни оқлаб бўлмайди. Душманларинг кўзлаган ва деярли эришган қабоҳатга жимгина кўниб, ўзингни ўзинг хароб этмоқчимисан? Боз устига, фарзандларингни ўйласанг-чи, уларга ҳам хиёнат қиляпсан. Ҳолбуки, уларни боқшинг, тарбиялаб вояга етказишинг зарур. Сен эса уларни тақдир ҳукмига ташлаб кетяпсан. Етимлик қисмати бошларига солиб, шу билан раҳмат эшитаман, деб ўйлаяпсанми? Фарзандини боқиб, тарбиялаб катта қилишни истамайдиган одам зурриёдсиз ўтиши керак. Сен эса енгилни танламоқчисан; умр бўйи эзгуликни тарғиб этган сендек инсон мард ва виждонли кишилардек йўл тутиши керак эмасми? Бошингга тушган савдолар журъатсизлигимиз оқибати эканини ўйласам, фақат сен эмас, биз – дўстларинг ҳам уятдан бош кўтара олмай қолишимиздан кўрқаман. Камига, биз – сени ҳимоя қилиши лозим бўлган кишилар заиф ва кўрқоқ бўлмаганимизда иш маҳкамагача етиб бормас, суд жараёни ва унинг бемаъни хотимасига йўл қўйилмасди (қочишинг ҳам қийинчиликсиз бўларди). Гапнинг индаллоси, буларнинг бари фақат сен учун эмас, биз учун ҳам қанчалар шармандали ва аламли бўлишини ўз вақтида кўра билмадик, Суқрот. Ўйлаб кўр. Ўйлашга ҳам фурсат қолмаган, зотан. Шу боис, тезда бир қарорга келишинг керак, шу тундаёқ ишни

бирёқли қилиш шарт. Пайсалга солсак, кейин кеч бўлади. Ёлвораман Суқрот, гапимга кир, айтганимдек қил.

СУҚРОТ. О, азизим Критон, жонбозлигинг мақсади хайрли бўлганда бу ишинг таҳсинга лойиқ бўлар эди. Бироқ бундай жонбозлик қанчалик кучли бўлса, у шунчалик зарарлидир. Шу боис, сен айтгандек йўл тутишимиз керакми-йўқми, ўйлаб кўрмасак бўлмайди. Ақлни ҳамиша ўзимга пешво билдим, энг оқил асосларгагина таянишга уриндим. Бошимга шундай оғир кулфат тушган пайтда ҳам ўзим қадрлаган ва таъкидлаб келган тутумлардан воз кечмайман. Башарти улардан яхшироқ тутумлар йўқ экан, ўша ёвуз кўпчилик, ёш болани ажина билан кўрқитгандек, сенларни занжирбанд этамиз, ўлдирамиз, бор мол-мулқингни тортиб оламиз дея таҳдид қилганда ҳам, айтганларингга кўна олмайман. Хўш, бу масалани тўғри ҳал этиш чораси борми ўзи? Аввало, боя айтганинг – одамлар нима деяётгани, кимнинг фикри эътиборга лойиқ-у, кимники нолойиқлиги ҳақида гаплашайлик. Эҳтимол, ўлим бошимга соя ташлаб улгурмаган кезларда айтган мулоҳазаларимиз тўғри бўлгандир? Қачонлардир ишончли кўринган ўша гаплар наҳотки куруқ вайсашдан ўзга нарса бўлмаса? Ҳозирги вазиятда улар ўзгача маъно касб этадими, фикримизни ўзгартиришимиз керакми, энди сен билан шуни муҳокама қилишни истардим, Критон. Баъзи кишиларнинг фикрларини қадрлаш, бошқаларникини эса эътиборсиз қолдириш керак, деган мулоҳазамни бамаъни кишилар тасдиқласа ажабмас. Мана сен, Критон, ўлим таҳдид солмаётган, эсанкиратиб қўймаётган ҳолис бир инсон сифатида айт-чи, барча одамларнинг фикри бирдек эътиборли эмаслиги: баъзиларники тош босадиган, бошқаларники қадрсиз бўлиши ҳақидаги мулоҳазам тўғрими? Хато қилмаганмидим?

КРИТОН. Йўқ, албатта.

СУҚРОТ. Маънили фикрларга қулоқ тутмоқ, бемаъниларидадан воз кечмоқ лозим, шундайми?

КРИТОН. Худди шундай.

СУҚРОТ. Нодоннинг эмас, дононинг фикри қадрли, тўғрими?

⁴ Фивалик Саммий – юнон файласуфи. Лазртлиқ Диогеннинг гувоҳлик беришича, у 23 та диалог ёзган.

⁵ Кебет – файласуф, Фивалик Саммийнинг ватандоши. 3 та диалог муаллифи.

⁶ Фессалия – Элада шимоли-шарқида, Эгей денгизи қирғоғида жойлашган музофот.

КРИТОН. Албатта, бошқача бўлиши мумкин эмас.

СУҚРОТ. У ҳолда айт-чи, қуйидаги масалани қай йўсинда ҳал қилган эдик: гимнаст ҳар кимнинг мақтови ва танбеҳига эътибор қилиши лозимми ёхуд табибнинг ёки мураббийнинг гапига?

КРИТОН. Фақат табиб ёки мураббий кўрсатмасига қулоқ тутиши керак.

СУҚРОТ. Демак, у ҳамманинг эмас, биргина одамнинг танбеҳидан кўрқиши ва мақтовидан хурсанд бўлиши даркор.

КРИТОН. Худди шундай.

СУҚРОТ. Демак, у дуч келган одамнинг эмас, биргина оқил устозининг айтганига кўра яшаши, машқ қилиши, еб-ичиши даркор.

КРИТОН. Тўғри.

СУҚРОТ. Жуда соз. Мураббийга бўйсунмай, бу ишда оми кўпчилик нима деса, шунга эргашадиган гимнаст ўзига зиён етказмасмикан?

КРИТОН. Албатта зиён етказади.

СУҚРОТ. Хўш, бу қулоқсизнинг нимасига, қандай зиён етади?

КРИТОН. Аввало унинг жисмига зиён етса керак, чунки бу иши билан у жисмини емиради.

СУҚРОТ. Балли. Бошқа соҳаларда ҳам шундай эмасми, Критон? Ҳаммасини бирма-бир санаш шартмасдир? Адолат ва адолатсизлик, хунуклик ва гўзаллик, эзгулик ва ёвузлик бобида ҳам кўпчиликнинг фикрига эргашмоғимиз керакми ёки ўзимиз ҳурмат қиладиган ва ҳайиқадиган оқил кишининг фикригами? Ҳозир шуларни муҳокама қилаётирмиз, зотан. Ахир, ўша биргина кишининг фикрига қулоқ тутмаслик билан адолат сабаб гуркираб, адолатсизлик боис қовжирайдиган ўзимиздаги ниманидир бой бериб қўймаймизми? Ўшандай нарса бор, тўғрими?

КРИТОН. Албатта бор, Суқрот.

СУҚРОТ. Шунга ўхшаш бир мисолни келтирай. Соғлом бўлса яшайдиган, касалликдан нобуд бўладиган, ҳаётимиз ўзига боғлиқ бўлган нарсани бир нодоннинг гапига кириб барбод қилармидик? Мен жисмимиз ҳақида гапираётганимни англадингми?

КРИТОН. Ҳа, албатта.

СУҚРОТ. Ҳеч ночор ва хаста жисм билан яшамоқ мумкинми?

КРИТОН. Ҳеч қачон.

СУҚРОТ. Адолатсизликдан сўладиган, адолатдан яшнайдиган инсондаги олий жавҳардан маҳрум бўлсак-чи, ҳаётдан мақсадмаъно қоладими? Наҳотки жисмимиз адолат ва адолатсизликка дахлдор бўлган ўша олий жавҳардан ҳам қадрлироқ бўлса бизга?

КРИТОН. Асло.

СУҚРОТ. Демак, ўша нарсани қадрлаймиз?

КРИТОН. Ҳа, шак-шубҳасиз.

СУҚРОТ. Шундай экан, дўстим, кўпчилик биз ҳақимизда нима дейиши аҳамиятсиз. Адолату адолатсизликни таниган киши нима дейди, ҳақиқат нима дейди – бу муҳим. Бинобарин, адолат ва адолатсизлик, яхшилик ва ёмонлик, шараф ва шарафсизлик ҳақидаги омманинг фикрини тан олишимиз кераклиги ҳақида айтганларинг тўғри эмас. Майли, айримлар айтар “Кўпчилик бизни ўлдириб юбориши мумкин” деб.

КРИТОН. Гапинг тўғри, Суқрот, шундай дейишлари мумкин.

СУҚРОТ. Сен учун қандай билмадим-у, назаримда, илгариги ўша мулоҳазам ҳали ҳам ўз кучини йўқотмаган. Шунчаки ҳаётни эмас, муносиб ҳаётни қадрламоқ кераклиги ҳақидаги бошқа бир фикрим ҳам ўз кучини йўқотмаган, шундайми?

КРИТОН. Шундай.

СУҚРОТ. Муносиб ҳаёт эса шарафсиз ва адолатсиз бўлмайди. Бу ҳам тўғрими?

КРИТОН. Албатта.

СУҚРОТ. Демак, шу нуқтаи назардан, афиналиклар иродасига қарши бориб, бу ердан қочишим керакми ёки йўқми, шуни ўйлаб кўрайлик: агар бу ишга ҳақли бўлсам, қочаман, акс ҳолда, тақдирга тан бераман. Харажатлар, эътибордан қолиш, фарзандларим тарбияси хусусидаги мулоҳазаларингга келсак, сирасини айтганда, азизим Критон, буларнинг бари истаса ҳар қанча айбидан кечиб, жонини омон қолдиришга, истамаса арзимас баҳона билан қатл этишга тайёр ўша машъум кўпчиликнинг нуқтаи назари эмасми? Муҳокамамиз шу ергача келган экан, мана бу масалага ҳам ойдинлик киритайлик: бошқаларнинг ҳаётини хавфга қўйиб, пул эвазига мени бу ердан чиқариб юборишларини сўрасак, сўнг улар-

га миннатдорлик билдирсак, ёинки ўзимиз бу ердан қочиш чорасини топсак, адолатданми шу ёки адолатсизликми? Башарти бу адолатсизлик бўлса, шу ерда қолиб, ўлимга тик бориш ёки бошқа бирон бир балога йўлиқиш дуруст эмасми?

КРИТОН. Гапларингда жон борга ўхшайди. Хўш, нима қилишимиз керак у ҳолда?

СУҚРОТ. Қайси йўлни танлашни ўйлаб кўрайлик. Агар сўзларимни инкор қилиб, мени ишонтира олсанг, хўп-хўп. Акс ҳолда, афиналиклар иродасига қарши бориб, бу ердан қочишга мени бошқа ундай кўрма. Башарти мулоҳазаларинг менинг энг асосли принципларимга қарши бўлмаса, ўша мулоҳазаларингга бажонидил ишонганим бўлсин. Айтган гапларим ҳақида ўйлаб кўриб, саволларимга холисона жавоб бер.

КРИТОН. Хўш?

СУҚРОТ. Адолат принципига доимо содиқ қолиш керакми ёки шароитга қараб, баъзида уни бузиш мумкин, бошқасида мумкин эмасми, биз қайси фикрда эдик? Ҳозиргина айтганим ва мудом таъкидлаб келганимдек, адолатнинг бузилиши ахлоқсизлик ва шарафсизликдир, буни шу онда ҳам тўғри дейсанми? Ёки бир неча кун ичидаёқ аввалги эътиқодимиз саробга айланиб, кексайганда гўдақдан фарқимиз қолмаслигини билиш учун бутун умр тер тўкиб тафаккур қилдикми? Ёки бошимизга нима савдо тушишидан, одамлар нима дейишидан қатъи назар, кимки адолатсизлик қилса, бу унинг учун доимо шарафсизлик ва зиёнлиқдир, деган хулосамизда қоламизми? Шундайми?

КРИТОН. Шундай.

СУҚРОТ. Демак, ҳар қандай вазиятда ҳам адолатни бузиш мумкин эмас?

КРИТОН. Асло мумкин эмас.

СУҚРОТ. Кўпчилик ўйлаганидек, ёмонлик қилганга ёмонлик қилиш бизга тўғри келмайди. Биз ҳаргиз ёмонлик қилмаслигимиз лозим. Тўғрими?

КРИТОН. Тўғри.

СУҚРОТ. Ёвузликка йўл қўйиш мумкинми, Критон?

КРИТОН. Асло, Суқрот!

СУҚРОТ. Хўш, кўпчиликнинг назарида ахлоқан тўғри ҳисобланган, ёвузликка ёвузлик билан жавоб қайтариш адолатданми?

КРИТОН. Мутлақо адолатсиздир.

СУҚРОТ. Ундай бўлса, ўзгаларга зулм қилиш ва адолатсизлик айни нарса экан-да?

КРИТОН. Шундай.

СУҚРОТ. У ҳолда бизга зиён етказган одамдан қасд олмаслик, унга ёмонлик қилмаслик лозим. Критон, айтаётганинг чин эътиқодингми, шу ҳақда ўйлаб кўр. Зеро, бу фикрга ҳеч қачон кўпчилик қўшилмаган, қўшилмайди ҳам. Унга қўшиладиганлар билан қўшилмайдиганлар таянадиган асос бир эмас, улар бу фарқни сезганлари он бир-бирини камсита бошлайди. Шу фикрни, яъни ёмонлик қилиш ҳам, ёмонликка ёмонлик билан жавоб қайтариш ҳам ахлоқсизликдир, деган менинг бирламчи принципимни қабул қиласанми? Шу принципни бошқа мулоҳазаларимиз учун асос қилиб олишимиз мумкинми? Ёки рад қиласанми? Мен эса ҳамма вақт шу фикрни қўллаганман, ҳозир ҳам шундай. Бошқа бирон мулоҳазанг бўлса, айт, қулоғим сенда. Агар аввалги фикрингда қолсанг, сўзимда давом этаман.


КРИТОН. Фикрим ўша-ўша, давом этишинг мумкин.

СУҚРОТ. Хўш, ундай бўлса, гапимни савол билан давом эттираман: инсон ўзи тўғри деб билган ишни қилиши керакми ёки ўша тўғрилиқка хиёнат қилиши мумкинми?

КРИТОН. Албатта, ўз эътиқодига мувофиқ иш тутиши лозим.

СУҚРОТ. Ана энди шу принципни ҳозирги вазиятга нисбатан қўлайлик. Афиналиклар иродасига зид ўлароқ бу ердан қочиш кетишим тўғри ишми? Ўзимиз шу кунгача эътиқод қилган принципга амал қилишимиз керакми-йўқми?

КРИТОН. Нима деб жавоб беришга ҳам ҳайронман, Суқрот.



Сукротнинг эъти- розларига қонунлар муносабати

СУҚРОТ. Кел, буни ҳам кўриб чиқамиз: тасаввур қил, бу ердан жуфтакни ростламоқчиман (сен буни қандай номлайсан, ихтиёринг). Ўша топда Қонунлар ва Давлат олдимга келиб, мени шундай сўроққа тутса: “Айт-чи, Суқрот, нима қилмоқчисан ўзи? Бизни – Қонунларни ҳам, Давлатни ҳам барбод этувчи ишни ўзинг хоҳлаб қиялпасанми? Наҳотки, қонунлари заиф, ҳар ким хаёлига келганини қилаверадиган жойда давлат қолади деб ўйласанг?” Бу саволларга жавобимиз қандай бўлади, Критон? Ҳар ким, айниқса, доно нотиқлар суд ҳукми ижросини тақозо этувчи қонунларга бўйсунмаслик қандай мудҳиш оқибатларга элтиши ҳақида соатлаб маъруза ўқиши мумкин. Давлат бизга ёмонлик қияпти, суд адолатсиз ҳукм чиқарди, деб жавоб қайтараманми? Наҳотки, уларга шундай дея олсам?

КРИТОН. Шундай дейсан-да, Суқрот.

СУҚРОТ. Қонунлар бунга эътироз билдириб: “Бу қанақаси бўлди, биз шунга келишганмидик, Суқрот. Ахир давлатнинг қарорларига бўйсунининг лозим эмасмиди?” дея сўраса-чи? Уларнинг саволидан ажабланганимни кўриб тагин сўроққа тутса: “Кўзларингни лўқ қилмай жавоб бер, Суқрот, савол бериб, жавоб излаш сенинг аъмолинг эмасмиди? Бизни буткул йўқ қилгучи бу қилмишингни оқлай оладиган бирор даъвоинг бордир? Биз эмасми сени бор қилиб, улғайтирган? Бизнинг шарофатимиз билан отанг онанга уйланиб, сени дунёга келтирмаганми? Жавоб бер, Суқрот, никоҳни тартибга солган бизмиз-ку, ахир, бунга қандай эътирозинг бор?” Бунга мен “Эътирозим йўқ”, деб жавоб қайтарардим. “У ҳолда бола таълим-тарбиясига оид фармонларимиз сени қаноатлантирмаётими? Отангдан сенга мусиқа ва гимнастика таълимини беришни талаб қилган қонунлар адолатсиз эдимиз?” Мен “Адолатли эди” дердим. “Жуда соз. Хўш, дунёга келганинг, таълим-тарбия олганинга биз сабабчи бўлганимизни тан олар экансан, сен ҳам аждодларинг каби бизнинг фарзандимиз ва қулимиз бўлиб қолишдан бўйин товлайсанми? Башарти ҳаммаси биз айтгандек

бўлса, сен биз билан тенг мақомда эмассан. Биз сенга қай йўсинда муносабат қилсак, сен ҳам бизга ўшандай йўсинда жавоб қайтаришга ҳақли эмассан. Отанг ёки хожанг сенга азоб берса, қийнаса, сен ҳам бунга жавобан уни азоблаш ёки ҳақорат қилишга ҳақлиман, деб ўйлайсанми? Бунга ҳаддинг сиғмайди, тўғрими? Хўш, биз сени йўқ қилмоқчи бўлсак, сен ҳам бизга нисбатан шундай йўл тутишга ҳақлиманми? Эй фазилатлар билимдони, айт, бу каби қилмишингни қандай оқлайсан? Сендек бир донишманд наҳотки давлатимиз ота-онаю барча аждодлардан қадрлироқ, юксақроқ, муқаддасроқ эканини англамаса, худолар ва ақл-заковатли кишилар назарида эса у янада юқорироқ ўрин тутишини наҳот билмасанми? Қолаверса, давлат ғазаб отига минганда, ундан отадан ҳам кўра кўпроқ қўрқиш, унга бош эгиш лозимлигини тушунмайсанми? У сени хоҳ қамаб, хоҳ калтаклаб жазоласин, суқут билан итоат этмоғинг; азоб ва ўлим хавфи муқаррар жанг майдонига йўллаганида буни тўғри иш деб таслим бўлмоғинг; жангда, судда ёки исталган жойда ўзинга топширилган вазифадан бош тортмаслигинг, хуллас, шаҳар ва давлат иродасига бўйсунмоғинг шарт. Акс ҳолда, адолат ҳақидаги қарашларингни ўзгартирмоғинг керак. Сирасини айтганда, ота-онагаки зарар етказа олмайдиган одам давлатига қарши бу ишни мутлақо қила олмаслиги аниқ”. Буларга қандай жавоб бера оламиз, Критон? Қонунлар тўғри сўзлаган бўладими?

КРИТОН. Назаримда, тўғри.

СУҚРОТ. Шундан сўнг Қонунлар бундай деса ажаб эмас: “Бизга қарши бориб, хато қилмаясанми, шу ҳақда чуқурроқ ўйлаб кўр. Сени дунёга келтирдик, ўқитдик, тарбияладик, сенга ва ҳар бир афиналикка



нима яхшилик бўлса, ҳаммасини қилдик. Боз устига, ҳар бир фуқарога вояга етгач, башарти йўригимиз ёқмаса, бизга маълум қилган ҳолда, бор мол-мулкни олиб истаган юртига кетиш ҳуқуқини бердик. Бу борада ҳеч биримиз – қонунлар уларга монелик қилмайди. Биз ва шаҳардан норози бўлган, бирор кент ё қасобага кетишни истаганлар мол-давлатини олсину кетаверсин, тўрт томони қибла. Аммо бу ерда қолиб суд-ҳуқуқ ва бошқарув ишларимиздан бохабар бўлган ва биз билан аҳдлашганлар буйруқларимизга бўйин эгишга мажбурдир. Бўйсунмаган киши уч сабабга кўра гуноҳкордир: биринчидан, бизга исён қилиш орқали ота-онасига исён қилган бўлади; иккинчидан, биз уни тарбиялаганмиз; учинчидан, бизга итоат ҳақида ўртада аҳд бор. Бундай киши на бизга итоат этади ва на буйруқларимиз адолатсиз эканини асослайди. Биз уни ноҳақ жазоламаймиз, аксинча, ундан итоат этиш ёки қарорларимиз хатолигини асослашни талаб этамиз, холос. Биз шуни таклиф қиламиз, у эса ҳеч бирига кўнгиси келмайди. Бу ердан қочсанг, ана шу айбловлар бошқа афиналиклардан ҳам кўра кўпроқ сенга ёғдирилади, Суқрот”. Мен “Нега энди менга кўпроқ айб тушади”, деб сўрасам, улар бошқа афиналиклардан фарқли ўлароқ онгли тарзда аҳд қилганимни эслатишлари тайин. Улар сўзларида давом этиб, бундай дейди: “Қўлимизда, Суқрот, биз ҳам, шаҳар ҳам сенга маъқул бўлганини кўрсатувчи очиқ далиллар бор. Сен шу шаҳарда бошқа фуқаролардан кўра кўпроқ яшагансан. Бир гал Истмага борганинг, ҳарбий хизмат тақозоси билан бирор ерга юборилганингни истисно қилсак, имкон бўлганда ҳам шаҳардан узоққа кетмагансан. Ўзгалар каби саёхатларга чиқмагансан. Бошқа дав-

латлар ва уларнинг қонунларига ҳам қизиқмагансан. Сенинг туйғуларинг биз ва давлатимиз билан чамбарчас боғлиқ эди. Сенга маъқул бўлгани боис, фарзандларингни ҳам шу юртда дунёга келтирдинг. Суддан ўзингга жазо сифатида шаҳардан бадарға қилишни сўраганингга эди, ҳозир яширинча қилмоқчи бўлган ишингга давлатнинг ўзи изн берарди. Аммо сен қувғинликдан ўлимни афзал билишингни, ўлимдан заррача бўлсин кўрк-маслигингни даъво қилдинг. Бироқ ҳозир ўша дамдаги ҳассос сўзларингни унутиб бизга – қонунларга итоатсизлик қилмоқдасан; ожиз, чорасиз қулдек йўл тутяпсан, фуқаро сифатида берган аҳдингдан юз ўгирияпсан. Аввало саволга жавоб бер: сен шунчаки сўзда эмас, амалда бизга итоат этиб яшашга рози бўлганинг ёлғонми?” Бу сўроққа нима деб жавоб берамиз, азизим Критон? Улар тўғри сўзлаганини тан оламмизми?


КРИТОН. Тан олмай илож йўқ, Суқрот.

СУҚРОТ. “Сен, Суқрот, – дейишлари мумкин яна улар, – биздан норизо бўлмасанг, аввал ўртаммиздаги аҳдлашув адолатсиз экани хусусида оғиз очмаган бўлсанг, етмиш йил ичида имконинг борида шаҳарни ташлаб кетмаган бўлсанг, бирор кимса мажбурламаса, алдамаса, шоширмаса, нега ўртаммиздаги келишувни ўз ҳавойи нафсингга кўра бузишга уриняпсан? Ахир, сенда танлов ҳуқуқи бор эди, ўзинг ҳуқуматларини мақтаб келган Лакедемон ёки Критга, ёки бирор эллин ёхуд хорижий давлатга кетишинг мумкин эди-ку! Аксинча, сен бу юртга бошқа афиналиклардан кўра кучлироқ ошиқ эдинг, аниқроқ айтганда, бу юртнинг қонунларига шу қадар мафтун эдингки (қонунсиз давлатни ким ҳам яхши кўрарди), уни бир марта ҳам тарк этмадинг. Чўлоқ, сўқир, майиб-мажруҳлар ҳам сенингдек муқим эмас эди. Энди бўлса қочмоқчисан, ўз аҳдингга хиёнат қилмоқчисан. Шаҳардан қочиб, одамларнинг кулгисига қолма. Маслаҳатимизга кўн, Суқрот!

Бир ўйлаб кўр: бизнинг шартларимизни бузиш билан ўзинг ва яқинларингга яхшилик қилипман деб ҳисоблайсанми? Ахир яқинларинг бадарға қилиниши, фуқароликдан маҳрум этилиши ёки мол-мулкдан айрилиб қолиши кундек равшан-кў, Ўзингга келсак,



яқин атрофдаги бирор шаҳар, дейлик, қонунлари мукамал Фива ёки Мегарага қочсанг, биз уларнинг душманига айланамиз, Суқрот. Уларнинг ҳукумати сенга қарши бўлади, ватанпарвар фуқаролари сендан қонунбузар деб нафратланади. Шу тариқа сенга адолатли ҳукм чиқарилганини ўзинг тасдиқлаган бўласан. Зеро, қонунни бузувчи одам ёшларни ва нодонларни йўлдан урувчидан-да бузғунчироқдир. Батартиб шаҳарлар ва фозил инсонлардан қочмоқчимисан? У ҳолда ҳаётининг маъноси қоладими? Ёки сурбетларча уялмай-нетмай улар билан суҳбатлашмоқчимисан? Нима ҳақида гаплашасан улар билан, Суқрот? Эҳтимол, фазилатлар, адолат, тартиб ва қонунларга итоат этишдан сўз қотарсан? Ҳаққинг борми бунга? Албатта йўқ! Бу ердан кетиб, тартибсизлик ва бошбошдоқлик ҳукм сураётган Фессалияга – Критоннинг ошналари олдига бординг ҳам дейлик. Улар сенинг эчки терисини ёпиниб ёки бошқа нарсага бурканиб қиёфангни ўзгартириб, қулгили тарзда қандай қочганинг ҳақидаги ҳикоянгни мириқиб тинглайдилар. Кексайганингда умрингни яна бир оз чўзиш учун энг муқаддас қонунларни оёқости қилганингни айтиб, сенга дашном берадиган одам топилмайдими у ерда? Ким билсин, балки кайфиятларини бузмасанг, сени аяб буни юзингга солишмас. Акс ҳолда, аччиқ таъна-дашномларга қолиб кетишинг аниқ. Ҳаётингни сақлаб қоларсан, аммо қандай яшайсан? Одамларга хушомад қилиб, хизматкордек кун кўрасанми? Кечки овқат егани, атай ҳижрат қилган одамдек, Фессалияга борасан. Адолат, эзгулик ҳақидаги нозик туйғуларинг қаерда қолади? Фарзандларингни боқиш ва тарбиялаш учун яшашни ихтиёр этмоқчидирсан? Уларни ўзинг билан олиб кетиб, Афина фуқаролигидан маҳрум қилмоқчимисан? Шуми сенинг уларга етказадиган фойдаманфаатинг? Эҳтимол, ҳаёт бўлсам, уларни Афинада қолдириб, шу ерда таълим-тарбия олишига кўмаклашаман, дўстларим бунга ёрдам беради, деган хаёлдадирсан? Сен Фессалияда эканингда дўстларинг болаларингга ғамхўрлик қилишига ишонасанми? Нариги дунёга равона бўлсам, улар бундай қилмайди деб хавотирдадирсан? Йўқ, агар улар



чинакам дўстларинг бўлса, сен ўлганингда сўнг ҳам болаларингни ташлаб қўйишмайди.

Бизнинг – сени тарбия қилганларнинг сўзларига қулоқ тут, Суқрот. Ҳаётинг ёки болаларинг ҳақида эмас, аввало адолат ҳақида қайғур. Шундагина Аид қошида ўзингни оқлай оласан. Агар Критоннинг даъватига кўнсанг, на сен, на сенинг бирор туққан-туғишганинг бу дунёда бахтли бўласизлар, қилмишинг эса на адолатга, на худолар иродасига мувофиқ келади. Модомики бу ердан кетсанг, қонунлар туфайли эмас, одамларнинг таънадашномидан кўрқиб қочган бўласан. Шундан кейин ҳам йўлингга давом этсанг, ёвузликка ёвузлик билан, ёмонликка ёмонлик билан жавоб берган, ўртамиздаги аҳдни бузган, ўзингга, дўстларингга, юртинг ва бизга катта зарар етказган бўласан. Ҳаёт экансан, сендан ҳамиша нафратланамиз. Бизни назар-писанд қилмаганинг учун ер ости дунёсидаги биродарларимиз – қонунлар ҳам ўлганингда сени душман ўлароқ қарши олмай. Шундай экан, Критоннинг эмас, бизнинг сўзларимизга қулоқ ос”.

Хулоса: Суқротнинг қочишдан воз кечиши

Коҳин чалаётган най садоси янглиғ қулоғимда жаранг сочяпти бу овоз. Овозки қулоғимни қоматга келтириб, бошқа бировнинг гапини эшитишга қўймаётир. Ҳозир мени кўндириш учун ҳарчанд уринма, уринишларинг беҳуда кетади. Шунда ҳам умидингни узмаган бўлсанг, гапир эштаман.

КРИТОН. Чорасизман, Суқрот.

СУҚРОТ. У ҳолда Худонинг иродасига бўйсунимизга изн бер.

**Баҳодир ЗОКИР
таржимаси**

Гулнора РАҶМОН

Soғinchedan ulgʻaygan musavvir

Тушнинг тафаккурга не алоқаси бор? Инсон бедор чоғи онгу шуурининг қай бир пучмоқларида кечган ўй-фикрлар, қалби тубидаги туйғулар уйқуда эканида жонланармикан, ким билсин дейсиз!..

Институтга кирган йилим эди. Бир куни онамни туш кўрдим, бетоб ётган эмишлар. Тинчим йўқолди. Имтиҳонлар яқин эди, ўқишдан рухсат тегмади. Нима бўлса бўлар дедиму йўлга тушдим. Борсам, онам тўшак тортиб ётибди, ўзини анча олдириб қўйган. Бир амаллаб етаклаб-суяб автобусга ўтқаздимۇ Самарқанд Тиббиёт институтида ўқийдиган опамни қора тортиб кетдик. Опам югуриб-елиб онамни устози ишлайдиган шифохонага жойлаштирди.

“Яна озроқ кечикканларингда...” – шифокорнинг оғзидан чиққан бу совуқ гапдан вужудим музлаб кетди. Шунда онам ҳам омонат эканини илк бора ҳис этганман. Юрсам-турсам ҳаёлимда шу ўй, юрагимнинг бир четини кемириб, симиллатиб қўймайди ҳеч. Ҳар гал Самарқанддан Тошкентга отланаркан, онам билан хайрлашаётиб ич-ичимдан илтижо қилардим: “Илоҳо, бу сўнги дийдор бўлмасин!”

Онам ҳаётлигида портретларини ишлаганман. У ҳозир ижодхонам тўри-ни безаб турибди.

Хўш, туш нима – инсон тафаккурининг уйқудаги инъикосими? Ёки илоҳий оламлардан келган муждами?

Тушимда бош-оёқ оппоқ либос кийган онам жаннатмонанд боғ оралаб кезиб юрибди. Чехралари шу қадар нурли, шу қадар хотиржам, мамнунки... Бироқ ўша жозиба, ўша ҳолат, ўша ранглар мен чизган суратда қани?!


“Онам кезган боғ” ана шу туш, соғинч-қўмсовларнинг оживона бир ифодаси ўлароқ дунёга келди...




“Онам кезган боғ”




"Яшил дунё"



"Дил дарёси қиргоқлари"




"Соғинч соҳили"



"Ширин хаёл"



"Мудраётган сукунат"



"Сулув келинчак"

Хорхе Луис БОРХЕС

G O ' L G O T A

Бу воқеалар 1928 йил мартнинг охирироғида Хунин жанубидаги “Теракзор” қўрғонида содир бўлди. Унинг қахрамони тиббиёт факультети талабаси – Балтасар Эспиноса отли бир йигит эди. Нафсиламрини айтганда, дурустгина нотиклигидан ташқари (дарвоқе, шу иқтидори ортидан Рамос Мехиядаги инглиз мактабининг унча-мунча мукофоти-ни қўлга киритганди) яна ниҳоятда оққўнгиллигини айтмаса, у кўзга кўринарли алоҳида фазилати йўқ пойтахт ёшларидан бири эди. Аксар ҳолларда мен эмас, ҳамсухбатим ҳақ, деб ўйлашга мойиллигидан баҳс-мунозараларни унча хушламасди. Турли ўйинларга ишқибозлик қиларди-ю, лекин ўзи нобоп ўйинчи эди, нега деганда, ғалабадан завқ туя билмасди. Ҳар қанча заковатли бўлса ҳам жони-ни койитгиси келмас, шу

боис ўттиз учни уриб қўйган эса-да, ҳамон тиббиётнинг бирор соҳасини танлаёлмаган ва қўлида дипломи йўқ эди. Даҳрий отаси ўша замоннинг барча ўқимишли кишилари сингари унга Ҳерберт Спенсер таълимотини ўргатган, художўй онаси эса Монтевидеога кетар чоғи, ҳар кун уйқуга ётиш олдидан дуо ўқиб, чўқинишни қанда қилмасликка унга онт ичтирган эди. Шундан буён ўтган қанча йиллар давомида у онтини бирор марта бузмади. Эспиносани бўш-баёв деб бўлмасди: бир куни у, тўғриси-ни айтсак, дарғазаб эмас, лоқайд-роқ бир алфозда, талабалар намойишида нега қатнашдинг, деб уни ўртага олган бир тўда ҳамкурси билан икки-уч турткилашиб ҳам олганди. Табиатан мурасасоз бўлгани билан, юзхотир қилиб айтилса, ўзига яраша ўжар



хам эди – сийқаси чиққан қарашларига бир ёпишиб олса, сира қайтариб бўлмасди: уни Аргентина тақдиридан кўра хорижий юртларда бизни ваҳшийга чиқариб қўймасмиканлар деган ўй кўпроқ хавотирга солар; Францияни эҳтиром билан тилга оларди-ю, бироқ французлардан ҳазар қилар; америкаликларни бир пулга қиммат дерди-ю, аммо Буэнос-Айресдаги осмонўпар биноларга маҳлиё эди, шунингдек, тоғлик йигитларга қараганда даштлик гаучолар чапдаст чавандоз бўлади деб ҳисобларди. Амакиваччаси Даниэль ёзни бирга “Теракзор”да ўтказишни таклиф этганида, у шаҳардан ташқаридаги ҳаётга азбаройи ишқивозлигидан эмас, асло, табиатан кўнгилчанлиги, қолаверса, рад қилишга арзирли сабаби йўқлигидан ўша заҳоти рози бўла қолди.

Даниэлларнинг уйи ҳайҳотдай бўлса ҳам, эски, путурдан кетган эди; шу яқинда Гутре деган бошқарувчи бесўнақайдан-бесўнақай ўғли ва тайин-тахсири йўқ қизи билан истиқомат қиларди. Учови ҳам бўйчан, чайир, сочлари қизғиш, афт-ангоридан ҳиндуларга ўхшаб кетар эди. Улар бир-бири билан деярли гаплашмасди. Бошқарувчининг хотини бир неча йил бурун қазо қилганди.

Қишлоқда Эспиноса илгари ўзи кўрмаган, билмаган кўп нарсани кўрди, ўрганди. Масалан, уйга ҳеч қачон от чоптириб келишмас, умуман, зарур иш чиқиб қолгандагина от минишарди. Вақт ўта бориши билан у қушларни сайрашига қараб ажрата оладиган бўлди.

Тез орада Даниэль чўпқатлари билан чала қолган бир олди-бердиси яқунлаш учун пойтахтга қайтиши зарур бўлиб қолди. Унинг тахминига кўра, бу ишларга нари борса бир ҳафта кетар эди. Амакиваччасининг ўзи илинтирган қизлардан оғиз кўпиртириб мақтанишларию энгил-бошига ҳаддан ортиқ оро беришларидан ҳалитданоқ безор бўлган Эспиноса дарсликларига кўмилиб чорбоғда қолишни афзал топди. Ҳаво чидаб бўлмас даражада дим, ҳатто кечалари ҳам қилт этган шабада эсмасди. Бир кун у момақалди роқ гумбурлашидан уйғониб кетди. Шамол казуарина дарахти новдаларини беомон юлқиларди. Эспиноса ёмғирнинг шитир-шитирини эшитди-ю, Яратганга шукрона келтирди. Бирдан ҳаво совиди. Кечга яқин Саладо дарёси қирғоқдан тошди.

Эртаси кун Эспиноса айвондан сув босган экинзорларга боқа туриб, гарчи Ҳенри Ҳадсон саҳрога от эгаридан, денгизга эса кема палубасидан қаралади. Шу сабаб денгиз саҳродан бепоёнроқ кўринади, деб айни ҳақиқатни айтган бўлса-да, барибир, эскилар саҳро билан денгизни зап бир-бирига топиб ўхшатишган экан, деган фикрга келди. Жала тинай демасди; Гутрелар шаҳарлик меҳмоннинг ёрдами биланми ёки тўғрироғи, халақит беришига қарамайми, ҳарқалай, поданинг катта қисмини сақлаб қолди, аммо, барибир, анча-мунча чорва ғарқ

бўлди. Қўрғонга олиб чиқадиغان тўртта йўлнинг ҳаммасини сув босди. Эртаси ўтиб индинига бошқарувчининг кулбасидан чакка ўта бошлади Эспиноса орқа ҳовлидаги асбоб-ускуналар сақланадиган омборга ёндош хонани унинг оиласига бўшатиб берди. Шу кўчиб ўтиш баҳона улар иноқлашиб кетишди: энди тўртовлон ҳайҳотдай ошхонада бирга овқатланар эди. Аввалига гаплари унчалик қовушмай турди; бу тарафлардаги ҳаётни ипидан игнасиғача билишига қарамай, Гутрелар ғирт оми, саводсиз одамлар эди, улардан тузук-қуруқ гап чиқмасди. Бир куни Эспиноса, Хунин чегарасида ҳарбий гарнизон бўлган кезлар ҳиндулар унга тез-тез ҳужум қилиб турганини бу ерликлар ҳеч эслайдими, деб сўради. Улар ҳа, эслашади, дея жавоб қилишди, ҳолбуки, Карл Биринчининг қатл этилиши ҳақида сўраса ҳам, улардан худди шундай жавоб олиши тайин эди. Отаси, яхшиямки ўтмиш воқеалар ҳақида қишлоқ аҳли орасида оғиздан-оғизга ўтиб юрадиган ҳикоялар бор, йўқса, биз аллақачон барини эсдан чиқариб, саналарни чалкаштириб юборар эдик, деб кўп такрорларди – ҳозир ана шу гаплар хаёлига келди Эспиносанинг. Дарҳақиқат, дашт одамлари на туғилган йилини эсларди, на ўзларини дунёга келтирган “айбдорлар” исмини.

Бутун бошли уйда ўқишга “Фермер” журнали, “Ветеринария” дарслиги, “Табаре”нинг бежиримгина жилди, “Аргентинада чорвадорлик тарихи” рисоласи, бир нечта ишқий ва детектив роману янги чоп этилган “Дон Сегундо Сомбра” номли китобдан бошқа ҳеч вақо йўқ эди. Овқатланиб бўлгач, лоақал нима биландир овуниш учун Эспиноса хат-савод-

Маъноси кўрга ҳассадек кўриниб турган асарларни мутолаа қилиб ўрганган китобхон Борхесни ўқигач, шак-шубҳасиз, саросимага тушиб қолади. Унинг бу ҳолати мактабда ўқиётганимизда неча бора қузатганимиз – аълочи боланинг қора тахта олдида хижолатдан қизариб, “Ўқиганман, биламан-у, лекин тушунтириб беролмайман”, дейишига нақадар ўхшайди! Бу қанақаси, ахир, билса-ю, айтиб беролмаса?!

Борхес ҳикоялари, бадиҳалари, ҳаёт ва адабиёт ҳақидаги мулоҳазалари ўқувчига худди шундай таъсир қилади. Унинг деярли барча асарлари жумбоқлар, эврилишлар, мўъжизалар, хуллас, ҳаётда юз бериши мумкин эмасдек туюлган сирли ҳодисалар асосига қурилган. Борхес қаноатича, “Одам Ато ва Момо Ҳавводан кейин иккита авлод яшаб-яшамаёқ бу дунёнинг моҳияти узил-кесил маълум бўлган”. Бироқ, ундан фарқли ўлароқ, нариги – ўзга оламни инсоният шунча яшаб ҳам ҳануз, қум заррасича бўлсин, тадқиқ қилолгани йўқ. Шу олам адабиёт учун чексиз-чегарасиз имкониятлар манбаи бўлиб хизмат қилади.

Борхес насри (назми ҳам) нега шундай шаклу шамойил олди экан? Эҳтимол, бунга у туғилиб ўсган шаҳри азим – Буэнос-Айрес кўчаларида зўравонликка асосланган гайриинсоний тартибот ўрнатган маҳаллий безори-ўғрилар ҳаёти сабаб бўлгандир? Эҳтимол, ўша болалик кезлари зерикарли,

сиз Гутреларга “Дон Сегундо Сомбра”дан овоз чиқариб иккита бобни ўқиб берди. Бахтга қарши, оила бошлиғи ҳам авваллари пода ҳайдагани боис китоб қаҳрамонининг саргузаштлари заррача қизиқ туюлмади. Бу иш унча оғир эмас, биз ҳамма ашқол-дашқолни битта отга ортардик-да, ҳаййо-хуйт деб йўлга кетаверардик, деди сўлиш олиб ва кетидан, ба-шарти пода боқмаганимда, Лагуна де Гомес, Брагадо ва Нуньесларнинг Чакабукодаги қўрғони ёқларга умрбод боролмас эдим, деб қўшиб қўйди. Ошхонадаги илғада гитара осиглиқ турарди; сув тошқини юз бермасидан олдин бу ерда чорикорлар давра куриб ўтирар, кимдир гитари қўлига олиб ҳафсала билан созлар, лекин ҳеч қачон чалмас эди. Мана шуни “гитара чертиб чақчақлашиш” дейишарди.

Соқол қўйиб юборганидан буён Эспиноса юзидаги ўзгаришларни кузатиб кўзгу олдида узоқ туриб қоладиган бўлди, шундай пайтларда у Саладо тошқини ҳақидаги ҳикоялари билан пойтахтдаги ошна-оғайнилари роса бездиришини кўз олдига келтириб, кулимсираб қўярди. Ажабо, одамнинг ишонгиси келмайди, бирон марта қадами етмаган ва бориш хаёлига ҳам келмаган жойлар: Кабрера кўчасидаги почта қути-си ўрнатилган чорраҳа, Жужуй кўчасидаги бино олдида савлат тўкиб турган ганч шерлар, Онсе майдонига туташиб кетган катта-кичик мавзелар, қаерда жойлашганидан ўзиям беҳабар аллақайси тамаддихонининг чинни кошинли полини қўмсар эди. Отам билан ака-укаларим сув тошгандан кейин дунёдан бутунлай узилиб қолганимни Даниэлдан аллақачон эшитгандир, деб ўйларди у.

шавқсиз, якранг ҳаётдан зада бўлган ёш кўнгилда, билмадик, отасининг китоблари таъсиридами, ўз хоҳиш-истакларини чиндан-да қондира оладиган мазмундор, ёрқин, майли, хаёлий – нореал, майли, чигал ва ғайритабиий бўлсин, ўзга бир олам яратиш орзуси куртак отгандир? Дарвоқе, бу ноёб тугма истеъдоднинг фитратидан ҳам бўлиши мумкин!

Борхес яратган адабиёт биз билган-билмаган ёзувчиларнинг адабиётига ўхшамайди: буларнинг ижодига хос бирор жиҳатни ундан ёхуд унинг ижодига хос бирор жиҳатни булардан излаш беҳуда. Фарқлар беҳисоб, битта муҳими таўхталайлик: бошқа адиблар қаламга олган воқеалар қай бир жиҳати билан реал борлиқ – ҳаётга боғланади, Борхес қаламга олган воқеалар эса фақат хаёл – ўзга оламда содир бўлади.

Такрор айтаман, аргентиналик бу адиб кўрган-кечирган, бошидан ўтказган воқеаларига эмас, ўз тахайюлига таяниб, фан ва дин, фалсафа ва адабиёт, антик дунё афсоналарию ўрта асрлар сагаларидан илҳомланиб ёзади. Унинг бирон бир асари айнан воқелик сурати, воқелик нусхаси эмас. Улар воқеликдан-да мураккаб ва шуниси билан ҳам мароқлироқдир.

Борхес, лабиринт тимсоли – одамзод моҳиятини энг ёрқин ифодалайди, деб ҳисоблаган. Адабиётшунос олима Халида Рожкова унинг ижодидаги ушбу етакчи образ маъносини бундай шарҳлайди: “Лабиринт – инсоннинг, яъни

Тошқин ичида қолган уйни тит-пит қилиб, у инглиз тилидаги Инжилни топиб олди. Китобнинг сўнги саҳифаларига Гатри (уларнинг асл номи шундай эди) хонадонининг тарихи битилган эди. Улар Инвернесда туғилиб ўсган-у, ўтган аср бошларида чорикорликка ёлла-ниб, Янги дунё – Америкага келиб қолган ва ҳиндулар билан чатишиб кетган эди. Солнома етмишинчи йилларга борганда тўсатдан узилиб қолганди; афтидан, улар бу вақтда ёзув-чизувни унутишган. Бир неча авлоддан кейин эса инглиз тилида сўзлашиш ҳам эсларидан чиқиб кетган; Эспиноса ота-болалар билан танишган маҳал улар испанча-да ҳам қийналиб гаплашишарди. Гатрилар Худони тан олмас эди-ю, бироқ кальвинистларнинг аёвсиз мутаассиблиги билан ҳиндуларнинг ёввойи хурофийлиги қон-қонларига сингиб кетганди. Эспиноса нима топиб олганини айтганди, унинг гапига қулоқ солишмади ҳам.

Китобни очиб, у Марк баён қилган Инжилнинг биринчи сурасига дуч келди. Бирйўла, ҳам таржима машқини олиш, ҳам Гутреларга ёқиш-ёқмаслигини билиш ниятида кечки овқатдан сўнг бир неча саҳифасини ўқиб беришга аҳд қилди. Ажабланарлиси, уни бутун вужудлари қулоққа айланиб, чурқ этган овоз чиқармай тинглашди. Ким билади, муқовасига босма зарҳал нақш солингани китобга ўзгача салобат бахш этгандир балки? “Уларнинг қонида бор бу”, дея кўнглидан ўтказди Эспиноса. Бундан ташқари, атиги иккита ривоят авлоддан-авлодга ўтиб келишини эслади: бири Ўртаер денгизидаги афсонавий оролни излаб, йўлдан адашган кема, бошқаси Гўлготада чормихга тортилган

бизнинг дарбадар руҳимиз. Руҳимиз йўлларини чигаллаштирадиган – ўзимиз. Чигалларни ечадиган ҳам яна ўзимиздир. Агар омад кулиб боқса, лабиринтдан чиқиш йўли топилади. Мабодо топилмаса-чи? Шунда ҳам нолимаслик керак, чунки дарбадарликнинг ҳам ўзига яраша ҳикмати бор! Хулоса шуки, ҳар қандай лабиринт ҳам мароқли. Фақат охирига қадар бора олмоқ керак”.

Борхес улкан фикрий кашфиётларга тўла мўъжаз ҳикояларини шу қадар содда, лўнда, ёрқин тилда ёзадики, унинг ғоялар ва тасаввурлар оламини ҳазм қилолмаган Габриэль Гарсиа Маркесга ўхшаган ёзувчилар ҳам лисоний маҳоратини сўзсиз тан олади. Энди бир тасаввур қилиб кўринг, коинотни заррага жо этишга қодир бундай ихчам услубни топиш, эгаллаш учун қанчалар машаққат чеккан экан адиб?!

Бани одам табиатидаги азалий қусурларни бегона ўтдек юлиб ташлаш, башариятни зулм, тажовузкорлик, жаҳолат, маҳдудлик, ҳасад, тама каби иллатлардан халос этиш иложсизлиги борасида баҳс этувчи унинг бир ҳикоясини “Гўлгота” деган ном билан ўзбекчага ўгирдик. Олис замонларда “бош суяги” маъносини берувчи ана шу тепаликда Парвардигор элчиси – Исойи Масиҳ хочга тортилган эди. Ажабки, айни Унинг ёшида Балтасар Эспиноса исмли йигит ҳам тошқин қуршовида қолган қўрғонда ўзи шу пайгамбар таълимотидан бохабар этган Гутрелар оиласи томонидан хочга

Исойи Масих тарихи. Ромас Мехияда нотиқлик санъатидан олган сабоқларини хотирлаб, навбат масалларга етганда ўрнидан туриб олди.

Кейинги сафар Гутрелар Инжилни баҳузур тинглайлик деб иссиқ овқат билан қовурилган балиқни апил-тапил еб олишди.

Гутренинг қизи эркалаб-суйиб зангори тасма тақиб ясантириб қўйган қўзичоқ бир куни тиканли симга ўралиб яраланди. Ота-бола қонни тўхтатиш учун ярага ўргимчак уясини босмоқчи бўлди. Эспиносанинг эса эҳтиёт-шарт олиб қўйган малҳами бор эди, шуни дарров ярага сурта қолди. Бу иши учун Гутрелар ундан шунақаям миннатдор бўлдики, ўзи ҳам ҳайрон қолди. Аввал бошқарувчининг оила аъзоларига ишонқирамай, ўзи билан ола келган икки юз қирқ песосини китоб ичида беркитиб юрган йигит энди уй эгаси йўқлигида, ўзини хўжайиндек сезиб, шартта-шартта иш буюрадиган, Гутрелар ҳам унинг айтганини сўзсиз бажо келтирадиган бўлди. Улар хонама-хона, долонма-долон Эспиносанинг ортидан эргшиб юришдан чарчамасди. Китоб ўқиётганда, ўзидан қолган ушоқ-увоқларни булар дастурхондан яширинча териб оғзига солаётганини пайқади. Бир куни кечки пайт эса ўзи ҳақида ҳурматини жойига қўйиб гаплашиб ўтирганларининг устидан чиқди.

Марк баён этган Инжилни хатм қилиб бўлгач, у кейингисига ўтмоқчи эди, оила бошлиғи яхшироқ тушуниб олишлари учун шунинг ўзини такрор ўқиб беришини илтимос қилди. "Ёш боладан фарқи йўғ-а буларнинг, – дея кўнглидан ўтказди у, – бошқачаси ёки янгиси-

чормих қилинади. Энг қизиғи, ҳикоянинг охирги жумласига қадар китобхон бирон бир фавқулдда ҳодисани кутмайди, ҳатто яқинлашаётган фожиани пайқамайди ҳам.

Кези келганда эслаб ўтиш жоиз, яна бир аргентиналик ёзувчи Хулио Кортасар "Биз Глендани шунчалик яхши кўрамиз" деган ҳикоясида Борхеснинг "Гўлгота" асарини социаллаштирган, ҳаётийлаштирган. Унда ҳам истеъдодли актриса Гленда Гарсонни чин дилдан яхши кўрган мухлислар бу жўшқин ва зебо санъаткор номига доғ тушиб қолишидан хавфсираб... уни қатл қилишдан ўзга йўл тополмайди. Борхес ва Кортасар хулосасига кўра, ҳамма гап – инсон табиатига хос иллатлар унинг қонида айланиб юриши ва қўққис хуруж қилиб қолишида! "Мирзо Улуғбек" драмасыни ҳам бир эсланг, унда алломай замон "Қалбимдаги ҳароратни (барча эзгуликларни – О.О.) инсонга бериб, эвазига олмоқдаман манфур ғаразлар", дея ўкинч ва алам билан нола қилади. Демак, Борхес зътиқодича, зулм – ижтимоий эмас, табиий ҳодиса. Аммо айни хулоса бизни умидсизликка, тушкунликка етакламайди, балки билиш, излаш ва бунинг сабабларини топишга руҳлантиради.

"Шумқадам" ҳикояси ҳам шу йўналишда ёзилган бўлиб, уни ўқиган зийрак журналхон изоҳларсиз ҳам ўзича хулоса чиқариб олишига аминмиз.

Таржимон

дан кўра эшитганини қайта тинглашни маъқул кўришади". Ўша кеча тушига тўфон кириб чиқди, тўғриси, бунга ажабланмади ҳам; у кемага тахта қоқиб тузатишаётгандаги болғалар тарақ-туруқидан уйғониб кетди ва бу ҳойнаҳой момақалдироқнинг гумбурлаши бўлса керак, деган хаёлга борди. Худди ўйлаганидек, тинай деб турган ёмғир бирдан яна зўрайди. Ҳаво баттар совиб кетди. "Қутурган бўрон асбоб-ускуналар сақланадиган омборнинг томини учириб юборди, – дейишди унга Гутрелар, – томи қайта ёпилгандан кейин омборни ўзингиз ҳам бориб кўрарсиз". Эспиноса энди уларга бегона эмасди, йигитга гиргиттон бўлиб, кўнглини олиш пайида эдилар. Оилада биронтасиям қаҳва ичмасди-ю, унга мўл-кўл шакар қўшиб, дамлаб беришни канда қилишмасди.

Сешанба кун янгитдан бўрон турди. Пайшанба кечаси, у ҳар эҳтимолга қарши деб қулфлаб қўядиган эшикни кимдир оҳиста чертди. Йигит туриб эшик очди: қараса, Гутренинг қизи. Эспиноса уни қоронғида деярли кўрмаса-да, аммо қадам товушидан оёқяланг эканини, салдан кейин эса тўшакда – унинг бошидан охиригача қип-яланғоч ўтиб келганини фаҳмлади. Қиз унинг ёнига чўзилди-да, кучоқлаш у ёқда турсин, бир оғиз сўз демай, дир-дир титраб ётаверди. Бу унинг эркак киши билан илк бор тўшакда ётиши экан. Чиқиб кетаётганда қиз йигитни ўпиб ҳам қўймади: боёқишнинг ҳатто исмини билмас эканман, деб ўйлади Эспиноса. Тафтиш қилиб ўтиришни ўзига эп кўрмаган аллақайси сабабларга кўра, йигит тунда юз берган бу воқеа ҳақида Буэнос-Айресда оғиз очмасликка қарор қилди.

Эрталаб кун одатдагидек бошланди, аммо бу сафар оила бошлиғи биринчи бўлиб гап очди – Эспиносадан Исойи Масих башариятни асраб қолиш учун ўлимни афзал кўргани ростми, деб сўради. Йигит гарчи ўзи ўқиб берганларига унча ишонмаса-да, барибир, китобда ёзилганидек жавоб беришим лозим деб билиб:

– Ҳа, шундай. Бани Одамни дўзах ўтидан асраш учун, – деди лўнда қилиб.

Шунда Гутре қизиқсиниб уни яна саволга тутди:

– Нима у дўзах дегани?

– Бу – ер остидаги, руҳлар абадий оташда ёнадиган макон.

– Уни қўл-оёғидан хочга михлаганлар ҳам бу оташдан омон қоладиларми?

– Ҳа, – деб жавоб қилди иккиланиброқ Эспиноса. Унинг илоҳиёт илмига унчалик тиши ўтмасди.


Бошқарувчи, тунда рўй берган воқеадан гап очиб қолса-я, деган ҳадик азобларди уни. Нонуштадан сўнг, Гутрелар илтимосига биноан, у Инжилнинг охирги бобларини қайта ўқиб берди.

Тушликдан сўнг Эспиноса мизғиб олмоқчи бўлди; болғаларнинг асабга тегадиган тарақ-туруқи ва юракнинг бир нохушлик сезиб безовталаниши орқасида уйқуси дам-бадам бўлиниб турди. Кечга яқин ўрнидан туриб, долонга чиқди: кўнглидаги ўй-хаёллар қўққис тилига кўчди:

– Сув қайтяпти. Бу ёғи оз қолди.

– Оз қолди. – Унинг сўзларини акс садодек такрорлади Гутре.

Учовлон Эспиносанинг ортидан эргашди. Аввал тош полда тиз чўкишди-да, ундан мағфират сўрашди. Сўнг қарғаб, дуоибад қилишга тушишди; башарасига туфлаб, орқа ҳовлига судрашди. Қиз хўнграб йиғлаб юборди. Эспиноса олдинда ўзини нима кутаётганини пайқади. Эшик очилган заҳоти кўзи осмонга тушди. Қулоғига қушнинг чирқиллаши эшитилди. "Саъва" – хаёлидан ўтди йигитнинг. Омборхонанинг ҳамон томи йўқ, унинг ходаларидан... хоч ясаб қўйилган эди.



SHUMQADAM

Узунқулоқ гапларга қараганда (гарчи мишмишларга ишониб бўлмаса ҳам), ушбу воқеани Нильсенларнинг кенжаси Эдуардо минг саккиз юз тўқсон нечанчиам йили Морон музофотида ўз ажали билан ўлган акаси Кристианнинг тобути устида бедор ўтириб чиққан кечаси айтиб берган экан. Энди чинига келсак, ўша узундан-узун тунда уйқу хуружини аччиқ чой билан енгмоқчи бўлиб ўтиришган маҳал кимдир кимдандир эшитганини Сантьяго Дабовага, у эса ўз галида каминага сўзлаб берган. Орадан кўп йиллар ўтиб мен бу ҳикояни ўша воқеа содир бўлган Турдерда яна қайта эшитдим. Бу сафарги эшитганим бир-

мунча батафсил бўлиб, арзимас қўшиб-чатишлар ҳисобга олинмаганда, ҳартугул Сантьягонинг айтганларига тўғри келарди. Ўша воқеани ҳозир қоғозга тушираётганимнинг боиси шуки, бир замонлар пойтахт канорасида яшаган чапани кишиларнинг ажабтовур феъл-хўйи унда худди кўзгудагидек аниқ акс этади. Ҳикоям таъсирчан чиқиши учун кераксиз тафсилотлардан ўзимни тия олмаслигимни кўнглим сезаётган эса-да, бўлиб ўтган воқеани қандай бўлса, шундайлигича сўзлаб беришга уриниб кўраман.

Турдерда ака-ука Нильсен деса ҳамма танирди. Қавм руҳонийси ўзидан олдинги кашиш уларникида қора муқовали эски Библияни кўриб ҳайрон қолганини менга айтиб берган: ўшанда охирги саҳифалар ҳошиясига турли сана ва исмлар ёзиб қўйилгани эътиборини тортган экан. Уйда бундан бошқа китоб йўқ, деганмиш кашиш. Нильсенларнинг палапартиш битилган шажара солномаси бўлса, жамики бошқа буюмлари қатори, эскириб, уқаланиб кетгудек аҳволга келган эди. Пахсадан кўтарилган, вайронага айланаёзган қўш ичкари ҳовлили уй: ҳовлилардан бирига қизғиш тош ётқизилган, иккинчиси эса тап-тақир ер, холос. Бу уйга онда-сонда биров-ярим бош суқиб қолар, Нильсенлар одамларга қўшилмай яшар эди. Ака-ука иккита ёғоч каравотгина қўйилган шип-шийдам хоналарда ётишарди. Кўнгиллари наслдор от, серҳашам эгар-жабдуқ, тиғи калта ханжар, шанба кунлардаги айшишрат ва дил ғуборини ювувчи шаробдан бошқа нарсани тусамасди. Эсимда, иккови ҳам бўйчан, малласоч эди. Томирларида даниялик ёки ирландияликлар қони оқаётганидан мутлақо беҳабар эди улар. Бутун музофот ака-укадан ҳайиқар эди, чамаси, битта-яримтани гумдон қилишган бўлса керак. Бир куни икковлон елкама-елка туриб миршаблар билан муштлашган. Бошқа куни эса кенжаси Хуан Иберро билан тенгма-тенг ёқалашган: кўпни кўрган одамлар фикрича, бу ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермас экан. Улар чорва боқар, мол сўяр, тери ошлар, баъзан эса бутун бошли подага тамға босар эди. Пулнинг қадрига етишарди-ю, шароб билан қиморга келганда пулга қўшиб жонини ҳам тикиб юборишарди. Уларнинг уруғ-аймоғи ким, ўзлари қаердан келиб қолган – ҳеч ким ҳеч нарса билмасди. Ака-уканинг ҳўкизлари билан ҳўкиз қўшиладиган араваси бор эди.

Нильсенлар ташқи кўринишидан бир замонлар “Безорилар қирғоғи” дея қўпол ном олган бу ерларнинг одамлари буткул фарқ қиларди. Мана шу ва бизга номаълум яна бир сир бу ака-ука орасидан қил ўтмаслиги сабабини изоҳлаб берарди. Улардан бири билан сан-манга бориш бирйўла иккита душман орттириш дегани эди.

Оға-инининг аёлларга суяги йўқ эди-ю, ишқий саргузаштлари бировлар эшигини пойлашу исловатхонада ўралашиб юришдан

нари ўтмаганди. Шу боис Кристиан уйга Хулиана Бургосни эргаштириб келгани дув-дув гап бўлди. Кристиан оқсоч ёлласа ёллабди-да, шунга ҳам ота гўри қозихонами?! Аммо шуниси борки, йигит унга чиройли-чиройли арзон-гаров тақинчоқлар кўтариб келар, тез-тез сайр-томошаларга ҳам етаклаб борар эди. Сайр-томоша деганимиз қўни-қўшниларининг ҳали бировнинг қизини ўзига оғдириб олиш айб саналган вақтлардаги одми-сипо сайллари бўлиб, унда фақат рақс тушиб кўнгилхушлик қилинар эди. Хулиана бодомқовоқ, қорамағиз қиз эди; унга бир қарасангиз бўлгани – жилмайиб қўярди. Оғир меҳнат ва рўзғор ташвишлари чўп-устухон қилиб юборган бечораҳол одамлар яшовчи мавзенинг қиз-жувонлари орасида у кўзга чўғдек кўринарди.

Аввалига Эдуардо Кристиан билан Хулианадан ажралмай юрди. Кейин негадир бирдан Арресифесга жўнаб кетдию қайтишида аллақандай бир қизни илаштириб келди, аммо беш-олти кун ўтар-ўтмас боёқишни ҳайдаб юборди. У янаям камгап, одамови бўлиб қолди, майхонада ёлғиз ичиб ўтирадиган, бошқалардан ўзини олиб қочадиган одат чиқарди. Эдуардо... Кристиан олиб келган аёлни севиб қолган эди. Унинг ўзидан ҳам илгарироқ буни пайқаган маҳалла-қўй ака-укаларнинг пинҳона рақобати нима билан тугашини ичи қизиб кутарди.

Бир кун майхонадан алламаҳалда қайтган Эдуардо акаси тўриқ отини бостирма устунига боғлаб қўйганини кўрди. Байрамга боргудек пўрим бўлиб олган Кристиан уни ичкари ҳовлида кутиб ўтирган экан. Хулиана бир зумгина ғойиб бўлдию қўлида чойнак билан қайтиб кирди.

– Мен Фариасникига меҳмондорчиликка кетяпман, – деди Кристиан Эдуардога. – Хулиана уйда қолади. У сенинг ихтиёрингда. Хушингга келганини қил.

Унинг овози амирона, шу билан бирга, самимий янгради. Эдуардо акасига тикилганча, турган ерида серрайиб қолди. Кристиан ўрнидан қўзғалиб, Эдуардога хайр-хўш қилди-да, Хулианага қараб қўйишни ҳам лозим топмай – у гўё жонсиз бир буюм эди – отига ўтириб йўрртириб кетди.

Ўша-ўша иккови Хулианага баравар хўжайинлик қиладиган бўлишди. Шаҳар канорасининг ахлоқий тутумларига ҳеч тўғри келмайдиган бундай шармисорликда улар қандай яшагани ёлғиз Худогоа ўзларига аён. Уч ҳафтача беғалва ўтди, аммо бу аҳволга ким ҳам чидарди дейсиз. Ака-ука Хулианани чақирганда ҳам унинг исмини тутиб айтмасди-ю, ҳадеб қилдан қийиқ ахтариб бир-бирига тирғалишни-да қўйишмасди. Башарти бир парча терини сотиш устида келишолмай қолишса, бунинг замирида асли бошқа гап ётган бўларди. Кристиан нуқул

Ўшқирар, Эдуардо эса чурқ этмас эди. Улар Хулианани бир-биридан беихтиёр қизғонишарди. Шаҳар канорасининг ёввойи урф-одатлари иккисига ҳам, ҳатто ўз кўнглида бўлсин, аёл зоти эркаклар ҳирсини қондиришдан бошқасига ҳам ярайди деган ҳақиқатни тан олишга йўл бермас, ваҳоланки, боёқишлар расмона севги оташида қовурилар эди. Мана шунисига чидай олмасди улар!

Бир кун қош қорайган маҳал Эдуардо Ламас майдонида Хуан Иберрани учратиб қолди. “Шундай нозанинни Кристиандан тортиб олдинг-а, қойил сенга”, деди Эдуардога у. Ана шу гапи учун ўша жойнинг ўзида Эдуардо унинг адабини берди. Қани, биронтаси унинг олдида Кристианни масхара қилиб кўрсин-чи!

Хулиана қўйдек ювошлик билан икковининг ҳам ҳожатини чиқарар, лекин кўнгли, ўз насибасидан воз кечмаган эса-да, уйда бунақа тартибни ҳам ўрнатмаган кенжасида эканини яширолмас эди.

Бир куни Хулианага ичкари ҳовлига иккита курси қўйгин-да, ўзинг бу ерга кирмай тур, дейишди – ака-ука ўзаро гаплашиб олмоқчи экан. У суҳбат тугашини кута-кута, тушлиқдан кейин андак мизғиб олиш учун каравотга чўзилди, аммо бир оз вақт ўтар-ўтмас уни чақириб қолишди. Ўзингга тегишли ҳамма нарсани, онангдан ёдгор шиша тасбеҳ ва бутчани ҳам қопчиққа сол, деб буюришди. Сўнг боёқишни аравага ўтқазиб, лом-мим демай йўлга отланишди. Шаррос ёмғирда лойга беланган йўллардан юриб, азонги бешларда Моронга етиб келишди. Ўша ерда Хулианани исловотхона бекасига сотишди. Бор барака қилинган, пулни Кристиан олиб, қоқ ярмини укасига берди.

Ниҳоят, ўзларини ҳалокатга учратаёзган муҳаббат ботқоғидан халос бўлган оға-ини Турдерда худди илгаригидек эркакча яшашга боши билан шўнғиди. Яна муштлашиш, ичкиликбозлик ва фикиллашишлар билан ўтгувчи тўпори ҳаёт бошланди. Улар гоҳида ўзларининг бутунлай қутулганига ишонч ҳосил қилишса ҳам, аммо тез-тез – ҳар бири ўз иши билан – аллақайларга бориб келишни қанда қилмасди. Янги йил арафаси кенжаси Буэнос Айресда зарил юмушим бор, деб қолди ва шоша-пиша жўнаб кетди. Кристиан бўлса Моронга йўл олдию исловотхона бостирмасида Эдуардонинг тўриқ оти устунга боғлоғлиқ турганини кўрди. Ичкарига кирди. У ерда укаси навбат кутиб ўтирарди. Ўшанда Кристиан Эдуардога чамаси, бундай деган:

– Агар бундан буён ҳам аҳвол шундай давом этса, шўрлик отларни толиқтирганимиз қолади, яхшиси, қизни олиб кетақоламиз.

Кристиан бека билан бор барака қилишиб, белига туккан пулни унга тутқазди – шундай қилиб, ака-ука Хулианани ўзлари билан олиб кетишди. Қизни Кристиан отига мингаштириб олди. Эдуардо уларга кўзи тушмасин учун тўриғининг биқинига ниқтади.

Оға-инининг ҳаёти яна эски изига қайтди. Лекин бу билан ҳожатлари раво топмади – иккови ҳам бир-бирини алдашдек тубанликка боришарди. Бир-бирини ўлдириб қўйишлари ҳам ҳеч гап эмас эди-ю, бироқ ака укасига, ука эса акасига шунчалик боғланиб қолганидан (ким билади, бундай бўлгунча қанча қийинчилик ва хавф-хатарни бирга енгиб ўтган эканлар!) қаҳру ғазабини бошқаларга – ёт-бегоналар, итлар, ораларига ихтилоф солган Хулианага сочиб енгил тортардилар...

Март охирлаб борар, жазирама ҳовридан тушай демасди. Якшанба куни (якшанбада одамлар эртароқ уй-уйига тарқаб кетади) Эдуардо майхонадан қайтиб келиб қараса, Кристиан ҳўкизларни аравага қўшяпти. У Эдуардога юзланиб деди:


– Қани, бу ёққа кел-чи. Пардога озроқ тери элтиб бериш керак. Юкни аллақачон ортиб қўйганман. Салқинлатиб йўлга тушганимиз маъқул.

Пардонинг омборхонаси Жануб тарафда, анча олисда эди. Улар аввал Лас-Тропас йўлидан бир оз юришди, кейин бошқа ёққа бурилишди. Ярим кеча деганда ястаниб ётган даштга етишди. Қиёқ ўсиб ётган ботқоқлик ёнидан ўтиб боришаётиб, Кристиан ўчай деб қолган сигаретини улоқтириб юборди-да, хотиржам оҳангда:

– Энди, ишга киришиш керак, ука, – деди. – Бу ёғи қирғийлар мушкулумизни осон қилиб юборар. Уни ўлдирдим бугун. Буюм-пуюми билан шу ерга ташлаб кетақоламиз. Бундан буён унинг зарари тегмайди бизга.


Улар йиғлагудек бўлиб, бир-бирини маҳкам қучоқлади. Энди ака-укани яна битта ришта: юраклари қон ютиб келтирган қурбонликларини буни унутмоқ зарурати ҳам боғлаб турарди.

Олим ОТАХОН таржимаси





BOBUR VA QODIRIY



Баҳодир КАРИМ

“Бобурнома” ўқийтган Отабек

“Ўткан кунлар” романининг “Мажбурият” фаслида бундай эпизод бор: “Кечлик ошни ўтказгач, Ҳасанали ўз хужрасидан кийиниб чиқди-да Отабек ёнига кирди. Отабек “Бобурнома” мутолааси билан машғул эди”. Ҳасанали асл ниятини билдирмай “ҳаммомга бориш”га рухсат сўрайди. Отабек кўзини китобдан узмай “Юмишим йўқ, бораверингиз”, деб жавоб беради (*Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар. Меҳробдан чаён. Тошкент, Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. 38-бет. Кейинги кўчирмалар ана шу манбадан олинади ва саҳифа рақами кўрсатилади*). Машҳур китоблар орқали қаҳрамонни баланд мақомга кўтариш, унинг маънавий бойлигига урғу бериш, аниқ деталь воситасида образга маҳобат бағишлаш дунё адабиётида ҳам, ўзбек мумтоз адабиётида ҳам, Абдулла Қодирий ижодий биографиясида ҳам учрайди. Отабекнинг “Бобурнома”ни мутолаа қилиши “Ўткан кунлар” илдизи хусусида фикрлашга, тасвирдаги ички манера, сўздаги ростлик, характер мантиғи, айниқса, романининг поэтик нутқи – тили тўғрисида айрим мулоҳазалар айтишга имкон беради. Тасаввур кўлами “Бобурнома” матнистони бўйлаб кенгайди. Адиб бошқа асарларида ҳам бу муаззам китоб ва унинг соҳибини эслайди. Бобурга “фотиҳ” – фатҳ этувчи сифатини беради; “Бобурнома”ни “кенг руҳлик, ўз замониға очуқ фикрлик...” китоб деб атайди. Қурдошлари билан баҳсда “Бобурнома”дан “далиллар келтурмак”ка чоғланади (*Абдулла Қодирий. Диёри бақр. Тошкент, “Янги аср авлоди”, 2007. 106-бет*). Манбалардан маълумки, қатағон (“дапсан”) йиллари Қодирий иккинчи марта қамоққа олинганида кутубхонасидаги араб имлосида ёзилган етмишдан ортиқ мумтоз китоб йиғиштириб кетилади. Эҳтимол улар орасида “Бобурнома” ҳам бўлгандир.


Хўш, нега Абдулла Қодирий ва “Ўткан кунлар” мавзуидаги фикр йўли Бобур Мирзо ва “Бобурнома” тарафга бурилмоқда? Нима учун Қодирий ижоди ва таржимаи ҳолидан Бобур ва “Бобурнома”ни излаб қолдик? Адабиётшунослар Қодирий романларининг шухрати, таъсир кучи, тасвир тиниқлиги, тилининг гўзаллигига урғу беради. Энди ана шу фазилятлар илдизини ҳам тадқиқ этиш лозим. Қилқалам адиб ўзбек, рус ва жаҳон адабиётидан, фольклор ва халқнинг жонли тилидан баҳраманд бўлганига шубҳа йўқ. Фикримча, ушбу баҳрамандлик илдизининг бир қирраси “Бобурнома”га бориб тақалади. Шу боис “Бобурнома” билан “Ўткан кунлар” орасидаги поэтик боғламни (боғичларни) тадқиқ этишга зарурат сезилади. Абдулла Қодирий феномени куп-куруқ саҳрода ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ. Текис саҳрода ҳайбатли тоғ ўсиб чиқиши учун ер остида қайноқ вулқон булоқлари бўлиши шарт. “Ўткан кунлар” романи учун “Бобурнома” шундай булоқлардан бири вазифасини ўтаган бўлса не ажаб!

Жон қадри – умр мазмуни

Бадий асардаги ишқ-муҳаббат, ҳаёт ва ўлим, турмуш зиддиятлари, инсонлараро тўқнашувларнинг баёни ўқувчини бефарқ қолдирмайди; умр мазмуни ва жон қадри хусусидаги ҳаётий ҳикматлар эса асарнинг фалсафий мазмунини бойитади. “Бобурнома” ва “Ўткан кунлар” ана шундай ўғитларга бой. “Ўткан кунлар” романида Мирзақарим қутидор ўтган йиллар суронига боқиб “**Умр – отилган ўқ эмиш**” (15-бем), дейди. Аслида, умр мазмуни хусусида фикрламаган, ҳаёт моҳияти борасида ўйлаб кўрмаган одам кам топилади. Зеро, ватан, муҳаббат, ҳаёт, ўлим, садоқат, дўстлик – бадий ижоднинг бош мавзулари саналади. Рус адиби Лев Толстойнинг “Тафаккур қилмоққа қодир инсон нимани ўйлашидан қатъи назар, ҳамиша ўлим тўғрисида ҳам фикр юритади” деган мазмундаги гапи бор. Жон қадри, умрнинг ўткинчилиги, дунё синовлари ҳамда ўлимни эслаш – ўзи ва ўзлигини англаган ориф инсонга хос фазилят. Бобурнинг бошига турли кўргиликлар ёғилиб, омад ундан юз ўгирган ва душмани Аҳмад Танбал одамлари изига

тушиб таъқиб этган, ўз таъбири билан айтганда, “иш тадбирдан ўтган” кунларда у “**Оламда жон ваҳмидин ёмонроқ нима бўлмас эмиш**”, деб ёзади (107-бем). Бобур реалистик тасвирлари, иқдорлари, ҳақгўйлиги, тирчиллаб турган юрагини ўқувчига қўшқўллаб тутқазishi билан дунё адабиётида нодир ижодкорлар қаторида туради. У ўзини, сўзини, юзини, амалию аъмолини пардаламайди. Иккиланиши, андишаси, ғазаби, кўнгил ғулғуласи ва безовталиги ҳақида очиқ-ошкора ёзади. Шаръан қаралганда, кундалик намоз ибодати билан маъжун истеъмоли, ақл-хушни оладиган чоғир ичишнинг бир инсон фитратида жамланиши ижобий ҳислат эмас. Бобур буни ҳаммадан ҳам яхши билади, шу боис ён-атрофидаги мулозимларини чоғир ва маъжунга мажбурламайди; на ортиқча дағдаға ва на даъват қилади. Ҳолбуки, у чоғир мажлисларию маъжунхўрлигини, тонгла сабухий қилишларини бемалол сир тутиши мумкин эди. Қалам қитирлатиб “Вақое” битаётган ҳукмдорни кузатиб туриш, уни тафтиш этишга гувохларнинг юраги бетламас эди. Аммо Бобур Яратгувчининг “самиун басир”, “кулли шайъун қодир” лигига, барча ишларни “киромин котибин” малоикалар амал дафтарига аллақачон ёзиб қўйганига инончи боис ҳақ сўзларни битади. Бутун айбу гуноҳини, бор эзгулигу одамийлигини, барча тавбаю тазарруларини очиқ баён қилади.

Таъриф этилаётган иккинчи зот – Абдулла Қодирийнинг ўз қўли билан ёзган бундай тарихий иқдорномаси ёки кундалиги йўқ ҳисоби. Адибнинг “Суддаги нутқ”и, замондошларининг хотиралари, Ҳабибулла Қодирийнинг “Отам ҳақида”, Масъуд Қодирийнинг “Қодирий ёди” китобларида бу хусусда айрим маълумотлар учрайди, холос. Бироқ таҳминимизча, Бобур билан Қодирийнинг табиати,



тафаккур тарзи, адабий-эстетик идеаллари, одамга ва оламга муносабатида қандайдир яқинлик бор.

“Ўткан кунлар”да адиб “Дарҳақиқат, бизнинг қаршимизга йўлбарс чиқса, биз қаттиқ қўрқамиз, чунки бизни ўлум кутади, **инсон учун дунёда ўлумдан қўрқунч нарса йўқ**” (320-бет), деб ёзади. Ёзувчи келгуси воқеаларни ўқувчига олдиндан сездиришнинг махсус адабий усулини қўллайдими ёки бу ички бир туйғу даъвати билан эдими, ҳартугул, Кумуш охирги мактубида онасига “Маним бўлса нима учундир **юрагимда бир қўрқув бор...**”, дея арзи ҳол этади (363-бет). Воқеалар ривожланиб қўрқув сири очилади, заҳарланган Кумуш “жомга ўқчиб қусар эди”. Айбдор Зайнаб Юсуфбек ҳожи уйдан ҳайдалади, акалари уни кишанлаб қўяди. Жинниргани қози ва табиблар томонидан тасдиқлангач, жазо ҳукми унинг устидан кўтарилади. Дарвоқе, заҳарланиш ҳодисаси подшоҳ Бобур ҳаётида ҳам юз беради. Ҳиндистонийлар қўлидан заҳарли ош егач, унинг кўнгли беҳузур бўлади. Бу тўғрида “Обхонага боргунча йўлда бир навбат қўсаёздим. Яна бир навбат қўсаёздим. Обхонага бориб, қалин қустум” (281-бет), деб ёзади у. Айбдорлар жиноятига яраша жазо олади: бирининг териси тириклайин шилинади; яна бири фил оёқлари остига ташланади. Бир ўлимдан қолган Бобур гўё онадан қайта туғилгандек бўлади. “**Тенгри менга бошин жон берди**”, деб шукрона айтади у. Жон ҳалқумга келган бундай вазиятларда ҳаёт инсонга қанчалар қадрли кўринади! Ўша кезлар Бобур бундай ёзади: “**Жон мундоқ азиз нима эмиш, мунча билмас эдим, ул мисраъ борким: Ким ўлар ҳолатқа етса, ул билур жон қадри...**” (282-бет). Аслида инсон ҳаёти ижтимоий-маънавий ва руҳий-моддий зиддият, мураккабликлар устига қурилади; ўзини ва ўзлигини англаганлар фурсатни ғанимат билиб, охират учун озиқа жамлайди; савол-жавобга ҳозирлик кўради. Чунки Бобур таъбирича, “ҳар кимки ҳаёт мажлисига кирибтур, оқибат **ажал паймонасидин ичкусидур** ва ҳар кишиким, тириклик манзилига кетибтур, охир дунё ғамхонасидин кечгусидур” (289-бет). Ушбу фикр давомидан муаллиф бар-

чага машҳур “...дахр аро қолди фалондин яхшилиғ” мисраларига ҳамоҳанг мардона бир гапни ёзади: “**Ёмон от била тирилгандин яхши от била ўлган яхшироқ**”.

“Ўткан кунлар”да ҳаёти мазмуни хусусида мушоҳада юритаётган Юсуфбек ҳожи дейдики, “Мен қўб умримни шу юртнинг тинчлиғи ва фуқаронинг осойиши учун сарф қилиб, ўзимга азобдан бошқа ҳеч бир қаноат ҳосил қилолмадим... Боболарнинг муқаддас гавдаси мадфун Туркистонимизни оёқ ости қилишга ҳозирланган биз итлар Яратгучининг қаҳрига албатта йўлиқармиз! Темур Кўрагон каби доҳийларнинг, Мирзо Бобур каби фотиҳларнинг, Форобий, Улуғбек ва Али Сино каби олимларнинг ўсиб-унган ва нашъу намо қилганлари бир ўлкани ҳалокат чуқурига қараб судрагучи албатта Тангрининг қаҳрига сазовордир” (294-295-бетлар). Ҳожи беш кунлик умрида “дунё можароларидан этак силкиб гўшаъи охират тадорикни”ни кўришга рағбат ва зарурат сезади. Абдулла Қодирий ҳам Ватани ва миллатига бўлган севгиси ва ҳақ сўзи эвазига ҳожи каби ўзига азоб-уқубат, тухмату бўҳтон орттириб олди. Аммо адибнинг фавқулодда жасорат эгаси экани ва бу мардона фазилат қаҳрамонлари табиатида кўчгани рост. Бу ўринда уч душман билан бир ўзи олишган Отабекни ёки дор остида ўлимга тик боққан Анварни эслаш жоиз. “Ҳақиқат, очиб сўзлашдадир” ҳикмати ҳаётий дастури бўлган адиб “Суддаги нутқ”ида мустабиб даврнинг “одил суд”ига қарата “Мен тўғрилик орқасида бош кетса, “их” дейдиган йигит эмасман... Кўнглида шамси ғубороти, тескаричилик мақсади бўлмаган содда, гўл, виждонлик бир йигитга бу қадар хўрликдан ўлим тансиқроқдир. Бир неча шахсларнинг орзусича, маънавий ўлим билан ўлдирилдим. Энди жисмоний ўлим менга қўрқинч эмасдир”, дейди (Суддаги нутқ. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси. 1989 йил, 1 декабрь). Кейинги ҳибсда ҳам “Менга кўйилган айбларни бошдан-оёқ рад этаман. Ҳақиқат йўлида... ҳеч қандай жазодан, қийноқдан қўрқмайман. Агар отмоқчи бўлсаларинг, кўкрагимни кериб тураман...”, деб мардона сўзлайди (Қодирийни кўмсаб. Тошкент, Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994. 6-бет).

Ана шундай мардона ҳаққоният, фавқуллода жасорат ва улкан шижоат Бобур шахсиятига улугворлик бағишлайди. Унинг фотихлиги, элободчилиги, бағрикенглиги, дўсту душманларига кўрсатган муруввати, айниқса, фарзандидан жонини ҳам аямагани – олис мозийнинг ўчмас ҳақиқати. Ўғли Ҳумоюннинг дардига ҳақими ҳозиклар "...яхши нимарсаларни тасаддуқ қилмоқ керак", деб ташхис қўяди. Бобур "Ҳумоюннинг мендин ўзга яхшироқ нимарсаси йўқ" дея уч марта ўғлининг теграсида айланиб "...мен кўртардим ҳар не дардинг бор" дейди. "Ўшал замон мен оғир бўлдум, ул енгил бўлди. Ул сиҳат бўлиб кўпти. Мен нохуш бўлуб йиқилдим" (355-бем). Бундай вазиятда Ҳақ билан авлиёсифат инсон орасидаги пардалар кўтарилади. Тоza юракли отанинг чин дуоси Тангри ҳузурига ўқ боради ва ижобат бўлади...

Замон ўлчови

Инсон ақли билан чегараланган замон – эра, аср, йил, фасл, ой, ҳафта, кун, соат... каби кўламли астрономик тизимни ташкил этади. Ижод аҳли юз берган воқелик тасвирида – вақт ифодасида астрономик тизим унсурларидан турлича фойдаланади. Бадиий асарда замон – вақт физикавий мазмундан адабий-фалсафий моҳиятга кўчади. "Замон" тушунчасининг аниқ бўлагини кун ва тун – йигирма тўрт соат ташкил этади. Бу ҳисоб учун Қуёш ҳаракати, аниқроғи, Ернинг ўз ўқи теграсида айланиши асос саналади. Ижодкор замон тасвирида қуёшнинг чиқиши, ботиши ёки соат милларининг қолишига эътибор беради. Қодирий романларида кунлик вақтнинг "қуёш ботган", "саҳар пайти" ёки "соат ўн иккида", "кечки соат тўртларда..." тарзидаги ифодаси онда-сонда учрайди. Гоҳи шу тарздаги ифода давомидан махсус изоҳ қўшилади: "...қуёш ботқан, теварақдан шом азони эшитиладир", "саҳар вақти туриб чой ичдилар. Субҳ намозини ўқуб, арава кўшилди", "Кечки соат тўртлар, асрдан бир оз эртароқ ҳукумат аскарни билан халқ орасида уруш бошланди...". Қодирий кунлик вақт қисмлари учун намоз атамаларини бежиз танламайди – "шом азони", "субҳ намози" (бомдод), "асрдан бир оз эртароқ" тарзида-

ги изоҳлар адиб романларида индивидуал маъно ва поэтик-категориал моҳият касб этади.

Бизнингча, Қодирий ижодига хос ушбу тасвир йўсини салафлари адабий тафаккурдан ўтган. "Бобурнома"да ҳодиса рўй берган йил, ой, ҳафта, кун ва ҳатто ўша куннинг аниқ маҳалигача қайд этилади. Масалан, Бобур "Ахсидин намози жумъа вақтида чиқиб, Банди Солор йўли била намози шом била намози хуфтан орасида Андижонга келдим" (32-бем), деб замонни намоз вақтига боғлаб ифодалайди. Асарнинг юзлаб ўринларида "намози бомдодни ўтаб", "намози пешиндин сўнг", "намози дигарга ёвуқ", "намози шомда", "намози шом била намози хуфтан орасида", "намози хуфтангача" каби таъбирлар учрайди. Баъзан Бобур фалон куни "сабоҳи", "офтоб бир найза бўйи чиқиб", "офтоб чиққанда", "офтоб ўлтурур маҳал" дея Қуёшнинг ҳаракати ва бошқа вақтларга ҳам диққат қаратади. Сираси, "Бобурнома"да улкан вақт бутунлиги, унинг қисмлари ҳамда кунлик вақт ўлчами муайян тизимга солинган.

Бу каби уйғун жиҳатларга имон-эътиқодли икки адиб шууридаги табиий сезим ва туйғулар ифодаси сифатида қараш ўринлидир.

Шакл-шамойил тавсифи

Ёзувчилар қаҳрамонларининг портретини мақсади ва маҳоратига кўра турли йўсинда чизади. Ташқи қиёфа белгиларини образларнинг ички олами билан уйғунлаштиради, баъзан қаршилантиради. Қодирий "Ўткан кунлар" романи бошида Кумуш қиёфасини "қоп-қора камон, ўтиб кетган нафис, қийиғ қошлари"ни, "тўлган ойдек ғуборсиз оқ юзи"ни, яъни "қиз суратида кўринган малак" сиймосини қуюқ, нафис ранглар уйғунлигида нисбатан кенг (29-бем), Ўзбек ойимни "элли беш ёшлар чамалиқ, чала-думбул табиъатлик" (129-бем) тарзида қисқа тавсифлайди. Айни чоқда, адиб бошқа образларни умумлаштириб, тигиз таърифлайди. Отабекни "оғир табиатли, улуг гавдали, кўркам ва оқ юзли, келишган, қора кўзли, мутаносиб қора қошли ва эндигина мурти сабз орган бир йиғит" (7-бем), Юсуфбек хожини "тўла кўркам юзли, катта малла кўзли, узун мош-гуруч соқоллик мулланамо бир зот"

(82-бем), Зайнабни “ўн етти ёшлар чамалик, кулча юзлик, оппоқина, ўртача хуснлик” (158-бем), Уста Алимни “қирқ ёшлар чамалик, қонсиз юзлик, сийрақина соқоллик, кўй кўз, кўп вақт мадраса риёзатини чекканмамо, қотма, узун бўйлик” (186-бем), Ҳасаналини “олтмиш ёшлар чамасида, чўзиқ юзлик, дўнгироқ пешаналик, сариққа мойил, тўгарак қора кўзлик, оппоқ узун соқоллик” (8-бем), Ҳомидни “узун бўйлик, қора чўтир юзлик, чағир кўзлик, чувоқ соқол, ўттуз беш ёшларда бўлган кўримсиз бир киши” (8-бем), Утаббой қушбегини “тўла юзлик, ўсиқ қошлиқ, оғир қарағучи кўзлик, сийрак соқол, ўрта бўйлик, устидан кимхоб тўн кийиб, белига қилич оққан қирқ беш ёшлар чамасида бир киши” (69-бем), Азизбекни “... бошига оқ шохидан салла ўраган... сийрак қошлик, чўққи соқол, буғдой ранглик, қирқ беш-элли ёшлар чамалик бир киши” (81-бем), Райимбек додхоҳни “...жин ялаган деганларидек қошсиз, қорамтил юзлик, икки чакагининг устида бир оз, иягида бир оз сийрак, кўримсиз қора соқоллик, кўзлари ичига ботиғроқ, аммо қон куйилган сумон бир киши” тарзида (81-82-бетлар) тасвирлайди. Эринмасдан, узундан-узоқ кўчирилган ҳар бир образ қиёфаси бетакрордир. (Бу поэтик усул романдаги бошқа образларнинг шакл-шамойили, хулқ-атвори ва руҳияти тавсифида ҳам кузатилади.) Шакл-шамойил тасвирида қўлланган сўзлар маъносидан ёзувчининг образларга меҳр-муҳаббати ё тескари муносабати – антипатияси сезилади. Қиёфаларнинг бадиий-эстетик тасвири ўқувчи кўнглига ҳам кўчади. Китобхон тасавурида образлар жамланиб, Абдулла Қодирий “адабий мамлақати”нинг фуқароларига айланади.

Гарчанд тарихий-мемуар асар саналса-да, бундай қисқа, аниқ ва лўнда поэтик тасвир усули “Бобурнома”га ҳам хос. Бобур отаси – Умаршайх Мирзо тўғрисида “паст бўйлик, тегирма соқоллик, қўба кўзлик, танбал киши эди”, деб ёзади (9-бем). Султон Аҳмад мирзо хусусида “баланд бўйлуқ, қунқор соқоллик, қизил юзлуқ, танбал киши эди. Соқоли энгакида эди. Икки янгоқида соқоли йўқ эди. Бисёр хушмуҳовара (гапга чечан – Б.К.) киши эрди” (19-бем), деб ёзса, қирқ уч ёшида вафот этган Султон Маҳмуд мирзони “паст бўйлуқ, суюқ

соқоллик, танбал, синчисизроқ киши эди”, деб тавсифлайди (26-бем). Бошқа бир саҳифада “Одиллий” тахаллуסי билан ғазал битган Бойсунгур мирзони “улуғ кўзлуқ, қўба юзлуқ, ўрта бўйлуқ, туркман чехралик, малоҳатлиқ йигит эди”, дея таърифлайди (63-бем). Бобур “покиза эътиқодли”, “одми ва фақир”, “таъби назми бор”, “фосиқ”, “муттақий”, “золим ва кофирваш”, “кулагач ва ҳаззол” каби сифатлар билан қахрамонларининг феъли-хўйи ва ички олами ҳақида ҳам маълумот беради. “Бобурнома”дек мўтабар асарнинг ҳаққоний тасвир услуби Абдулла Қодирийга манзур бўлгандир. Устоз адабиётшунос Умарали Норматов “Қодирий мўъжизаси” китобида “Ўтмишда яратилган талай асарлардаги, жумладан, “Бобурнома”даги реалистик хусусиятларни асло камситмаган ҳолда айтиш мумкинки, “Ўткан кунлар”да ўзбек халқи ҳаёти илк бор ўзининг тўлақонли реалистик ифодасини топди”, деб таъкидлагани ҳам бежиз эмас (Норматов У. Қодирий мўъжизаси. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2010. 195-196-бетлар).

Одимлар ва қадамлар

Самарқанд шаҳри тўғрисида “Бобурнома”-да бундай маълумот келади: “Рубъи маскунда Самарқандча латиф шаҳр камроқдур. Бешинчи иқлимдиндур... Самарқандни Искандар бино қилғондур. Мўғул ва турк улуси Семирканд дерлар. Темурбек пойтахт қилиб эрди. Темурбекдин бурун Темурбекдек улуғ подшоҳ Самарқандни пойтахти қилғон эмас-тур. Кўргонини, фас(и)лнинг устидин буюрдумким, қадам урдилар. Ўн минг олти юз қадам чиқти” (43-бем).

Бобур масофа ўлчови учун асосан “курух”ни қўллайди. Самарқанддаги Оҳинин дарвозаси ёнидаги жомеъ масжидидан гап очиб, бино пештоқиға “Ва ‘из ярфаъу Иброҳим ал-қавоида (ило охириҳи)” ояти маҳобатли ҳарфлар билан ёзилганига диққат қаратади ва “андоқ улуғ хат била битибтурларким, бир курух ёвуқ ердин ўқуса бўлур”, деб аниқлик киритади.

Хўш, курух қандай бирлик? Жавобни Бобур Мирзонинг ўзи беради: “Бу курухларни мил била мувофиқ таъйин қилилди. Нечуким, “Мубаййин”да мазкурдурлар:

Тўрт мингдур қадам била бир мил,
Бир куруҳ они Ҳинд эли дер, бил” (323-бет).

Бир милга тенг куруҳни от ёки одам қадами билан ўлчанган масофа ҳам тасаввур этишга ёрдам беради. Ўн бир ярим куруҳ масофа от қадами билан йигирма уч мингу бир юз, одам қадами билан ҳисоблаганда эса қирқ олти минг икки юз одим бўлади. Бобур бундай ёзади: “Буюриб эдимким, Мунирдин ёнғонда бир киши Сўннинг ёқасидин **отининг ҳар қадами**ни ўрдуғача санасун, йигирма уч мингу бир юз санабтурким, **қирқ олти минг икки юз қадам** бўлғайким, ўн бир ярим куруҳдур” (338-бет).

“Ўткан кунлар” романида ҳам ровий ўқувчини ортидан эргаштирганча Марғилон ўрдасининг атрофини қадамлаб чиқади. “Ҳозир бизга ўрда ичига кириш мумкин бўлмагани учун қўрғоннинг ташқари теграсида айланиб турайлик: дарвозанинг сўл биқиниға қараб **икки юз одим** кетсак қўрғон девори тугалаб, бурчга етиладир... Шундан кейин бир бўшлиқ ер билан қўрғоннинг жанубига қараб кетиладир. **Тўрт юз одимлаб** борилғач, қўрғоннинг шарқи-жануби бурчига етилиб, бу бурчини ҳам ановисидай қоровулсиз топиладир. Бу бурчдан қараган кишига қўрғоннинг ғарби-жанубий бурчи ҳам кўриниб, шу йўсунда ўрданинг тўрт бурчини айланиб чиқилса **бир минг олти юз одим** босилган бўлиб ўрданинг ғарб томонидан биз танишган ўрда дарвозасиға келинадир” (67-бет). Бошқа бир саҳифада адиб масофани худди Бобур Мирзодек от қадами билан ўлчайди: “Бошлар уюми билан Азизбек ораси **қирқ-элли от одими** қолган эди” (82-бет). Турли тарихий даврларда оралик масофа, узунлик ёки йўлни ўлчаш учун йиғоч, аршин, газ, қарич, метр, километр каби ўлчов бирикларни ишлатилган. Аммо “Бобурнома” билан “Ўткан кунлар” муаллифлари ўрда ва қўрғонлар атрофини кўпинча қадамлаб чиқади ёки отини одимлатиб ўлчайди.

Икки тилчи

Абдулла Қодирий бетакрор асарлари билан ўзбек адабий тилининг бойлигини исбот этди; ўрни келганида шевага хос сўзлардан унумли фойдаланди. Адиб халқ тилида қўлланадиган **“чип”** сўзини “ғов, баррикада маъносида”, бошқа бир саҳифада ишлатил-

ган **“эшик”** сўзини “Фарғонада ҳовлини эшик дейдилар” деб изоҳлайди. Ҳомид Жаннат опага “...гузардан чиқиб **бир чорак** эт келтириб, шўрба қилиб берсангиз” дейди. Ёзувчи “бир чорак”ни “уч ярим-тўрт қадоқ чамаси тошдир” деб шарҳлайди. Бугунги ўқувчига бир қадоқнинг 409,512 граммга тенг оғирлик ўлчов бириклиги эканини эслатиш зарур. Бошқа бир эпизодда узоқ айрилиқдан кейин қайта учрашган Кумуш Отабекка “Сиз энди **қирчиллабсиз!**” дея лутф қилади. Адиб “қирчиллаш” сўзига “Қирчиллаш – одатда қорға айтиладир. Масалан, қаттиғ совуқда ёқан қор қирчиллайдир. Шундан олиб, айна етилган йигитларни қирчиллама йигит, дейдилар” тарзида изоҳ ёзади. “Меҳробдан чаён”да Худоёрхон арабий сўзларни кўп қўллагани учун мирзоларига “Эналаринг арапқа текканма?” деб танбеҳ беради. Ёзувчи **“эналаринг”** сўзига тўхталиб, “Эналаринг сўзидаги “нг” ҳарфини “нг” равишида қалин сўзлайдир. Бу кунги Фарғона ўзбекларида ҳам (айниқса, қишлоқларда) юмшоқ “нг” ўрнига қалин “нг” ишлатилиши кўб эшитиладир. Ҳозирги ислоҳ қилинган ҳарфларимизда бу қалин “нг”нинг махсус шакли йўқдир. Ёзган (н-ғ) ҳарфларидан бир товуш ясалса ҳам, бироқ ўқуғанда ҳар ким буни ўз махражидан чиқаролмас, янглиш ўқур. Бу қалин “нг” ўзбекча бир нечта сўздагина ишлатилмай кўб (эллилиаб) сўзда истеъмол қилингани учун манимча алоҳида бир шакл қабул қилиш эҳтиёжи ҳис этиладир. Масалан, машҳурлари: занғ, панғ, ланғ, даранғ, қаланғи-қасанғи, дарғ, тўнғиз, шанғи, тўнғилламоқ, тўнғ, тўнғуч, анғиз, тинғ ва бошқалар... Эски “нинг” “нг” равишида ислоҳ қилинган. Бу йўғон “нг” ҳам “ғ” ҳарфининг устига нукта қўюлиб ёзилсамикан...”, дея батафсил изоҳ ва ўринли таклиф беради (“Ўткан кунлар. Меҳробдан чаён”, 430-бет). Адиб ўзбек тилининг табиий хусусиятлари, жамики фазилатларини қадрлаш устида бош қотирган, шу боис ҳам тилдаги бундай муаммоли фонетик ҳодисага махсус тўхталади.

Бобур ҳам машҳур:

*Ёд этмас эмиш кишини меҳнатта киши,
Шод этмас эмиш кўнгулни ғурбатта киши.
Кўнгулум бу ғариблиқта шод ўлмади ҳеч,
Ғурбатта севунмас эмиш албатта киши*

рубойсидан кейин туркий тилнинг товуш хусусиятига доир мулоҳаза битади: "Сўнгра маълум бўлдиким, турк лафзида маҳал иқтисоси била "то" ва "дол", яна "ғайн" ва "қоф" ва "коф" бир-бирлари била мубаддал бўларлар эмиш" (90-бет). Ўрнига қараб "т" билан "д" ундошининг, "ғ", "қ" ва "к" товушларининг ўрни алмашиб келиши, уларнинг ўзaro мослашувчанлик табиатини тушунтиради. Бобурнинг йигирма саккизта ҳарфдан таркиб топган алоҳида алифбо – "Хатти Бобурий"-га тартиб бергани, шу хатда фарзандларига мактуб ёзгани, замонасининг хаттотларига "Мухаф"ни кўчиртириб Маккаи Мукаррамага юборгани маълум (Султонов Ў. *Хатти Бобурий. "Мозийдан садо" журнали, 2003 йил 3-4-сон. 90-92-бетлар*). "Бобурнома"да жой номлари, турли тарихий шахслар, турфа урф-одат, удумлар, ҳайвонот, наботот оламига доир кўплаб сўзларга изоҳ берилди. Масалан, "Яна Ҳинд эли ададни ҳам хўб тайин қилибтурлар: юз мингни "лак" дерлар, юз лакни "курур" дерлар. Юз курурни "арб" дерлар. Юз арбни "карб", юз карбни "нил", юз нилни "падам", юз падамни "сонг". Бу ададларнинг тайини Ҳиндустон молининг кўплугининг далилидур" (266-бет). Тилшунослар фикрича, Бобур икки юздан ортиқ сўз этимологиясига аниқлик киритади.

Бобур Ҳумоюнга ёзган жавоб мактубида ўғли хатида йўл қўйган имло хатоларига эътибор қаратади. Энг асосийси, услубига нисбатан "Бундин нари бетакаллуф ва равшан ва пок алфоз била бити: ҳам санга ташвиш озроқ бўлур ва ҳам ўқуғучиға" (321-бет), дея қимматли ўғит беради. Бобур билан Қодирийнинг асар, битик, мактуб, иншо-ни аниқ ва тиниқ ёзиш хусусидаги фикрлари ўзаро уйғун. Қодирий фикрича, ёзганларига "ёзувчининг ўзигина тушуниб бошқаларнинг тушунмаслиги катта айб", "фикрнинг ифодаси хизматига ярамаган сўз ва жумлаларга ёзувда асло ўрин бермаслик лозим". Ёш ёзувчилар ўз асарларига бировнинг сўнгсўз ёки сўзбошиси билан тумор таққандан ёки нашриёт муҳаррирларига ортиқча иш қолдиргандан кўра ўз сўзларида собит туриб, "бир соатда эмас, ўн соатда ёзишлари" ва ёзганларини "бир қайта эмас, ўн қайта ту-

затишлари кишининг ёрдамига термулишга қараганда ҳам фойдалиқ, ҳам умидликдир" (*"Диёри бакр", 230-бет*). Назаримда, ҳар икки аллома адибнинг адабий-назарий ўғитлари ёш ижодкорлар учун дорилфунун сабоқлари ўрнини босади.

Гул шайдолари

Қодирийни қурдошлари "гул шайдоси эди" деб хотирлайди. Адиб қахрамонларини баъзан гулга менгайди ёки уларни гул парварини билан машғул этади. Ёзувчи Кумушбининг паришон ҳолини "Бир нарса тўғрисида ўйлармиди ёки бош оғриғиси кучликмиди, ҳарҳолда намозшом гул каби ёпиқ эди" (30-31-бет), деб тасвирлайди. Кумуш турмушга узатиладиган сахнани ёдга оламиз: қиз йиғинига Кумушнинг дугоналари жамланган. Бу йиғинни ҳам ёзувчи "Қизлар мажлиси – гуллар, лолалар, тўтилар, қумрилар мажлиси!" (53-бет) тарзида "гуллар" билан безайди. Бундай гўзал манзара қаршисидаги одам "гул танлашда бирор қарорга келолмай" ҳаммага қулги бўлиши мумкин. Аммо даврага Кумушбиби кириб келгач, агар гулни гулдан ажратиб танлашга зарурат бўлса, энди одам мутараддид бўлмайдди, иккиланиб ёсанкирамайдди. Чунки "Кумушбиби лолалар ичидаги бир гул ва ё юлдузлар орасидаги бир ой эди" (54-бет). Дали-ғули Ўзбек ойим Кумушни биринчи бор кўрганида гоҳ ўпкаланиб, гоҳ эркаланиб, "Энди кўрсам милтиқнинг ўқидек, пушти гулнинг тўқидек келиним бор экан..." (325-бет), дея шоирланади. Роман интиҳосига яқин Отабек туш кўради. Адиб унинг тушини ҳам гул ва гулзор томон буради. Отабек "туш кўрар эди: чаманда гуллар очилган эмиш... Бу гулшан унинг ўзиники эмиш... Ул ранго-ранг чечаклардан кўзини ололмас эмиш" (368-бет). Қодирий гул шайдоси эди, бу фазилат унинг қахрамонларига кўчган.

Латиф гуллар шоиркўнгил инсонни ўзига мафтун қилиши тайин. Айниқса, ҳаётининг бирор кунини хотиржам ўтказмаган, "икки рамазон ийдини паёпай бир ерда" ўқимаган Бобурнинг кўнгли чаманзорлар гўзаллигидан ором топади. У гул навлари билан қизиқади. Кобулда лола гулининг ўттиз тўртта тури борлигини қайд этади. Ҳиндистонда ўсадиган

“жосун”, “канир”, “киюра”, “ёсуман” каби бир қанча гулларнинг шакли, ранги, танаси, илди-зи ва ҳидигача таърифлайди (264-бет). Бобур Ограга сув келтириб, обод этганини бундай таърифлайди: “Ҳар гўшада мақбул чаманлар, ҳар чаманда муважжаҳ гул ва настаринлар муруттаб ва мукаммал бўлди”(275-бет). Бошқа бир ўринда “Тарҳ билан чаманлар қилиб, чаманлар атрофида хушранг ва хушбўй гул ва раёҳин тикмак керак” (330-бет), деб ёзади. Бобур Ҳиндистонда нилуфарзор сайрига чиқади. Бу гулни таърифлаб ҳиндлар нилуфарнинг уругини “дуда”, гулнинг ўзини “кавал кикрий” деб аташларини эслатади (338-бет). Бобур қадами етиб борган турли ҳудудларда кўчатлар ўтқазиб, гуллар экиб, ўнлаб боғ-роғлар ва юзлаб гулзорлар барпо қилади. Буни орадан бир неча аср ўтиб, Жавоҳарлаъл Неру “Дунё тарихига назар” китобида алоҳида эътироф этади.

Китоб – тилсим

Одамларнинг маънавий даражасини мутолаа қилган китоби ҳам белгилайди. Тақдир Алишер Навоийни 6-7 ёшида “Зафарнома” муаллифи Али Яздийга рўбарў қилади. Ўшанда мўйсафид муаррих билан бола Алишер ўртасида савол-жавоб бўлиб ўтади. Аллома жажжи иқтидор соҳибидан мутолаа қилган китоблари хусусида сўрайди. Алишер Қуръони каримдан “Мулк”кача таълим олганини айтади. Қолаверса, у ёшлигида “Мантиқ ут-тайр”ни ёд билгани маълум. Бундай маълумотлар тарихий шахслар маънавий портретига чизги беради. Бобур ҳам ўз даврининг машҳур ақобирларини таъриф этар экан, улар ёзган ёки ўқиган китобларни эсга олади. Хусусан, Алишер Навоийнинг “Хамса”, “Лисон ут-тайр”, “Ғаройиб ус-сигар”, “Наводир уш-шабоб”, “Бадоеъ ул-васат”, “Фавойид ул-кибар”, “Мезон ул-авзон” каби асарларини санаб ўтади. Таъкидлаш жоизки, Бобур ўз хотираларида Навоийдан бошқа бирор шахсга бундай “кўб ва хўб” таъриф берган эмас.

Отаси Умаршайх Мирзо хусусида бундай ёзади: “Равон саводи бор эди. “Хамсатайн” ва маснавий китобларини ва тарихларни ўқур эди. Аксар “Шоҳнома” ўқур эди. Таъби назми бор эди, вале шеърға парво қилмас

эди” (10-бет). Замондошларидан баъзилари Мусҳаф китобат қилишини қайд этади. Умуман, машҳур уламо ёки тарихий жойлар таърифида “Саҳиҳи Бухорий”, “Ҳидоя”, “Темурнома”, “Фатҳнома”, “Зафарнома”, “Искандарнома”, “Шоҳнома” каби мўътабар китоблар эсга олинадики, натижада тавсиф янада теранлашади.

Отабекнинг “Бобурнома” ўқиганини қайд этиб ўтдик. Қодирий бошқа қахрамонларини ҳам маълуму машҳур китоблардан насибадор қилади. Дейлик, Юсуфбек ҳожи Қуръони карим ва “Далойил ул-хайрот”ни, ошиқ қахрамонлар Фузулийнинг “Девон”ини, Раъно эса мумтоз шоирлар қаторида Амирий, Фазлий Намонгоний каби замондош қалам аҳли асарларини мутолаа қилади.

“Меҳробдан чаён” романида масжид ҳужраси тасвири келади. Ҳужра тоқчасига Абдурахмон Жомийнинг “Шарҳ мулла Жомий” асари (араб тили грамматикаси – “Кофия”нинг шарҳи), ҳошиясида диний ҳукмлар изоҳланган “Ақоиди маъалхавоший”, мантиққа доир “Ҳикмат ул-айн”, Марғинонийнинг “Ал-виқоя”, Расулulloҳ (с.а.в.) ҳаётига оид “Сияри шариф” каби мўътабар китоблар тахланган. Қалоншоҳ мирзо, Шаҳодат муфтий, Абдурахмон домла мазкур китобларни ўқиганми? Адиб уларнинг қўлларига бу китобларни тутқазмайди, шунчаки тоқчага тахлаб қўяди. Ўқилмаган китоб – очилмаган тилсим. Ўқиган билан ўқимаган ҳеч қачон баробар бўлмайди. Ўқиганлар олиму уламо бўлади, ўқимаганлар эса шайтон йўлига кириб, умрини ғийбату ғурбат билан ўтказади.

Алқисса, Абдулла Қодирийнинг руҳияти, адабий-эстетик концепцияси, одам ва олам хусусидаги қарашлари Заҳириддин Муҳаммад Бобурниқига яқин. Икки адиб фитратидаги мардлик, жасорат, тўғрилиқ, ҳақгўйлик, истеъдод каби фазилатлар ўзаро уйғун келади. Сирасини айтганда, тарихнинг олис қаъри ва яқин ўтмишдаги дили, тили ва маслаги бир бўлган адабий сиймолар маънавият майдонидан ёнма-ён туради. Орадаги масофа қанчалик узоқ бўлмасин, муштарак фикрли ижодкорлар адабиётнинг рамзий тилида ғойибона суҳбат қура олади. Уларни боғловчи руҳий ришталар эса пойдор, мустаҳкамдир...



ЧЕХОВНИНГ СИНГЛИСИ

Васият

1901 йил августида Антон Павлович Чехов синглисига васиятнома мазмунидаги мактуб йўллади: “Азизам Маша, Ялтадаги ҳовли-жой сенга, драматик асарларимдан тушадиган фойда ҳам сеники, хотиним Ольга Леонардовнага эса Гурзуфдаги ҳовли билан беш минг рубль қолади. Хоҳласанг, уйни сотишинг мумкин. Акам Александрга уч минг, укам Иванга беш минг, Мишага ҳам уч минг бер... Онамдан, сендан ортиб нимадир қолса, Таганрог шаҳар маориф бошқармаси ихтиёрига ўтса дейман... Фақир у ночорларга кўмаклашиб тур. Онамизни авайла, ёлғизлатиб қўйма. Аҳил-иноқ бўлинглар”.

Антон Чехов оиланинг тўнғичи – акаси Александр ёки укалари Иван ва Михаилга эмас, айнан Марияга ёзади бу хатни. Меросга оид машамшалар билан муштипар бир аёлдан кўра эркак киши шуғуллангани дуруст эмасмиди, дерсиз. Тўғри, шундай. Аслида бу васиятнома-хат қонуний кучга эмас эди. Адиб ҳаётлигида расмий васиятнома ёзиб, нотариусга тасдиқлатиб, мерос ҳужжатларини пухталаб қўймаган, негаки, жонкуяр ҳамшираси Машага ўзига ишонгандек ишонган, ўлиmidан кейин у тилагини сўзсиз адо этажагига кўзи етган.

Ота-боболари крепостной деҳқон ўтган, ўзи майда баққолдан чиққан, жамиятда бирон унвону мақомга (ўрни келиб қолди, айтайлик, сўнгги йилларда баъзи “чеховшунос”лар ўйлаб топган янгилик: 1899 йили

Бутунрусия императори Николай Иккинчи Чеховга дворянлик рутбасини инъом этган-у, бу имтиёзни у қабул қилмаган эмиш...) эга бўлмаган, ёзувчилик ортидангина нон еган Антон Чеховдан мерос бўлгулик нима ҳам қолибди дейсиз?! Бобоси Егор Чехов мамлакатда крепостнойлик бекор бўлмасидан (1861) кўп йиллар аввал умр бўйи йиққан-тергани эвазига ўзи ва оиласини кулликдан озод этади. Адибнинг отаси Павел Егорович эса тўнғич ўғли дунёга келгач, мўъжазгина дўкон очиб, тижоратга қўл уради. Лекин савдо ишига нўноқ эмасми, фойдадан кўра кўпроқ зиён кўради, бўғзигача қарзга ботади ва Таганрогни ташлаб Москвага кетишга мажбур бўлади. Орадан озроқ вақт ўтиб Елена Яковлевна (адибнинг онаси) ҳам қизи ва кенжа ўғлини эргаштириб эрининг ортидан Москвага йўл олади. Таганрогда хонадонга бош бўлиб қолган ўн олти яшар Антон (*укаси Иван бир муддат унинг қарамоғида яшайди, шунданмикан, бу оға-инининг бир-бирига меҳри бўлакча эди*) ўз кунини ўзи кўра бошлайди. Гимназияга чопади, ундан чиқиб ёш болаларга дарс бериб пул топади, кутубхонаю театрга боришни-да канда этмайди, отанинг қарзини сўраб келганлар билан жавоб-муомала қилади, камига, рўзғор буюмларини сотиб Москвага – ота-онасига пул ҳам жўнатиб туради. Эҳтимол, ана шу кезларданоқ у бутун оилага бош бўлиш масъулиятини бўйнига олгандир. Москвадан эса арзу нолага тўла хатларнинг кети узилмасди: онаизор рўзғор тебратиш нечоғли азоблиги, минг машаққат-ла ишлаб топилаётган уч-тўрт сўмни учма-уч етказиб кун кўришаётгани ҳақида ёзарди. Одатда ўнинг мактублари бундай яқунланарди: “Антоша, уни сот, буни сот, бизга фалон пул жўнат”. Бу вақтда ота ҳали тайин бир ишга жойлашмаган, Александр ва Николай талаба, Маша билан Миша эса гимназияда ўқир эди. Чеховлар бир амаллаб ижара уй ҳақини тўлаб, қорин тўйғазганларига шуқр қилиб яшардилар.

1879 йили Антон гимназияни тугатиб Москвага келади, университетнинг тиббиёт факультетига ўқишга кириб, оила, рўзғор муаммоларини яна зиммасига олади. Ўқиш ташвишларидан ортиб кечалари тинмай кичик ҳикоя, фельетонлар ёзиб газета ва ҳафталик журналларга юборади. Шулардан келган қалам ҳақи эвазига хонадонда қора қозон қайнайдиган бўлади, рўзғорнинг кам-кўсти бутлана бошлайди. Машанинг мактабига ҳам пулни энди акаси тўлайди.

Ёш йигитнинг қисқа фурсатда хонадонни ночор бир аҳволдан халос этиб, маданиятли-зиёли оилага айлантира билгани ҳайратланарли. Машҳур ёзувчи ўлароқ танилиб, моддий жиҳатдан оёққа туриб олган кезлари оиланинг бутун таъминоти унинг гарданида бўлган, у катта-катта харажатлар қилган, бирон танишими, ошна-оғайнисими қийналиб



қолганида эса ҳеч иккиланмай чўнтагидаги борини чиқариб бераверган. Агар ўша кезлар топган пулини у ўзигагина сарфласа, ҳеч бир бойваччадан кам ҳаёт кечирмаган бўларди.

Бедаво дарддан умри шомига яқинлашиб қолганини ич-ичидан сезган ёзувчи 1898 йили пойтахтдаги йирик ношир Адольф Маркс билан шартнома тузади: пьесалари истисно, бор адабий бисотини унга сотади. Ялтадаги уй шу маблағ билан қурилади. Дарвоқе, синглисига ёзган хатида ака-укаларига илингани ҳам ана шу ҳисобдан эди.

Қаранг, Чеховнинг меросидан сўз бошлаб унинг номаи аъмолини баён этмоққа киришиб кетибмиз. Айтмоқчи бўлганимиз эса – мудом жон-жигарларининг ғамида яшаган адиб ўлимидан кейин ҳам гўёки уларнинг ташвишини қилган.

Мария ишончни бус-бутун оқлайди, умрини акасининг номини абадиятга муҳрламоққа бағишлайди. Ёзувчидан қолган моддий мерос сингилга ҳаётининг охиригача тўкинлик инъом этгани йўқ, албатта. Акасининг ўлимидан сўнг дастлабки бир-икки йил беташвишроқ яшаган бўлса бордир, аммо 1906 йилларга келиб Мария моддий жиҳатдан хийла қийналиб қолган, адибнинг пьесаларидан тушадиган даромад Ялтадаги уй-жой, боғ ва боғбон харажатини аранг қоплар, бунинг устига, шаҳар земствоси каттадан-катта солиқ солавериш безор қилган эди. Мария ҳатто бу гўшани Антон Чеховнинг уй-музеи ўлароқ Россия Фанлар академияси ихтиёрига топширишни ҳам ўйлаб қолади. Ажабки, уни сотиб олишга академиянинг қурби етмайди. Шундан сўнг сингил акадан мерос бу ёдгорликни қандай бўлмасин сақлаб қолиш ғами билан яшайди.

А.П.Чеховнинг олти жилддан иборат хатлари орасида яқин қариндошлари, ака-укалари билан ёзишмалари алоҳида ўрин тутаяди. Бу жиҳатдан расом акаси Николайга йўллаган “насиҳатнома”си айниқса диққатга сазовор.

“Н.Чеховга

Москва, 1986, март

Қачон қарама, “Мени ҳеч ким тушунмайди”, деб нолиганинг нолиган. Ҳатто Гёттею Ньютондек инсонлар ҳам бу мазмунда нолимагандир... Сени жуда яхши тушунамиз... Агарки ўзингни ўзинг тушунмас экансан, у ҳолда бошқаларни айблашга ҳожат йўқ...

Кўнглинг тўқ бўлсин, ининг, жондек жигаринг сифатида мен сени биламан, сенга ичим ачийди... Яхши фазилатларинг менга беш қўлдек маълум ва маъқул, қадрлайман, булар учун сени бошимга кўтармоққа тайёрман. Сўзимнинг исботига шу фазилатларингни бирма-бир санаб беришим мумкин. Менимча, сен ҳаддан ортиқ меҳрибон, кўнглибўш одамсан, олижаноб-

Машанинг оғалари

Таганрог гимназиясида бинойидек ўқиб юрган Маша Москвага келадю уй юмушларига кўмилиб қолади. Бегона шаҳарда ижарама-ижара кўчиб, базўр кун кўраётган оила уни бирор мактабга беришга қайдан пул топсин? Ўн уч яшар қизча дастёрликдан ортмайди, она бировларнинг кирини ювиб пул топса, Маша ҳам қараб ўтирмай журўмол тўқиб сотади. Орадан бир йил ўтибгина ота-она амаллаб қизни Филоретов номидаги аёллар билим юртига жойлайди.

Машанинг тўрт ака, бир укаси бор эди. Одатда, серфарзанд оилаларда ёлғизгина қиз, бунинг устига у кенжатоё бўлса, акалар уни нақд бошига кўтаради. Аммо акалар шўх-шумтака келса, кўпинча билиб-билмай сингилни хафа қилиб қўяди, йиғлатади ҳам. Машанинг оғалари шу хилдан эди. Москвага келгач, Антошанинг унга муносабати буткул ўзгаради: зийрак ака сингиси энди илгаригидек кўзёшини оқизиб ўтирадиган ожиза эмас, кундан-кун зеҳн-заковати ортиб, ҳурмат-эҳтиромга лойиқ ойимқиз бўлиб бораётганини дарров пайқаган эди-да.

Маша йигирма ёшида билимгоҳни тамомлаб, профессор В.Герье очган аёллар Олий курсига қатнай бошлади. Ўша кунлари Антонга ёзган хатида Александр *(бу вақтда тўнғич ўғил университетни тамомлаб, Таганрог божхонасига ишга ўтган эди)* Маша мени тушунмайди-да, деб нолиб қолади. "Бунинг ҳеч ажабланарли ери йўқ! – дейди унга жавобан ука дангалига. – Эслаб боқ-чи, сен ўзинг умрингда бирон марта у билан одамга ўхшаб гаплашганмисан? Машамиз энди катта қиз бўлиб қолди, олий курсларда ўқияпти, жиддий фанларни ўрганяпти... Ҳозир унинг

сан, худбин эмассан, вақти келса чўнтагингдаги охирги чақани ҳам биров билан бўлишсан, очиқкўнгилсан, кўролмаслик, бировга ҳасад қилиш сенга ёт, соддадилсан, одамлару ҳайвонларга бирдек раҳмдилсан, заҳарзабон эмассан, кек сақлаш нелигини билмайсан, ишонувчансан... Ҳаммага ҳам насиб этавермайдиган яна бир нарса бор сенда – худо юқтирган иқтидор. Ана шу туфайли сен миллионлаб одамдан устунсан, ахир чиқса, ер юзида 2000000 кишидан биттагина мусаввир чиқади...

Иқтидор эгасини осмон қадар юксалтиради; дейлик, бақами ёки ўргимчак бўлсанг ҳам барибир сенга иззат-икром кўрсатадилар, чунки истеъдодли одамга имтиёз берилган. Сенинг битта камчилигинг бор. Аслида бутун кўргиликларинг шундан, ожизлигинг ҳам. Бу сенинг ўтакетган тарбиясизлигинг. Кечирасан-у, лекин "Verities magis amicitiae" (Ҳақиқат дўстликдан устундир – лот.). Гап шундаки, ҳаётнинг ўз қонун-қоидалари бор... Зиёлилар даврасида ўзини олақаргадек ёт-бегона сезмаслик,

онгу шуурида қандай курашлар кечаётганини тасаввур қила оласанми? Ҳайратларга тушинг тайин! Ҳаётини мақсадлари, тутумлари буткул ўзгарган, энди Тургеневнинг қахрамон аёлларидан кам жойи йўқ унинг. Мен муболаға қилмаяпман. Ҳўш, нега синглимиз биронтангизга айтмаган сирларини менга ишонади? Мен унга фақат “севимли синглим” дебгина қарамаганим, ўзимга тенг тутиб муомала қилганим учун! Ахир у ҳам инсон, худо ҳаққи буни тан ол энди!”

Шу иқрорнинг ўзиёқ Маша Антонга қанчалик қадрли эканини аңлатмайдимми?

Дарс қилиш баҳона Чеховларникига тез-тез келиб турадиган Машанинг Олий курсдаги янги дугоналари, табиийки, ёш, серзавқ ака-укани (Антон ва Николайни) ўзига мафтун этмай қўймайди. Улар шу пайтгача вақтичоғлик қилиб юрган таҳририят котибалари бу талаба қизларнинг тирноғига ҳам арзимас эди-да! “Астроном қиз” Ольга Кундасова, энтомолог Екатерина Юношева (Антон унга хатжилдга солиб ўлган кўнғизча (соҳасига ишора!) жўнатади: қара, сенга бўлган муҳаббати бу бечорани не кўйга солди!), шўх-шаддод, ҳазил-мазахга суяги йўқ Дуня Эфрос... Антон кўп ўқиган, кўп балодан хабардор бу қизлар даврасида асло зерикмасди – ҳар турли мавзуларда улар билан валақлашиш мароқли эди. Айниқса, ёш ёзувчи учун бундай суҳбатлар нақд хазина, кўнгил калитини топсанг бас – борини ўзи тўкиб солади. Машанинг дугоналарию Антоннинг дўстлари йиғилганда эса шеърхонлигу баҳс-мунозара авжига чиқар, Москванинг манаман деган зиёли ёшлари ярим тунгача ўйин-кулги қилиб, тортишиб чарчамас эди. Антон бу қизларнинг айримлари билан умрининг охиригача дўст бўлиб қолади. Яҳудий қизи Дуня Эфросга эса ҳатто уйланмоқчи ҳам бўлади...

уларга қўшилолмайд қийналмаслик учун одам аввало ўта тарбияли бўлиши керак... Иқтидоринг сени шу муҳитга олиб кирди, энди шу давранинг одамисан, аммо... бу ерга оёғинг тортмайди, маданиятли жамоа билан кўча одамлари ўртасида мувозанат сақлаётмай қийналиблар кетасан. Қонингдаги мешчанлик сени сотиб қўяди-да... Бу балони енгиш мушкул, оҳ, қанчалар мушкул.

Боадаб одам, менимча, қуйидаги қоида-тутумларга амал қилади:

1. У ҳар қандай инсон шахсини ҳурмат қилади, шу боис мудом мурувватли, хушфёъл, хушмуомала, кўнгилчан... Дейлик, иш қуроли – ўчирғичиними ёки болғачасини тополмас, уйни бошига кўтариб ғалва чиқармайди; мендек одам сенлар билан бир хонадонда яшаяпман-а, деб жигарларига миннат қилмайди, уйдан кетгудек бўлса, сизлар билан бир том остида туриб бўлмайди, деган гапни айтмайди! Шовқин-суронга ҳам, иссиқ-совуққа ҳам, куйган гўшт ҳидию таомнинг аччиқ-чучуклигига ҳам, хонадонда кўноқ бўлган бегоналарнинг ташвишига ҳам чидаб беради...

Кўпинча Антон Чеховнинг ҳасби ҳоли баён этилганда унинг “Истеъдод бизга отамиздан ўтган, кўнгилчанлик эса онамиздан” деган эътирофига урғу берилади. Дарҳақиқат, аксар биографлар назарида, “болаларини уриб-сўкиб тарбиялаган, бир қаричлигидан меҳнатга мажбур қилган золим” (шўроча қарашга уйғун таъриф!) Павел Егорович савдо-сотикдан кўра диний қасидалар куйлаш, скрипка чалиш, расм чизишга уста эди. Фарзандларининг ҳеч қайсиси қобилиятдан бенасиб эмаслиги, бири расм чизгани, бири мусиқага ошуфталигию бошқасининг “қалами ўткир”лиги бежизмас-да! Маълумки, акаси Александр Антоннинг шуҳратига соя солмаслик учун “А.Седой” тахаллуси билан асарлар ёзган. Москва университетининг физика-математика факультетини тамомлаган бўлса-да, у умр бўйи газета-журналлар идораларининг тупроғини ялаган. Антонни дастлаб ёзишга руҳлантирган, таҳририятларга етаклаб борган ҳам шу акаси. “Аслида, Саша мендан кўра истеъдодли”, дерди Чехов дўстларига. Иродаси бўшлиқ қилмаганида, ёшлайн ичкиликка берилиб, тараллабедод яшашга муккасидан шўнғимаганида, ким билсин, Антон Павлович айтмоқчи, ёзувчилик бобида акаси уни соясида қолдириб кетармиди?! Иккинчи ўғил, “рассомликка ўқийман, зўр рассом бўламан” деб акасига қўшилиб Москвага келган Николайни ҳам охир-оқибат ичкилик, саёқ турмуш маҳв этади. У Москва рассомлик, ҳайкалтарошлик ва меъморлик билим юртида таҳсил олиб юрган кезлариёқ акаси ва укаси қатори газета-журнал таҳририятларида рассомлик қилиб пул топади. Ҳажвий нашрларга чизган карикатуралари, иллюстрациялари туфайли унча-мунчанинг назарига ҳам тушади. Агар Чеховлар уруғига ёпишган машъум хасталик – сил жувонмарг этмаганида Николай ҳам сабоқдош

2. У фақат кўчадаги дайди кучук-мушук ёки фақир-бечорагагина шафқат кўрсатмай, оддий одам пайқамай ўтиб кетадиган майда-чуйдаларга ҳам ич-ичидан ачинади...

3. У омонатга хиёнат қилмайди, қарз олса, вақтида узади.

4. У аслан софкўнгил, ёлғондан ўлгудек ҳазар қилади. Анчайин ҳазил йўсинида ҳам ёлғон сўйламайди. Ёлғон – гапирганга ҳам, унга кулоқ тутганга ҳам обрў келтирмайди. Тарбияли одам ҳар жойда ўзини кўрсатишга уринмайди, кўчада ҳам, уйда ҳам ўзини бирдек туттади, ўзидан кичикларни алдаб-аврамайди, уларга фириб бермайди... Эзмалик унга ёт, дуч келган жойда дардини дастурхон қилавермайди... Аксинча, сукут сақламоқ унга маъқул.

5. Бошқаларнинг раҳмини келтириш учун ҳуда-беҳуда ўзини ерга урмайди. Мени ким ҳам тушунарди, деб арз-дод қилмайди...

6. У ҳовлиқма эмас, арзон-гаров обрў кетидан қувмайди – таниқли одамлар билан танишиш, “хосхона”лардаги учрашувларга маҳлиёлик, майхоналарда ном таратишга интилиш унга ёт.

дўстлари Исаак Левитан (машҳур рус рассоми) ва Фёдор Шехтелдан (машҳур рус архитектори) кам бўлмасди.

Антон ёзувчи сифатида тилга тушганию омади чопгани сари акаларининг иши орқага кетаверади. Николайга буюртма бериб қуйиб қолганлар унга арз қилиб келар, акани деб юзи шувут бўлгани камдек, қарзларини ҳам тўлар эди у. “Худо юқтирган ноёб истеъдодни ҳам, ўзини ҳам хароб этаётган” аканинг масъулиятсизлигидан сабр косаси тўлган Антон унга танбеҳ беравериб чарчайди. *(Адибнинг акаларига, айниқса, Николайга битган ўғитнамо хатини ўқиб, бугун ҳам ҳайратга тушасиз.)*

Антоннинг ўзи ўйин-кулгию зиёфатлардан тийилган, йигитлик чоғи ҳам доно мўйсафиддек яккаш ака-укаларини тергаб юрган, деган фикрдан йироқмиз. У ҳам хурсандчилик қилишни хуш кўрган, вақти келса май ичган, хонимчаларнинг кўнглини овлаган. Замондошларининг хотирлашича, ўта ҳазил-мутойибага ўч, кинояю қочирим қилишда унинг олдига тушадигани бўлмаган экан. *(Умуман, Чеховларнинг бари ҳазил-хузулга мойил эди, бу уларнинг бир-бирига ёзган мактубларида ҳам кўринади.)* Аммо Александр ва Николайдан фарқли ўлароқ Антон меъёрни, ўзини қаерда қандай тутишни яхши биларди. Сирасини айтганда, ўзини тарбиялай билган – “жисму руҳидаги қулликни томчима-томчи сиқиб чиқариш”ни уддалаган (Чехов таъбири).

Хўш, нега Москвага келибоқ отасию икки акаси туриб айнан Антон оилага бош бўлди? Ваҳоланки, ота-онанинг бор умиди мактабу университетларни “аъло”га битирган, гапга ҳам, ишга ҳам чечан тўнғичидан эди. Гарчи акаларнинг ҳар иккиси аллақачон алоҳида яшаса-да, қўлидан келса ота-онасига қарашиб турган, уларни Антондан кам яхши кўрмаган. Бироқ каттакон оилага жавобгарликни зиммага олишга келганда... Тўғри-да, зил-

7. Қобилияти, иқтидори бўлса, унинг қадрига етади. Бу йўлда ҳаловатдан, аёллардан, май-шаробдан, савёқ турмушдан воз кеча билади.

8. Кўркем, маданий турмушни одат қилади. Дейлик, кийими-боши билан тўшакка ётмайди, деворлари қандалага тўла, ҳавоси оғир хонада ўтиролмайди, ифлос полга оёқ босолмайди, керосинкада пиширилган таомни оғзига олмайди. Бундай инсоннинг аёл билан муомала-муносабати ҳам ҳавас қиларли. Тарбия кўрган одам бу борада ҳарисликдан қочади. Унга фақат тўшак, отўйин, ҳар турли лофга, ҳомиладорман деб лақиллатишга уста бўлган аёл керак эмас... Унга, айниқса, рассом мардумга софлик, назокат, одамшавандалик жуда зарур. У ичкилик деса ўзини томдан ташламайди, жавонларни искаб юрмайди – чўчкамижоз эмас-да. Май, шаробни мавриди билан, бекор-бўш бўлганидагина эрмак қилиши мумкин. Яъни, соғ танда – соғлом ақл.

Ва ҳоказо... Хуллас, тарбияли одам шунақа бўлади... Бундан-да тубанлашиб кетмаслик учун Пиквикнигина билиш (Чарльз Диккенс қахрамони),

дек аравани тортгандан кўра ёлғиз бошинга яшаганга не етсин? Бу билан акалари худбин эди, фақат ўзини ўйлаган демоқчи эмасмиз. Шунчаки, Антондаги ирода, қатъият йўқ эди уларда. Мария ана шу хислати учун ҳам Антонни бошқа акаларига қараганда кўпроқ яхши кўрган, қадрлаган.

“Уйда Машасиз бўтқа ҳам пишмайди...”

Мария Олий курсни тугатиб, Москвадаги аслзода қизлар мактабига ўқитувчи бўлиб ёлланган кезлари Евгения Яковлевна хонадонга бекаликни унга топширади. Маша энди Антоннинг гўёки қўл-оёғига айланади, шахсий котиб сифатида тахририятларга қўлёзмани олиб бориб-олиб келади, қалам ҳақини ундиради. Асосийси, уй-рўзғор ташвишларидан акани буткул озод этади: ижодкор одам бундайин икир-чикирларга бош оғритмагани дуруст. Ижара уй топган ҳам, ёзги истироҳат учун дала-ҳовли суриштирган ҳам Маша. Бу юмушлар унга малол келмайди, аксинча, акасининг корига яраётганидан мамнун.

Антон синглисини “Ма-Па” (Мария Павловнанинг қисқартмаси), “иккинчи онамиз” (“вторая ма”) деб атарди суйиб. Унингсиз гўё нафас ҳам ололмасди. Бир гал Мария украиналик танишлариникига меҳмонга кетганида дарров унинг ортидан ҳазил аралаш хат йўллаган: “Узун бир хивич олиб, Машани ҳайдаб солинглар... Маша ўзимизга керак, у кетдию уйимиз бесаранжом, гўё осмондаги юлдузларнинг бари бирдан ғойиб бўлгандек...” Бошқа бир дўстига ёзган хатида эса, “Бизда Мария Павловна бош, уйда усиз бўтқа ҳам пишмайди. Маша нима деса, шу бўлади”, деган эди.

Доим ота-онасию синглиси билан бирга яшаган Антон иш юзасидан пойтахтга ёки ёзги таътилда узоқроққа кетадиган бўлса, кекса ота-онасини, рўзғорни, табиийки, Машага ишонган. Сафардалик чоғи у

Фаустдан бир парча монолог ёдлаш камлик қилади. Ёки азза-базза извош ёллаб Якиманкага (ота-она уйига) келишу бир ҳафтага қолмай қочворидан кимга нима наф...

Тарбияли, маданиятли инсон куну тун ўзини тафтиш этмоғи, тинимсиз ўқиб-ўрганмоғи даркор. Бунга эса ирода, сабр-чидам керак бўлади. Унга ҳар бир дақиқа қадрли... Якиманкага чопқиллаб келишу тутқич бермай бу ердан қочишлар бекор. Барига тупур, ўзингни бир силкиб ол... Уйга қайт, арақ тўла шишани уриб синдир, маза қилиб оёқ узатиб китоб варақлаб ётсанг-чи... ҳечқурса, умрингда қўлингга олмаган Турғеневни ўқи...

Иззаттапалликни қўй, ёш бола эмассан, ўттизга қараб кетяпсан! Етар энди!

Сени кутаман... Ҳаммамизнинг кўзимиз йўлингда...

Сенинг А.Чеховинг”.

туққан-туғишганларига ёзган мактубларининг барини Мария Павловна номига юборарди. Фақат синглисига аталган махфийроқ гапи бўлса, хат-жилд устига “Зоти олияларига” деб ёзарди, уни Машадан бўлак ҳеч ким очолмасди. Ўта машаққатли сафар – Сахалин оролига жўнаш тараддудига тушганида адиб валинеъмати А. Суворинга (ўша даврдаги энг йирик газетачи корчалон, “Новое время” газетаси ношири) “Мабодо чўкиб-нетиб кетсам, менга тегишли ақчани (қалам ҳақи назарда тутилмоқда) синглимга берасизлар, қарз-парзим бўлса ҳам шундан сўрайсизлар”, дейди.

Сахалиндан қайтгач, Антон Чехов оролдаги мактаб ва кутубхоналар учун китоб, дарслик, ўқув қўлланмалари тўплашга киришади. Бу борада ҳам беғараз кўмакчи Мария: ўқитувчи ҳамкасблари, таниш-билишларини дугоналарини ишга солиб у Сахалинга тўрт мингдан ортиқ китоб жўнатилишига эришади.

Адиб Мелиховодан ер-мулк сотиб олгач, Мария бойвуччанинг рўзғор ташвишлари янада ортади: яйлов, мол-ҳол, дала-боғу бир қанча қорандаси бўлган серғалва хўжаликни эплаш осонми? Уй таъмири, рўзғор кам-кўстини бутлаш, ака берадиган пулни расамади билан сарфлаш, кети узилмайдиган меҳмонларни очиқ чехра билан кутиб олиш – қўл-оёғи чаққон Маша бу ишларнинг барини акасининг кўнглидагидек қилиб бажарарди.

Хўжалик ишларидан ортиб у акаси билан елкама-елка туриб мактаб қуради. Беминнат доктор (Антон Павлович) қишлоқлик деҳқонларни даволаганда Маша унга ҳамширалик қилади, уйдаги дорихонани юргизади.

“Мен сени севаман, Агнесса!”

Чеховлар орасида энг узоқ умр кўрган Мария Павловна турмуш қурмай тоқ ўтган. Нега? Истарали, хушфеъл-хушмуомала, фаҳм-фаросатли бу қизга ҳеч ким оғиз солмаганми ёки учраганлари унинг кўнглидагидек бўлмаганми? Йўқ, Мариянинг муҳаббатини қозонгани ҳам, унга уйланмоқчи бўлгани ҳам кам эмас эди...

Антон Чехов ёз ойлари ари инидек ғувиллаб турадиган шаҳардан қочиб, уй ичи билан дала-ҳовлига чиқиб кетарди. Дастлаб укаси Иван ўқитувчилик қилиб юрган Воскресенскдан (Москва яқинидаги шаҳарча), кейин Бабкино қўрғончасидан, 1888-89 йиллари эса Украинанинг Суми шаҳарчаси яқинидан ижарага боғ-ҳовли ёллайди. Чеховлар оиласи одатда барча ижарадорлар билан тезда чиқишиб, қавм-қариндошдек бўлиб кетарди. Бабкино қўрғони соҳиби Киселёвлар, украиналик Линтварёвлар билан кейинчалик ҳам оилавий борди-келдилари узилмаган.

Машанинг бизга маълум “ишқий дoston”лари эса аксар ёзги таътил, боғ-ҳовлидаги нашъу намолар-ла боғлиқ.

Кувёликка илк номзод – поручик Егоров билан аввалига Антон дўстлашган. Уларни Воскресенскда укаси Ваня таништиради. Ошна-оғайнигарчилик хийла қуюқлашиб, ёзги таътилдан сўнг Егоров бир-икки ҳарбий жўраси ҳамроҳлигида Москвага – Чеховларникига қатнаб қолади. У чў-

зиб юрмай шартта Машага оғиз солади. Акадан сир яширмайдиган сингил бу борада ҳам ундан маслаҳат сўрайди: нима дейин? Ака эса ошиқ йигит билан эркакчасига гаплашиб, муаммони зумда ҳал этади: синглимни тинч қўй! Шу билан ўртадаги дўстлик ҳам барҳам топади.

Маша Олий курсни битирган йили Чеховлар ёзни Бабкинода ўтказди. Бу ерга уларни қора тортиб шаҳардан кўплаб ёр-дўстлари келиб турарди. Эски ошнаси Исаак Левитанни эса Антоннинг ўзи таклиф қилади. Рассому ёзувчи учун табиат қўйнидан кўра илҳомбахшроқ маскан борми экан? Левитан пейзажини чизади, Антон ҳикоясини ёзади. Машанинг ҳам расм чизишга унча-мунча уқуви бор эди. У кейинчалик бир муддат ҳатто Москвадаги таниқли рассомлардан таҳсил ҳам олади. Бабкинода Левитан унга устозлик қилади. Устоз-шогирд эрта азондаёқ ашқол-дашқолини кўтариб уйдан чиқар ва уззукун ям-яшил қир-адирлар, дарё бўйи ёки шовуллаб турган ўрмон оралаб расм чизиб юрар эди. Бир куни устоз дабдурустдан шогирди пойига тиз чўкиб, “Ма-Фа (Левитаннинг тили чучуқроқ эди – Ма-Па демоқчи), менинг завжам бўлинг” деб қолса! Туғишган акасидек бўлиб кетган Левитандан бундай муомалани кутмаган Мария шартта буриладию уйга қараб чопади. “Кун бўйи ётоғимга қамалиб, йиғлаб ётдим. Тушлик маҳали овқатга чиқмаганимга Антоша бўлмамагга кирди: “Нима бўлди? Нега йиғлаяпсан?” Бор гапни айтдим. “Кўнглинг чопса, ўзинг биласан, лекин айтиб қўяй, унга сенга ўхшаган қизалоқ эмас, бальзакбоп аёллар ёқади”, деди акам”. Бальзакбоп аёл деганлари қанақа бўлса экан – Мария буни билмаса? Акасининг юз-кўзидан эса бу никоҳга қарши экани аён кўриниб турибди. Сингил нима қилсин, уни норози этиб эр дея чопармиди?!

Хафақонликка мойил Левитан жавобсиз шу муҳаббат боисмикан, қайтиб бирон аёлга уйланаман деб оғиз очмайди. Аммо умрининг охиригача (у қирққа кириб-кирмай юрак хасталигидан вафот этган) Мария билан дўстлигини бузмайди, ўртадаги ёзишмалар узилмайди. Рассомнинг унга аталган номалари “Азизам, севимли Машам” деб бошланарди. “Севимли Маша”нинг қалбида аслан нелар бўлгани, рассом ошиққа унинг кўнгли бормиди ёки йўқ – бунисини биз билолмаймиз. *(Левитандан қолган барча хату хужжатларни унинг илтимосига кўра, акаси ёқиб ташлайди. Ярим асрдан зиёдроқ фурсат рассомнинг мактубларини авайлаб асраган Мария Павловна ҳам сир-сирлигича қолишини маъқул кўради; Левитаннинг икки даста хатидан атиги учтаси бизгача етиб келган.)*

Сурункасига уч ёзни Бабкинода ўтказган Чеховлар оиласи кейинги икки йил украиналик Линтварёвлар дала-ҳовлисини ижара олади. Хушҳаво бу гўшалар кўнглига ўтиришиб қоладими ёки акаси шу тупроқда ётгани боисмикан (Николай Чехов шу ерда дафн этилган), Антон Украинадан ҳовли-жой қилишни ҳам мўлжаллайди. Ўша йиллар Чеховларга қадрдон саналган полтавалик Александр Смагин шу ишнинг орқасидан юрган Машага жон-жон деб кўмаклашади. Кейинчалик, Чеховлар оила-

си Мелиховога кўчиб келгач, мол-ҳол сотиб олиш ташвиши дейсизми, экин-тикин экишми – бари-барига хўжалик юритишнинг ҳавосини олган тажрибадор Смагин бош-қош бўлади. Унинг бу куйди-пишдилари бежиз эмас эди. Яъни, ўктам, абжир заминдор йигит Мариянинг кўнглини топишни-да уддалайди. Ўттизларни қоралаб қолган Мария яна акасининг олдидан ўтмоқ бўлади. “Антоша, мен оила қурмоқчиман...”, дедим бор журъатимни йиғиб. У индамади, куёв ким деб ҳам сўрамади...” Аканинг биргина хавотирли нигоҳи бу гал ҳам Мариянинг тақдирини ҳал этади.

Кўп йиллардан сўнг Марияга Александр Смагиндан хат келади: “Орадан қанча сувлар оқиб ўтди, аммо Сиздек дилбар аёлни бошқа учратмадим. Қанийди, ўлимим олдидан Сизни бир кўрсам...”

Мариянинг муҳаббат қиссаси шу билан якун топмайди, Иван Бунин, Александр Куприндек машҳур инсонлар ҳам унга харидор бўлган.

Қизиғи шундаки, кўпинча Мария Павловнанинг яқин дугоналари унинг акасига, Антон Павловичнинг дўстлари, шогирдлари эса унинг синглисига хуштор бўлиб қоларди...

Маълумки, Ялтада дўст-биродарларидан олисда хасталиқдан, бундан ҳам ёмони ёлғизликдан зиқ бўлиб юрган Чеховнинг жонига ёш ёзувчи Иван Бунин ора киради – доим унга суҳбатдошу ҳамдамлик қилади. Боадаб, гапга уста, хушчақчақ йигит адибнинг онаси ва синглисини ҳам ўзига ром этмай қолмайди. 1901 йил қиш мавсумида, Чехов Ниццада эканлигида, ҳатто (унинг ўлимидан кейин ҳам) бир муддат улар билан Ялтадаги уйда бирга яшайди. Ўша кезлар Иван билан Машанинг гап-сўзи келишиб, иноқлашиб кетишади. Бунин уни “Амаранта” деб атайди, ўзини эса – “Дон Зинзага” (Чеховнинг дастлабки ҳикоялари қаҳрамонлари). Ҳазил-хузулдан бошланган “Амаранта билан Дон Зинзаганинг муҳаббати” аввал мактубларга, кейин эса ҳаётга кўчади. Иван билан Маша энди мунтазам ёзишиб туради, бир-бирининг дийдорига интилади: икковлон байраму таътиллер баҳона гоҳ Москва, гоҳ Ялтада учрашиб, чинакам ошиқ-маъшуқ янглиғ вақтини хушнуд ўтказди. Айрилиқ кунлари Бунин “Азизам Амаранта, сизни кўришга, сиз билан гаплашишга муштоқман” деб ёзса, “Энди Ялтани Дон Зинзагасиз тасаввур этолмайман! Тезроқ келинг!” дея чорлайди уни Мария. 1902 йил ёз ойлари бир неча кунни Маша билан денгиз бўйида – Чеховнинг Гурзуфдаги ҳовлисида ўтказиб, сўнгра яна сафарга чиққан “жаҳонгашта” Бунин дарров Машага мактуб йўллайди: “Мана, яна поёнсиз йўлдаман, ёнимда биронта яқин кишим йўқ. Аслида менга қадрлиси жуда кам, ўнтадан ортмайди, сиз шулардан бирисиз”. “Ўнтадан биттагинаси эканимдан мамнунман, албатта, аммо яккаю ягона бўлмоққа не етсин! Начора, ҳаммаси худодан!” дейди унга жавобан Мария.

Михаил Чехов хотираларида қайд этилишича, Иван Бунин Марияга уйланмоқчи ҳам бўлади. Хаста акасини кўзи қиймай, сингил бу муҳаббатдан воз кечади. Мария Павловнанинг ёндафтарчасига Иван Бунин 1903 йил 13 мартда шундай сўзларни битади: “Мен сени севаман,

Агнесса!”. Хайнрих Хайне сатри мисолида Бунин умрини акасига бахшида қилган Марияни авлиё аёл Агнессага қиёс этади.

Дарвоқе, кўп йиллар ўтиб, Иван Бунин собиқ маъшуқасига олмос кўзли зебигардон туҳфа қилади. Армонга айланган ўша муҳаббатдан ёдгорлик – қимматбаҳо бу тақинчоқ бугун Антон Чеховнинг Мелиховодаги музейида сақланаётир.

Қизиқ, Антон Павлович нега Мариянинг тенгини топиб, бола-чақа қилиб кетишига қарши бўлган? Левитандан-ку аяган дейлик: тўғри-да, шундоқ соддадил синглисини бадфеълу беқарор, уччига чиққан хотин-бозга берсинми?! Хўш, куёв қилса қилгудек Смагиннинг нимаси ёқмади экан унга? Гарчи у Машанинг турмушга чиқишига қарши эканини ҳеч қачон очиқ айтмаган эса-да, аслида сингlisi доим ёнида бўлишини истар эди. Ҳар ишда маслакдошу маслаҳатгўй, беминнат кўмакчиси-дан айрилгиси келмасди. Машасиз гўё бутун ҳаёти остин-устун бўлиб кетадигандек туюларди... Хуллас, аканинг ана шундай худбинлиги ҳам Мария Павловнанинг тоқ ўтишига сабаб бўлгандир.

Хиёнат

Антон Чехов деганда мактаб дарсликларидан бизга таниш – соч-соқолига қиров қўнган, ажин тушган чеҳраси сўлғин, пенсне ортидан ҳорғин боқиб турган мўйсафид кўз олдимизга келади. Бу адибнинг хасталик батамом ҳолдан тойдириб ташлаган вақтдаги қиёфаси. Замондошлари шохидлик беришича, на бирон фотосурат ва на рассомлар чизган портретларда у ўзига ўхшамаган. “Унинг чеҳрасидаги аллақандай жозибани ифодаламаоққа мўйқалам ожизлик қиларди”, дейди Чеховнинг портрети ишлаган машҳур рассом В.Серов. “У ғоят келишган одам эди”, дея таърифлайди яна бир мусаввир – К.Коровин.

Қадди-басти расо, яғриндор, кўзлари кулиб турадиган Антон Чеховга маҳлиё бўлмайдиган қиз-жувон топилмасди. У билан тақдирини боғламоқни орзу қилганлари ҳам кам эмас эди. Хўш, ҳар қадамида ана шундай келинликка талабгору даъвогар бўлатуриб Антон нега уйланишга шошилмади – буниси энди алоҳида мавзу...

1901 йили 41 яшар Чехов насл-насаби олмон бўлган москвалик актриса Ольга Книпперга уйланади. Яширинча, икки-уч гувоҳ иштирокида никоҳ ўқитилади. Негадир янги келин-куёв ўша кунинёқ Бошқирдистонга – қимиз билан даволовчи оромгоҳга жўнаб кетади. Туғишганларию яқин дўстлари бу янгиликдан улар ўша тупканинг тагидан ёзган хатлар орқалигина хабар топишади. Никоҳ сир тутилганининг боиси – куёвтура “ортиқча шовқин-сурон, табрик-қутловлар ва шампан шароби тўла қадаҳни тутганча барчага бирдек чучмал илжайиб туриш”дан қочгани.

Аслида, Чеховлар хонадони – она ҳам, сингил ва ака-укалар ҳам бу никоҳга тиш-тирноғи билан қарши эди. Улар ҳам ўзича ҳақ: театру ўйин-кулгидан ортмайдиган актриса хоним касалманд бир одамга хо-

тин бўлармиди? Адибнинг дўстлари ҳам шундай фикрда эди: унга энди уйим-жойим дейдиган, туну кун ёнидан жилмай, боқиб-парваришлайдиган рафиқа керак. Кўпчилик эса, Ольга Книппер Чеховни севмаган, унинг ортидан актриса сифатидаги мавқе-мартабасини мустаҳкамламоқни кўзлаган, холос, деб ҳисобларди.

“Қойил сенга, Оляхон! Ҳеч бир аёлнинг қўлидан келмаган ишни дўндирдинг-а – акамни қармоғинга илинтирдинг!” деб ёзади Маша келинойисига аччиқ устида. Никоҳ хабарини у Ялтада эшитиб, хиёнат қурбони бўлгандек, алдангандек сезади ўзини. Акаси ундан биринчи марта сир тутди. Улар ўртасида гўё сўзсиз бир аҳднома бор эди: на униси, на буниси оила қуради, ака умрини ижодга бағишлайди, сингил эса унга ғамхўрлик қилади. Лекин ака аҳдни бузди – уйланди. Сингилнинг қурбонлиги кимга керак энди? Машанинг ўша кезлар укасига, дўстларига ёзган хатларида тушкун бир кайфият баралла-аён кўриниб туради. Охирги йиллар акаси туфайли ўзининг ҳам яқин сирдоши бўлиб қолган Иван Бунинга дардини тўкиб солади: “Дунё кўзимга қоронғи, нима учун яшаб юрибман ўзи, билмайман. Акамнинг уйлангани... Ҳеч ўзимга келолмаяпман, бир савол сира тинчлик бермайди: касал одамни овора қилиб Оля нима топарди?.. Книппер билан орамизга совуқчилик тушадими деб кўрқаман. Энди мен ҳам шахсий ҳаётимни ўйлаганим дуруст, азизим Букишон (Чеховлар Бунинни суйиб шундай атаган), менга бойроқ бир куёв топинг, қўли очиқ одам бўлса янаям яхши”. “Мендан на бир тузук рассом чиқди, на муаллима, тиним билмай югуриб-елиб бировга ошён қурган эканман...” деб фиғон қилади укасига яна бир хатида.

“Оқ бино” фариштаси

Ажабки, Антон Чехов эмас, сингиси Мария Ольга Книппер билан бир умрлик қадрдон, қон-қардош бўлиб қолади. Тўйдан кейин ёзувчи яна Ялтасида, у ардоқлаган бу икки аёл эса Москвада бир уйда яшайди. Чеховнинг ўлимидан сўнг улар бир-бирига янада қаттиқроқ суяниб қолади.

1904 йилдан Маша муаллималикни ташлаб, марҳум акасининг ижодий мероси – қолган қўлёзмаларию хат-ҳужжатларини йиғиб-тўпламоққа киришади. Унинг жонкуярлиги, югур-югури билан адибнинг олти жилддан иборат мактублари нашр этилади. Ўзининг ҳам “Акамга мактублар”, “Узоқ ўтмишдан” деган хотираномалари чиқади.

Бугун, акасининг асл қиёфаси парда ортида қолиб, ундан “қизил ёзувчи” ясалишига замин яратган, дея Мария Павловнага айб тақувчилар ҳам топилади. Тўғри, акасининг хатларини нашрга тайёрлаш жараёнида (адибнинг олти минггача мактуби тўпланган) Мария ўта шахсий туюлган, Чехов шаънига ярашмайдиган (сингил назарида, албатта!) нозик ўринларни бинафша сиёҳ билан бўяб чиқади, баъзиларини қайчилаб ҳам ташлайди. Билиб-билмай, адибни нақд бир авлиё, ўта зерикарли шахсга айлантиради-қўяди.



Совет тузуми барбод бўлгач эса, кўплаб ёзувчилар қатори Чехов шахсиятига қараш ҳам анча-мунча ислоҳ топди. Ўша бинафша сиёҳ остида ўчиб кетган сўзлар қайта ўқиладиган бўлди...

Эндиликда адабиёт ихлосмандлари кўз ўнгидан "тунд ҳаётдан нолиб, ёруғ кунлар келишига умид қилган" ғамнок, ўйчан мўйсафид ўрнида ҳаётсевар, ҳазилкаш, ҳамма қатори фазилат ҳам қурсурлардан холи бўлмаган мутлақо янги қиёфадаги Чехов пайдо бўлди. Бу борадаги илк қадамни қўйган одам – англиялик чеховшунос олим Дональд Рейфилддир. Унинг тўқсонинчи йиллар поёнида дунё юзини кўрган, россиялик мутахассислар назарида даҳо адибга номуносиб "Антон Чеховнинг номаи аъмоли" деб номланган салмоқли китобини ўқиб, ҳақиқий Чеховни танийсиз, биласиз ва уни чинакамига яхши кўриб қоласиз. Бу каби ҳаққоний тадқиқотни адибнинг чин меросхўрлари – унинг асарларини она тилида ўқиган ватандошлари эмас, хорижлик бир олим яратгани рус чеховшуносларининг иззат-нафсига теккандир эҳтимол.

* * *

Мария Павловна ярим аср мобайнида аканинг чироғини ёқиб ўтирди. Чеховнинг иш бўлмаси ва ётоғини у тарқ этган кун қандай бўлса, ўша ҳолича сақлаб қолди. "Оқ бино"ни, акаси меҳр бериб барпо этган каттакон боғни Октябрь тўнтариши, фуқаролар уруши, олмонлар босқинидан-да омон олиб ўтди.

Чеховнинг ака-укалари оила қуриб, бола-чақа орттирган, уларнинг авлодлари бизга замондош. Лекин кам эмас, нақд тўқсон тўрт йил умр кўриб, Чехов руҳини, нафасини 1957 йилларгача олиб келган Мария Чеховадан нима қолди? Буюк адибнинг қисқа умри мобайнида унга мудом ҳамдаму кўмакчи, ўлимидан сўнг эса унинг порлоқ руҳига чароғбон бўлмоқ аъмоли кам дейсизми?!

ТАНРИРСИЗ ХАҲОЛЛАР

Нур нурни... қоронғида топади.

Айни навқиронлик палласида жувонмарг этилган миллатпарвар, ҳақсевар ижодкорлар, барибир, барвақт ўлиб кетарди; Худо асраб оммавий жаҳолату қатағонлар тузоғидан омон қолган тақдирда ҳам, саркаш рух, дардхўр юрак, безовта виждон билан узоқ яшаб бўлмайди.

Ҳаммамиз “индамаслик касали”га чалинганмиз. Оқибати нима бўларкан?!

Шеърлари ёмон эмас-у, фақат китоби сўнгида фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ҳам қўшиб қўймабди-да.

Ҳақиқий китобни ўқиш уни ёпгандан кейин бошланади.

Ҳеч бўлмаса, сен мени тушунмоғинг керак, эй оппоқ қоғоз!

Шоирлар шеърларида ўз ожизлигидан ҳузур қилаётганини сезмай ҳам қолади.

“Беҳос фикр туғилса ёзиб қўйинглар. Оний фикр – илоҳий фикр”, дея уқтираркан академик Матёкуб Қўшжонов шогирдларига.

Омма, нари борса, ўртамиёналарни танийди ва тан олади. Улуғлар эса доим Ўзи билан ёлғиздир.

Асл санъат ва, албатта, адабиёт бундан буюғига янада хослашиб, “ингичкалашиб” – жуда-жуда озчилик дидига мослашиб бораверади шекилли.

Яхши нарса рекламага мухтож эмас, дейдиганлар янглишади-ёв. Ҳар нарса бозорга чиққан ҳозирги замонда яхши фикрларни ҳам реклама қилиб туриш зарурга ўхшайди.

Сал “халқим” ласанг, эл-юртга меҳру муҳаббат ҳақида жўшар бўлсанг, “маддоҳ”, “лаганбардор” дея маломат қилиб, беаёв тош отадилар, муаммо ё иллатлардан сўз очсанг, дарров “халқ душмани” га чиқариб қўядилар. Аҳли ижодга ҳам қийин, жуда қийин!

Ҳар гал эслаганимда бир сергак тортаман: “Вақт қилич кабидир. Сен уни кесмасанг, у сени кесади” (Ҳазрат Али).

“Сен ёлғиз эмассан, ёлғиз эмассан”, дея қўл чўзаверади ўқилмаган буюк китоблар.

Чуқур кетмайлик, деймиз. Билмаймизмики, бизнинг бу “чуқур”ларимиз нақадар саёз, қанчалар юзада.

Шахсиятига яқин борганинг сари қанча “буюк”лар жўн бир одамга, баъзи оддийлар эса буюкка айланади.

“Мени ҳам хижолатга қўймай, тўғридан-тўғри мукофотнинг ўзини мадҳ этавермайсизларми, болаларим”, дебди охири ори келган Ватан бобо.



Куруқ номию ваҳимасидан бўлак ҳеч вақоси йўқ ташкилотлар пеш-
тоқиға шиор таклиф этамиз: “Ҳаммамиз – бир гўрмиз”.

Фарзандлари маддоҳ юрт қудратсиз бўлур.

Катта одамларнинг майдакашлиғи каби майда одамларнинг катта
кетиши-да жуда ёқимсиз.

“Юртим сенга жоним фидо”, “Шу халқ учун қурбон бўламан” деб
тўймайдиганлар қачон гапига жавоб берар экан-а! Бу орада қанча
миллат жонфидолари қурбон бўлиб кетди. Боягилар эса ҳамон май-
дон ўртасида “жоним фидо”, “қурбон бўлай” дея ўйин қилади.

Ўзлари танлов ўтказиб, ўзларини “ғолиб” қиладилар. Зўр-а?!

Ишламагандан кейин шу-да: ҳисобот ёзамиз, фақат ҳисобот!

Одамларга ёқиш осон. Ишонмасангиз, уларни мақтаб кўринг.
Одамларга ёқмаслик ундан ҳам осон. Ишонмасангиз, уларни танқид
қилинг.

Айтилмаган сўзнинг ҳам уволи бор.

Ё “халқ душмани” бўлиш, ё маддоҳ. Менга қўштирноқ ичидагиси
маъқулроқ.

Силлиққина бўлиб юриш ҳам санъат. Айниқса, тобора дағаллашаёт-
ган ҳозирги ҳаётимизда. Яш-ша-воринг-ей, силлиқлар!

Кимдир уни алдайди, у сизни, сиз эса мени алдайсиз, мен биров-
ни алдайман, ўша биров яна кимнидир... Қарабсизки, ора очиқ.
Ҳисобли дунё бу!

Шуйтиб қаёқдандир эсан дайди шамол кучи билан бир сакрашда
Роҳаткўл бошига келиб қолган бақа-шогирд таълим берган устозига

қарата бундай деб турган экан:

“Сизам – дўхтир, бизам дўхтир,
Ўртамизда изам йўқтир..”

Бошқаларнинг кўли билан ёмонлик қиладиган одам ўша ижрочидан
кўра тубанроқдир.

“Қани, шу тўғрилигинг билан қаергача бораркансан!..”

Жон-жаҳди билан ҳалол яшашга уринаётган одамнинг энг яқинла-
ридан эшитадиган гапи шу бўлгандан кейин...

Нафсингизнинг жиловини маҳкамроқ тутинг; ана шунда сичқонлар
олдида қуллуқ этишга мажбур бўлмайсиз, арслонлар!

Кимгадир яхшилик қилмаган, ҳечқурса, бир оғиз ширин сўз айтма-
ган кунингизни қандай қилиб “Ўтди” дейиш мумкин? Эҳ, бизнинг
ўтмаган кунлар...

Киши Яратган қошида ўзини қанча ожиз сезса, одамлар олдида
шунча кучлидир.

Лағмонлар илмасдан қулоғимизга,
Бир келиб кетинг қишлоғимизга!

Илми борнинг – ҳилми бор. Ва шу ҳилмда ҳам ҳайбат, ҳам салобат
муҷассам. Алқисса, илм – ҳилм демак.


Тонгда бошқача кайфият, тоза руҳ бор. Яшаган бўлсам, кўпроқ
тонгларда яшадим.



SAVOLLARGA CHULG'ANGAN DUNYO

*Muhiddin RAHIM
mutolaa qiladi*

КАМОЛДАН СЎНГ... ЗАВОЛМИ?



Вильям Шекспир. Макбет. Трагедия // Асарлар. 5 жилдлик, 4-жилд. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985.

Ҳеч замонда ўрмон ҳам юрадимиз? Онадан туғилмаган одам ҳам бўладими ҳеч замонда?

Тилсимлар илоҳаси Гекатанинг “эгачи”лари – уч алвасти Макбет қисматини бундай башорат қилган: Бирнам ўрмони Дунсинан қалъаси устига бостириб келгандагина унинг қўлидан тахт кетиши мумкин. Онадан туғилмаган инсонгина Макбетнинг жонига зомин бўлишга қодир...

Ақл кўзи билан қаралса, иккиси ҳам имконсиз иш. Демак, Макбетнинг тахти ва жони бехатар: у бемалол салтанат сўраши, ўз раъйича яшаши

мумкин. Бироқ... унинг кўксини, барибир, шубҳа курти кемираверади. Иттифоқо, рўй бериши душвор саналган ўша ишлар амалга ошса-чи?

Ва Макбетни даҳшатга солароқ улар чиндан-да содир бўлади! Бу ҳақда сал кейинроқ сўзлаймиз, ҳозир эса...

Шекспир ўз асарини сирлар асосига қуриши “ўйин қизиқ чиқсин” учун, холос. Ахир, санъат – ўйин-да, саҳна санъати эса инчунун. Аммо бу “ўйин” ортида жиддий бир ният борки, бизга ана шуниси муҳимроқ. Бу – мустабид қандай пайдо бўлади, деган масаладир. Албатта, Шекспир бу саволга бадиий мантиқ асосида жавоб беради. Унинг жавоби илмий мантиққа таянувчи фан, дейлик, сиёсатшунослик хулосасидан фарқ этиши тайин.

Шекспир мустабидлик тимсоли сифатида тасвирлаган Макбет, аслида, буткул ўзгача одам эмасмиди?! Шотланд аслзодаси Вассал Макдональд қирол Дунканга хиёнат қилиб, ёлланма ирланд аскарлари ёрдами-ла исён кўтарганда, хоин билан яккама-якка жангга кириб, бир қилич сермашдаёқ танасини қоқ иккига ажратган, калласини эса минора учига илган шу Макбет эди-ку, ахир! Салтанатда авж олган ички низодан фойдаланиб, Шотландия сарҳадини бузиб кирган норвег қироли Свенон қўшинини ҳам тормор келтириб, уни сулҳ-амният сўраб ёлборишга мажбур қилган яна шу Макбет бўлмай бошқа ким?! У шу қадар мард лашкарбошики, буни қирол Дункан ҳам рўй-рост эътироф этади:

*Сен шундай бир жасоратлар этдингки бунёд,
Биз ҳақини қайтаролмай, ора йўлда мот.
Сўзим шуки, ҳар нечаким мукофот, инъом –
Сен кўрсатган жасоратдан тубандир тамом.*

Макбет қўлга киритган ғалаба уни қирол Дункан юксаклигига кўтариб юборади. Ростини ҳам, у доимо улуғворликка интилган, тахт орзуси ҳам бегона эмас унга. Бироқ Макбет ҳар қачон ўз мақсадига ҳалол курашиб, мардларча эришган. Бу гал эса...

Қирол Макбет қалъасига меҳмон бўлиб келганда, маккора хотинининг кутқуси билан, ярим кечаси уйқуда ётган Дунканнинг кўксига ханжар уради. Бу Макбетдек бир марднинг илк номардлиги, Макбетдек бир жасурнинг илк кўрқоқлиги эди. Бунинг ортидан эса у – ҳар доим рост сўзлаган инсон – илк бор ёлғонга ҳам оғиз жуфтлайди. “Қиролни икки хос соқчи чавақлаган, уларни эса Малькольм йўлдан урган, – дея тухмат қилади у. – Ахир, Дункан куни кеча шу ўғлини тахт вориси деб эълон қилган эди-да!” На соқчилар ва на Малькольм бу тухматни рад эта олмайди: соқчиларни Макбет аллақачон тигдан ўтказган, Малькольм эса жонига хатар сезиб, Англияга қочган...

Илк қонхўрликни ўз дасти-ла амалга оширган Макбет навбатдаги хунрезликларни ўзгалар қўли-ла амалга оширади. Ўз кирдикорларини яшириш учун эса янгидан-янги ёлғонларни тўқиб чиқаради. Қотилликлар қотилликларга, тухматлар тухматларга уланади ва шу асно Макбет тубанлашиб, ёвузлашиб бораверади. Бу истибдод халқ боши узра ёйган қора қўланкани шотланд аслзодаси Росс қуйидагича таърифлайди:



*Замонамиз қандай ваҳшат, қўрқамиз қандай
Хоин бўлмаи хиёнатга тушиб қолишдан.
Очиқ денгиз аро худди бўрон қувгандай
Қалтираймиз, билгисиз бир даҳшатга тушиб...*

Шекспир талқинича, бутун фитрати ила номард ва қўрқоқ бўлган кимсадан ҳеч қачон мустабид чиқмайди. Мард ва жасур одам, иттифоқо, номард ва қўрқоққа айланса... ўшанда мустабид дунёга келади. Мард ва жасур одамнинг номард ва қўрқоққа айланиши эса у ҳалол курашдан бўйин товлаб, ноҳалол курашга ўтганда юз беради. Рост сўзлашдан воз кечиб, ёлғон сўзлашга ўтганда ҳам. Мустабид барчани бирдек қўрқувда тутиш билангина ўзидаги қўрқувни бостира олади!

Дарвоқе, ҳеч замонда ўрмон ҳам юрадимми? Одамдан туғилмаган одам ҳам бўладими ҳеч замонда?

Ниҳоят, рўй бериши душвор саналган ўша ишлар Макбетни даҳшатга солароқ содир бўлади: Малькольм Англия қироли Сиварднинг ўн минг аскар билан Макбет устига юриш бошлади. Макбет Дунсинан қалъасида истехком қуриб, ғанимини шу ерда қарши олишга аҳд қилади. Қирол Сивард қўшини Бирнам ўрмонидан қирқиб олинган шох-новдалар панасида Дунсинан қалъаси устига бостириб келади. Биринчи жумбоқ ечилади – ўрмон “юради”. Жанг бошланиб кетгач эса, иккинчи жумбоқ ҳам ечилади. Бегуноҳ қатл этилган хотини ва болалари учун қасос олиш ўтида ёнган қувгинди шотланд аслзодаси Макдуф Макбетни маҳв этади – у онадан туғилмаган, волидаси қорнидан ёриб олинган.

Шекспир “ўйин қизиқ чиқсин” дебгина икки сир устига қурмагандир балки ўз асарини? Мустабидни фавқулдда шахсина фавқулдда вазиятда маҳв эта олади, демоқчи бўлгандир балки у? Агар ростдан ҳам шундай бўлса, фавқулдда шахс дегани қандай ўзи? Фавқулдда вазият дегани-чи?

БИЗ ҚАЙСИ ТОИФАДАНМИЗ?

Джеймс Джойс. Дублинцы. Рассказы. Москва, “Известия”, 1982.

Жеймс Жойс дейилса, дарров “Улисс” романи хаёлимизга келади. Ҳолбуки, у фақат “Дублинликлар”ни ёзганда ҳам, барибир, адабиёт тарихида қоларди, деган гаплар бор. “Дублинликлар” билан реалист Жойс тугайди, модернист Жойс бошланади. “Дублинликлар” билан “тушуниш осон бўлган” Жойс интиҳо топиб, “тушуниш қийин бўлган” Жойс ибтидо олади.

Ўн беш ҳикоядан иборат мазкур тўпламдаги “Ўликлар” деган ҳикоя менда, айниқса, кучли таассурот қолдирган. Ҳикояни ўзимча икки композицион қисмга ажратиб, бирига “Зиёфатда”, бошқасига “Зиёфатдан сўнг” деб ном қўйганман. Аввалги қисм чўзилиб кетган ва зерикарлироқ. Кейинги қисм эса бунинг тамоман акси... Аввалига наҳотки Жойсдек даҳо адиб биринчи қисм ланж чиққанини пайқамаган бўлса, деб ҳайрон бўлганман. Аммо кейинроқ англадимки, Жойс атайлаб шундай қилган экан: айти йўл билан у XX аср бошларидаги Ирландия буржуаларига ўз нафратини ифодалаган!



Ҳикоя фабуласи бундай: уч Морканлар – Жулия, Кэт ва Мэри Жейнлар ҳар гал бир вақтда – янги йил арафасида балл уюштиради. Ҳаётини муסיқага бахш этиб, сўққабош ўтган Морканлар бу маросимга таклиф этадиган меҳмонлар ҳам ҳар йили бир хил: қариндош-уруғ, дўст-ёр, шогирдлар. Балл “дастури” ҳам заррача ўзгармайди: аввал эркак-аёл жуф-жуфт бўлиб рақс тушади. Сўнгра кимдир қўшиқ айтиб беради. Охирида меҳмонлар дастурхонга таклиф этилади. Ҳар йили хос таом – бутунича пиширилган куркани бир киши тақсимлайди. Яна ҳар йили бир одам табрик нутқи ирод қилади. Баллда юз беражак фавқулодда ҳодиса ҳам ҳар йили... бир хил (демак, нофавқулодда): Фредди Мэлинз деган меҳмон издиҳомга албатта ширакайф бўлиб келади...

Ҳар қачонгидек бу галги балл ҳам силлиққина ўтади. Аммо кеча тугаб, меҳмонлар тарқаетганда Бартел д' Арси деган меҳмон беихтиёр “Аугримлик қиз” деган қўшиқни хиргойи қилиб қоладию бу қўшиқ ҳикоянинг бош қаҳрамони – романтик табиатли ёш жувон – Гертанинг қалбида деярли ўчаёзган олис хотираларни қайта алангалатиб юборади. Турмуш ўртоғи Габриел хотинидаги бу ўзгаришни дарров пайқайди: ахир, ёноқларига бирдан қизил югуриб, кўзлари чарақлаб кетмадими унинг?! Хаёлан қайси оламларда юрибди Герта шу тобда? Ким ёки нима ҳақида ўйлапти у?

Ниҳоят, Габриел дилидаги барча гапни тўкиб солишга хотинини мажбур этади. “Бу қўшиқ узоқ йиллар олдин дўст тутунганим бир йигитни эсимга солди, – дея ҳикоясини бошлайди Герта. – Унинг исм-шарифи Майкл Фюрей эди. Шу қўшиқни куйлашни жуда яхши кўрарди у. Қўшиқ айтиш ўпкаси учун фойдали эди боёқишнинг. Ахир, касалманд эди-да шўрлик. Бироқ унинг кўзлари бирам бошқача эдики: катта-катта, қоп-қора. Улар одамга шундай маънодор боқардики, сўз билан таърифлаш мушкул... Биз у билан кўпинча сайр қилиб юардик. Аммо Майкл Фюрей ўн ёшида... ўлди. Айт, шу ёшда ўлиш мумкинми? У мени деб ўлди, тушуняпсанми! Куз оёқлаб, қиш кираётган кунлар эди. Мен ярим йилга, ўқш учун, бир ерга кетадиган бўлиб қолдим. Бу вақтда у касалхонада эди. Хайрлашай деб борсам, аҳволи оғирроқ экан, мени олдига қўйишмади. Шунда бошқа ерга кетаётганим, келаси ёзда қайтишим ҳақида мактуб ёзиб, унга киритдим. Шу вақт ичида тузалиб кетгин, бўптими, деб кўнглини кўтариб ҳам қўйдим. Шом пайти бир кичик тош “қарс” этиб, деразамга келиб тегди. Шаррос ёмғир қуяётганидан ойналар томчи билан қопланган, ҳар қанча уринсанг ҳам, ташқарини кўриб бўлмасди. Мен югуриб ҳовлига чиқдим, қарасам, Майкл Фюрей уст-боши жикқа ҳўл, дир-дир титраб турибди. У менинг хатимни олгану касалхонадан қочиб, бу ерга келган эди. Минг бора ялиниб, уйига кетишга кўндирдим... Кейин эшитсам, ўша воқеадан бир ҳафта ўтиб, жон таслим қилибди.” Герта шу сўзларни айтади-да, қуйилиб келаётган кўзёшларини тўхтатолмай, ўзини юзтубан тўшакка ташлайди ва ҳўнграб йиғлаб юборади.

Мана, ниҳоят, Герта маъсумгина ухлаб ҳам қолди. Аммо Габриелнинг уйқуси ўчган – уни ўй-хаёллар забтига олган. Мундоқ фикрлаб боқса, Герта ҳаётида унинг ўрни арзимас экан. Бугунги зиёфатнинг барча иштирокчилари каби, бобоси Патрик Марконнинг Жонни лақабли қирчанғисидан ҳеч фарқи йўқ экан унинг ҳам. Бу жонивор уззукун тегирмон тошини айлантирар, неча йиллардан буён қиладиган иши шу эди. Бир куни шаҳар

паркида ҳарбий парад ўтказиладиган бўлдию Патрик Маркон унга Жонни қўшилган аравада боришни истаб қолди. Қирчанғи то қирол Билли ҳайкали ўрнатилган майдонгача туппа-тузук борди-ю, шу ерга етганда нима жин урди билмадик, ҳайкал атрофида айланаверди, айланаверди. Бечора бобоси ўшанда ҳар қанча куйиб-пишмасин, Жоннининг эсини киритиб қўёлмаган эди... “Рост, биз ўша Жонни каби нуқул бир ерда айланиб ётган бечоралармиз. Шунини яшаш деб бўладими асли? Эҳтимол кўп йиллар бир зайлда нурсиз ҳаёт кечиргандан кўра бир лаҳза чақмоқдек ёниб, нариги дунёга кетган афзалроқдир?” дея ўйга толади Габриел.

Майкл Фюрейнинг фожиавий қисмати уни илк дафъа ким тиригу ким ўлик, деган саволга юзма-юз қилади. Кимдир сизни қалбида эъозлаб юрган бўлса, гарчи аллақачон жисман ўлган бўлсангиз ҳам, сиз албатта тириксиз. Ҳеч ким сизни қалбида эъозламай кўйган бўлса, гарчи жисман тирик бўлсангиз ҳам, сиз, барибир, ўликсиз, деган хулосага келади охири Габриел. (Бу хулосага Габриел эмас, ўзим келгандирман балки?..)

Шу хулоса мени дафъатан ҳушёр торттиради: ҳўш, мен кимман – тирикми ёки ўлик? Сиз-чи, сиз ҳам ҳушёр тортдингизми, азиз ўқувчи?



БЕГОНАЛАРДАНМИ БИЗЛАР?

Фёдор Достоевский. Рассказы. Москва, “Правда”, 1989.

Қашшоқ мардум забун аҳволидан ўксинадими? Ўксинади-да, албатта. Унда бу аҳволидан қандай қутулмоғи лозим у? Фёдор Достоевский “Жаноб Прохарчин” ҳикоясида қашшоқликдан чиқишнинг бир йўлини қаламга олади. Аммо бу йўл... йўлсизлик, аслида! Келинг, бир бошдан сўзлай қолай. Шунда жумбоқ мағзини осонроқ чақасиз.

Санкт-Петербургнинг хилват, хароб бир гўшасида – Устина Фёдоровнага тегишли кулбада Семён Иванович деган кичик хизматчи ижарада туради. Кулбани макон тутган жами ижарачилар орасида у – энг “эски”си: Семён Фёдорович қанчадан бери ўз уйида яшаётганини ҳатто Устина Фёдоровна ҳам эслолмайди – “Ўн беш йилдир, йигирма йилдир, балки ундан ҳам кўпроқдир”, дейди елка қисиб кампиршо. Семён Иванович ниҳоятда зикна, хасис одам. Ўзи ҳеч чой ичмайди, лекин чойнагини сўрашса, бермайди ҳам. Уй соҳибаси бошқа ижарачилардан ойига ўн сўмдан ҳақ олса, Семён Ивановичдан базўр беш сўм ундиради. У Устина Фёдоровнанинг ҳар кунги тушликларида ҳам пастлик қилади. Эллик тийингина турадиган тушликнинг ярмини олади – дейлик, карам шўрва ичиб қўяқолади. Хуллас, чиқимни йигирма беш тийиндан оширмайди. Баъзан эса ҳатто нонни шўр бодрингми, кўк пиёзми, ё озгина сузма биланми тушириб олади-да, Худога шукур, деб кетаверади. Бу ҳол қанчадир вақт давом этгандан сўнг, табиийки, Семён Иванович мадордан қолади. Шундай пайтларда у яна ўзининг йигирма беш тийинлик тушлигига қайтади. Қаҳрамонимизнинг бошқа ҳар хил масалалар, дейлик, кийим-кечак бобида ҳам феъл-атвори бундан ўзгача эмас.

Семён Иванович фақат бир буюмига жуда бино кўйган, уни кўз қорачигидек асраб авайлайди. Бу – шалоқ каравоти остида сақланувчи эски

сандиқ: у сандиққа бир эмас, иккита қулф осиб қўйган: биттаси олмонларники, жуда аломат! Хуллас, фожиага ана шу сандиқ сабаб бўлади. Тўғрироғи, Зиновий Прокофьевич деган ижарачининг сандиқ ҳақида айтган омади бир ҳазили. “Бу сандиқда Семён Ивановичнинг каттакон бойлиги бор”, дея мутойиба қилади бир куни у. Шу биргина беозор луқмадан сўнг бош қахрамонимиз ўзгаради-қолади: атрофга ҳадик билан боқадиган, мушукдек хушёр қадам босадиган, гоҳо-гоҳо кўққис чўчиб тушадиган, бировлар суҳбатига ўғринча кулоқ соладиган бўлиб қолади. Идорасида ҳам бирор нимани ёзиб ўтириб, бирдан хаёли қочади. Бундай чоқларда ияги пастга осилиб, оғзи очилиб қолади. Патқалам тутган қўллари эса ҳавода муаллақ қотиб туради. Кейин бирдан ўзига келади-да, қоғозга адашиб бошқа сўзни ёзиб қўяди. Хуллас, Семён Ивановичнинг эси кирди-чиқди бўлиб қолади. У ҳаёт билан хаёлларини бир-бирига қориштириб юборади.

Руҳий таназзули энг авжига чиққанда Семён Иванович бир ҳафта дом-дараксиз йўқолади. Охири бир аравакаш уни жикқа терга ботган ва кучли қалтироқ тутган бир аҳволда елкасига опичлаб киради. Семён Иванович гоҳ ҳушини йўқотиб, гоҳ ўзига келиб, уч-тўрт кун ётади-да, охири жонини Азроилга топширади. Унинг ўлимини қайд этгани келган маъмурлар эса, таомилга кўра, барча буюмларини текшириб кўради. Семён Иванович бино қўйган сандиқдан-ку эски-туски лаш-лушдан бошқа ҳеч вақо чиқмайди. Аммо унинг тўшаги ичидан бир дунё кумушу мис танга чиқадики, ҳайратдан барчанинг оғзи очилиб қолади. Зиновий Прокофьевичнинг анови ҳазилидан сўнг бутун бойлигини сандиқдан олиб, тўшаги ичига яширган экан-да Семён Иванович. Қиймати бўйича сараланиб, қоғозга ҳафсала билан ўралган тангалар ҳар тун биқинига тошдек ботгандир боёқишининг?! “Асл Семён Иванович шундай одам экан-да, – дея ўйга ботади ҳамқўноқлар. – Ҳолбуки, ўзини у ниҳоятда қашшоқ қилиб кўрсатарди. Қаранг, барчамизни чув тушириб кетибди, ёлғончи!” Аммо Семён Иванов, аслида, ўз-ўзини кўпроқ чув туширмадимикан?

Бу қахрамоннинг бошқа машҳур адабий хасислар – Мольернинг Гарпагони, Бальзакнинг Гобсеги, Айнийнинг Қори Ишкамбаси билан кўпгина ўхшаш, айни чоқда, анча фарқли жиҳатлари бор. Ҳозирча бизни бу масала эмас, ўзга савол қизиқтиради: Семён Иванович бойликни нима мақсадда тўплаган эди? Ҳузурланиб яшаш учун тўплаган бўлса, беҳузур ўтиб кетди-ку бу оламдан?! Ёки бойлик йиғишнинг ўзи унинг учун ҳузурланиб яшашмиди? Афтидан, шу хулоса тўғрироқ, фақат бир истисноси бор: унинг бойлигидан ҳеч ким хабардор бўлмаслиги керак. Шунда... сиртдан ўзини қашшоқ қилиб кўрсатади-ю, аммо ичида бой эканини иддаолаб туради. Ана шуниси унга шунақаям лаззат бахш этадики!.. Иззат-нафси ором олади шу билан! “Эй ипирикки кимсалар, сиз мени бир бечора деб биласиз. Ваҳоланки, мен бойлик эгаси – қудрат соҳибиман. Сиз устимдан таҳқиромуз кулмоқчи бўлманг. Ахир, ўзингиз-ку шундай кулгига муносиб. Ҳа, мен сизнинг устингиздан куламан, қаҳ-қаҳ отиб куламан!”

Бироқ Семён Иванович ўз руҳида бино қилган “ҳузур қўрғони” жуда омонат эди. Оғиздан кўққис чиқиб кетган биргина сўз ўша бинога дарров рахна солади. Кейин эса унинг ўзи шубҳа ва қўрқув чўқмори билан

бу ёриқни муттасил катталаштиради. Охир-оқибат “қўрғон” қулайдию ўзи унинг остида қолади. Шундай дейман-у, ақл курғур, барибир, фожиа илди-зига талпинаверади: нега у ўз бойлигини ошкор қилмади – ундан ўзи ва бошқаларни баҳраманд этмади? Ахир, шу эди-ку энг тўғри, энг олийжаноб йўл! У ўз қобиғига ўралиб қолганмиди? Шундай бўлса, ким эди бунда айбдор? Унинг ўзими? Ёки бошқаларми? Балки ўзи ҳам, бошқалар ҳам айбдордир? Бир-бирини тушунишни хоҳламаган, оқибатда бир-бирига бегона бўлиб қолган эди улар. Хўш, биз-чи, биз бир-биримизни тушунишга интиляпмизми? Бир-биримизга бегона эмасмизми бизлар? Ўз-ўзимизга-чи?..



МЕХР ҲАМ... ҚОТИЛМИ?

Матназар Абдулҳақим. Жавзо ташрифи. Шеърлар, достонлар. Тошкент, “Шарқ”, 2008.

Сизнинг қисматингиз учун мен нечоғли масъулман? Менинг қисматим учун сиз-чи?..

Матназар Абдулҳақимнинг “Дарсдан сўнг” деган бир шеъри бор. Унда қир ортидаги йироқ овулдан қатнаб ишлайдиган муаллима фожиаси акс этган. Муаллима, одатдагидек, бу гал ҳам дарс адоғида машқ дафтарларини йиғиб олади-да санаб кўради: етти дафтар кам – шунча бола машқ бажармаган:

*Ҳар гал шундай аҳвол... Уялмайсизми?
Келасиз ўқишмас, қилиш учун сайр.
Бу сафар ҳам икки кўймай тураман,
Эртага қолганлар топширсинлар... Хайр!*

У мактабдан чиққанда қош қорайиб қолган эди – қиш куни бир тутамгина, ахир! Аёлни ҳар куни мактабдан олиб кетадиган эридан ҳам дарак йўқ! “Ё ўғлим касал бўлиб қолдимикан?..” деган ваҳима босади уни дафъатан. Шу боисдан ҳамкасб дугонасининг “Бемаҳалда бир ўзингиз қандай кетасиз, яхшиси, бизникида тунаб қолинг!” деган ўтинчи ҳам қулоғига кирмайди унинг. Муаллима сўқмоқ йўлдан қир оша овули сари жўнайдию тез орада мудҳиш шарпа таъқибини пайқайди: изига қашқир тушибди! Хаёлига қашқир оловдан кўрқади, деган фикр келади-да биринчи дафтарни ёқиб “таъқибчи”сига отади. Қашқир бир фурсат тўхтаб қолади, сўнг яна аёл изидан эргашади. Муаллима иккинчи, учинчи, тўртинчи... дафтарларни ҳам ёқиб, қашқирга отади. Овулга етай деганда дафтарлар тугайди, қашқирнинг тоқати ҳам... Тонгда одамлар қашқир ғажиб кетган аёл жасадини топади...

Матназар Абдулҳақим бу қиссадан қуйидагича ҳисса чиқарган: муаллима ўлимидан бутун синф кўзига ёш олди, машқ дафтарини топширмаган етти бола эса қақшаб йиғлади. Мен ҳам, таассуфки, шу етти боланинг бири эдим... Азиз ўқувчим, менинг шеърий китобларим, аслида, машқ дафтарларимдир. Мен гўёки улар билан сени асраб қолмоқчи бўламан. Агар ҳаёт йўлингда ёвузлик қашқирлари изингга тушса, сен тап тортмай бу дафтарларни ёқиб кетавер. Ўшанда фидойи муаллимасини асраб қололмаган мен ношуд, энди лоақал сени асраб қололсам!

Матназар Абдулҳакимнинг қиссадан ҳиссаси, албатта, пурмаъно, ғўзал. Аммо мен қиссадан ўзга бир ҳисса қидиравераман. Ким айбдор бу фожиада? Шу куни уни олиб кетишга келмаган эрими? Тез-тез касалланиб турадиган мурғак ўғлими? Бемаҳалда бир ўзи кетишига изн берган ҳаммаси дугонасими? Ёки машқ дафтарини топширмаган ўша етти болами? Балки... муаллиманинг ўзи айбдордир бу фожиага? Ахир, танбал ўқувчиларини ҳадеб кечиравермай, беаёв жазоласа, ҳамма топширарди-ку машқ дафтарларини! Ёхуд ўғлим касал бўлиб қолган бўлса-чи, деган ваҳимага бормаса, шу ерда тунаб қолган ва қашқирга дуч келмаган бўларди-ку! Бироқ... у танбал ўқувчиларини беаёв жазолай олмасди, чунки уларни яхши кўрарди. Ўғлим касал бўлиб қолган бўлса-чи, деган ваҳимани ҳам қува олмасди, негаки уни ҳам яхши кўрарди. Демак, унда меҳр ўлдирибди-да аёлни! Ҳеч замонда меҳр ҳам қотил бўлиши мумкинми? Афсуски, шундай бўлиши мумкин экан. Муаллима эри, боласи, ўқувчилари, дугонасини қанчалик севганидек, улар ҳам муаллимани шунчалик севганида эди, рўй бермасди бу фожа! Меҳрсизлик (борингки, лоқайдлик) муҳитида яққаланиб қолган меҳр фожа сабабчиси бўлиши мумкин экан – келинг, буни тан олайлик!

Ҳаёт ҳам бир дарсхона дейдилар. Ана, муаллима машқ дафтарларини йиғиб олиб, санаб кўрмоқда. Ҳамма топширдимикан ишқилиб дафтарларини?

P. S. Эътибор бергандирсиз, ҳар бир қайдимиз савол билан бошланиб, савол билан тугади. Ростини, шундай бўлиши керак ҳам: бу – қонуний. Биз савол жавоб билан тугайди, деб нотўғри ўйлаймиз. Аслида, савол ҳар қачон савол билан тугайди. Чунки саволдан жавоб туғилади, жавобдан эса... яна савол. Шу тариқа бир давра якун топади: савол – жавоб – савол ҳалқаси яралади. Инсон умри, аслида, шундай ҳалқалар силсиласидир. Эҳтимол биргина ҳалқанинг ўзидир у: туғилмоқ – савол, яшамоқ – жавоб, ўлмоқ – савол...





“Karvon o‘zing, sarbon o‘zing...”

Инсон эрки, ҳақ-ҳуқуқи, қадр-қиммати буюк мутафаккирлар диққат марказидаги энг муҳим масалалардан бўлиб келган. Атомистик назария асосчиларидан бири Демокрит инсон бахти юксак ахлоқий сифатларга эга бўлишда, меҳнат, жасорат, вафо, ақл ва дўст орттиришда деб таъкидлайди. Буюк файласуф Суқрот ҳам бутун эътиборини инсонга қаратган эди. Унинг “Ўзингни англа” деган машхур ибораси антик даврдан то ҳозирги кунгача аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Ўрта Осиё мутафаккирларининг маънавий ва моддий бойликлар ижодкори бўлмиш инсонни ўрганишдаги хизматлари ҳам таҳсинга лойиқ. Абу Наср Форобийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари марказида инсоний бахт-саодат ғояси тургани фикримиз тасдиғидир. Ўзгаларга яхшилик қилишни ҳаётий аъмолга айлантирган кишилардан иборат шаҳар фазилатли шаҳардир, ўшандай жамоа фазилатли жамоадир. Мутафаккир фикрича, инсон ўз-ўзидан бахтли бўла олмайди, бу унинг ҳаракатлари, меҳнати, касб-ҳунари, билимига чамбарчас боғлиқ.

Шарқнинг буюк мутафаккири Жалолиддин Румий эса инсонни микрокосмосга менгзайди, инсоннинг ички дунёсини кашф этиш орқали коинот сирларини очиш мумкин дейди. Инсон мисоли бир даҳлиз, шу даҳлиз орқали коинотга боқиш, унинг моҳиятини англаш мумкин. Унинг фикрича, инсон ижодкорлиги билан бошқа жонзотлардан ажралаб туради.

Мутафаккир Абу Ҳомид Ғаззолий эса ботиний илмлар ва ақли кулгга катта эътибор қаратди. Ботиний илмлар инсоннинг руҳий юксалиш ва ҳайратланиш ҳолатидаги туйқус образлар, тасаввурлар оламидир. Айни шу туйқус образ ва тасаввурлар тасвирий санъат, мусиқа ва адабиёт манбаидир. Уларнинг вужудга келиш тарзи табиий фанлардаги фикр юритиш услубидан тубдан фарқ қилади. Табиий фанлар замирида мантикий фикр, тадрижийлик ётса, санъат ва адабиёт, гуманизм фалсафасида дунёқараш ўзгача йўсинга эга. Унинг заминини ранг-баранг образлар ташкил этади. Бу образлар куёш нури янгли инсон қалбидан тара-

лади. Улар инсон руҳиятига, тасаввурига кучли таъсир эта олиши билан табиий фанлардаги тушунчалардан фарқ қилади. Шу боис, гуманизм фалсафаси антик даврдан ҳозирги кунгача санъат ва бадиий адабиётдаги гўзал образлардан самарали фойдаланган. Ушбу фалсафий-образли дунёқараш миллионлаб инсонлар қалбига бевосита кириб бориш қувватиغا эгадир. Масалан, Ғарбий Европадаги “Ҳаёт фалсафаси”нинг буюк вакиллари билан бўлган Ф. Нитшенинг фалсафий қарашларини олайлик, унинг таълимоти инсон онгостига таъсир этувчи гўзал образлар ёрдамида ифодаланган.

Инсонни космик феномен сифатида улуғлаш миллий фалсафамизнинг ҳам ўзагини ташкил этади. Фан-техниканинг ривожини инсон тафаккурини юқори босқичга кўтармоқда, унга янги имкониятлар яратиб бермоқда. Инсон замонавий техника орқали осмон, ер ва сувда ҳукмронлик қилмоқда. Цивилизация берган шарт-шароит, қулайликларсиз ўз ҳаётимизни тасаввур эта олмаймиз. Лекин ҳар бир нарса-ҳодисанинг ижобий томонлари қатори салбий жиҳатлари ҳам борлигидан кўз юмиб бўлмайди. Масалан, цивилизация ривожини экологик муаммолар, ядровий уруш хавф-хатарини кучайтирди, жамиятдаги индивидуализмни янада алангалатди. Инсоннинг жамиятдан бегоналашуви рўй берди. Табиатдан фақат бойлик орттириш мақсадида фойдаланмоқдамиз. Инсон табиатдан ажралар экан, у ўз жисмоний ва руҳий қуввати манбаини йўқота бошлайди. Оқибатда заиф мавжудотга айланиб, ижодкорлик қобилиятдан маҳрум бўлиб бораётганини сезмай қолади. Бу ижодкорлик ва яратувчанлик қобилияти руҳий қувват бўлиб, ушбу қувват орқали инсон ўз онгида барча мавжудотларнинг образлари ва бадиий тимсолларини яратади. Шу образлар орқали у коинот билан бирлашади ва уйғунлик касб этади. Ижодкорлик, яратувчанлик қобилияти манбаи инсон қалбида, унинг борлиққа муҳаббатидадир. Инсоннинг руҳий муҳаббати уни коинотдаги барча нарса ва жонзотлар билан бирлаштирувчи ягона риштадир. Бу ришта инсон қалбида ранго-ранг камаллакка айланар экан, унинг нурлари коинот ёғдуси билан

қўшилади. Демак, инсон ўз хаёллари ҳамда тасаввурлари орқали бутун олам билан қоимдир ва бу хаёлларнинг ўзи ҳам оламнинг нуридир. Лекин инсон қалбидаги худбинлик, нопок ўй-хаёллар уни бу олам ёғдусидан ажратиб, қалбни пардалаб қўяди. Пардаланган қалб эса ижодкорликдан маҳрумдир. У ҳаётини манбаидан ажралар экан, механик система мурватига айланади. Шунда инсон ҳаёт гултожи эмас, вайрон этувчи кучга, тўфонга эврилади. Шундай қилиб, инсон табиатида бир вақтнинг ўзида ҳам яратувчанлик, ҳам вайронкорлик мавжуд. Қай бири устун келиши эса жамиятимиздаги маънавий ва ахлоқий қадриятларга боғлиқдир.

Олий мавжудот бўлмиш инсонни мадҳ этиш, унинг келажаги учун қайғуриш Мағрибу Машриқ мутафаккирларини мушоҳадага чорлаб келган экан, бугун ҳам ушбу масала долзарбдир. Инсоннинг руҳий эркинлиги, халқ фаровонлиги, жамиятимиздаги барча қатламларнинг жипслиги давлатимиз сиёсатининг асосий тамойилларидан биридир. Бу тамойилларни ҳар бир ватандошимизнинг нафақат ақлига, айни чоғда, қалбига ҳам етказиш миллий фалсафамизнинг бирламчи вазифасидир.

Ҳозирги замон Ғарб ва Шарқ фалсафасида инсоннинг ички дунёси ва онги борасида шунга ўхшаш фикрларни учратиш мумкин. Ғарбда инсон масаласини кўпроқ иррационал фалсафий оқимлар ўрганиб келди, жумладан, Ф. Нитше, А. Бергсон, Э. Фрейд, К. Юнг каби файласуф ва руҳшунослар руҳий қувватнинг инсон табиатидаги ролини алоҳида таҳлил қилди.

Инсондаги англамаганлик ҳолатини тушунтириш учун Карл Юнг фанга “архетип” тушунчасини киритади. Архетип деганда у бутун инсониятга хос бўлган ботиний, англамаган руҳий қувватни назарда тутати. Инсон онгида архетиплар асосида тимсоллар пайдо бўлади. Гарчи улар англамаган тарзда юзага келса-да, маъносиз эмас. Ўз ҳаёти давомида инсон шу рамз ва тимсоллар таъсирида яшайди. Архетип инсонда минг йиллар давомида табиат билан муносабат ва ҳаёт учун кураш асосида шаклланган. Архаик тимсоллар инсониятнинг гоёт кўхна руҳий қувватини ўзида мужассам этган ва сақлаб қолган. Қизиги шундаки, Карл Юнг архетипларни нафақат инсон онгига, балки бутун табиатга хос ҳодисадир, дейди. У инсон руҳиятидаги “жамоавий” ва “индивидуал” англамаганлик ҳолатларини ажратади. “Индивидуал англамаганлик” инсондаги аввал-бошда англаман, кейинчалик ондан сиқиб чиқарилган майл-истаклар ҳолатидир.

“Коллектив англамаганлик” тушунчаси эса инсоният ҳамда жамики яшаган ва яшаётган жонзотлар хотирасини англатади. У инсоннинг бутун ижтимоий фаолияти, ҳатто генларининг тартибини ҳам қамраб олади. Айнан “коллектив англамаганлик”

барча архетиплар илдизидир. Шундай қилиб, “коллектив англамаганлик” ва “архетип” тушунчалари бутун инсониятнинг руҳий ҳолатини ифодаловчи гоё ва тимсоллардир.

К.Юнг мансуб аналитик психологиянинг асосий тушунчаларидан бири “комплекс” концепцияси бўлиб, у англамаган руҳий қувватнинг аниқ бир шаклга киришини билдиради. Буларга оилавий, сиёсий ва ожизлик комплекси киради. Комплекслар аслида руҳий шайтоний куч-қувват бўлиб, улар инсоннинг осуда ҳаётини издан чиқазиб юборади. Комплекслар назариясини ишлаб чиқиб, Карл Юнг ва унинг издошлари англамаганлик ва англамаганлик ўртасидаги муносабатларнинг руҳий фаолиятга таъсирини ўргандилар.

Бу масалани ҳинд файласуфи Бхагван Ражниш ҳам таҳлил қилган. Унинг фикрича, инсон доимо атрофидаги ҳаётга безътибор яшайди. У шунчалар механик равишда ҳаракат қиладики, ҳатто ўз амаллари маъносини англаб етмайди. Бу ҳаракатлар автоматик ва механик равишда содир бўладики, инсон ўзининг инсонлигини, онгли бир махлуқ эканини унутати. Ражниш фикрича, агар инсон ақлгагина таянса, унинг онги йўқолади, ақл бу – уйку, шовқин ва механик ҳаракатдир. Бинобарин, инсон ақлдан воз кечиб яна онга қайтиши керак. Инсон ўз тафаккурдан барча билимларни чиқариб ташламоғи лозим. Билимлар уни ғафлатда ушлаб туради, инсон қанчалар билимли бўлса, шунчалар ғафлатдадир.

Ражниш бундай дейди: “Содда қишлоқ аҳли олимлар ва руҳонийлардан кўра сезгир ва зеҳнлидир (Бхагван Ражниш. *Жизнь и смерть. Москва, “Нирвана”, 2004. Стр. 24*). Табиат билан ҳамнафас яшовчи деҳқонлар, боғбонлар, косиблар, хунармандлар, санъаткорлар ва рассомлар университетлардаги тадқиқотчилардан кўра зеҳнлироқдир. Ражниш фикрича, инсон ҳаёти нафас олиш, юрак уриши, томирларда оқаётган қон билан белгиланмайди. Ҳаёт – уйғоқликдир, онглиликдир. Фақат уйғоқ одамларгина тирикдир. Ҳаёт эса ягона худо – ўзга худо йўқдир.

Буни қандай тушунмоқ керак? Нега инсон тўғри йўлдан тояди? Нима учун адашади? Инсон ўзини кузатиши керак. Инсонда аниқлик, равшанлик, ҳис қилиш қобилияти заиф. У зийрак, фаҳм-фаросатли эмас. У эшитолмайди, кўролмайди. Инсонда кўз, қулоқ бор, бироқ, айни чоғда, унинг ботинида заифлик ҳам бор. У ўзининг кимлигини билмаса ҳам, ўзини онгли ҳисоблайди. Инсон ўзининг онглилиги ҳақидаги эътиқодидан воз кечиши лозим. Шундагина у чинакам онглиликка элтувчи йўлни топади.

Гулчеҳра ҚОБУЛНИЁЗОВА,
ЎзМУ доценти

Лола ЙЎЛДОШЕВА,
ЎзДЖТУ доценти

Ko'z ilg'amas boylik

Ижтимоий гуруҳ ва қатламлар ўртасидаги барқарор алоқалар жамиятнинг секин-аста такомиллашиб, сайқалланиб боровчи муҳим хусусиятидир. Ижтимоий капитал кишиларнинг ўзаро бардавом алоқалари ва ишончи сабабли вужудга келувчи ҳодисадир. Мазкур ҳодиса илмий тадқиқотлар учун нисбатан янги объект бўлиб, уни атрофлича ўрганиш фуқаролик жамияти барпо этишни кўзлаган Ўзбекистон учун ҳам муҳимдир.

Ижтимоий капитал халқ фаровонлигига ижобий таъсир қилувчи омил сифатида Жаҳон банки тадқиқотчилари томонидан ҳам ўрганилади. Уларнинг ёндашувига кўра, ижтимоий капитал ижтимоий ҳамкорликни шакллантирувчи институтлар, муносабатлар ва меъёрлар жаммуасидир.

Ривожланган давлатларда бу ҳодиса фуқаролик жамиятининг муҳим мезони сифатида намоён бўлмоқда. Олимлар фикрича, ижтимоий капитал жамиятда ислохотларни қўллаб-қувватловчи ресурс сифатида демократия ривожига хизмат қилади (*Sandra Seubert: Crisis or Chance for Societal Integration? The Meaning of Social Capital for a Theoretical Analysis of Democracy, FJ NSB 3/2009, pp. 21-28*).

Ҳозирда Янги Зеландия, Швеция ва Швейцария ижтимоий капитал бўйича етакчилик қилса-да, ўзбек жамиятида ҳам, айниқса, маҳалладаги мустақкам ва барқарор муносабатларда ижтимоий капитал юқори даражада намоён бўлишини кузатиш мумкин.

Француз социологи Пьер Бурдьё “ижтимоий капитал” атамасини манфаатли ижтимоий алоқаларни ифодалаш мақсадида 1983 йили илк бор қўллаган. Бурдьёнинг “ижтимоий капитал” концепцияси “ўзаро мажбурият ва масъулиятга асосланган, муайян даражада институтлашган ёки мустақкам ижтимоий алоқаларни қамраб олган мавжуд ва эҳтимолий тизим”ни ифодалайди (*Бурдьё П. Формы капитала. Экономическая социология. Том 6. №3, 2005. Стр.60-74*). Шунингдек, у уч турдаги капитал мавжудлигини таъкидлайди: иқтисодий капитал – пул, хусусий мулк, кўчмас мулкка эгаллик қилиш ва бошқалар; маданий капитал – диплом, сертификат, когнитив кўникма ва бошқалар; ижтимоий капитал – биринчи икки капитал ва инсонлар ўртасидаги ишонч, ноҳукумат ва нотижорий ташкилотлар фаолияти натижасида пайдо бўлади (*Reinhard Kreckel (Hrsg.), Soziale Ungleichheiten, Sonderband 2 der Sozialen Welt, Göttingen 1983. S. 190*).

Ижтимоий капитал инсонларнинг ўзаро яқдлilги ва ишончи, гуруҳларнинг манфаатли муносабатлари, бағрикенглик, фуқаровий фаолликни ўзида мужассам этади. Ижтимоий капиталнинг “ядро”си – ишончдир. Фрэнсис Фукуяма фикрича, ижтимоий капитал — жамиятнинг муайян потенциали ва жамият аъзолари ўртасидаги ўзаро ишонч орқали вужудга келади (*Фукуяма Ф. Доверие: социальные добродетели и путь к процветанию. Москва, 2008*).

Иқтисодчи ва социолог олим Жеймс Коулмэн ижтимоий капитал ижтимоий муносабатларнинг нозик жиҳати эканини Нью-Йорк олмос бозори мисолида тушунтиради. Нью-Йоркдаги бриллиантфурушлар бир неча юз минг долларга тенг олмос сифатини ҳеч қандай кафолатларсиз ўзаро алмашиш йўли билан текширади. Улар бу ишда гирромлик қилмайди. (*Коулмэн Дж. Капитал социальный и человеческий // Общественные науки и современность. 2001. № 3. Стр.124*).

Америкалик иқтисодчи Паул Самуэлсон эса фаровонликни ижтимоий капиталга нисбат беради. Унинг фикрича, индивидлар яратган моддий ва номоддий неъматлардан ўзгаларнинг фойдаланиши уларни озайтирмайди, аксинча, бу ижтимоий фаровонликка элтади (*Samuelson P. The Pure Theory of Public Expenditure // Review of Economics. 1954, vol. 36, №4*).

Ижтимоий капитал назарияси бевосита татбиқ этиладиган саккиз соҳа мавжуд. Булар – оила, ёшлар, мактаб, олий таълим, маҳаллий ҳамжамиятлар, ташкилотлар, демократия ва бошқарув масалалари, жамоалар фаолияти ва иқтисодий ривожланиш. Бугунги кунда ушбу рўйхатга иммиграция, инсоннинг жисмоний-руҳий соғломлиги, ижтимоий фойдали юмушлар, фуқаровий фаоллик ва бошқалар қўшилмоқда (*Woolcock M. The Place of Social Capital in Understanding Social and Economic Outcomes // Isuma. 2001. Vol. 2. № 1*).

Мазкур ҳодисанинг жамиятимизга хос жиҳатларини таҳлил этсак, у кўпроқ маҳаллада, миллий-маданий кадриятлар ва диний аънаналарда намоён бўлишини пайқаш қийин эмас. Бинобарин, ижтимоий капитал индивидуал эмас, жамоавий ҳодисадир. Жамоа билан алоқалари мустақкам инсон кўпгина устунликларга эга бўлади.

Ижтимоий капитал маълум бир шахснинг эмас, балки барчанинг бойлигидир. Жумладан, ўзбекларга хос ҳашар аънанасини олайлик. Ҳашар – кўпчилик кучини жамлайдиган ижтимоий тадбир бўлиб,

хар бир киши кези келганда ундан ўзи ҳам фойдаланишини ҳис этган ҳолда мазкур тадбирда астойдил иштирок этади. Ҳашарнинг ўзига хос ижтимоий вазибалари ҳам мавжуд – у ёшларнинг жамият меъёрларини қабул этишини енгиллаштиради, ўз манфаатини кўпчилик манфаати билан уйғун ҳолда кўришга ўргатади. Ҳашарда инсон ахлоқан етилиб, мулоқот маданияти ошади, ўзаро ёрдам ва бирдамлик ҳисси ривожланади.

Ижтимоий капитал ижтимоий муносабатларни шакллантирувчи институтлар ва меъёрлардаги барқарор давомийликни ҳам ифодалайди. Ўзбек маҳаллаларидаги кексаларга эътибор ва эҳтиромни айнан ижтимоий капитал асосига қурилган муносабат дейиш мумкин. Кексалари эъзозланмайдиган оилага маҳалла аҳли илиқ муносабат кўрсатмайди. Бу каби жамоатчилик назорати ёшларда маҳалла ёки қишлоқ аҳли эътиборидан қолиш ҳадигини ҳам уйғотади. "Ота-онамга эътиборсиз бўлсам, маҳалла-кўй нима дейди?!" дея хавотирланиш кексаларга эътиборни таъминлаб туради. Бунда ижтимоий капитал ижтимоий алоқадорликнинг оилавий муносабатларга таъсирида намоён бўлади.

Кексалар оилада ота-она, бобо-буви, маҳаллада эса ижтимоий меъёрлар ва муносабатлар барқарорлигини таъминловчи ҳисобланади. Икки ёшнинг бошини қовуштириш, тўй бошлашдан аввал ҳам кексалар билан кенгашилади. Тўй-маъракалар билан боғлиқ одатлар кексалар назоратида бўлади. Маҳалладаги ҳар бир болага нурунийлар панд-насихат қилиши, тарбия бериши ўзаро алоқадорлик ва назорат нишонасидир.

Мухим ижтимоий ҳодисалардан бири бўлмиш дафн маросими мисолида ижтимоий капиталнинг жамиятимиздаги ўрнини янада аниқроқ очиб бериш мумкин. Бундай пайтда маҳалла ҳар қачонгидан кўпроқ жипслашади. Ҳар ким бир кун келиб ўзининг ҳам бошига тушиши муқаррар бўлган мусибатга тайёргарлик ўлароқ бошқаларга кўмак беради. Кўриниб турибдики, иқтисодий тизим табиатидан қатъи назар, ижтимоий капитал мусулмон

жамиятида, хусусан, ўзбек жамиятида, мустақкам тарихий илдизга эга (Жалилов. А. *Ижтимоий фикр. 2014. №3*).

Ғарб жамиятларида эса ижтимоий капитал манбалари жамият ҳаётининг баъзи соҳаларидагина кузатилади. Зеро, Ғарб дунёсида капиталистик муносабатлар пайдо бўлиши билан одамлар ўртасида ижтимоий капиталнинг пойдевори бўлмиш ишонч заифлашган. Шу боис, Роберт Патнэм ижтимоий капиталнинг муҳим омиллари саналган ўзаро ҳамдардлик, ижтимоий ҳамжиҳатлик Ғарб демократиясидан аллақачон йўқолиб кетганини таъкидлаган эди (*Robert D. Putnam, Bowling alone. The collapse and revival of American community, New York. 2000*). Ўзбек жамиятида эса ижтимоий капитал жамият тараққиётига хизмат қилиб келмоқда.

Ижтимоий капитал фуқаролик жамияти ривожини билан бевосита боғлиқлигини назарда тутсақ, фуқароларимизда миллий қадриятлар негизда фуқаровий қадриятларни шакллантириш ва ривожлантириш талаб этилади. Бунда ноҳукумат ва нотижорий ташкилотлар, кўнгилли уюшмалар ва бошқа фуқаролик жамияти институтларининг фаолияти катта аҳамиятга эга.

Фуқаролик жамияти ривожланган мамлакатларда фуқаровий фаоллик, ўзаро ишонч, беғараз ёрдам, кўпчилик манфаати билан ҳисоблашиш, кўнгиллилик, ҳомийлик ва сиёсий жараёнларда фаол иштирок қўллаб-қувватланади. Бу эса ижтимоий капитални ривожлантириш ва мустақкамлашнинг муҳим омилларидандир.

Хуллас, ижтимоий капитал ўзбек жамиятида чуқур тарихий илдизларга эга. Уни янада мустақкамлаш миллий, маданий ва диний қадриятлар, анъаналарсиз кечмайди. Ижтимоий капитал ўсишини эса фуқаролик жамияти институтлари ва такомиллашган фуқаровий фаолликда кўрамай.

Нурали ШОДИЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси катта илмий ходим-изланувчиси

Demokratiya va xavfsizlik: tanganing ikki tomoni

Демократия ва хавфсизлик тараққийпарвар жамиятларнинг фундаментал қадрияти ҳисобланади. Хўш, бу икки тушунча не маъно-мазмунни ифодалайди? Улар ўртасида қандай уйғунлик бор? Дунё-

да фикр юритувчи қанча инсон бўлса, уларнинг ҳар бири бу саволларга ўзига хос тарзда жавоб беради. Дарвоқе, ёндашув ва нуқтаи назарларнинг хилма-хил экани ҳам демократия белгиси эмасми?!

Демократия маълум маънода хавфсизлик ва барқарорлик ғоясини ифодалайди. У, моҳиятига кўра, давлатнинг халқ томонидан идора этилиши, яъни сиёсий бошқарувда халқнинг бевосита ёки билвосита (ўзи сайлаган вакиллари орқали) иштирок этишини назарда тутати.

Демократия ғояси қачон ва қаерда пайдо бўлган деб сўралса, милоддан аввалги V асрда Афинада, деб жавоб бериш мумкин. Мазкур шаҳар-давлат фуқаролари қонунларни муҳокама қилиш ва уларга овоз беришда эмин-эркин қатнашган. Аммо Фарб демократиясининг генезисига доир қарашларни инкор этмаган ҳолда, халқ ҳокимияти ғоясининг шарқона илдилари ҳам мавжудлигини таъкидлаш жоиз.

Тарих фани дарғалари – Ҳеродот ва Ктесий асарлари ҳамда зардуштийликнинг муқаддас китоби “Авесто”да қайд этилишича, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида милоддан аввалги I мингйиллик бошларида Катта Хоразм ва Қадимги Бақтрия каби илк давлат бирлашмалари шаклланган. Эътиборли жиҳати, ҳарбий-демократик тузумдаги ушбу давлатлар эркин кишилар жамоаси томонидан идора этилган.

Демократия – нисбий тушунча, унинг қатъий белгиланган андазаси ҳам йўқ. Шу боис унинг генезиси ёки бугунги тараққиётини муайян бир халққа боғлаш тўғри эмас. Бизнингча, ҳар бир миллат ва давлат ўз демократик ривожланиш йўлига эга. Демак, ҳар бир халқ демократия илдинини ўз тарихидан қидиргани маъқул. Демократия ҳар бир халқнинг тарихий тажрибасига асосланган сиёсий фаолият механизми эканини унутмаслик лозим.

“Хавфсизлик” тушунчаси ҳам назарий-амалий асосларига эга. Хавфсизлик, объектив маънода, муайян қадриятларнинг таҳдидлардан холи эканини англатади. Аммо XX аср 60-йилларигача “хавфсизлик” тушунчасига таҳдид феномени сифатида ёндашилиб, бу борадаги қарашларда ҳарбий омил бирламчи аҳамият касб этган. 70-йилларга келиб хавфсизлик ғоясининг ҳокимият концепциясига муқобиллиги ҳақидаги қарашлар пайдо бўлди. Иқтисодий ва экологик муаммоларнинг глобал тус олиши эса хавфсизлик аҳамиятини янада оширди. 80-йиллардан ушбу тушунча бир давлат доирасида эмас, минтақа ва дунё миқёсида тадқиқ этила бошлади.

XX асрнинг 90-йилларига келиб хавфсизлик давлат фаровонлигининг бош омили сифатида талқин этилди. Бундай ёндашувнинг шакллангани бежиз эмас. Чунки муайян давлатнинг “тирик организм” сифатида ҳаётий қадриятларини сақлаб қолиши кўп жиҳатдан хавфсизликка боғлиқ (Гео-

сиёсат илмида давлатга “тирик организм” сифатида таъриф берилди. Бу ҳақда қаранг: *Нартов Н., Нартов В. Геополитика. Москва, “ЮНИТИ”, 2007. Стр. 48; Хўжанов Б. Геосиёсат асослари. Тошкент, 2002. 41-бет).*

Сирасини айтганда, хавфсизлик шахс, жамият ҳамда давлат манфаатларининг ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилинганлиги ва барқарор тараққиётнинг таъминланганлигидир.

Демак, демократия – халқ ҳокимиятини, хавфсизлик эса халқнинг ҳамда халқ эътироф этган ҳокимиятнинг хавф-хатардан муҳофаза қилинганини англатади.

Ҳар бир давлат демократик жамият сари интилиши табиий. Аммо бу олий мақсадга осонликча эришиб бўлмайди. Бир томондан, демократия эркин ва адолатли сайловлар ўтказиш, ҳукуматнинг ҳисоботдорлигини таъминлаш, сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқларини муҳофаза қилишни тақозо этади. Иккинчи томондан, демократик жамиятнинг тадрижий тараққиёти, аввало, ўша давлат ҳамда минтақада барқарорлик ўрнатилгани, яъни хавфсизликнинг кафолатланганига ҳам боғлиқ. Масалага шу жиҳатдан қаралса, демократик жамият тамойилларидан кўра хавфсизлик омили бирламчи аҳамият касб этишига амин бўламиз. Англашиладики, демократия бу – қулай шарт-шароит, барқарорлик. Турли хавф-хатарлардан холи ҳудуддагина барқарор шарт-шароит яратиш мумкин. Бу жиҳатдан демократия – хавфсизликдир.

Назарий манбаларда турлича таърифланса-да, амалиётда ушбу икки тушунчанинг уйғун жиҳатлари талайгина:

– демократиянинг бош мақсади жамиятда фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш бўлса, хавфсизлик тизими амалиётда мазкур чора-тадбирлар учун шароит яратади;

– демократия жамият ҳаётини янгилашни таклиф этса, хавфсизлик тизими ўша янгилашлар механизмини ҳимоя қилади;

– демократия фуқаролар учун асосий эркинликларни кафолатласа, хавфсизлик тизими улар ҳаётининг турли хавф ва таҳдидлардан холи бўлишини таъмин этади;

– демократия тамойиллари фаровон ҳаётга етакласа, хавфсизлик унинг бардавомлигига хизмат қилади;

– сиёсатнинг объекти саналган демократия ва хавфсизлик, айни чоқда, сиёсатнинг йўналишлари, самарадорлиги ва истиқболларини белгилаб беради;

– демократия ва хавфсизлик ижтимоий характер касб этса-да, улар бир фан (соҳа) муаммолари эмас. Бу икки тушунча тармоқлараро тадқиқотлар объектидир.

Мулоҳазаларимиздан бундай хулоса қилиш мумкин: демократия ва хавфсизлик яхлит тизимнинг ўзаро таъсир этувчи ҳамда бир-бирига боғлиқ бўлган таркибий қисмларидир.

Бугунги глобаллашув жараёни демократия ва хавфсизликнинг маъно-мазмунига кучли таъсир кўрсатмоқда. Шу боис “глобаллашув” истилоҳига ҳам мухтасар таъриф бериб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Глобаллашувнинг ҳам турлича талқинлари мавжуд. Кимдир глобаллашувни интернационаллашув деб ҳисобласа, бошқа биров маҳаллий аҳамиятга молик маданий, иқтисодий ва сиёсий маконларнинг яхлит тизимга бирлашуви, деб таърифламоқда. Яна айрим тадқиқотчилар уни алоҳида цивилизация дея талқин этмоқда. Бизнингча, глобаллашув – объектив реаллик. У байналмилал мақом ёки шунчаки бирлашув эмас, янгича дунёвий сиёсий жараёндир.

Бахтга қарши, глобаллашув сайёраимизни турли таҳдидлардан муҳофаза этишга қодир эмас, у инсониятни мавжуд таҳдидлардан огоҳ этади, холос.

Аслида, глобаллашув буткул янги ҳодиса эмас. Тарихнинг турли босқичларида жаҳон харитасида янги ерлар (давлатлар, минтақалар) кашф этилди, транскоммуникацион алоқалар кенгайди, миграция жараёни кучайди... Булар глобаллашув тадрижининг муайян босқичларидир. Бу жараён XXI асрда янада кенг қамров касб этиб, жамиятнинг барча соҳаларини қамраб олди.

Глобаллашув мавжуд муаммолар, шу жумладан, демократия ва хавфсизлик хусусида миллий давлатлар чегарасидан-да кенгроқ мушоҳада қилишни талаб этмоқда. Бу борадаги муаммоларни таҳлил қилганда ички муҳит ва маҳаллий таҳдидлар билан чекланиб қолмай, уларнинг ташқи олам, глобал жараёнлар билан нечоғли алоқадор эканига ҳам эътибор қаратиш лозим. Биргина коммуникация соҳасидаги ўзгаришларни олайлик. Бу борада эришилган ютуқлар боис дунёда ахборот тарқалиши ва алмашинуви тезлашиб, миллий ва глобал бошқарув учун қулай шарт-шароит юзага келди. Албатта, глобаллашувнинг бу каби одамлар оғирини энгил қилган жиҳатлари кўп. Лекин глобал мулоқот кундалик ҳаётда ёки давлатлар ва минтақалар ўртасида кечаётган баҳслар табиатидан фарқ қилмоқда. Кези келганда глобал

ахборот инсонларга фойдадан кўра кўпроқ зарар келтирмоқда. Бу ҳолат эса на демократик таомилларга тўғри келади, на дунё хавфсизлик тизими талабларига.

Яна бир гап. Мутахассислар бугунги глобал ахборот маконидаги маълумотларнинг 85 фоизи инглиз тилида, қолгани бошқа тилларда эканини таъкидлайди. Мана шу далилнинг ўзи дунёда Ғарб тафаккурининг таъсири кенгайиб, ўзга минтақаларда яшаётган миллатларда ғарбона маданиятга кўр-кўрона мойилликнинг (вестернизация) ортиб бораётганини кўрсатмайдими?!

Дунёдаги ҳар бир миллат ўзига хос тафаккур тарзи, маданиятга эга ва улар миллий тил орқали ифода этилади. Биз инглиз тили равнақи ва ушбу тилда сўзлашувчи халқлар маданиятига монелик қилиш фикридан йироқмиз. Фақат ана шу маданиятга мансуб баъзи кучларнинг ўзини демократия “яловбардор”и билиб, бошқа давлатлар, халқлар турмуш тарзи, ички ишларига аралашши, инсон ҳуқуқлари ниқоби остида ўз манфаатлари учун курашиши ва жаҳондаги турли миллатларни тоифалашга уринишига қаршимиз.

Демократия ҳам, хавфсизлик ҳам инсоннинг эркин ва фаровон яшаши учун керак. Тинч-осойишта муҳитда, демократик жамиятда умргузаронлик қилишни ҳар бир халқ олий мақсад деб билади. Аммо глобаллашув жараёнида демократия ва хавфсизлик мақсад эмас, восита саналмоқда. Ўзини халққаро ҳакам деб ҳоғлаётган айрим кучлар тарғиб қилаётган “демократия” гоҳида ривожланаётган давлатлар барқарорлигига таҳдид туғдирмоқда. Бу ўринда кейинги йилларда уюштирилган “рангли инқилоб”ларни эслаш кифоя.

Ғарб оммавий ахборот воситаларида дунё давлатлари сиёсий тузумига нисбатан “демократик” ёки “нодемократик” деган сифатлар ишлатилади. Аслида, “либерал” мамлакатлардаги “ақлий марказ”лар ёки “мустақил” экспертларнинг фикрлари кўпинча илмий-назарий жиҳатдан далилалаб бўлади, реал воқеликка ҳам тўғри келмайди. Бизнингча, давлатларни демократик ёки нодемократик тарзида таснифлаш мунозаралидир. Негаки, бирор давлатдаги демократик ҳолатни бошқа бир давлатнинг мезони асосида баҳолаб бўлмайди. Суверен давлатга бошқа бир давлат “демократик модели”нинг жорий этилиши эса мустақиллиқни бой бериш билан баробардир.

Баҳром ХҲЖАНОВ,
сиёсий фанлар номзоди, доцент

Panadagi dushman hamlasi

Устозлар, мусиқашунос ва санъатшунослар замонавий эстрадамизнинг бугунги аҳволи борасида куйинчаклик билан гапирмоқда. Аммо “тоши енгил” айтимлар қанча кўп танқид қилинмасин, натижа кўнгилдагидек эмас. Манфаат бор жойда маънавият қуруқ гапга айланиб, фойда бирламчи ўринга чиқади чоғи...

Шарқда қадимдан ажойиб мусиқа намуналари яратилган бўлиб, бу асарлар ҳалигача кадр-қиммати йўқотмай келаётир. Шарқ мусиқаси ривожланиш тадрижи ва хусусиятларига кўра Ғарб мусиқасидан фарқланади. Дейлик, Шарқ мусиқаси товуш қатори фақат бутун тонлар эмас, балки ярим тонлар орасида бўлинадиган чорак ва нимчоракка яқин товушлар воситасида ҳосил қилинадиган товуш қаторига асосланган. Азалдан Шарқ мусиқаси “санои нафиса”, яъни “нафис санъат” дея улуғланган. Абу Наср Форобий, Нажмиддин Кавкабий, Урмавий каби алломалар Шарқ мусиқасининг ўзига хос жиҳатларини очиб берибгина қолмай, бошқа халқлар мусиқаси билан боғлиқ жиҳатлари хусусида ҳам сўз юритган. Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур Шарқ мусиқаси масалаларига оид қарашларини баён этгани маълум. Масалан, Бобур Мирзо машҳур мемуар асарида бундай ёзди: “Жаҳонгир мирзонинг бир хонандаси бор эди. Миржон отлик. Баланд ва дурушт ва ноҳамвор ўқур эди. Жаҳонгир Мирзо кайфият маҳалда буюрдиким ўқугай, ғариб, баланд ва дурушт ва бемаза ўқуди. Хуросон эли пурзарофат тирилур эл. Мунинг бу ўқушидин бириси қулоғин тутамудур, яна бир чиройин читамудур, Мирзо жиҳатидин ҳеч ким ман қила олмайду” (“Бобурнома”, Тошкент, “Юлдузча”, 1989. 171-бет). Бундан англашиладики, ўша давр тингловчилари баланд ва сершовқин куй-ашулани ёқтирмаган, балки нафис оҳанглари қадрлаган. Умуман, яна бошқа кўплаб мўтабар манбаларда мусиқа нафис оҳанглари санъати экани таъкидланади. Аммо бизнинг давримизга келиб ушбу санъатга бўлган муносабат ва қарашлар бутунлай ўзгариб кетгандек.

Бугун мусиқанинг нафислиги йўқолиб, унинг ўрнини шовқин-сурон эгаллади. Овоз кучайтиргич ускуналар ёрдамида мусиқа эшитиш, концерт бериш оддий ҳолга айланган. Аммо бу ускуналарнинг

кучини суиистеъмол қилиб ҳаддан ортиқ даражага кўтариш одамнинг эшитиш қобилияти ва бутун асаб тизимига салбий таъсир қилади. Оқибатда одам нозик товушларни илғаш қобилиятдан маҳрум бўлиши ҳеч гап эмас.

Айрим хонандаларнинг чиқишлари, улар кўшиқ дея тақдим этаётган хиргойилар, телевидение, интернет ва уяли телефонлар орқали шиддат-ла тарқалаётган кўплаб “кўшиқ”лар “оммавий маданият” тегиригига сув қуяётир. Жонкуяр маънавият даргалари “оломон маданияти” дея таърифлаётган бу ҳодисот миллийлигимиз, минг йиллик қадриятларимизга зарба бераётгани ҳеч кимга сир эмас. Маънисиз алжирашлар, иргишлаб сакрашлар, бир гапни тўтиқушдек такрорлашлар – булар на нафис санъат талабларига, на соғлом мантиққа тўғри келади.

Тор доирада фикрлаш ҳамиша маҳдудликка, ўз қобиғига ўралишга олиб келади. Бу ҳам бир фожиа аслида. Шу маънода дунё маданияти ҳамда санъатидан узилиш қоқоқликка, бир жойда депсинишга йўл очади. Миллатчилик ва маҳдудлик ҳам шу тариқа туғилади. Лекин ўз миллий санъатини қадрлаш, уни тарғиб этиш асло маҳдудлик эмас. Яқин ўтмишдаги буюк санъат даргаларини ҳам, бугун ҳаёт бўлган санъат усталарини ҳам дунё айнан миллий ижроси туфайли тан олган ва қадрлаган.

Айрим гуруҳ ва хонандалар ижро этаётган куй-кўшиқлар ёшлар тарбиясига салбий таъсир этиши, уларнинг дидини ўтмаслаштириб, фикрий ялқовликка бошлаши мумкин. Донишманд боболаримиз бирор нарсага шунчаки ном бермаган. Масалан, айтимларнинг “кўшиқ” деб аталишига сабаб шуки, унда сўз, оҳанг ва ижро бир-бирига кўшилиши, яъни уйғун бўлиши керак. Кислород ва водород атомлари бирикса, ҳаётбахш неъмат – сув ҳосил бўлади. Тангри тоало барча нарсани ўз ҳикмати билан меъёр асосида яратган, меъёр бузилган жойда эса тартибсизлигу бошбошдоқлик авж олади. Кислород ўрнига бошқа бирон унсур, масалан, фтор танланса, у водород билан бирикмайди. Кўшиқда ҳам уч унсур вобаста бўлмоғи шарт. Гоҳида дуппа-дуруст, унвондор хонандалар ҳам кўшиқ учун сўз танлашга панжа орасидан қарайди. Қолаверса, кейинги йилларда олдин мусиқа яратиб, кейин унга шеър ёзиш урфга кирди. Буни ижо-

бий баҳолаб бўлмайди. Минг йилдан бери ҳукмрон бўлган қоида бор: аввал шеър ёзилиб, сўнг унга мусиқа басталанади!

Устозларимизнинг айтишича, бир пайтлар радио-телевидение ва филармония қошидаги бадий кенгашлар кўшиқларни ҳар тарафлама синчиклаб текшириб, маълум талабларга жавоб берганларинигина эфирга ўтказган. Ҳозир ҳам борми бадий кенгашлар? Бор бўлса унда нега саҳнаю эфирни алмойи-алжойи айтимлар босиб кетди?..

“Оломон маданияти” Ғарбдаги айрим кучларнинг Шарққа қарата маънавий ҳужумидир. Бурунги урушлардан фарқ қилиб, бугунги урушларда қурол-яроқ эмас, мафкура бирламчи аҳамият касб этаётир. Зеро, биринчи президентимиз Ислам Каримов ўн беш йил олдин мафкура полигонларининг ядро полигонларидан хатарлироқ экани ҳақида бонг ургани бежиз эмас. Шарқнинг минг йиллик устувор руҳини сўндиришга уринаётган, унинг фарзандларини бир хил ўйлаш, бир хил куйлаш ва бир хил кийинишга ундаётган, янги зомбилар,

манқуртлар, биороботлар яратишни кўзлаётган оломончилар энг таъсирчан ва самарали усул – санъат ҳамда адабиётдан фойдаланмоқда. Кўзга кўринмас душманнинг ҳамласидан миллатни ҳимоя қилиш эса зиёлилар, тафаккур аҳлининг ва-зифасидир.

Миллий гурур, аجدодларга эҳтиром туйғулари кўҳна қадриятлар ҳамда бебаҳо тарихий меросни яхши англашдан туғилади. Миллий гурурдан маҳрум кимсалар эса билиб-билмай ўзгаларнинг ногорасига ўйнайверади. Бизнингча, халққа тақдим этилаётган мусиқа намуналари, куй-кўшиқларни танлаш-саралаш, улар орасидан миллий тарбия ва маънавий камолотга кўмаклашадиганларини ажратиб олиш пайти келди. Зеро, мусиқа, куй-кўшиқ бошқа санъат турлари каби, аввало, инсонни тарбиялаши, эзгуликка чорлаши лозим.

Моҳичеҳра ШОМУРОДОВА,

*Ўзбекистон давлат Консерваторияси
магистранти*

Kimning bahosi xolis?

Ҳар бир санъат тури эврилишларга юз тутади. Ўзгаришлар асносида қарашлар, тушунчалар тиклашиб ёки хира тортиб бориши тайин. Масалан, бугун тасвирий санъатда янги бадий йўналишларнинг вужудга келиши натижасида қарашлар хилма-хиллиги юзага чиқаётир. Демак, санъат асарларини англаш, бадий таҳлил қилишда ҳам турлича ёндашувлар пайдо бўлмоқда. Бу борада санъатшуносларимиз томонидан муайян тадқиқотлар олиб борилмоқда. Академик А.Ҳакимовнинг ўзбек тасвирий санъати ва тарихига доир, С.Булатов каби олимларнинг тасвирий санъат асарларининг фалсафий ва психологик таҳлилига бағишланган илмий изланишлари шулар жумласидан. Аммо мавжуд тадқиқот ишлари тасвирий санъат асарини тушуниш борасида пайдо бўлаётган бўшлиқни тўлдиролмайди. Аксар ҳолларда оддий томошабин реалистик ва модернистик йўналишда яратилган асар ўртасидаги фарқни аниқлашда қийналади. Гоҳида эса рамзларга асосланган, фалсафий фикрлар сингдирилган композицияларни реалистик таҳлил тарозисида ўлчашга уринади.

Тасвирий санъат асарини бадий таҳлил қилишда, энг аввало, у қандай услубда яратилгани ёки қайси йўналишга мансуб эканини аниқлаш лозим. Негаки, реализмга йўналишга мансуб асарга қўйиладиган бадий таҳлил андазасини, дейлик,

сюрреализм руҳида яратилган асарга татбиқ этиб бўлмайди.

Бадий таҳлил борасидаги чалкашликлар сабаб асар гоёяси ва мазмуни томошабин онгига тўлиқ этиб бормайди. Боз устига, юзак таҳлил томошабин дидини ўтмаслаштиради. Бизнингча, тасвирий санъат асарини бадий таҳлил қилишда “умумийликдан хусусийликка” тамойилига таяниш мақсадга мувофиқдир.

“Тасвирий санъат асарининг ҳар бири ўзига хос янгилик. Уни ҳар бир томошабин ўзича тушунишга ҳақли. Демакки, тасвирий санъат асарларининг ҳаммасини ҳам бирдек таҳлил тарозисида ўлчаб бўлмайди” деган қарашдаги мутахассислар ҳам бор. Бундай ёндашувда ҳам жон бор. Аммо чуқурроқ мушоҳада қилинса, ҳар бир санъат асарига муносиб баҳо бериш зарурлиги ойдинлашади. Узоққа бормайлик, санъатнинг таъсирчан тури – адабиётда, у хоҳ назм, хоҳ наср бўлсин, муаллиф ҳар бир сўз учун жавобгар, масъул саналади. Худди шу каби кино, театр, мусиқа ва бошқа санъат намуналарига ҳам юксак мезонлар асосида баҳо бериш талаб этилади.

Хўш, кенг омма эътиборига ҳавола қилинаётган модернистик услубга хос тасвирий санъат намуналарини кенгроқ таҳлил этишнинг имкони йўқми?

Тасаввур қилинг, санъат қонуниятларидан сабоқ олаётган ёш ўқувчи устозидан модернистик йўналишда яратилган асарни тушунтириб беришни сўрайди. Устози ўқувчига, бу асарни кўриб, нимани ҳис қилаётган бўлсангиз, мазмуни ўша, деб жавоб берса тўғри бўладими? Муаллим шундай йўл тутди ҳам дейлик, аммо бу жавоб ўқувчини қониқтирадимми?

Маълумки, аксар экспрессионизм, сюрреализм, кубизм, формализм, абстракционизм каби оқимларга мансуб ва реалистик услубдан тамомила фарқ қилувчи асарларда муаллифлар ўз қараши, гоёларини айрича йўлларда ифодалашга уринади. Уларда шартлилик, рамз, фалсафий ёндашув устунлик қилади. Реалистик рангтаъсир асарида эса шакл ва ранглар вобасталиги, нафосати, ёруғлик ва соянинг мураккаб ечими, картинанинг яхлит композицияси, давр руҳи (тарихийлик ёки замонавийлик) кабилар асосий мезон саналади. Демак, реалистик йўналишдаги ҳамма асарлардан ҳам фалсафийлик қидириш ва уни зўрма-зўраки ёпиштириш тўғри бўлмайди.

“Санъат бу – фалсафа эмас! Рассомларнинг фақат фалсафий мушоҳада юритишга қизиқиб қолганини қўллаб-қувватлаш ўринлими? Санъатнинг

асосида, энг аввало, ҳунар ва маҳорат бўлиши керак, биз асарнинг юқори савияда бўлишини ўйлашимиз керак”, деб ёзган эди устоз Рафаэль Тоқтош (“Санъат” *журнали*. 1999 йил, 3-сон).

Бугун юртимизда барча соҳалар каби таълим тизими олдига ҳам катта вазифалар қўйилмоқда. Хусусан, ёшлар қалбида миллий ғурур ва ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш таълим-тарбиянинг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Ўқувчи ёшларнинг бадиий-эстетик дидини юксалтиришда эса тасвирий санъатнинг ўрни муҳим экани барчага аён. Дейлик, миллий рангтаъсиримизда модернистик йўналишдаги гўзал асарлар оз эмас. Соҳа тадқиқотчилари ўша асарларда илгари сурилган гоё ва мазмуни ўқувчи қалбига тўлақонли етказиш, композиция, ранглар ечими, мусаввир маҳорати ҳақида пухта илмий хулосалар бериши лозим. Зеро, бугунги давр ёш авлодда бадиий дид ҳамда маънавий иммунитет шакллантиришни талаб этаётганини унутмаслик керак.

Нурман БЕРДИЕВ,

*Қарши давлат университети
катта ўқитувчиси*

Samo sirlaridan ogoh siymo

Мустақиллик даври ўзбек драматургиясида Амир Темур, Мирзо Бобур, имом ал-Бухорий, ал-Фарғоний каби тарихий шахсларга бағишланган драматик асарлар яратилди. Жумладан, шахсий ҳаёти, биографиясига оид жуда кам маълумот сақланиб қолганига қарамай, дунёга машхур бобокалонимиз Аҳмад ал-Фарғоний ҳақида кўплаб пьесалар ёзилди. Булар орасида Ҳайитмат Расул қаламига мансуб “Пири коинот” пьесаси воқеа бўлди. Бир нечта фестивалда голибликни қўлга киритган бу спектакль янги асрнинг дастлабки йилларигача намоёйиш этилди. Шу билан тарихий асарларга мурожаат камайди. 2016 йилга келиб эса, тарихий спектакллар саҳналаштириш ишлари бир оз жонлангандек бўлди. Аксар (Навоий ҳамда Улуғбекка бағишланганлари) мавжуд асарлар қайта саҳналаштирилди, Фарғоний ҳақида эса ёзувчи Сайдали Одидов “Алломанинг қисмати” деган янги пьеса яратди.

Жамоатчилик эътирофи этган “Пири коинот” драмасидан қарий ўн саккиз йил ўтиб битилган “Алломанинг қисмати” пьесаси уларни ўзаро таққослашга

ундайди. Негаки, бу икки асарни таҳлил қилиб, тарихий шахс образини яратишда қандай мезонларга асосланиш лозимлигини англаш ва миллий драматургия, театримиз ривожига объектив баҳо бериш мумкин.

“Пири коинот” асарида Ҳайитмат Расул барча воқеаларни тарихий шахс атрофида қуришга, мураккаб даврда яшаган инсон қисмати, унинг ички кечинмалари, илмий кашфиётларининг назарий ҳамда тарихий аҳамиятини очиб беришга интилган. Асарда бош қахрамон бевосита мулоқот қилувчи бир қанча линия – ҳукмдор Маъмун, шогирдлари, маҳбубаси Фирдавс ва олимга қарама-қарши куч – мутаассиблар гуруҳи мавжуд. Ҳукмдор Маъмун билан мулоқотда Фарғоний камтар, хийла сипо бўлиб, тавозели муносабатида хушомад эмас, маърифатпарвар ҳукмдорга миннатдорлик англашилади. Шогирдлари билан учрашувларда оталарча меҳрибон, сабрли, мушоҳадали, жонкуяр устоз қиёфаси жонланади. Эътиборли томони шундаки, бутун асар давомида босиқ, камтарин, мушоҳадакор кўринган

Фарғоний фақат бир жойда – душманлар шогирди ал-Ёқубни телба қилиб, Дилмуродни ўлдиргандагина ғазаб отига минади ва жоҳилларга бор ғазабини сочади. Бундан бошқа бирон ўринда, ҳатто севгилиси тухматга қолганда, ўзи илмий асарлар ўғриси деб ёмонотлиқ қилинганда ҳам жазавога тушмайди. Маҳбубаси ёнида у олимлигини унутади, унгагина ўйлари, орзуларини очик-ойдин сўзлайди. Душманлар разиллиги, қабихлигини ғазабланади, гоҳида ночорлигидан сиқилади, лекин улар қаршида ўзини руҳан тетик, мардонавор тутлади. Муҳими, бир-биридан фарқ қилувчи бу турфа ҳолатлар мантиқ ҳамда воқеалар силсиласида бир-биридан узилиб қолмайди. Муаллиф уларни пьесадаги умумий услуб (романтик руҳият, фикрнинг поэтик ифодаси) билан боғлаган ҳолда асарнинг томошавийлигини ҳам таъминлаган. Бироқ бир ҳақиқатни тан олмай илож йўқ. Драматик асардаги қаҳрамонлар нутқи нечоғли равон, теран, жозибатор бўлмасин, томошабиннинг диққатини ўзига тортадиган, уни бир лаҳза бўлсин зериктирмасдан тугуннинг ечимини кутишга мажбур қиладиган куч бу – зиддияту драматизм кескинлигидир. Ушбу пьесанинг ютуқларидан бири прогрессив ҳамда регрессив кучлар ўртасидаги тўқнашувлар кескинлигидадир. Айниқса, ал-Зокирнинг Фарғонийга ҳар томондан зарба бериши томошабини серғак торттиради. У гоҳ Фарғонийнинг содиқ шогирди ал-Ёқубга дори бериб телбага айлантирса, гоҳ яна бир шогирдини унга қарши бўҳтон қилишга мажбур этади, севгилиси бошқа динда эканидан фойдаланиб, эътиқодга хиёнатда айблади, илмий асарларини кўчирган, дея ҳукмдорнинг ҳам унга ихлосини сўндирмоқчи бўлади. Бу хатти-ҳаракатлар шу қадар тез, қутилмаганда содир бўладики, томошабин бундай мураккаб вазиятда Фарғонийга зиён етишидан хавотирланади, зулмкорлардан нафратланади. Ўтмиш воқеаларини бевосита бугунги кунга, ўз ҳаётига кўчириб таққослайди. Муаллиф қаҳрамонини улкан олим, беқиёс иқтидор соҳиби эканини эътироф этса-да, "Аҳмад Фарғоний ҳаётини ҳаяжонларга бой саҳналарда ифода этибгина қолмай, само сирларидан огоҳ этишга ҳаётини бахшида этган зотнинг замин ташвишлари билан ҳам яшаши, муҳаббат ва садоқати, юрак бўронларини кўрсатади. Биз Ҳайитмат Расул ўйлаб толган Аҳмад Фарғонийга эмас, аксинча, гўё ўтмишдан боқиб турган аждодимизга дуч келамиз, унинг изтироблари бизга кўчади, қувончларига шерик бўламиз..." (*Сирожиддин С. Ҳайитмат Расул: қаҳрамонларим билан яшайман // "Театр", 2005. 1-2-сонлар*).

"Алломанинг қисмати"ни юқоридаги пьеса билан муқояса этганда бир қанча ўхшаш ҳамда фарқли жиҳатлар кўзга ташланади. Бу энг аввало, асар

тилида кўринади. Ҳайитмат Расул пьесани шеърый услубда ёзган бўлса, Сайдали Одилов қаҳрамонлар нутқини сажда (насродаги қофия) ифодалайди. С.Одилов пьеса яратиш жараёнида тарихий фактлар, манбаларга жиддий эътибор қаратган, уларни пухта ўрганган. Натижада асарда "Пири коинот" пьесасидан фарқли ўлароқ ҳажман ва мазмунан кўплаб воқеалар жамланган. Албатта, саҳна асари воқеаларга, кескин бурилишларга бой бўлса, томошабини шунча қизиқарлидир. Бироқ, бошқа томондан, айнан воқеалар қалашиб кетиши оқибатида муаллиф уларнинг асосий чизигини аниқлай олмай, иккиламчи воқеаларга ўралашиб қолиши мумкин. Маълумки, драматик асарда бир қанча сюжет чизигининг марказида ўқтомир бўлиб бош қаҳрамоннинг бевосита иштирокни тақозо этадиган ва асарнинг асосий конфликтини ифодаловчи фабула акс этиши лозим. Ёрқин фабуланинг мавжуд бўлишигина спектаклнинг яхлит ва мукамал композициясини таъминлайди. Фабула асардаги воқеаларнинг мавжуд бўлиш ёки бўлмалигига жиддий талаблар қўяди. Натижада асар госяини очишга хизмат қилмайдиган воқеалар ўз-ўзидан олиб ташланиши керак бўлади. Хусусан, "Алломанинг қисмати" пьесасида халифа Маъмурнинг Марвни пойтахт қилгани, унинг Бағдодга келиш сабаблари кўрсатилади. Бу воқеаларда бош қаҳрамон Аҳмад Фарғоний иштирок этмайди. Умуман, Фарғоний ҳаёти, қисматига бу воқеаларнинг бирон боғлиқ томони кўринмайди. Шу сабабли пьесанинг саҳнавий талқинида Марвдаги воқеалар олиб ташланган, лекин спектаклнинг умумий ривожига бунинг заррача таъсири сезилмайди. "Тарих ҳақиқатини бузмай ё унга мувофиқ мушоҳада юритиш мумкин, ҳатто керак ҳам. Бироқ гап шундаки, адабиёт – санъат асари ҳар қандай факт ва тарих ҳақиқатини бадий идрок этиш экан, ўша фактнинг илмга маълум ё номаълумлигидан қатъи назар, мантиқ оқимига амал қилган ҳолда, ўз кўрими, ўз муносабати ва ҳодисаларнинг ўз ҳиссий таҳлили ҳам ечимини тақлиф этади. Тафсилотлар мавжуд факта тарихан аниқликда бўлмаслиги мумкин... Аммо ўша тафсилотларни мантиқ тарозисини бузмаган ҳолда, эркин бадий идрок этиш ва уни бадий мушоҳада сифатида тақлиф этиш санъаткорнинг ҳақидир..." (*Ризаев Ш. Бадий мушоҳада ва тарих ҳақиқати // "Театр", 2003. 2-сон*).

"Алломанинг қисмати"да ҳам Фарғонийнинг Бағдоддаги ҳаёти, Байт ул-ҳикма ва Шамосия расадхонасидаги фаолияти, Мусо Хоразмий билан ҳамкорлиги тасвирланган. Балки муаллиф ўзидан олдин яратилган пьесалардан фарқлиниши учун асарига қаҳрамоннинг болалиги, Марв воқеаларини киритгандир. Бироқ воқеаларнинг тигизлашиб

кетиши қахрамон характери ҳамда психологик ҳолатлари очилмай қолишига сабаб бўлган. Бутун спектакль давомида Фарғоний (актёр Муҳаммадали Абдуқундузов) сахнанинг у ёғидан бу ёғига юради. У ҳамиша назокатли, хушфёъл ва киборларча вазмин. Асарнинг бирон ўрнида қахрамоннинг ички тугёни кўринмайди. Тўғри, актёр қахрамоннинг рақиби Асрор иғво қилаётганда унга нисбатан нафратини ифодаламоқчи бўлади, лекин турган жойида ғазабнок сукути билан, залворли бир сўз демай томошабинга буни қандай етказиш мумкин? Шу ўринда асарнинг асосий камчилиги кўзга ташланади. “Пири коинот” пьесасида ал-Зокир рақибига зарба бериш учун зимдан, кескин ҳаракат қилади. Алломанинг разил ишларга бормаслигини билган ҳолда ўзи ҳар қандай пасткашлиқдан қайтмайди. У ўзининг Байт ул-ҳикмадаги ўрни, обрўини сақлаб қолиш пайида. Бу ерда салбий қахрамон шекспирона акс эттирилган дейиш мумкин. Зеро, унинг ўз ҳақиқатлари бўлиб, бу билан тарафдор орттириш, ўзини хабрдийда қилиб кўрсатишга уринади. Зимдан ҳаракат қилиши ҳам унинг аҳмоқ эмаслигидан далолат. Фитнани сезган Маъмун уни тирик кўймаслиги ҳам кундек аён. Бундан ташқари, Фарғонийни жисман маҳв этиш унинг учун ғалаба эмас. Агар шундай бўлганида хилватда унга суиқасд уюштириши мумкин эди. Ал-Зокир учун энг даҳшатли хавф – душманининг шон-шухрати, довриги. Рақибини бадном этибгина ўзи рўшнолик кўриши мумкин. Шундай мантиқий изчил омиллар “Алломанинг қисмати”да кўринмайди. Бош қахрамонга қарши куч сифатида ёшлиқдаги сабоқдоши тасвирланади. Рақиб бўлмиш Асрор Фарғонийнинг даҳрийлик қилаётганини тинимсиз юзига солгани солган. Аммо бу даъвони Фарғоний Қуръони каримнинг илм исташ ҳақидаги биргина ояти билан

йўққа чиқаради. Шундан сўнг Асрор Фарғонийнинг севгилисига кўз олайтиради. Бир қарасангиз, олимлик даъво қилади... Бундай узук-юлуқ зиддиятлар билан эса сахна асарининг динамикасини ривожлантириб, драматизмни таъминлаб бўлмайди. Асарнинг бугунги кунги аҳамиятини ошириш мақсадида қахрамон тилидан онда-сонда ватан соғинчи ҳақидаги фикрлар янграйди, лекин бу борада бирор ҳаракат кўзга ташланмайди. Шу каби камчиликларни бошқа санъатшунослар ҳам таъкидлаган (*Матёқубов А. Аллома қисмати// “Театр”, 2016. 5-сон.*)

“Пири коинот” ҳамда “Алломанинг қисмати” пьесалари мисолида шу жиҳат англашиладики, драматик асарда тарихий шахс образи талқини имкон қадар бугунги кун томошабинига тушунарли бўлиши керак. Қолаверса, қахрамон дунёқарашининг кенг қамровда очиб берилиши асарнинг томошабоплигини оширади. Фарғоний мисолида гапирганда, унинг олим, фуқаро, шогирд, устоз, инсон ва керак бўлса, рақиб сифатидаги дунёқараши очиб берилиши, сўз, ўй, хатти-ҳаракат мувофиқлиги таъминлаши лозим. Яна ҳам муҳими, қахрамон инсоний фазилатлари яққол акс этадиган синов, имтиҳондан ўтказилиши керак. Фарғонийнинг дунёга машхур олимлиги барчага аён, бироқ томошабинга кўпроқ унинг илм-маърифат йўлидаги заҳматлари қизиқ. Драматургларимиз олдида нафақат тарихий шахслардан фахрланиш туйғусини жўш урдириш, шу билан бирга, уларнинг инсоний фазилатларини замондошларимиз, айниқса, ёшлар қалбига синдириш вазифаси ҳам турибди.

Бахтиёр ЁҚУБОВ,

Ўзбекистон давлат Санъат ва маданият институти катта илмий ходим-изланувчиси

Zarraga jo bo'lgan olam

Қадимги даврга оид зардўзлик ишлари бизгача етиб келмаган. Бироқ ёзма адабиётларда санъатнинг бу тури XIV асрда ҳам мавжуд бўлгани, милодий VI – VII асрларга оид деворий суратлардаги нақшу нигорлар эса зардўзлик илк ўрта асрлардаёқ ривож топганидан дарак беради. XIX асрда зардўзлик санъати маркази Бухоро шаҳри бўлган. У, даставвал, амир, зодагонлар ва жамиятнинг бой табақаси эҳтиёжини қондиришга хизмат қилган (*Гончарова П. Бухоро зардўзлик санъати. Тош-*

кент, Фафур Фулом нашриёти, 1986. 5-бет). Бухоронинг ўзига хос зардўзлик санъати XIX асрнинг иккинчи ярмида шаклланган. Анъанага кўра, бу санъат билан асосан эркаклар шуғулланган. Зеро, халқда “Аёлнинг қўли теккан зарсим хира тортади”, деган ишонч бўлгани ҳақида уста зардўзлар хотирлайди. Шунга қарамай, аёлларнинг мазкур санъат тури билан шуғулланишига тўсқинлик бўлмаган. Зардўз устанинг оиласидаги хотин-қизлар ҳам унга кўмаклашган. Мазкур санъат намуналари, асосан,

Бухоро аркида кенг қўлланган. Эҳтимол шу боис бу санъат билан асосан эркаклар шугуллангандир. Дарҳақиқат, зардўз усталар аввалига Арқда, кейинроқ эса Арк яқинидаги Қушбеги ҳовлисида ишлаган.

Амир Музаффархон (1860-85) ҳукмронлиги даврида зардўзлик хийла юксалган. Жумладан, айна шу даврда зардўзларга буюртмалар ортган, эъзоз-эътиборда бўлган кишиларни зардўзи тўн билан сийлаш одат тусини олган. Шунингдек, амир Абдулаҳадхон (1885-1910) даврида Бухоро шахрининг Мирдўстум маҳалласида иккинчи зардўзлик устахонаси очилган. Амир Олимхон (1910-20) даврида эса зардўзлик санъати тўлиқ марказлаштирилган. Барча йирик буюртмаларни закотчи Калонга қарашли устахоналар бажарган. Бу устахоналарнинг йигирмадан ортиқ дўкони бўлган.

Дабдабаю ҳашамга ўчлик амир ва унинг яқинлари кийимларини бошдан-оёқ зар билан безашни урфга айлантди. Хусусан, уларнинг дўппи, кулоҳ, салла, тўн, белбоғ, калиш, этик ва ҳатто пайтавалари зар билан безатилган. Сарой хонимларининг ҳам чопон, кўйлак, пешонабанд, култапўшак, лозим ва калишларигача бежирим зар нақшлар билан сайқалланган. Сарой хоналарига-да турли зардўзлик буюмлари билан оро берилган.

Уста зардўзлар "заминдўзи" услубидан кенг фойдаланган. Мато асосининг барча қисмини зарсимлар билан қоплаб тикиш бу услубнинг фарқли жиҳати бўлган. Матога нафақат содда гуллар солинган, айна чоқда энг мураккаб геометрик "гирих"лар ҳам тикилган (*Қаранг: Фахретинова Д. Автореф. канд. дис. "Пути развития декоративно-прикладного искусства Советского Узбекистана". Стр. 6; Бўронов Б. "Ҳозирги замон Бухоро зардўзлиги" диплом иши. Тошкент, 1978. 34-бет*).

Зардўзликнинг яна бир услуги "гулдўзи" бўлиб, бунда мато юзасига нақш ва ўсимликсимон мотивларни жойлаштириш, ранг ва заррин нақшларнинг ўзаро уйғунлигига эришишга аҳамият берилган. Бу услубда тикилган буюмларнинг безаклари – барг, гунча, гул, бута, дарахт, чирмовиқ каби ўсимлик мотивлари бир қадар соддалаштирилган бўлса-да, ўз тасвирий пластикасини йўқотмаган. Нақшлар орасида зооморф мотивлар – "чашми булбул" (булбул кўзи), "морак" (илонча), "тағалак" (қўқорча), "забони гунжешак" (чумчүк тили) каби шакллар умумнинг бўлаги тарзида келади. Шунингдек, "моҳ" (ой), "ситора" (юлдуз), "мавж" (тўлқин), "оба" (сув), "қошин" (гул) ва бошқа мотивлар қатори каллиграфик ёзувлар қитъа нақшларида ва ҳошияларда учраб туради.

XIX аср ўрталаригача зардўз усталар заррин нақшлар билан тағ (фон) орасидаги мутаносибликка эътибор қаратган бўлса, XIX аср охирига келиб безак ҳашамлилиги устувор аҳамият касб эта

бошлаган. Матонинг ранги, нафислиги эса назардан четда қолган. Шунга мувофиқ ишлатиладиган матолар ҳам ўзгара бошлаган.

Зардўзлик учун "кариё" деган махсус металнинг заррадек тешигидан олтин тортиб ўтказилиб зарсим тайёрланган, худди шу усулда ясалган зарсимлар Ҳиндистон ва Эрондан Бухорога келтирилган. Бу давр зардўзлик буюмларида олмос, гавҳар, зумрад, нилум ва бошқа қимматбаҳо тошлар кенг қўлланган. Бундан ташқари, чизма, ўйма, босма билан ишлов берилган кумуш, олтин ва олтин суви юритилган айлана, кўпбурчак, ромб тарзидаги турли безак намуналаридан ҳам фойдаланилган. Кичик гумбаз тарзидаги "қубба", ўртаси тешик олтин ва кумуш айлана "пулакчалар" урфга кирган. XIX аср охири ва XX аср бошларида турли рангдаги баҳмалдан меъёрдан ортиқ аппликация қилиш, заррин нақшлар қатори ранг-баранг каштадан фойдаланиш безакнинг оғирлашуви, ола-қуроқ тус олишига сабаб бўлган. Ҳатто рангли фаранг шоҳи ва баҳмал матоларига ҳам зар билан ишлов берилган. Хуллас, зардўзлик санъатида нафислик ўрнини бачканалик эгаллаган.

Россия фабрикаларидан матолар келтирила бошлагач, уста зардўзлар мазкур матоларни ҳам йирик гуллар билан безашни урфга айлантди. Бундай нақшлар "гули қалъаги" (қалъа гули) деб номланади.

Ҳозирги кунда ҳам зардўзлик санъати Бухорода кенг ривож топиб, халқ амалий безак санъатида ўз ўрнига эга бўлиб турибди. Эндиликда нафис зардўзлик санъати билан аёллар кўпроқ шугулланадиган бўлди. Зардўз чеварлар белбоғ, сумка, нимча, оёқ кийим, дўппи ва турли-туман эсдалик буюмларини яратмоқдалар (*Зардўзлик. Тузувчи Азизова Н. Тошкент, Фафур Фулом нашриёти, 1968. 8-бет*). Турли тўй-томошаларда заррин сарпо, кийим-бош урфга кирган, санъақорларимиз зардўз тўн, нимча, зар дўппи, зардўзи ковуш-махсилардан кенг фойдаланяпти. Жумладан, Бухоро шахридаги "Бухорча" ашула ва рақс ансамбли хорижлик сайёҳлар учун ўз репертуарида "Зардўз қизлар" номли мусиқий куйлар жамланмасини ҳамда зардўзликка оид бир қанча сара куй ва ашулаларни намойиш этаётир.

Шу тариқа Бухоро халқ амалий-безак санъатининг юксак намунаси бўлмиш зардўзлик дастлаб сарой аъёнлари ва йирик зодагонлар эҳтиёжини қондиришга хизмат қилган бўлса, кейинги даврларда замон талаби асосида янада такомиллашган. Шунга мос тарзда зардўзлик услублари ҳам ўзгариб, янгиланиб борган.

Ганижон ХУДОЕВ,

Ўзбекистон давлат Санъат ва маданият институти кафедра мудири

“O‘zbek ishi”mi yoki “Kreml ishi”?

Ўзбекистон Совет Иттифоқи таркибида бўлган даврда бир неча бор қиргин ва қатагонни бошдан кечирган. Хусусан, 1983-89 йилларда уюштирилган “пахта иши” деб аталган кампания халқимиз бошига кўп қулфатлар ёғдирди.

Етмиш йил давомида зўравонлик сиёсати юри-тиб келган шўро салтанати ўтган асрнинг 80-йил-ларига келиб ҳам иқтисодий-ижтимоий, ҳам маъ-навий жиҳатдан инқироз ёқасида эди. Шу маънода Москвадан Ўзбекистонга “десантчилар” гуруҳининг юборилиши ва бутун бир халқни ёмонотлиқ қилиш-га уринишни жон талвасасидаги империянинг сўнг-ги хуружи деб баҳолаш мумкин. Марказ уюштирган тергов кампаниясига “ўзбек иши” деган ёрлиқ тақил-ди. Бутун бир миллатга туҳмат қилиш, миллионлаб инсонларни порахўрга чиқариш мисли кўрилмаган адолатсизлик эди. Биринчи президентимиз Ислоом Каримов таъкидлаганидек, “Биз “пахта иши” деган-да, унинг мудҳиш оқибатлари ҳақида гапирганда, аввало, ана шундай минг-минглаб оддий, бегуноҳ одамларни, уларнинг бошига тушган фожияларни тушунамиз ва сунъий равишда ўйлаб топилган бу кампанияни халқимизга, юртимизга нисбатан олиб борилган оммавий қатагоннинг бир кўриниши деб баҳолаймиз” (Ислоом Каримов. *Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2015. 25-бет*).

Хўш, Иттифоқ таркибидаги ўн бешта респуб-ликадан айнан Ўзбекистон танланишининг боиси нима? Бизнингча, бунинг асосий сабаби Марказ юритган сиёсатнинг ғирромликка асослангани эди. Қолаверса, ўша даврда Ўзбекистонни идора этган раҳбарларнинг ошкора адолатсизликни кўра-би-ла туриб сукут сақлагани вазиятни янада мушкул-лаштирган.

Қатагон ижрочиларидан бири терговчи Т.Гдлян-нинг тан олишича, ўзбек халқига нисбатан уюшти-рилган кампания кейинчалик “Кремель иши”га айла-ниши кўзда тутилган эди. “Ўзбек иши бўлмаган. Биз-нинг терговимиз Москвага қаратилган эди, аниқроқ айтсак, бу “Кремель иши” эди”, дейди Гдлян 1989 йил 25 майда СССР халқ депутатларининг I съезди-да (Гдлян Т., Иванов Н. *Кремлевское дело. Ростов на-Дону, “Книга”, 1994. Стр. 8*).

КПСС Марказий Комитети Бош котиби Леонид Брежнев вафотидан сўнг ҳокимиятга Юрий Андро-

пов келади. Янги саркотиб нураб бораётган совет давлатини қутқариб қолиш мақсадида шўро ҳоки-миятининг эски усули – қатагон сиёсатига қўл ура-ди. Бу борада Ўзбекистон ССР раҳбари билан ДХК раиси ўртасидаги низо ва ДХК раисининг саркотиб Ю.Андроповга йўллаган йнвогарона мактублари боис янги қатагон учун ўзбек халқи танланган, деган тахмин ҳам мавжуд.

СССР прокуратураси терговчилари Т.Гдлян ва Н.Ивановга тергов жараёнини ўзи хоҳлаган тарзда олиб боришга қулай шароит яратиб берилади.

“1984 йилда Ўзбекистон ССР прокурори, унинг муовинларидан учтаси, энг катта бошқармалар-нинг бошлиқлари лавозимларига марказдан келган одамлар кўйилди. Бу билан чекланмасдан, аста-се-кин область даражасидаги прокурорлар... ҳам Мос-ков томонидан юборилди. Кейинги босқичда эса район прокурорлари лавозими ҳам “меҳмонлар” учун бўшатилади. Ўша вақтда Ўзбекистонда тергов ишини олиб борган Гдлян-Ивановлар қилмишлари-ни яширишгина эмас, балки уларнинг эндиги ўзбо-шимчаликлари учун ҳам барча шароитни муҳайё қилиш марказдан юборилганларнинг асосий вази-фаси ҳисобланган” (Азизхўжаев А. *Чин ўзбек иши. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2011. 252-бет*).

Архив ҳужжатларида қайд этилишича, Ўзбеки-стонда “пахта иши” деган уйдирма буйича 40 минг киши тергов қилинган, уларнинг аксари ҳибсхо-наларда прокурор санкциясиз ушлаб турилган, 5000 киши эса сохта айблов билан жиноий жавоб-гарликка тортилган. Гувоҳларнинг шохидликларига кўра, тергов жараёнида инсон ҳуқуқлари топталиб, тутқунларга жисмоний ва руҳий тазийк ўтказилган. Ҳатто уларнинг оила аъзолари, қариндош-уруғла-ри қамоққа ташланган. Қатагон қиличи энг аввал марҳум Шароф Рашидов хотирасига қарши кўта-рилди. У билан бирга ишлаган турли даражадаги раҳбарлар ёппасига ишдан олинди. Кадрларни ом-мавий алмаштириш сиёсати эса аянчли асоратлар-га олиб келди.

Гдлян ва унинг қўл остидаги терговчилар “по-рахўр амалдорлар” сафини сунъий равишда кен-гайтириб, ҳуқуқ меъёрларини кўпол равишда буз-ган. Маҳбуслар муттасил таҳқирланган ва кўрқи-тилган. Тергов қилинаётган кишилардан респуб-лика даражасидаги раҳбарларга қарши гувоҳлик бериш талаб этилган (Бу ҳақда қаранг: *Қаҳрамонов*

Т. Қонсираган қотиллар. Тошкент, "Ўзбекистон", 2008; Раззоков Ф. Коррупция в Политбюро: Дело "красного узбека". Москва, "Эксмо", 2009; Илюхин В. Қабоҳат ёхуд... "Ўзбеклар иши" деган уйдирма хусусида. Тошкент, "Ўзбекистон", 1992).

Тергов жараёнлари шу қадар адолатсиз ва ноқонуний кечганки, натижада прокуратура органларига фуқаролар, мансабдорлар, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳамда халқ ноибларидан юзлаб шикоятлар келиб тушади. Шу тариқа СССР Олий Совети Президиуми халқ депутатлари, ҳуқуқшунос олимлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг вакилларидан тузилган махсус комиссияга Т.Гдлян ва Н.Иванов тергов ишларини ўтказишда қонуничиликка нечоғли риоя этганини текшириш топширилади.

Текширувлар натижасида кўплаб қонунбузарликлар аниқланади. Масалан, салкам беш йил ҳибсда сақланган Бухоро область матлубот идораси бошқарувининг собиқ раиси Мирзабобоевнинг тергови 1986 йил ўрталаридаёқ ниҳоясига етган, аммо терговчи Гдлян ушбу жинойи ишни 1989 йилга қадар судга юбормаган. Бухоро область партия комитетининг собиқ биринчи секретари Абдувоҳид Каримов иши юзасидан унинг 16 нафар қариндоши беш ойдан саккиз ойгача муддатга қамалган. Усмонхўжаев, Мусахонов, Камолов ва бошқаларнинг яқин кишиларига ҳам ана шундай адолатсиз чора қўл-

ланган. Қарши шахрида яшовчи Муянов икки йилу тўрт ой, ҳомиладор Н.Аҳадова эса 20 кун асоссиз равишда ҳибсда сақланган ("Совет Ўзбекистони" газетаси, 1989 йил 21 май). Адолатсизлик қурбони бўлган бу каби юзлаб юртдошларимизнинг номини келтириш мумкин.

СССР прокуратураси халқ олдида обрўсини сақлаб қолиш мақсадида дастлаб терговчилар Гдлян ва Ивановни Ўзбекистондаги тергов ишларидан четлатади. Кейинчалик СССР Олий Кенгашида уларни жинойи жавобгарликка тортиш масаласи муҳокама қилинади. Муҳокама якунида СССР Бош прокурори икки терговчини хизмат интизомини қўпол равишда бузгани учун прокуратура органидан ишдан бўшатиш ҳақида буйруқ чиқаради, холос.

Бутун бир миллатга тўхмат тошини ёғдирган шахсларга берилган жазо шугинами? Хазон этилган умрлар хунини ким тўлайди? Инсон ҳақ-ҳуқуқи топталган мустабид тузумда бундай ҳақли саволларга жавоб топиб бўлармиди! Юртимиз мустақилликка эришгач, "пахта иши" деб аталган хунрезликка чек қўйилди, ноҳақ қамалган ёки жазога тортилганлар оқланди, яқин ўтмишимизнинг қора саҳифалари тадқиқ этила бошлади.

Хусан АБУЕВ,

*Навоий давлат Педагогика
институтини ўқитувчиси*

Qimmatga tushgan "ozodlik"

Ўрта Осиё ҳудуди совет давлати таркибига кiritилгач, маҳаллий бошқарув тизими, жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ва маънавий соҳалар янги-ча асосда қурила бошлади. Бу жараёнда ҳукумат маҳаллий хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни "замонавийлаштириш", жамиятда эркаклар билан тенг фаолият юртишини таъминлаш (кейинчалик улар меҳнатидан кенг фойдаланиш) масаласига жиддий эътибор қаратди. Ушбу жараённи янада тезлаштириш масаласи Ўрта Осиё партия комитети хотин-қизлар бўлимлари ходимлари иштирокида ўтказилган кенгашда муҳокама этилиб (1926 йил сентябрь), аёлларни мажбурий равишда "озодликка чиқариш", яъни паранжидан халос этишга қарор қилинди (*Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир М.Жўраев. Тошкент, "Шарқ", 2000. 105-бет*). "Хужум" деб аталган

бу тадбир бошланган илк кезлар муайян муваффақиятларга эришилди албатта, яъни аёлларга ўқиш, билим ва малакасини оширишга имкон яратилди. Натижада ўзбек аёллари орасидан маориф, маданият, фан, санъат, тиббиёт ва ижтимоий турмушнинг барча соҳаларида фаол зиёлилар етишиб қичди.

"Хужум" кампаниясининг илк йиллари кўп аёллар паранжи ташлаб (1927 йил баҳорида 100 минг нафар), ижтимоий-сиёсий жараёнларда қатнаша бошлаган бўлса-да, бу сиёсатни амалга ошириш салбий оқибатлар билан кечди. Ўзбекистон ССР прокуратурасига вилоятлардан ўта махфий тамга остида топширилган ҳисоботларда қайд этилишича, 1927 йили "Хужум" ҳаракати аҳолининг маълум бир қисми, жумладан, давлат ташкилотларида ишлайдиган эркаклар аёли, шунингдек, камбағал ва батрақлар оиласи томонидан қўллаб-қувватлан-

ган, уламолар, бойлар, савдогарлар эса унга қарши тарғибот-ташвиқот олиб борган (*Ўзбекистон Республикаси Президентини Девони архиви, 58-фонд, 5-рўйхат, 865-иш, 62-63-варақлар*).

“Хужум” шу қадар шиддатли тус олдириладики, ҳатто хотин-қизлар юзини очиш бўйича Ўзбекистон, Туркменистон ва бошқа республикалар ўртасида “социалистик мусобақа” ташкил қилинади. Қизиги шундаки, бу тадбирга республикаларнинг совет суд-хуқуқ, ички ишлар органлари, прокуратура ходимлари ва терговчилар ҳам жалб этилади. Мусобақа давомида (1929 йил 1 сентябрдан 1930 йил 1 мартгача) суд ходимлари ажралиш ишларини жадаллаштириш билан шуғулланган бўлса, бошқа иштирокчилар қишлоқларга бориб жамиятда аёллар ўрни ва ҳақ-хуқуқлари тўғрисида маърузалар ўқиши зарур эди. Шунингдек, уларга маҳаллий хотин-қизлардан суд-хуқуқ органларига ходимлар жалб этиш, суд жараёнларида халқ маслаҳатчиси сифатида қатнашишига шароит яратиш вазифаси ҳам юкланади. Бу вақтда аёллардан кекса эридан ажралиш хусусида судга мурожаатлар тушиб турган бўлиб, “мусобақа” давомида бу жараён янада авж олган. Натижада Ўзбекистонда кўплаб оилалар бузилди, ажралишга ариза берган аёлларнинг баъзилари эри ёки ака-укаси томонидан жазоланди. Советларнинг хотин-қизларни озодликка чиқариш борасида тезкорлик билан амалга оширган сиёсати маҳаллий аёлларнинг бегуноҳ қурбон бўлишига-да сабаб бўлди. Буни тасдиқловчи кўплаб далиллар мавжуд. Давлат сиёсий бошқармасининг Кўқон округи томонидан Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетига топширилган далолатномага кўра (1927 йил июнь), Бувайда ва Бешарик тумани ҳамда Оқтепа ва Ғори қишлоғида паранжи ташлаган аёллар ўлими билан боғлиқ жиноий ишлар кўзгатирилган (*ЎЗР ПДА, 58-фонд, 2-рўйхат, 1153-иш, 65-66-варақлар*). 1927-28 йиллар Ўзбекистонда 2.5 мингдан зиёд аёл (*Алимова Д. “Хужум”-га зарурат бормиди? “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1992 йил 11 сентябрь*) бевақт ҳаётдан кўз юмган бўлса, Хоразм шаҳар прокурори берган хабарномада “... кўриб чиқилган атиги 20 та жиноий ишда 68 нафар аёл ўлими маълум бўлган” (*ЎЗР ПДА, 58-фонд, 2-рўйхат, 1153-иш, 87-88-варақлар*) дея таъкидланади. Бошқа бир ҳужжатда 1928 йили республика бўйича 208 аёл ўлими билан боғлиқ жиноий иш кўрилгани, ҳақиқатда эса бу рақам анча катта экани, масалан, биргина Хоразм вилоятида 68 аёл ўлдирилгани-ю, бор-йўғи 20 та жиноий иш кўзгатирилгани, округ прокурорларининг 1929 йил тўрт ойи юзасидан топширган ҳисоботида эса 21 аёл ўлдирилгани, 2 нафари жароҳатлангани қайд

этилган (*Россия Федерацияси давлат архиви, 374-фонд, 27-рўйхат, 1708-иш, 86-87-варақлар. Маълумотлар Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи-методик марказ архиви фондидан олинган*).

“1929 йил 1 январдан 15 апрелгача Фарғона округининг Марғилон районида 2 аёл оғир яраланган, Андижон округи Мухунбек қишлоғида фаол аёллардан бирини маҳаллий имом ўлдирган, Шахрихон районида 2, Сурхондарёда 4, Зарафшон округида 2, Хоразм округида 1 аёл ўлдирилган ва 2 нафари жароҳатланган, Самарқанд округида 3, Тошкент округида 2, умумий ҳисобда 20 нафар аёл ўлдирилган ва 5 тасига оғир тан жароҳати етказилган” (*ЎЗР ПДА, 58-фонд, 2-рўйхат, 1153-иш*). Бу жараённинг салбий оқибатлари акс этган яна кўплаб ҳужжатларни мисол тариқасида келтириш мумкин.

Ўзбекистон ҳудудида хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёндаги иштироки, жумладан, паранжи ташлаш билан боғлиқ муаммолар, бу жараёнлар негизда содир этилган турли жиноий ишлар XX аср 30-йиллари охирида ҳам давом этгани архив ҳужжатларида учрайди. Хусусан, бу борада Ўзбекистон ССР прокуратурасининг 1939 йил 2 февралда 56-сонли буйруғи эълон қилинади. Унда аёлларнинг паранжи ташлаш жараёни билан боғлиқ жиноий ишлар ҳали-ҳануз давом этаётгани, шу сабабли бу каби жиноий ишларнинг олиб борилиши, улар сони ва ҳолатини доимий назорат қилиш, шунингдек, аёлларни давлат ташкилотларига жалб этишни жадаллаштириш (прокуратура ва шу каби ташкилотлар) зарурлиги таъкидланиб, буларни бажаришга Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР прокурорлари ёрдамчилари маъсул қилиб белгиланади (*Россия Федерацияси давлат архиви, 8131-фонд, 16-рўйхат, 48-иш, 4-5-варақлар*).

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда советларнинг хотин-қизлар билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий тадбири туфайли ўзбек аёллари руҳан уйғонди, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида эркин, фаол қатнаша бошлади. Аммо, совет даврида бу жараёнга биртомонлама қаралиб, фақат ижобий баҳо берилган бўлса-да, ўша даврга тегишли кўплаб бирламчи манбалар маҳаллий аҳолининг тарихан таркиб топган турмуш тарзи, урф-одатлари, ислом дини билан боғлиқ анъаналар ҳисобга олинмагани боис, бу ишлар салбий оқибатлар билан кечганидан далолат беради.

Авазбек ЕРМЕТОВ,
Ўзбекистон Миллий университети
доценти



SUMMARY

Interview with Khurshid Dustmuhammad, literary scholar and writer. pp. 4-19.

One of the very painful problems within Uzbek society is prevailing excessive flattery and self-censorship among intelligentsia. Why many Uzbek intellectuals prefer sweet lie or open dishonesty to bitter truth? Why they greet lies with applause but try to wrap inconvenient truth? Why they wait initiatives only from president or high-ranking officials? Where their vigor has been lost? Interviewee argues that the main reason of widespread flattery and lying is fear. Fear from each other, fear from anything unknown. For today's Uzbek intelligentsia it's more secure to accept pleasant lies in silence, and avoid telling thorny truth. And the second main issue in the interview is about National Academy of Sciences of Uzbekistan that is living in only papers losing its place and role in government politics and its reputation among people. The research institutions of the academy have been taken from it and distributed to universities making the academy existent only in name. This was a reformation of the government. "Is there any nation without national academy of sciences in the world?" puts the question our interviewee, and argues about the causes of this shameful situation.

Mansur Bekmurodov. Creative Man and Work Ethic, pp. 27-33.

Work or labor as a primary factor of intellectual and material production plays a vital role in a life of nation. The future of a nation is determined by the quality of labor force and people's attitude to it. A person's adherence to or belief in the work ethic is principally influenced by socialization experiences during childhood and adolescence. Through interaction with family, peers, and

seniors, a person learns how to value of work behavior. People's attitude to work is shaped by the socialization which occurs in the workplace. Based on praise or blame and affection or anger, a child appraises his or her performance in household chores, or later in part-time jobs, but this appraisal is based on the perspective of others. As a child matures, these attitudes toward work become internalized, and work performance is less dependent on the reactions of others. The article discusses various attitudes to labor and its role in social development.

Sardor Salim. Are Central Asian Societies Post-Colonial? pp. 34-39.

The modern Central Asia is studied mainly through the lens of either 'democratization theory', nationalism or Islamic revival/radicalism categories. However, there exists another, more useful analytical category of post-colonialism, which is strangely overlooked in the literature both by international and local scholars. The theme of post-coloniality as characteristic of post-Soviet Central Asia has been reluctantly and ambiguously developed. The reason for this reluctance and ambiguity has been the disputed nature of the Soviet state. Was it colonial empire or modernizing state? Given the historical particularities of the Soviet project, is postcolonial theory valid for the new Central Asia? The main point this article makes is rather straightforward: viewing Central Asian societies as post-colonial gives us better analytical framework to understand the processes undergoing in modern Central Asian societies.

Bahodir Karim. Babur and Qodiriy. pp. 78-85.

The author of the first Uzbek novel "Days Gone By", the most influential writer in 20th century Uzbek literature Abdulla Qodiriy and the founder of Mogul Empire in India, Zahiriddin Muhammad Babur had comparable personalities in their character, interests, and views of society and nature. This resemblance can be detected in their books. This article analyses and compares these historical figures as authors, and their literary style, manner of expression and description of personalities of their characters, places, and human feelings.



20 yilda – 250 durdona

Жалолиддин Румий дафн этилган шаҳар – Қўниёда яшовчи бир киши қадимий китобларни йиғар, савдогарлар унга Онадўлидан қоп-қоп китоб келтирар экан. “Ҳар гал қопларни очаётганимда, ажабо, энди қандай китоб чиқаркан, “Қутадғу билиг” каби нодир бир кўлёммаи ё “Девону луғатит-турк” сингари кўхна бир асарми – шу ҳаёлда худди чимилдиққа кираётган куёвдек ҳаяжонланар эдим”, дер экан у зот. Биз ҳам ҳар гал “Жаҳон адабиёти” журналининг янги сонини қўлга олганимизда, яна қандай янги асар таржима қилинди экан, адабий бисотимиз яна қандай дурдона билан бойиди экан, дея ўша кўниёлик китоб муҳибидан кам ҳаяжонланмаймиз. Кунфуцийнинг “Билим олишга интиладиганларга эргаш, билмаслигини англамаганларнинг кўзини оч, билмаслигини билгувчиларга ўргат, билмаслигини билатуриб, билим олишни ихтиёр қилмаганлардан қоч”, деган ўгити бор. Бу ҳикматни қалбига чуқур нақшлаб олган “Жаҳон адабиёти” аҳли, йигирма йилдирки, дунё сўз санъатининг сара-сара асарларини ўзбек тилида чоп этиб, бизга Олам ва Одамни янги-янги қирралари билан англадиб келаётир.

Икки ўн йилликда икки юз элликта йирик бадиий ва мемуар асарнинг она тилимизда эълон қилиниши ҳазилакам иш эмас! Бебаҳо адабий бойлик, беқиёс маънавий хазина эгаси бўлганимиз шу-да!

Жаҳонга бўйлаётган мажалланинг бош вазифаси муттасил ижодий изланиш ва таржима маҳоратини ошириш орқали журналхонларнинг бадиий-эстетик дидини ўстиришдан иборат. Устоз Озод Шарафиддинов йўлини давом эттиришга бел боғлаган таҳририят бугун зиммасидаги вазифа нечоғли шарафли, айни чоқда, залворли эканини яхши англайди, назаримизда.

XXI аср инсониятга бағоят чигал жумбоқларни “туҳфа” этмоқда. Йилдан-йилга мураккаблашиб, ўзидан, моҳиятидан узоқлашиб бораётган дунёни қутқариш – инсоннинг ўзини асраш, курраи заминда тирикликни сақлаб қолиш муаммоси олдида ҳеч гап бўлмай қолди. Бундай шароитда эса Сўз, Адабиёт, Тафаккур ва Идрок халоскор кучга, нототбахш воситага айланади. Навқирон йигит ёшидаги мажаллада эса ана шундай оғир юкни елкага олмоққа иштиёқ ҳам, шижоат ҳам бор...

Йўлинг ҳамиша ойдин бўлсин, “Жаҳон адабиёти”!

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ



қўб 10797


Нашр кўрсаткичи: 839/870
Баҳоси келишилган, нархда

ТАФАККУР

ТАФАККУР 2/2017



ISSN 2010-6491



9 772010 649005